Маълумки, инсон вафот этиши биланоқ унинг яқинлари учун азадорлик ҳолати кучга кирган. Аза тутиш ислом динидаги барча халқларда, жумладан, фарғоналикларда ҳам маълум бир умумий расм-русумларга асосланган. Мархумнинг яқин аёл қариндош-уруғлари аза либосини кийганлар. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, водийнинг турли этник жамоаларида аза кийимларида муайян бир фарқлар кўзга ташланади. Чунончи, водийнинг аксарият ўтроқ аҳолисида аёллар азадорлик рамзи сифатида кўк ёки ҳаворанг кўйлак кийганлар. Эр-хотин Наливкинлар фарғоналик ўтроқ аҳолида аёллар азадорлик белгиси сифатида кўк кўйлак ва унинг устидан қора рангдаги халатни кийганлигини айтиб ўтадилар [1,234]. Умуман, кўк ранга мотам, азадорлик рамзи деб қараш кўплаб ҳолларда учрайди [8]. Айни вақтда мусулмон аёллари азадорлик рамзи сифатида бошқа рангдаги кўйлаklarини ҳам кийганлар. Масалан, Фарғона вилоятидаги Аввал қишлоғида яшаган аёллар отаси вафот этса, қора матодан, онаси вафот этса, кўк матодан азадорлик кўйлагини кийганлар [2,148]. М.С.Андреев гувоҳлик беришича, Наманган вилояти Косон туманида яшовчи тожикларда эри ўлган аёл қора матодан, бошқа азадорлар эса кўк рангдан кўйлак кийганлар [3,115]. Дарвоқе, Фарғона водийси аҳолиси орасида азадор аёлларга нисбатан ҳозирда ҳам «кўк кийди», «кўки бор» каби иборалар ишлатилади. Водийлик қирғизларда бу удум ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жанубий қирғизларда эри ўлган аёл қора кўйлак ва қора камзул кийган. Ушбу этник жамоаларда қизил ранг ҳам мотам рамзи ҳисобланган. Бева аёл азадорлик белгиси сифатида аксарият ҳолларда пешонасини қизил рангли дурра билан боғлаб олган [6,69]. Таъзияда иштирок қилаётган аёлларга ҳам шу рангдаги рўмол, эркаларга эса чорси (белбоғ) улашилган.

Азадорлик нафақат кийимларида, балки мархум яқинларининг турмуш

тарзида ҳам намоён бўлади. Азадорлик ўйин-кулги, хурсандчилик ва тўй-томоша, байрамларда иштирок қилишлари марҳум хотирасига нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланган. Эркаклар махсус аза кийимларини узоқ вақт кийиб юрмасаларда, юқоридаги удумга риоя қилган ҳолда, соч-соқолларини олдирмаганлар. Қирғизлар азадорлик белгиси сифатида ҳатто тирноқларини ҳам олмаганлар [6,69].

Аза тутиш муддати ҳам марҳумга қариндошлик даражасидан келиб чиқиб, турли вақтга қадар чўзилган. Марҳумнинг яқин аёл қариндошлари (онаси, хотини, опа-синглиси) учун бу ҳолат одатда вафот этган кишининг «йили», «йил оши»га қадар давом этган. Айрим ҳолларда эса аёллар ихтиёрий равишда икки-уч йилга қадар ҳам аза тутганлар. Сўхлик тожикларда аёл кишиларнинг азадорлик даври ҳатто етти йилга қадар чўзилган [2,148]. Ислом дини бу қадар узоқ муддат аза тутишликни маъқул ҳисобламайди. Ҳадисда айтилишича, «Оллоҳга ва охират кунига ишонган аёлнинг ўликка уч кундан ортиқ аза тутмоғи макруҳдир, эри ўлсагина тўрт ой-ю уч кун мотамда бўлғайдир» [9,346]. Гап бу ерда аёл киши томонидан «идда» («иддат») сақлаш тартиби ҳақида кетмоқда. Шариат бўйича эри ўлган аёлга тўрт ой-ю уч кун муддат бошқа эркакка турмушга чиқиши тақиқланади. Негаки, бу муддат ичида аёл кишининг марҳум эридан ҳомиласи бор ёки йўқлиги аниқланган. Агарда у ҳомиладор бўлса, фарзанд туғилгунга қадар бошқа эркак билан никоҳланиши ман қилинади.

Аза тутиш билан боғлиқ расм-русумлар бевосита марҳумни хотирлашга доир маросимлар билан қўшилиб кетган. Марҳумни хотирлаш билан боғлиқ ҳолдаги маросимлар эса анчагина. Булар ичида марҳумнинг «учи», «еттиси», «йигирмаси», «қирқи» ва «йили», деб номланувчи маросимлар асосийларидир.

Бундан ташқари, ўтмишда бир йилга қадар ва ундан кейинги даврда ҳам марҳумнинг руҳига бағишлаб ўтказиладиган «пайшанбалик», «маърака», «оқ кийди», «қада» каби маросимлар ҳам алоҳида аҳамият касб

қилган. Айниқса, мусулмончилик фарзларидан бири саналган рўзанинг тугаши билан нишонланадиган байрамларда марҳум хотирасига бағишлаб алоҳида маросим ўтказилган. Айрим дарахтларнинг гуллаши, қовун пишиғи, илк бор қор ёғиши билан боғлиқ ҳолда ҳам водийнинг ўтроқ аҳолисида марҳумни ўзига хос тарзда хотиралаш маросимлари ташкил этилган [10].

Шу ва шу каби расм-русум ва маросимларни ўтказишда ҳам биз этник ўзига хослик билан бирга этнослараро алоқаларни намоён бўлишини кузатдик. Масалан, илк бор атиргул очилганда, қовун пишганда ёки биринчи бор қор ёққанда марҳум хотирасига бағишлаб маросим ўтказиш, юқорида таъкидлаганимиздек, азалий деҳқончилик билан шуғулланувчи халқлар учун хосдир. Лекин XIX–XX аср бошларида бу каби маросимлар водийнинг ўтроқлашган қирғиз этник гуруҳлари орасида ҳам оммалашдики, бу, шубҳасиз, этномаданий алоқаларнинг оқибатидир. Зеро, дарахт гуллари, полиз экинларнинг етилиб пишиши ҳамда қор ёғиши билан боғлиқ марҳум руҳига бағишлаб бундай махсус маросимларни ўтказиш кўчманчи чорвадор халқлар учун, жумладан, қирғизлар учун анъанавий ҳисобланмайди.

Умуман, азалий чорвадор халқларнинг марҳумни хотиралаш билан боғлиқ бундай расм-русум ва маросимларида кўчманчилик турмуш тарзига хос бўлган бир қанча жиҳатлар акс этиб туради. Маълумки, марҳум вафот этганига бир йил тўлиши барча халқларда катта эътибор билан қайд этилади. Деярли барча этник жамоалар ушбу санани ўзига хос расм-русум ва маросимлар билан нишонлаганлар. Марҳум руҳига бағишлаб қурбонлик қилганлар ва турли хилдаги маросимий таомлар тайёрланиб, исломий ёки исломлашган ирим ва расм-русумлар адо этилган. Ўтмишда чорвадор халқларда марҳумнинг йилига бағишлаб ўтказиладиган маросимда пойга, улоқ, кураш каби анъанавий халқ ўйинларини уюштириш одати кенг тарқалган эди [11,175-178]. Бундай оммавий томошалар,

## ТАРИХ

албатта, катта сарф-харажат талаб қилган. Шу сабаб бундай тадбирларни, асосан, ўзига тўқ ва бой хўжаликларгина ташкил эта олганлар, албатта.

Хуллас, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиё худудида, жумладан, Фарғона водийсида яшаётган ўзбек, тожик, қирғиз, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа маҳаллий этник жамоаларнинг оилавий урф-одат ва маросимларида, хусусан, дафн маросимларида умумий жиҳатлар устувор эди. Бундай ўхшашлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, бу,

ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи бир эканлиги, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шаклланганлиги билан изоҳланади.

Хуллас, Фарғона водийси халқларининг анъанавий дафн ва таъзия маросимларини таҳлил қилишдан аён бўладики, яқин ўтмишда ҳам қадимги даврларга хос бўлган бир қатор архаик элементлар барча этник жамоалар турмуш тарзида нафақат сақланиб қолган эди, балки муҳим аҳамият касб этган.

## Адабиётлар:

1. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань — 1886 г.; Ершов Н.И. Похороны и поминки у таджиков Исфары // Этнография Таджикистана.- Душанбе 1985. С.48-54; Аширов А.А. (Ўзбек халқи мотам маросимида зардуштийлик излари // O`zbekiston ta'rixi.-2002.-№1, Турсунов Б.Р. Особенности семьи, семейных обрядов населения Ферганской долины в XX веке (на примере Конибодомского оазиса).: Афтореф. дисс. ... к.и.н. -Т., 2002.
2. Кармышева Б. Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. -М.: Наука, 1986.
3. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. (Верховья Аму-Дарьи). Выпуск I. Научное издание. — Сталинабад: Издательство Академии наук Таджикской ССР, 1953. Рахимов М. Обычаи и обряды, связанные со смертью и похороны у таджиков Куябикой // ИООН. АН ТаджССР. Вып. 3.-Душанбе, 1953.
4. Дала ёзувлари. 2002. Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани.
5. Дала ёзувлари. 2002. Наманган вилояти. Чуст тумани Ғова қишлоғи.
6. Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Ф.— 1972 г.
7. Дала ёзувлари. 2002. Андижон вилояти Хўжаобод тумани.
8. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг.-Т., 1990.
9. Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1996 г.
10. Исмоил ал – Бухарий. Ҳадис, 1-китоб.-Т., 1991.
11. Юқоридаги маросимлар ҳақида қаранг: Таджики Каратегина и Дарваза. С. 155-162; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари...; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов И. Ўзбек оиласи тарихидан.-Т., 1995.
12. Ушбу оммавий томошалар ҳақида батафсил қаранг: Шаниязов К. Узбеки - карлуки : (Ист.-этногр. очерк) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. – Т. : Наука, 1964.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори, профессор)

УДК: 378+.009.01

## НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ СОТРУДНИЧЕСТВА ЕС С РЕСПУБЛИКОЙ УЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

### SOME FEATURES OF EU COOPERATION WITH THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF EDUCATION

Турсунмуратов Турдимурат Махаматкулович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Турсунмуратов Турдимурат Махаматкулович - доктор политических наук, проректор Университета Инха в городе Ташкенте, доцент Международной Исламской Академии Узбекистана.

#### Аннотация

В статье рассматриваются вопросы двустороннего и многостороннего сотрудничества ЕС с Республикой Узбекистан. Автором изучен уровень влияния образования на отдельные сферы производственных сил. Оценены место и роль высшего образования в политике государства евроатлантических структур, а также роль высших учебных заведений в национальном и региональном развитии западных стран. Проанализированы процессы реализации совместных проектов Темпус и Эрасмус + в рамках сотрудничества между ЕС и Республикой Узбекистан.

#### Аннотация

Мақолада ЕИ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган. Муаллиф таълимнинг ишлаб чиқариш кучларининг айрим соҳаларига таъсир даражасини ўрганган. Евро Иттифоқ тузилмалари сиёсатида олий таълимнинг ўрни ва роли, шунингдек, Ғарб мамлакатларининг миллий ва минтақавий ривожланишида олий таълим муассасаларининг ўрни баҳоланган. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида қўшма Tempus ва Erasmus + лойиҳаларини амалга ошириш жараёнлари таҳлил қилинган.

#### Annotation

The article discusses the issues of bilateral and multilateral cooperation between the EU and the Republic of Uzbekistan. The author studied the extent of the impact of education on some areas of the productive forces. The role of higher education in the policy of the Euro-Atlantic structures, as well as the role of higher education institutions in the national and regional development of Western countries were evaluated. The processes of implementation of Joint Tempus and Erasmus + projects within the framework of cooperation between the European Union and the Republic of Uzbekistan have been analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** Европа Иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси, ҳамкорлик, олий таълим, миллий ва минтақавий ривожланиш, Tempus ва Erasmus.

**Ключевые слова и выражения:** Европейский Союз, Республика Узбекистан, сотрудничество, высшее образование, национальное и региональное развитие, Tempus и Эрасмус.

**Key words and expressions:** European Union, the Republic of Uzbekistan, cooperation, higher education, national and regional development, Tempus and Erasmus.

В условиях всемирного технологического развития, степень эффективности существующих систем подготовки кадров высокой квалификации оказывает существенное воздействие на устойчивое развитие Узбекистана. Связь образования и устойчивого развития страны продиктована тесным сосуществованием этой безопасности с человеческим капиталом. При таком условии становится очевидным, что

именно система образования – это та среда, которая формирует личность и мировоззрение, взгляды и интеллект, нравственность отдельного человека и социума в целом. Также система образования влияет на способность общества быть самостоятельным и независимым в вопросах развития.

Согласно экспертным мнениям, безопасность государства, с точки зрения стратегического плана, может быть



## ТАРИХ

определена уровнем развития образовательной сферы. Это та сфера, которая представляет собой особый механизм, определяющий всемерное развитие, мобилизацию и актуализацию совокупной интеллектуальной составляющей общества.

Роль и значение образовательной сферы в вопросах национальной безопасности обусловлена тем, что эта сфера – своего рода механизм сохранения и воспроизводства идентичности общества, а также каждого входящего в это общество отдельного человека.

Образование – это то, что способно обеспечить безопасность на любых обозримых уровнях. Среди них – безопасность личности, безопасность общества и даже целой страны. При этом важно подчеркнуть: без квалифицированных индивидов становятся невозможными устойчивые результаты как в экономической, так и в военной отраслях государства. В нынешней мировой ситуации именно мобилизация интеллектуального потенциала способна обеспечить могущество любому государству.

Что касается республики Узбекистан, остроту и важность приобрели вопросы развития образовательной сферы с самого начала ее независимости. Государством проводилась огромная работа по обучению подрастающего поколения новейшим знаниям и навыкам, которые соответствовали мировым стандартам, а также совершалась работа по воспитанию и формированию здоровых, зрелых граждан. Также в республике внедрялись многочисленные программы, направленные на содействие развитию талантливой молодежи, воспитанию патриотизма.

Исследуя данные о содержании, целях и методах политики в сфере образования евроатлантических структур, в том числе Евросоюза, следует выделить связи государственной политики с системами национальной безопасности и непосредственно образования.

Среди приоритетов евроатлантических стран в сфере государственной политики выделяется акцент на конкурентоспособность. Это позволяет поддерживать экономику и нацпроекты, в частности, затрагивающие повышение качественных показателей образовательной сферы. На ее развитие влияют и проблемы национальной безопасности.

Так, с середины прошлого века осознание необходимости регулирования высшего образования государством обрело особенную остроту и актуальность. Например, в Соединенных Штатах исторически сложилось, что наука, исследования и разработки сконцентрировались в своеобразных центрах – преимущественно в университетах. Факт размещения военных заказов именно в них стал дополнительным стимулом к принятию мер по развитию высшей школы. Вторая мировая война, запуск СССР спутника в конце 50-х гг. – те факторы, которые нашли отражение в виде импульсов к ускоренному совершенствованию регулирования образовательной сферы. Что касается Европы, в это время там начали возникать первые образцы корпоративных высших учебных заведений.

Вместе с тем непрерывно возрастало влияние образования на все сферы производственных сил. Высшее образование – это приоритет в политике множества государств евроатлантических структур, не меньший, чем оборонная сфера. При этом роль множества университетов в региональном развитии на рубеже XX-XXI вв. только усилилась.

На фоне глобального финансового кризиса 2008 г. и начавшегося вместе с ним образовательного кризиса, ЕС было заострено внимание на резервировании и расширении возможностей рабочих специальностей, а также на улучшении подготовительной работы с новыми рабочими специальностями. В целях решения трудностей обучения кадров новым профессиям, в 2010 г. Еврокомиссия ввела проект «Новые навыки для новых рабочих мест». Тогда же был разработан «План обучения

новым навыкам и создания рабочих мест», а также положено начало созданию «Евро классификатора навыков, компетенций и профессий», коротко именуемого «ESCO».

Чтобы обеспечить профессионалами экономики развитых членов Европейского Союза в послекризисное время, был введен проект «Молодежная мобильность», разработаны «Предложения по содействию мобильности молодежи для получения ею образования», направленные на граждан от 16 до 35 лет. Также принимались меры обеспечения для студентов. Следует обратить внимание на программу «Образование для устойчивого развития» («ESD»), где важное место отведено экологической и духовной подготовке учеников так, чтобы они берегли природные ресурсы не только в процессе осуществления профессиональной деятельности, но и в бытовой жизни.

Европейский Союз, имея в распоряжении уникальные технологии в образовательной сфере, способен полностью обеспечить себя квалифицированными кадрами для всевозможных сфер не только государственной, но и общественной деятельности.

Основной принцип образовательной сферы Европы заключается в ориентировании обучения на обеспечение устойчивости государства, а также на достижение задач развития на десятки лет вперед, возвращение и развитие демократии, эффективное управление страной, соблюдение прав и главенство законодательства.

Для увеличения продуктивности работы высшего образования в Европе составлен и введен в действие ряд документов, которые вошли в «Болонский процесс». К ним можно отнести:

- Сорбонскую декларацию от 1998 г.;
- Болонскую декларацию от 1999 г.;
- Пражское коммюнике от 2001г.

Перечисленные документы рассматривают преимущественно структурные реформирования высшего образования в Евроне, а также партнерство и непрерывность обучения, приоритет диалога со студенчеством по вопросам создания новейших образовательных систем.

ЕС в рамках реализации плана по Центральноазиатскому региону в коллаборации со странами этого региона непрерывно реализует программы, направленные на совершенствование систем высшего образования.

Что касается конкретно Узбекистана, то с 2007 по 2014 гг. была реализована программа «Эрасмус Мундис», по которой был осуществлен академический обмен. «Темпус» и «Эрасмус+», рассчитанные на тот же обмен, обрели особенное значение во всей образовательной сфере Центральноазиатского региона. Помимо названных проектов, действовала также так называемая «Индикативная программа» (2011-2013 гг.). Она охватывала и затрагивала партнерские отношения, которые были нацелены на сферу образования, науку, а также связи отдельного человека с обществом и наоборот – общества с отдельным человеком.

Основной задачей «Темпуса» (2007-2013 гг.) было поддержание преобразований в образовательной сфере стран Востока, Средиземноморья, Азии, Балкан через введение объединенных проектов при участии передовых европейских вузов.

Сотрудничество Европы и Центральноазиатского региона – это особенно важный элемент негосударственных отношений ЕС и политики международного сотрудничества, который направлен на укрепление всевозможных (экономических, культурных и т.п.) связей Европы и Азии, с другими потенциальными странами-партнерами.

«Темпус» и принимавшие в ней участие поспособствовали принятию решения по сближению принципов «Болонского процесса» с текущей

## ТАРИХ

партнерской ситуацией. С этой точки зрения выделяются семинары по Европейскому опыту в создании и внедрении докторских учебных программ, вступивших в действие в Ташкенте во втором квартале 2013 г..

Трудно не признать продуктивность «Темпуса». В частности, Еврокомиссией было принято решение о включении в образовательную программу «Erasmus+» (2014-2020 гг.) основных принципов, характерных «Темпусу».

К 2014 г. Евросоюз запустил в образовательной сфере программу «Erasmus+», которая предусматривает создание возможностей для множества студентов, докторов и профессоров вузов в принятии участия во временных, непродолжительных учебных программах. Так, они смогли обучаться в магистратуре и докторантуре, повышать свои профессиональные навыки до необходимого уровня в университетах Европы. Данная программа также предусматривает и предоставляет возможности двустороннего академического обмена между вузами Европы и странами ЦА по участию в проектах развития потенциала (Capacity Building in Higher Education).

«Erasmus+» является программой, которая дает возможности множеству студентов, докторов, педагогов и других работников высших учебных заведений. Эти возможности касаются прохождения кратких курсов обучения или повышения уровня навыков и знаний в большинстве учебных заведений Европы. Это предусмотрено программами «Credit Mobility» и «Joint Master Degrees». На условиях партнерства с вузами Европы, команды Узбекистана смогли принять участие в различных проектах по развитию личного, интеллектуального и практического потенциала, предусматривающих содействие Министерству образования в вопросах решения актуальных задач по реформированию высшего образования.

Как отмечают эксперты, «Erasmus+» – программа, разработанная в Европейском Союзе, направленная на развитие образовательной сферы, профессиональное обучение подростков

и молодежи, профессионального кадрового состава на 2014-2020 гг.

Примечательно, что «Erasmus+» включает в себя опыт и результаты, полученные в процессе реализации других программ в сфере международного сотрудничества по образовательным отраслям («Темпус», «Эразмус-Мундус» и т.п.). По итогам четвертого конкурса «Erasmus+», подведенного в 2018 г., прослеживается огромная заинтересованность вузов Узбекистана в участии в программе.

Обозначенный ЕС в Центральноазиатском регионе ориентир – «Европейская Образовательная Инициатива (ЕОН)» – формировался для начальных, средних и высших учебных программ. ЕОН позволяла педагогам и обучающимся выезжать по обменным программам, она востребована и популярна по сей день. При этом стоит отметить, что в рамках политики партнерства и связей ЕС с Азиатским регионом, программа имеет ряд нюансов.

В самом начале она проводилась под главенством Гендиректората Еврокомиссии по вопросам образования и культуры. Спустя годы, все основные темы, касающиеся образовательных процессов и развития программ образования, перешли в подчинение руководству оказания внешней помощи и партнерства Европейской Комиссии. Несмотря на это, Совет Европы и участники Союза сохраняют возможность содействия в образовательной сфере.

Ориентир на дальнейшее развитие Узбекистана на 2017-2021 гг. стал точкой опоры для последующего направления усилий на совершенствование системы подготовки профессионалов с высоким уровнем квалификации: педагогов, студентов, докторов и других научных кадров. Все это – на основе международных стандартов и требований внедряемых зарубежных образовательных программ.

На сегодняшний день проводится активная работа по развитию процесса интернационализации через расширение сети филиалов престижнейших вузов ЕС через создание совместных факультативных программ.

Примечательно, что все большее количество дисциплин преподаются на английском языке. Огромную роль в продуктивности и масштабности разрешения всех существующих задач, стоящих перед правительством в сфере совершенствования образовательной отрасли Узбекистана играет международное сотрудничество, в частности, его основное направление – работа с университетами ЕС в рамках программы «Erasmus+».

Именно благодаря развитию всевозможных направлений партнерства и связей, широким возможностям принятия участия в конкурсах международных грантов, «Erasmus+» сохраняет свою первоочередную функцию – роль инструмента сотрудничества высших учебных заведений Узбекистана и ЕС.

С учетом роста числа вузов «Erasmus+» должен непременно расширить свой охват и взять под опеку тех, для кого такое сотрудничество станет возможностью установления тесных связей и партнерства на долгие годы. Кроме того, программа способна предоставить возможности усиления партнерских отношений между высшими учебными заведениями Центральноазиатского региона, стран СНГ и другими точками планеты. Огромная значимость принадлежит проектам по преобразованию материально-технической базы вузов, поскольку порядка трети бюджетных средств проектов расходуется на приобретение специализированного оборудования для оснащения лабораторий, а также на закупку программ современной литературы учебным материалам.

Таким образом, сотрудничество ЕС с Республикой Узбекистан в области образования позитивно влияет на процесс осуществления реформ в этой сфере. Данное влияние также способствует эффективной реализации задач по развитию международного сотрудничества между отечественными высшими учебными заведениями и университетами стран Европейского Союза.

Тем временем, как показывают результаты исследований, социальные программы ЕС, в частности, – проекты образовательной сферы, имеют влияние на ограниченный контингент узбекского общества, состоящий из представителей научных и академических кругов. Несмотря на прилагаемые усилия, значительная часть университетов в силу отсутствия необходимого научного и академического потенциала, не смогут принять активное участие в проектах, предложенных европейской стороной.

Наряду с этим, следует отметить, что в рамках сотрудничества ЕС с Республикой Узбекистан в социальной сфере, в частности, в области образования, не осуществляется мониторинг процесса «утечки мозгов», не изучаются вопросы сохранения национальной идентичности государства в условиях глобализации академических процессов и научных исследований. В этом контексте представляется целесообразным разработку «Концепции об укреплении устойчивости страны к применяемой извне «Мягкой силы»» («Soft power»), где должны быть учтены все вероятные угрозы нетрадиционного характера.

#### Литература:

1. Национальная безопасность и образование в условиях управляемого хаоса /С. В. Камашев // Философия образования. - 2013. - № 5 (50).
2. Стандарты и директивы для агентств гарантии качества в высшем образовании на территории Европы [Электронный ресурс]. - Режим доступа: [http://orensau.ru/ru/prochiedokumenty/doc\\_view/549](http://orensau.ru/ru/prochiedokumenty/doc_view/549)
3. Европейские подходы к оценке качества образования. [Электронный ресурс].-Режим доступа: [http://www.ibe.unesco.org/cops/russian/EU\\_App\\_Edu\\_Quality\\_%20Assesment.pdf](http://www.ibe.unesco.org/cops/russian/EU_App_Edu_Quality_%20Assesment.pdf)
4. Программа сотрудничества в области высшего образования Erasmus+[Электронный ресурс]. -Режим доступа: <http://www.erasmusplus.uz/ru/Information-about-the-projects/Zrazmus-plus/index.htm>

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)

## “ХЎЖА”ЛАР ТОИФАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИДАН

## ИЗ ИСТОРИИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ СОСЛОВИЯ «ХОДЖА»

## FROM THE HISTORY OF THE EMERGENCE OF THE «KHOJA» ESTATE

Алохунов Алишер Аҳмаджонович<sup>1</sup><sup>1</sup>Алохунов Алишер Аҳмаджонович

–Фарғона давлат университети жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

**Аннотация**

Мақола Ўрта Осиёнинг қатор ҳудудларида муайян этнографик гуруҳ сифатида шаклланган аҳоли гуруҳини англатувчи этноним – “хўжа” тоифасининг келиб чиқиши ва шаклланишига бағишланган. Унда аҳолининг ушбу тоифаси Ўрта Осиёдан ташқари, Қозоғистон, Қошғар, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида ҳам учраши ва у турли маъноларда қўлланилганлиги, оқсаяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлиги каби маълумотлар таҳлил қилинган.

**Аннотация**

Данная статья освещает происхождение и формирование сословия «ходжа», означавшее этноним определенной этнографической группы, сформировавшейся в некоторых регионах Средней Азии. Проанализированы сведения о том, что данная категория населения кроме Средней Азии встречается в Казахстане, Кашгаре, Среднем и Ближнем Востоке и как аристократическое сословие имела определенные привилегии.

**Annotation**

This article highlights the origin and formation of the "Khoja" estate, which meant the ethnonym of a certain ethnographic group that formed in some regions of Central Asia. The information is analyzed that this category of the population, outside of Central Asia, is found in Kazakhstan, Kashgar, the Middle and Near East, and as an aristocratic class had definite privileges.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ўрта Осиё, топонимик материаллар, этноним, хўжа атамаси, аҳоли тоифаси, ижтимоий маеќе, араблар, дин уламолари.

**Ключевые слова и выражения:** Средняя Азия, топонимические материалы, этноним, термин “ходжа”, сословие, социальный статус, арабы, духовенство.

**Keywords and expressions:** Central Asia, toponymic materials, ethnonym, term “Khoja”, estate, social status, Arabs, clergy.

Ўрта Осиё инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири бўлиб, ушбу ҳудуд тарихий даврнинг маълум босқичларида турли халқлар фаолияти ва кураши майдонига айланган. Бу ҳудуд аҳолиси ҳақида турли даврларда қолдирилган тарихий ёдгорликлар, ёзма манбалар, шу жумладан, топонимик материаллар маълумот беради. Ўрта Осиё тарихи учун топонимиянинг аҳамияти ҳақида ХХ асрнинг бошларидаёқ бир гуруҳ тадқиқотчилар алоҳида тўхталиб ўтганлар. Жумладан, А.Вамбери, В.Л.Вяткин, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Э.М.Мурзаев, Я.Фулломов, С.Г.Кляшторний, Ф.Абдуллаев каби атоқли шарқшунослар Ўрта Осиё топонимикасига доир талай мақолалар ёзганлар [15,4].

Ўрта Осиё тарихига назар ташланса, бу ерга тааллуқли топонимлар орасида “хўжа” атамаси ҳам кенг тарқалган бўлиб, баъзи адабиётларда “хваджа” шаклида учрашини кўриш мумкин [10,222].

Хўжа атамаси нафақат қишлоқлар, балки алоҳида манзилгоҳлар, зиёратгоҳлар, суғориш каналлари, ҳатто қишлоқ ёки алоҳида хўжаликларга ажратиб берилган суғориш иншоотлари бир қисмининг номи сифатида ҳам учрайди. Бу атама Ўрта Осиёнинг қатор ҳудудларида муайян этнографик гуруҳ сифатида шаклланган аҳоли гуруҳини англатувчи этнонимдан ҳам келиб чиққан.

Этнографик гуруҳ – маълум бир этноснинг, яъни элат – халқнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан бири бўлиб, ўзига хос тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, турмуш

тарзининг баъзи бир томонлари билан муайян элатдан фарқ қилади. Этнографик гуруҳ, одатда, бир қабила ёки элатнинг бошқа ерга бориб иккинчи бир халқ таркибига кириб яшаётган, аммо унинг таркибига мутлақо сингиб кетмай, у билан бирга яшаб келаётган этник бирликка айтилади [14,77]. Масалан, собиқ совет ҳокимиятига қадар ўзбек халқи таркибидаги қипчоқлар, қурамалар, умуман олганда, кўчманчи туркий қабилалар этнографик гуруҳ ҳисобланган. Баъзи ҳолларда этнографик гуруҳ ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этнос таркибига қўшилиши туфайли ҳам пайдо бўлади. Бу хилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида маҳаллий халқнинг ичида яшаб, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини қабул қилиб, унинг таркибига сингиб кетган. Масалан, арабларнинг саййид ва хўжа тоифаси [4,21].

Аҳолининг хўжа тоифаси Ўрта Осиёдан ташқари, Қозоғистон, Қошғар, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида ҳам учрайди. Мазкур ҳудудларда хўжа атамаси турли маъноларда қўлланилиб, бундай кўп маънолилиқ ушбу сўзни ишлатган аҳолининг этник таркиби, хўжа сўзи қайси жиҳат билан боғлиқликда кўриб чиқилиши ва ҳоказоларга боғлиқ тарзда юзага келган.

“Хўжа”, “хваджа” атамаси келиб чиқишига кўра форсча бўлиб, “катта, бошлиқ” маъноларини англатган ва ушбу маънода турли халқлар орасида кенг тарқалган эди. “Хўжа” сўзи асосий маъносидан ташқари, турли даврда иккиламчи маъноларга ҳам эга бўлган. Ўрта Осиёда “хўжа” деб баъзан мулла, умуман ҳар қандай дин уламосига айтилган бўлса, қозоқ ва қирғизларда эски усул мактаби ўқитувчиларига нисбатан “хўжа” атамаси ишлатилган [11,185,392].

Бундан ташқари, Ўрта Осиё ва қўшни давлатларда хўжа сўзи “ёши улуг, эр”, шунингдек, “хўжайин, мулкдор, руҳан бой одам”га нисбатан, Туркия ва Эронда бирор бир касб эгасига нисбатан “табиб” ёки “ҳарам қаровчиси” сифатида ҳам қўлланилган. Масалан, Туркияда ўқитувчига нисбатан ҳалигача “хўжам”

атамаси ишлатилади. Шунингдек, бу атама баъзан обрўли унвон сифатида ҳам қўлланган [9,199]. Ушбу ҳолатга кўра, исмига хўжа сўзи қўшиб айтилган одамга катта эҳтиром кўрсатилган. Кўпинча хўжа деб олдинги замонларда имтиёзлардан фойдаланиб келган аҳолининг маълум бир табақаси ёки Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида уруғ-қабилавий гуруҳларга нисбатан айтилган [12,510].

Хўжа атамасининг юқорида кўрсатилган маънолари тарихда турли халқлар томонидан кўплаб ҳудудларда ишлатилган бўлса-да, атаманинг умумий маъноси, яъни келиб чиқиши арабларга боғланган шахсларга нисбатан ишлатилганлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади.

Маълумки, хўжалар саййидлардан фарқли равишда Пайғамбар хонадонига эмас, балки Чорёрлар деб аталган араб ҳалифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт ҳалифа – Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон ва Али ибн Абу Толибнинг Биби Фотимадан бошқа аёлидан кўрган фарзандлари авлодларига нисбатан айтиб келинган бўлиб, уларни ҳам “оқсуяклар” деб эъзозлаб келишган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилган изоҳ бу маълумотларни тасдиқлайди:

“1. Хўжа (форс ва тожик тилларига мансуб сўз) – ҳурматли, обрў-эътиборли киши, хўжайин, соҳиб; савдогар, мураббий;

2. Хўжа – ўзларини чорёрларнинг авлодлари деб ҳисоблагувчи мусулмонларнинг фахрий номи;

3. Хўжа – Ўрта Осиёда маълум имтиёзга эга бўлган оқсуяклар ва уларнинг авлодлари”[1,167].

Шундай қилиб, қозоқлардаги ўқитувчи ҳам, усмонли турклардаги табиб ҳам, Ўрта Осиёдаги дин уламолари ҳам айрим ҳудудларда алоҳида уруғ ёки қабила бирлашмаси сифатида ажратилган муайян аҳоли гуруҳининг вакиллари бўлган.

Ҳозиргача Ўрта Осиё аҳолисининг мазкур гуруҳи бўйича бирор бир тизимли тадқиқотлар мавжуд эмас. Боз устига ушбу гуруҳ йўқолиб кетган, деган фикрлар ҳам мавжуд[7].

## ТАРИХ

Хўжаларда қиз фарзандларини оддий фуқарога бериш ман этилган. Академик Яҳё Ғуломовнинг ёзишича: “Хўжалар жамиятнинг оқсуяк ва имтиёзли табақаси ҳисоблангани боис оддий фуқаролар хўжа қизига уйланиш ҳуқуқига эга эмас эди. Хўжалар оддий фуқаролар, яъни “қорача”лардан келган совчиларга рад жавобини берардилар. Шу туфайли (хўжалардан ҳадеганда совчилар келавермагани оқибатида) хўжа қизлари вақтида турмушга чиқолмай, ота уйида “қари қиз” бўлиб, “ўтириб” қолардилар. Бундай ҳолларни ўз кўзи билан кўрган рус этнографларидан М.Наливкин ва В.Наливкина шундай деб ёзиб қолдиришган: “... Қари қиз бўлиб қолиш ҳоллари кам учрайди. Қари қизлар асосан хўжаларнинг қизлари орасида учрайди. Хўжалар ўзлари қорачаларнинг қизлари ва аёлларига уйланаверадилар, аммо ўз қизларини фақат хўжаларга берадилар. Халқ бу ҳол устидан қуйидаги мақоллари билан ҳам қулган: “Хўжадан қиз олиш – патирдан қил олиш” (патир оддий нонга нисбатан қаттиқ бўлганлиги сабабли, унинг ичида қолиб кетган қилни суғуриб олиб бўлмайди, суғуришга уриниб кўрилса, узилиб қолаверади) [13. 361].

Ҳақиқатан ҳам, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, араб қабилалари қиз беришдан олдин ҳам роса насабу ҳасабни суриштиришар эди. Оиласига тенг насабга эга бўлмаган кишига қиз беришмас эди. Бу эса насаб асосида айирмачилик қилиш, кишиларни камситиш, сен бизга тенг эмассан, дейишнинг кенг тарқалган тури эди. Шунинг учун Ислом бу муаммога ҳам алоҳида эътибор берди. Имом Абу Довуд ва ал-Ҳокимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Абу Ҳинд Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларидан қон олди. Шунда: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, эй Бани Баёза, Абу Ҳиндга қиз беринглар, ундан қиз олинглар», дедилар. Бани Баёза аслзода араб қабиласи эди. Абу Ҳинд эса, уларнинг озод қилган қули бўлиб, қон олувчилик қилар эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан юқоридаги амрни эшитиб, Бани баёзаликлар ҳайратга тушишди ва: «Эй Оллоҳнинг Расули, қандоқ қилиб

қизларимизни озод қилган қулларимизга берамиз?» дейишди. Шунда Оллоҳ таоло: «Эй одамлар! Албатта, биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда ўзаро танишишларингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Оллоҳнинг ҳузуринида энг ҳурматлигингиз энг тақволигингиздир» оятини нозил қилди. Демак, одамларни улар мансуб бўлган халқ, қабила, насаб-ҳасаб асосида фарқлаш, яхши-ёмон дейиш дуруст эмас. Шундан сўнг бу ҳукмга мусулмонлар оғишмай амал қила бошлашди. Ҳабашистонлик собиқ қора қул Билол ибн Рабоҳ розияллоҳу анҳу энг ҳурматли аёлга, Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудек улкан саҳобийнинг синглисига уйланди. Бошқа бир Қурайш қабиласилик аёл Фотима бинти Қайс розияллоҳу анҳога аслзода араблардан Абу Жаҳм ва Муовия розияллоҳу анҳулар совчилик қилган бўлсалар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни собиқ қулнинг ўғли, қора танли Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумога эрга тегишга тавсия қиладилар. Ибн Саъд ривоят қилишларича, Билол розияллоҳу анҳу укаси билан бир араб қабиласига совчи бўлиб бориб: «Мен – Билолман, манови укам Абдон, Ҳабашистонданмиз. Залолатда эдик, Оллоҳ ҳидоят қилди. Қул эдик, Оллоҳ озод қилди. Агар қиз берсангиз, Алҳамдулиллаҳ, бермасангиз Оллоҳу акбар!» деган. Шунда ҳалиги араблар, сен акаси бўлганингдан кейин албатта унга қиз берамиз-да, дейишган. Шундоқ қилиб ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқчилик ўз ўрнини топиб бораверган. Охир оқибат, Ислом жамияти тенг ҳуқуқчилик жамиятига айланган [16].

Хўжалар ислом оқсуяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар кўп ҳолларда ўлим, тан жазоси, урушларда қатнашиш ҳамда солиқ тўлаш каби жазо ва мажбуриятлардан озод этилганлар. Хўжалар табақа жиҳатидан саййидлардан кейинги ўринда турган [8,115].

Шуни айтиб ўтиш керакки, рус маъмурияти томонидан Туркистондаги ерга эгалик шаклларини тизимлаштиришга ҳаракат қилинганда

сохта хўжалар аниқланиб, уларнинг шажараси ё “йўқолган”, ё араблардан келиб чиқиши тасдиқланмаган ва ёки қалбаки бўлиб чиққан. В.Л.Вяткин ўзининг жўйбор шайхлари (хўжалари) ҳақидаги тадқиқотида аҳолининг баъзи қисмининг ўз шажарасига биринчи ҳалифалардан келиб чиққанлиги умумэътироф этилган шахслар исмини кўшиш сабаби ўз уруғи мавқеини кўтариш ва ҳимоя қилишдир, дея изоҳлайди.

Юқорида таъкидланганидек, хўжаларнинг араблардан келиб чиққанлиги борасида турли хил фикрлар айтилган. Баъзи манбаларда улар том маънодаги араблар бўлган дейилса, бошқаларида Ўрта Осиёни эгаллаган араб саркардаларининг авлодлари дейилади, учинчиларида эса, улар чор халифаларнинг ёки улардан бирининг ва, ниҳоят, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг авлодлари деб берилади [12. 510, 542].

Хўжаларнинг асл келиб чиқиши қандай бўлмасин ҳозиргача адабиётларда шажараси араблар билан боғланади; хўжаларнинг ўзи ва аҳоли ҳам шундай фикрда бўлган. Ушбу тоифанинг араблардан келиб чиқишига шубҳа билан қарашга ундовчи факт сифатида ХХ асрнинг 50-70 йилларида Фарғона ва Зарафшон водийлари ҳамда Тошкент воҳасида тўпланган дала материаллари келтирилади. Исмига “хўжа” кўшиб мурожаат қилинадиган фуқаролардан арабларга боғлиқлик масаласи хусусида сўралганида ўзларини араблардан келиб чиқишини рад этган. Улар ўз шажараларини маҳаллий деб ҳисоблаб, араблар келишидан аввал ҳам юқори мавқега эга бўлганликларини, уларнинг аجدодлари Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг уруғидек олийжаноб бўлганлиги, бу ҳудудлар уларнинг азалий ватани бўлганлигини таъкидлаганлар.

Хўжалар орасида тарқалган мулоқот тилига кўра, улар адабиётларда ўзбек хўжалар ва тожик хўжаларга бўлинади. Кўрсатилган икки гуруҳ хўжаларидан ташқари яна араб хўжалар ҳам бўлган.

Қорахонийлар давлатида ислом давлат дини деб эълон қилинган, Еттисувдаги мусулмон миссионерларининг таъсири кейинчалик

хўжа ва саййидларнинг сиёсий бошқарувга ўтишга интилишлари кўринишида давом этган. Ўша даврлардан бери хўжалар турли ижтимоий мавқеда яшаб келганлар. Улар орасида йирик ер эгалари ҳам, камбағал деҳқонлар ҳам бўлган. Энг машҳур заминдорлардан Бухородаги жўйбор хўжалари, Тошкентдаги Хожа Аҳрор ва унинг авлодларини мисол қилиш мумкин. В.В.Бартольд Х асрда Пойкенддаги суғориш тизимининг тузилишини тавсифлашда тўғонни тиклаш ишига айнан хўжалар (шайхлар) катта миқдорда пул сарфлаганликларини қайд этиб ўтган [5,201]. Айнан хўжалар доимо хонлардан ташландиқ ерларни ўзлаштиришга ёрлик олган, уларнинг фаолияти натижасида ушбу ҳудудлар ободонлаштирилган [2,123]. Солиқлардан озод этилган мулк ерлари эгаларининг катта қисми ҳам хўжалардан бўлган [3,55, 167].

Хўжаларнинг қўлида қозилик ва маориф соҳалари мансаб ва лавозимлари бўлган; одамларнинг маънавий ҳаётини изга солган; баъзида давлат ҳокимиятига ҳам ўз таъсирларини ўтказганлар [6,464. 501,506]. Бизга маълумки, Ўрта Осиёдаги уч хонликда ҳам хўжалар катта имтиёзларга эга бўлган. Масалан, Хива хонлигида улар солиқлардан, суғориш иншоотларини қуриш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлардан, урушларда бевосита иштирок этишдан озод этилган. Бухорода йирик ер эгалари бўлган хўжалар “нақиб” унвонига эга бўлиб, кўп ҳолатларда амир кенгашларига таклиф этилган ва маълум бир сўз соҳиби бўлганлар. Бойлиги нисбатан озроқ бўлган “иккинчи тоифа” хўжаларига мансаблар берилиб, улар орасида энг юқори мавқе хўжаи калон бўлиб, у сипоҳларга бошчилик қилган ва амир уни ўзидан ўнг томонга ўтказган.

Хўжаларга катта эҳтиром нафақат хонлар даврасида, балки халқ орасида ҳам кўрсатилган. Айтиш керакки, фақат бадавлат хўжаларга эмас, оддий деҳқон, ҳунарманд, савдогар, кичик амалдор бўлган хўжаларга ҳам шундай муносабатда бўлинган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё ўтроқ аҳолисининг муҳим



## ТАРИХ

компонентларидан ҳисобланган хўжалар синчковлик билан атрофлича тоифасининг келиб чиқиши ва шаклланиш ўрганилишни талаб этади. тарихи узоқ ва мураккаб бўлиб,

**Адабиётлар:**

1. Абдулаҳатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи. – Фарғона, 2013.
2. Абдураимов М.А. О малоизвестном источнике по истории аграрных отношений в Средней Азии XV в. – «Народы Азии и Африки», №3. 1968.
3. Абдураимов М.А. Позднейшие упоминания о суюргале. – «Общественные науки в Узбекистане». №2, 1961.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
5. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. – Соч. Т.3. – М., 1965.
6. Бартольд В.В. Коканд. Ташкент. Термез. – Соч. Т.3. – М., 1965.
7. Гулямов Я. «Хўджа» сўзи қаердан чиққан? – “Фан ва турмуш”, №1. 1970.
8. Зоир Чориев. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати (Қадимги ва ўрта асрлар). – Т.: “Шарқ”, 1999.
9. Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. – М., 1960.
10. Салахетдинова М.А. К исторической топонимике Балхской области. Палестинской сборник. Вып. 21 (84). – Л., 1970.
11. Казахско-русский словарь. 1936. //Киргизско-русский словарь. Под ред. Юдахина К.К. – М., 1965.
12. Узбекско-русский словарь. Под ред. А.К.Боровкова. – Москва, 1959.// Ўзбекча-русча луғат. – Т., 1941.
13. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.
14. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001.
15. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965.
16. <https://savollar.islom.uz/s/Зикр аҳлидан сўранг>

(Такризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)

УДК: 39.391(1,2,3)

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИ ЗАМОНАВИЙ КИЙИМЛАРИДАГИ  
АНЪАНАВИЙ ЖИХАТЛАР**

**ТРАДИЦИОННЫЕ ЧЕРТЫ В СОВРЕМЕННОЙ ОДЕЖДЕ КАРАКАЛПАКОВ  
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

**TRADITIONAL ASPECTS OF MODERN CLOTHES OF THE KARAKALPAK ETHNIC  
GROUPS OF FERGANA VALLEY**

**Атаханов Рафиқжон Сотволдиевич**

**Атаханов Рафиқжон Сотволдиевич**

– Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада Фарғона водийси қорақалпоқ этник гуруҳларининг кийимларидаги анъанавий жиҳатлар тарихий-этнографик аспектда ёритиб берилган. Ўзбек-қорақалпоқ этномаданий алоқаларининг интеграциялашув жараёнлари қиёсий таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье освещены традиционные аспекты одежды этнических групп каракалпакос Ферганской долины в историко-этнографическом плане. Сравнительно проанализирован процесс интеграции этнокультурных связей узбеков и каракалпакос.

**Annotation**

This article describes the traditional aspects of the clothes of the Karakalpak ethnic groups of Fergana Valley in historical and ethnographic terms. The process of integration of Uzbek and Karakalpak ethnocultural ties is compared.

**Таянч сўз ва иборалар:** этнос, этномаданият, моддий маданият, анъанавийлик, трансформация, интеграция, этнолокал, хом ашё, пахта, ипак, кийимлар, кийим турлари.

**Ключевые слова и выражения:** этнос, этнокультура, материальная культура, традиционность, трансформация, интеграция, этнолокальный, сырьё, хлопок, шелк, одежда, виды одежды.

**Keywords and expressions:** ethnos, ethnoculture, material culture, tradition, transformation, integration, ethnocultural, raw materials, cotton, silk, clothes, types of clothing.

Қадимий тарих ва ўзига хос маданиятга эга бўлган қорақалпоқларнинг асосий қисми бугунги кунда ўзларининг азалий юртлари Қорақалпоғистон ҳудудида яшамоқдалар. Айни вақтда тарих тақозоси билан XVIII асрдан бошлаб мазкур халқнинг айрим гуруҳлари Ўрта Осиёнинг, хусусан, Фарғона водийсининг қатор ҳудудларига кўчиб келиб жойлашган эдилар.

Фарғона водийсига кўчиб келиб жойлашган қорақалпоқлар бир неча юз йиллар давомида ўзбек этномаданий муҳитида яшаб келдилар. Водийлик қорақалпоқларнинг маҳаллий ўтроқ аҳоли билан этнослараро жараёнларда иштироки хўжалик-маданий алоқаларининг барча соҳаларида,

жумладан, улар анъанавий маданиятининг муҳим компоненти

ҳисобланган миллий кийимларида ҳам юз берди. Қуйида ушбу масаланинг илмий таҳлиliga тўхталамиз.

Фарғона водийси қорақалпоқларининг анъанавий кийимларига оид маълумотлар асосан Л.С.Толстованинг асарларида ёритилган [1;]. Шунингдек, бир қатор бошқа тадқиқотчиларнинг, хусусан Н.П.Лобачева [2;], О.А.Сухарева [3;], Т.А.Жданько [4;], Х.Есбергенов [5;], Р.Баллиева [6] ва У.С.Абдуллаев [7;] ларнинг асарларида ҳам қорақалпоқ халқининг анъанавий кийимлари ҳақида бир қанча маълумотлар мавжуд.

Тадқиқотчилар анъанавий халқ кийимлари моддий маданиятнинг асосий компонентларидан бири сифатида

## ТАРИХ

муайян этноснинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражасини ҳам кўрсатиб туришини таъкидлайдилар. Шу билан бирга кийимлар ҳар бир этник жамоанинг бошқа халқлар билан этномаданий алоқаларини ўзида акс эттиради. Бундай этномаданий алоқаларнинг жадал ёки сустиги эса албатта этник муҳитга боғлиқ.

Л.С.Толстова Фарғона водийси қорақалпоқларининг анъанавий кийимлари XIX – XX аср бошларида маҳаллий ўзбек, тожик ва қирғизларнинг кийимлари билан кўп жиҳатдан ўхшаш бўлганлиги, бундай ўхшаш жиҳатлар кўпроқ кийим-кечак тайёрланадиган матоларда намоён бўлишини таъкидлайди[1; 102-110, 156-162].

Бизга маълумки, этнология фанида аҳоли кийимларини ёшига қараб болалар, катталар ва кексалар либоси; жинсига қараб эса эркаклар ва аёллар кийими; қандай мақсадда кийинишига қараб байрам, маросим, кундалик ва иш кийимлари; ижтимоий ҳолатига қараб бой ва камбағаллар кийими ҳамда йилнинг фаслларида мос тарзда баҳорги, ёзги, кузги ва қишки кийимларга бўлинади[10; 16]. Шунингдек, ҳар бир кийим тури ўз ўрнида яна бир неча турга ажратиб кўрсатилади. Хусусан, ички кийимлар, устки, бош ва оёқ кийимлар шулар жумласидандир. Албатта, ушбу таснифлаш Фарғона қорақалпоқларининг анъанавий кийимлари учун ҳам хос бўлиб, уларнинг кийимлари асрлар давомида маҳаллий халқлар таъсирида ўзига хос умумийлик ва хусусийлик касб этган.

Фарғона қорақалпоқлари кийимлари асрлар давомида ўзининг бир қатор анъанавий ва ҳудудий жиҳатларни сақлаб келдилар. Бундай этник хусусиятлар асосан, уларнинг бош кийимларида, кийим безакларида, мато рангида, уни тўқишда ишлатилган хом ашё ҳамда ишлаб чиқариш қуролларида, шунингдек кийимларнинг бичими ва кўринишларида намоён бўлар эди.

Водий қорақалпоқ эркаклари ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи ўзбек ва бошқа халқлар каби ёзги енгил кийим сифатида асосан яқтак (“яхта”) кийганлар. Яқтак олд қисми очиқ, ёқасиз,

тўғноғич билан тўсиладиган учбурчак шаклдаги кенг, узун “тунуканусха (“жестеобразный”) усулда тикилган. Маҳаллий аҳолида бўлгани каби қорақалпоқларда ҳам яқтак устидан белбоғ (“белбеу”) боғлаб юриш одати бўлган. Маълумки, белбоғ Хоразм воҳасида яшаган қорақалпоқлар ичида ҳам кенг тарқалган [8,72]. Л.С.Толстованинг таъкидлашича, водий қорақалпоқларида қизил рангли ёки оқ бўз матодан тайёрланган белбоғни кийим устидан боғлаб юриш одат тусига кирган [1,104].

Эркаклар яқтакка мос равишда кенг қилиб тикилган иштон кийганлар. Шуни кўрсатиб ўтиш ўринлики, ёш эркаклар оқ бўз матодан тикилган кенг иштон кийишган. Қиш фаслида эса ушбу кийим устидан жундан ёки қалин матодан тикилган шим кийилган. Шим асосан қора рангли ип-газламадан тайёрланган [1,104].

Биринчи ва иккинчи кўринишдаги ёқали кўйлақлар этносларнинг ўзаро маданий алоқалари натижасида биридан иккинчисига ўтган. Жумладан, нўғай ёқа – *мўғуллардан*, қалмиқ ёқа – *қалмиқлардан* ўзлаштирилган бўлса керак. Эътиборли жиҳати шундаки, Фарғона қорақалпоқларида юқорида таъкидланган ҳар иккала кўринишдаги кўйлақлар учрамайди.

Водий қорақалпоқлари ҳам бир неча хил ва кўринишдаги бош кийимларни кийганлар. Эркаклар бош кийимлари аҳолининг ёши, жинси ва ижтимоий тоифасига қараб турли кўринишда бўлган. Эркаклар устки бош кийим сифатида ёзда дўппи, кекса ёшдагилари дўппига ўхшаш “оқ қулоқ” (“ак-куля”, “ак-кула”) кийиб, камдан-кам ҳолатларда унинг устидан салла ўраганлар. Л.С.Толстованинг ёзишича, XIX аср охирида водий қорақалпоқлари бу турдаги бош кийимни киймай қўйган эдилар [1,105]. Қиш мавсумида телпак, қулоқчин кийилган. Қишки бош кийимлари қўй ёки эчки терисидан тайёрланган.

Фарғона қорақалпоқларининг оёқ кийимлари қўй терисидан тикилган махси бўлиб, у калиш билан бирга кийилган. Махсилар товонсиз силлиқ тикилган.

Хонадон ташқарисига чиқиш, кўчаларда юриш учун мол терисидан тикилган этиклардан фойдаланилган. Оёқ кийими, унинг турлари ва кўриниши жиҳатидан маҳаллий ўзбек ва тожикларникига ўхшаш бўлган.

Эркаклар уст кийимларидан бири тўн ҳисобланиб, у маҳаллий барча этнослар томонидан кийилган ва энг кўп тарқалган устки кийим ҳисобланади. Тўн жуда қадимий кийим ҳисобланиб [11,31], Фарғона водийси аҳолисида “*пахтали тўн*”, “*авра тўн*”, “*авра-астар тўн*” каби номли нусхалари кенг тарқалган [7,111]. Мазкур устки кийимлар учун умумий бўлган жиҳат – бу, уларнинг олд томони очиқ қилиб тикилишидир. Этнолог У.Абдуллаевнинг фикрича, “*тўн*” атамаси кенг маъно касб қилиб, айтиш вақтида чопон, чакмон, пўстин каби устки кийимларни ҳам англатади [7,113]. Шуни ҳам айтиш керакки, “*чопон*” атамаси аксарият ҳолларда “*пахтали тўн*”га нисбатан ишлатилган. Асосий устки кийим ҳисобланган тўн аҳолининг жинси, ёши ва ижтимоий мансублигига қараб бир неча хилда бўлган. Тўн ўз аҳамиятига кўра, ҳозирга қадар ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ ва Ўрта Осиёнинг барча халқларида қадрланиб келинади. Фақат унинг тикилиши, ранги, тузилиши ҳамда хом ашёсининг тури билан бир-биридан фарқланади. Тўн кундалик доимий кийим эҳтиёжидан ташқари миллий анъана ва қадрият сифатида ҳам асрлар давомида этникликни белгиловчи маданият бўлиб хизмат қилиб келмоқда [12].

XIX аср охири – XX аср бошларида водий қорақалпоқлари тўнлари ўзбеклар тўнидан фарқ қилиб, нисбатан кенг тикилган. Камбағал оддий одамлар тўни бўздан, бойлар тўни эса ипақдан тикилган ва у ипақ тўн (“*жибек тон*”), деб аталган.

Қорақалпоқларда чопон кенг тарқалган. Ҳар хил чопон тикилган, шунингдек қавилган чопонлар ҳам ишлатилган [9,189]. Чопон устидан белбоғ, баъзан камар (“*қайис*”) боғлаб юрилган.

Маълумки, ўтмишда чорвачилик билан шуғулланган аҳолида ҳайвон (мол, қўй, эчки) терисидан устки кийим тайёрлаш анъаналари ривожланган.

Қорақалпоқлар ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа азалий чорвадор қирғиз ва қипчоқлар каби қўй терисидан пўстин тайёрлаганлар. Қорақалпоқлар кийган пўстин ўзбекларникига нисбатан кўполроқ бўлган. Қиш мавсумининг аёзли кунларида қорақалпоқлар тўн устидан пўстин ёки чакмон (“*шекпен*”) кийишни хуш кўрганлар. Ўрта Осиё халқларида кенг тарқалган бу устки кийимнинг бир неча хили тайёрланган. Т.А.Жданко қорақалпоқларнинг бу турдаги устки кийими ҳақида тўхталиб у туянинг жунидан тайёрланган мовутдан тикилиши боис “*жун шекпен*”, “*шал шекпен*” деб номланишини ёзган[8; 67].

Мазкур типдаги кийим Ўрта Осиёнинг турли халқларида турлича номланган. Жумладан, қирғизларда – “*чекпен*”, туркманларда – “*чекмен*”, тожикларда – “*чакмон*”, бошқирларда – “*секмен*” номи билан аталиб келинган[13; 176]. Кийимлардаги бундай яқинлик ва ўхшашлик Ўрта Осиё халқларининг маданий алоқалари қадимдан ривож топганлигидан далолат беради.

Ҳар бир халқнинг кийимларини ўрганиш мазкур халқ моддий маданиятининг этник мансублигини ёрқин ифодаловчи элементларидан биридир. Анъанавий аёллар кийимларидаги турли деталлар ва безаклар эса уларнинг тарихи, ижтимоий аҳволи ҳамда бошқа этномаданий алоқалари ривожланишидан дарак беради. Аёллар кийимлари бўйича тадқиқотларни кундалик кийимлар, байрам ва тўй кийимлари ҳамда мотам кийимларига бўлиб ўрганиш мумкин.

Фарғона қорақалпоқлари аёллар кийимлари ўзига хос этнолокал хусусиятлари билан бошқа халқлар кийимларидан ажралиб турган. Лекин, шу билан бирга узоқ вақт давомида ўзбеклар таъсирида истиқомат қилиб келган қорақалпоқ этник гуруҳлари аёллар кийимларида XIX аср охири – XX аср бошларидаги интеграцион ва консолидацион жараёнлар натижасида ўзгаришлар содир бўлди.

Фарғона қорақалпоқ аёллари кийимларининг муҳим жиҳатларидан бири уларнинг ўзига хос рангида эди. Л.С.Толстованинг тадқиқотларида

## ТАРИХ

қорақалпоқ аёллари қизил рангли кийимларни хуш кўрганлигини бир неча маротаба таъкидланади[1;106-110,159-160,179]. Ўз навбатида, респондентлар ҳам қизил рангдаги матолардан тикилган кийимлар қорақалпоқлар ўртасида харидоргир бўлганлигини тасдиқлайдилар[14]. Бу даврда асосан бўз, пахта, ипак, ўзига тўқ оилалар эса гулли шойи ва атласдан кийимлар тиктирганлар.

Қорақалпоқ аёлларининг кийимлари кўйлак, иштон (лозим), камзул – калта тўн, енгсиз чопондан иборат бўлган. В.П.Наливкин ва М.В.Наливкиналарнинг таъкидлашларича, “Фарғона қорақалпоқ аёллари уй кийимлари иштон, рўмол ва кўйлақдан иборат бўлиб, улар ҳовлига чиққанларида яланг оёқ калиш кийганлар[15; 86].

Бошларига қизил рангли матодан рўмол ўрашган. Кекса ёшдаги қорақалпоқ аёллари оқ, куз-қиш мавсумида эса тўқ рангли рўмол ўрашга одатланганлар. Ёз мавсумида шойидан – ипак рўмол (“*жилпек румал*”), қиш мавсумида эса жундан тайёрланган жун рўмол ўралган. Кўйлақларнинг этак қисмига турли хил рангдаги иплардан чиллақ шаклида кашта тикилган. Азадор аёллар гулсиз “кўк кўйлак” кийишган[9; 189].

Аёллар кўйлақлари ўзбек аёллари кўйлақларига нисбатан кенг, енглари узун, ёқаси жиякли (“*джиекли жаға*”)[1;106], қизларники ёнбош (горизонтал), кекса ёшдаги аёлларники тик (вертикал) ёқа шаклида тикилган. Исломи дини кенг тарқалган Ўрта Осиё ҳудудида аёллар кийимларининг кенг, енглари узун, ёқалари бўйин қисмигача тик ёқа шаклида тикилиши шариат қоидалари билан ҳам боғлиқ бўлган. Чунончи, ислом динида қўлнинг билақдан юқори қисми, оёқнинг тўпикдан юқори қисмлари аврат ҳисобланган. Шунингдек, аёл гавда қисми ва қоматини номахрамлардан сақлаш энг муҳим шартлардан бири ҳисобланган.

Фарғона қорақалпоқларида паранжи унчалик урф бўлмаган. Ўзбек ва тожик халқлари таъсирида ҳамда уларга яқин ҳудудларда истиқомат қилган водий қорақалпоқларигина паранжи тутишга одатланганлар. Паранжи тутилишига кўра, қора матодан тўн кўринишида

тикилган. Унинг енглари орқа томонга жуфтлаб бирлаштирилган. Юз қисми майда тўрли “*чиммат*” билан ёпилиб, устидан бошига тўн кийилган. Паранжи фақатгина хонадон ташқарисига чиққанда ва кўчада юриш-туришда ишлатилган. Уй шароитида паранжи ишлатилмаган. Паранжи мусулмон одатларига кўра вояга етганидан сўнг, яъни 13–14 ёшдан бошлаб кийилиб, то умрининг охиригача ишлатилиб келинган. Аксарият ҳолларда қорақалпоқ аёллари бегона эркаклардан юзини тўсиш учун тўндан фойдаланганлар.

Водий қорақалпоқ аёлларининг оёқ кийимлари кўй ёки бузоқ терисидан тайёрланган махси, кавуш (“*маси*”, “*каус*”) дан иборат бўлган. Кавуш калишга ўхшаш, бироқ товонли бўлиб, асосан, тўй ёки меҳмонга борилганда кийилган. Кундалик турмуш уй шароитида одатдагидек калиш кийиш кенг тарқалган.

Қорақалпоқ аёлларининг бош кийимлари водийда истиқомат қилувчи маҳаллий ўзбек ва тожик халқлари бош кийимларидан бир қатор жиҳатлари билан ажралиб турган. Айниқса, “*кимешек*” ва “*саукеле*” тўй, байрам ва маросимлар бош кийими сифатида алоҳида қадрланган.

Ахборотчиларнинг хотираларида “кимешек” тўғрисидаги маълумотлар кам учрайди[16]. Фақатгина қачонлардир уларнинг аجدодлари – ёшлар қизил рангли, кекса ёшдагилар оқ рангли кимешек кийганликларини эслайдилар[17;42]. Мазкур бош кийим Ўрта Осиёнинг бошқа чорвадор халқларида ҳам кенг тарқалган. Жумладан, қозоқларнинг “кимешек”лари оқ рангли эканлигини ҳисобга олмаганда деярли фарқ қилмаган. Маълумки, “кимешек” водий қорақалпоқ аёллари ҳаётида, айниқса никоҳ тўйларида ўз ўрнига эга бўлса-да, аммо Хоразм қорақалпоқларидагидек кенг урфга кирмаган.

Фарғона водийси қорақалпоқларининг анъанавий кийимларини ўрганишдан маълум бўладики, ўзбек, тожик ва қирғизлар билан бирга ёнма-ён яшаган ушбу этнос моддий маданиятида, жумладан кийимларида XX асрнинг иккинчи ярмида

қатор ўзгаришлар юз берганлиги кузатилади. Бундай ўзгаришлар аввало уларнинг турмуш тарзи, хусусан яшаш шароитидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, бундай трансформациялашув, шубҳасиз, янги хўжалик юритиш усулига ўтиш натижасида содир бўлди. Натижада водийлик қорақалпоқ кийимлари янги ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитда унификациялашуви рўй берди.

Хуллас, этнослараро хўжалик маданий алоқаларнинг ривожланиши қорақалпоқларнинг миллий кийимларида ҳам ўз аксини топган. Элшунос олим У.Абдуллаев бу хусусда тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўрта Осиё халқларининг миллий кийимлари шу даражада бир-бирига қоришиб кетганки, айрим кийимлар ва кийим элементларини кимдан-кимга ўтганлигини аниқлаш жуда мушкул”[7; 100].

Дарҳақиқат, фарғоналик қорақалпоқларнинг кийимлари XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, водий ҳудудида яшаётган ўзбек ва тожик халқларнинг кийимлари бичим ва шакл жиҳатдан ўхшаш кўринишга эга бўлди[18;].

Ишлаб чиқариш маҳсулдорлигининг ўсиши, саноатлашган завод ва фабрикаларнинг қурилиши, барқарор турмуш тарзининг таркиб топиши халқ хўжалигининг барча соҳаларида жадал ривожланишга олиб келди. Қолаверса, қорақалпоқларнинг ўзбеклар билан ўзаро этномаданий алоқалари тобора ривожланиб, интеграция жараёнлари моддий маданиятда янада намоён бўла бошлади.

Биринчидан, кийимларнинг материалида хилма-хиллик кўпайди.

Эндиликда пахта, ипак толаси ва шойидан тикилган кийимлар дўконларда сотила бошланди. Кийимлар учун материални ёки тайёр маҳсулотни сотиб олиш, буюртма бериш учун имконият пайдо бўлди, эркаклар кийимларида “костюм-шим” кийиб юриш оммалаша борди. Жамиятда интеллигенция қатламининг кўпайиши, завод ва фабрикаларда ишчилар сонининг ортиб бориши ҳамда транспорт ва коммуникация хизматининг ривожланиши мазкур жараёнларга ўз таъсирини ўтказди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўрта Осиё, хусусан, водий қорақалпоқлари анъанавий кийимлари XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, бир неча анъанавий кийим нусхалари халқ истеъмолидан аста-секин чиқа бошлади, унинг ўрнини ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий талабларига мос келувчи янги кийим нусхалари эгаллади[7; 115]. Асосан, ўзбек ва тожик халқларининг кийим-кечаклари қорақалпоқларнинг кийимиш маданиятига кириб келди.

Узоқ йиллар мобайнида қорақалпоқларнинг Фарғона водийсида яшаб, ўрнашиб қолишлари уларнинг маҳаллий аҳоли билан хўжалик, маданий алоқалари умумий жиҳатларининг мустаҳкамланишига олиб келди. Этносларнинг хўжалик турмуш, маданий ва маънавий алоқалари уларнинг ўзаро яқинлашувини тезлаштирди ва маҳаллий аҳоли билан уйғунлашувига олиб келди.

#### Адабиётлар:

1. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины – Нукус: Каракалпақстан, 1959.
2. Лобачева Н. П. Из истории Каракалпацкого женского костюма (к проблемам историко-этнографического атласа Средней Азии и Казахстана) // СЭ. – 1984. – №4; Ўша муаллиф: Каракалпақские головные накладки / Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989; Ўша муаллиф: Особенности костюма народов Среднеазиатско-Казахстанского региона / Среднеазиатский этнографический сборник. Выпуск IV. – М., 2001.
3. Сухарева О. А. Опыт анализа покровов традиционной «тунукообразной» Среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции. – Москва. Наука, 1979; Ўша муаллиф: История Среднеазиатского костюма. Самарканд (вторая половина XIX – начало XX века). – М.: Наука, 1982.
4. Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков / Труды института этнографии каракалпаков АН СССР имени Н.Н.Миклухо-Маклая. Новая серия. Т. IX – Москва. 1950; Ўша муаллиф: Каракалпаки Хорезмского оазиса / Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945–1948 гг / Труды Хорезмской экспедиции. Т. I. – М., 1952.

ТАРИХ

5. Есбергенов Х. Одежда / Этнология каракалпаков XIX – начала XX в. (материалы исследования). – Т., 1980.
6. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. Автореферат д.и.н. – М., 2009.
7. Абдуллаев У. С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
8. Жданко Т.А., Камолов С.К. Этнография каракалпаков XIX – начала XX века (материалы исследования). – Т., 1980.
9. Дониёров А. Қорақалпоқларнинг анъанавий хўжалиги ва моддий маданияти. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. –Т., 2011.
10. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. – Т.: Фан, 1979.
11. Малов Е.Е. Памятники древней тюркской письменности. – М., 1951
12. Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Хўжаобод қишлоғи. 2015 йил
13. Захаров И. В., Ходжаева Р. Д. Казахская национальная одежда XIX – начала XX века. – Алма-Ата: Наука, 1964.
14. Дала ёзувлари. Фаргона вилояти Данғара тумани Уймувут қишлоғи. 2009 йил
15. Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины туземного оседлого туземного населения Ферганы.– Казань: Университет, 1886.
16. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2013 йил.
17. Лобачева Н. П. К истории Среднеазиатского костюма // ЭО.1987 №6.
18. Курбонова З.И. Традиционный мужской костюм каракалпаков.Статья 2016 г. [https://cubeleninka.ru > article>traditsion](https://cubeleninka.ru/article>traditsion).

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори, профессор)

УДК: 94(575.1)

**ТУРКИСТОНДА СУД ТИЗИМИ ТАРИХИДАН**  
**ИЗ ИСТОРИИ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ В ТУРКЕСТАНЕ**  
**FROM THE HISTORY OF THE JUDICIAL SYSTEM IN TURKISTAN**

**Исмоилова Дилфузахон Абдужалиловна<sup>1</sup>, Бердиев Нор Орзиевич<sup>2</sup>**

**<sup>1</sup>Исмоилова Дилфузахон  
Абдужалиловна**

– НДКИ, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси  
доценти, т.ф.н.

**<sup>2</sup>Бердиев Нор Орзиевич**

– НДКИ, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада Туркистон ўлкасида суд тизими, унинг таркибий тузилиши, судларнинг турлари тўғрисида маълумот берилган. Суд тизимидаги лавозимлар соҳиблари (қозилар)нинг фаолияти, қозилик лавозимини эгаллаш учун қўйиладиган талаблар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Россия империяси томонидан ўлка суд тизимининг ўрганилиши, унга нисбатан олиб борилган сиёсати, судлардаги ўзгаришлар ва уларга маҳаллий аҳолининг муносабати ёритилган.

**Аннотация**

В статье представлена информация о судебной системе Туркестана, ее структуре, типах судов. Представлены данные о деятельности должностных лиц (судей) в судебной системе, требованиях к должности судьи. Она также охватывает исследование региональной судебной системы Российской империи, ее политики по отношению к ней, изменений в судах и отношения к ним местного населения.

**Annotation**

The article provides information about the judicial system of Turkistan, its structure, types of courts. There is information about the activities of public officials (judges) in the judicial system, requirements for the position of a judge. It also covers the study of the regional judicial system of the Russian Empire, its policy towards it, changes in the courts and the attitude of the local population towards them.

**Таянч сўз ва иборалар:** Туркистон ўлкаси, Россия империяси, судлар, қозилик судлари, қози, қозикалон, қози ул-қуззот, қози ал-аскарий, қози раис, шариат.

**Ключевые слова и выражения:** Туркестанский край, область, Российская Империя, суды, казийские суды, казий, казикалон (старший судья), кази ул-куззот, кази аль-аскари, казикалон (судья-председатель), шариат.

**Keywords and expressions:** Turkestan region, Russian Empire, courts, Kazi courts, kazi, kazikalon (senior judge) kazi ul-kuzzot, kazi al-askari, kazikalon (judge-chairman), sharia.

**Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат,  
дилида – поклик бўлиши шарт.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш йўлида ислохотлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки, мамлакатимизда суд тизими мавжуд 3 та ҳокимиятдан бири сифатида мустақил фаолият юритади. Суд

тизими ҳамма даврларда ҳам мустақил фаолият юритганми? Қуйида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган судлар ва судья (қози – И.Д)лар фаолияти ва бу соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Мустақил хонликлар даврида суд ишлари билан қозихоналар шуғулланган. Туркистон суд ишларини тафтиш қилиш учун Петербургдан юборилган сенатор, граф К.К. Паленнинг кўрсатишича, XX аср бошларида қозихона 2 та хонадан иборат бўлган, бирида қозининг ўзи ва маслаҳатчилари (муфти, аълам),



## ТАРИХ

иккинчисида эса хатчи (мирза) ўтирган. Қозихонада ҳамма гилам ва кигиз ёйилган ерда ўтирган [1]. Рус этнографи А. Шишовнинг кўрсатишича, маҳаллий аҳоли суд ишларини кўриш учун бирон-бир кун ёки вақт белгиланмаган. Қозихонага иши тушган кишилар эрта тонгдан то кун ботгунига қадар келаверган. Қозихонада ишловчилар ҳам бу пайтда ўзларига мурожаат қилувчиларни қабул қилишга тайёр бўлишар эди [2].

Мустабид ҳукумат суд соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. Қозилик суди мавжуд бўлишига қарамай, ўлкада яна уч хил кўринишдаги суд маҳкамалари ташкил этилди.

1. Фарғона, Еттисув, Самарқанд ва Сирдарё ўтроқ аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

2. Шу вилоятларнинг кўчманчи аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

3. Каспийорти вилоятининг маҳаллий аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли судлари бир-бирларидан фарқ қиларди. Ўтроқ аҳолининг шариат асосида иш кўрувчи қози судлари ҳукм чиқаришда суд жараёнида аниқланган далилларга амал қилиб, умумий ва ўзгармас шариат нормалари асосида ҳукм чиқарарди. Кўчманчи халқларнинг судлари эса нафақат давр ўтиши билан, балки жойларга қараб ҳам ўзгарувчан одатлар асосида суд қиларди.

“Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” лойиҳасининг тушунтириш хатида “Комиссия Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида судларнинг қандай асосда ташкил этилишини кўриб чиқаётганда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишга мажбур бўлган”. Комиссия ўзининг тутган йўлини қуйидагича тушунтиради: “Инглизларнинг Ҳиндистонда ўз қонунларини амалга оширишда муваффақиятсизликка учрашлари бунга яққол мисол бўла олади. Халқ қаҳрини ўзига қарши қўзғатган Англия, бир неча вақт давом этган курашлардан кейин ерли халқ талабларига ён беришга ва бир қанча чегараланишлар билан ерли халқ судини тузишга мажбур бўлди”. [3] Шунинг учун ҳам Россия империяси ҳукумати Туркистонда қози судларини сақлаб қолдиради. Бу даврда шариат қоидаларини қўллашда қози судларининг

ҳуқуқи чегараланмаган бўлса-да, жиноят ишларини кўриш ҳуқуқи борасида уларнинг ваколатлари чеклаб қўйилди.

Мустабид ҳукумат ўзбеклар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда қозилар судини, қирғиз ва қозоқ халқлари ўртасида эса бийлар судини ташкил қилди. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомда бий ҳамда қози судларига халқ судлари номи берилди. [4] Мустамлакачи маъмурлар бу билан сохта обрў орттирмоқчи бўлгандилар, лекин аҳоли ўртасида халқ суди деган ном эътибор қозонмади. Улар бу судларни аввалгидек қози ва бийлар суди деб аташда давом этди.

Ўлкада энг юқори обрўли диний лавозимлардан бири қозилик лавозими бўлиб, қозилик суди ўзбек давлатчилигида ислом давридан бошлаб ҳукм суриб келган. Қози сўзи “ҳал этувчи”, “ҳукм чиқарувчи” маъноларини англатади. [5] Хонлиқларда суд ишларини қозилар шариат асосида олиб борганлар. Жумладан; Қўқон хонлигининг Тошкент беклигида 4 хил турдаги қозилар бўлган: а) қозикалон, б) қози ул-қуззот, в) қози ал-аскарий, г) қози раис.

Қозикалон ҳам бошқа қозилар каби бевосита хон томонидан тайинланган. Қози бўлиш учун у шариатни яхши билиши шарт бўлган. [6] Қозилар қўлида инсонлар тақдири ётганлиги сабабли давлат ҳукмдорлари бирор-бир кишини қозиликка тайинлашдан олдин унинг шахсий ҳаётини атрофлича ўрганганлар. [7]

Оддий қозилар қозикалонга бўйсунар эдилар. Бу бўйсунуш унинг буйруғини амалга оширишдан иборат бўлган.

Қози ул-қуззот хон томонидан тайинланадиган мансаб эгаси бўлиб, қозикалоннинг ёрдамчиси тариқасида ишлаган, унинг томонидан топширилган айрим вазифаларни бажарган. Қозикалон вақтинча ўз жойида йўқлиги пайтида унинг ўрнини эгаллаб турган. [8]

Қози ал-аскарий бек томонидан тайинланиб, фақат беклик доирасида хизмат қилувчи аскарлар томонидан содир этилган жиноятларни текширар эди.

Қози раис деб қозилик қилувчи раисга айтилган. У ҳам бек томонидан тайинланган. Бу мансаб 2 вазифадан иборат: раис тариқасида қози миршаблик

вазифасини бажаради. Кўчаларда, бозорларда тартиб ўрнатарди. Диний маросимларнинг тўғри бажарилишини, кишиларнинг намоз ўқиши, рўза тутиши, шариат аҳкомларининг бажарилиши ва бошқа шу каби ишлар устидан назорат қиларди. Бундан ташқари раислар ёшлар тарбиясини, шаҳар дўконлари ва савдо расталарида, бозорларда савдонинг тўғри юритилишини назорат қилганлар.[9] Улар ёлғиз кўчага чиққан аёлларни ҳам сўроқ қилишга ҳақли бўлганлар.[10] Юқоридагилардан ташқари суд ишларида яна аълам ва муфтийлар ҳам иштирок этарди. Аълам муфтийлар бошлиғи ҳисобланиб, унинг вазифаси фатволардан келтириладиган шариат ривоятларини текширишдан иборат бўлган. Улар қозиларнинг маслаҳатчи ва ёрдамчилари ҳисобланган.

Муфтийлар – қозиларнинг ҳуқуқшунослари, шариат қонунларининг шарҳловчилари ҳисобланган. Муфтийлар маълум бир қозихонага бириктириб қўйилмасдан, кишиларнинг чақириши бўйича ишда қатнашганлар. Уларнинг асосий вазифалари шариат қоидалари тўғрисида маълумот бериш ва кўзгатилган даъвони қандай қоидаларга мувофиқ эмаслиги, тажрибада бундай ишлар қай тартибда ҳал этилиши ҳақида шаръий йўл кўрсатар, бу ривоятнома деб аталарди.

Мустамлакачилар бошқа дин уломолари каби қозиларнинг ҳам маҳаллий аҳоли орасидаги ижтимоий-иқтисодий мавқеини пасайтиришга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун турли хил тадбирлар қўллана бошланди. 1865 йил 6 августда “Туркистон вилоятларини идора қилиш ҳақида вақтинчалик Низом” қабул қилинди. Шу низомга асосан қозилар халқ томонидан сайланиб, ҳарбий губернаторлар томонидан тасдиқланиши белгиланди.[11] 1867 йилдаги “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини идора қилиш ҳақидаги Низом”да ҳам қозилар ва бийлар маҳаллий халқ томонидан сайланиши ва улар ҳарбий губернаторлар томонидан тасдиқланиши жорий этилди.[12]

Қозилик тизимидаги бундай ўзгаришлар натижасида баъзи мансабпараст кишиларнинг сайловчиларга пора бериб қозиликка сайланишга

эришишга ва қозилик мансабининг бойлик орттиришнинг бир турига айлантиришга олиб кела бошлади. Порахўрлик йўли билан қози бўлиб олган кишилар сайловда сарф қилган пулини қайтиб олиш ва бойлик тўплаш мақсадида оддий халқни талар эдилар.

1867 йилдаги низомнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, хон давридаги қозиларга ишларни кўришлари учун маълум бир ҳудуд белгилаб берилган. Кишилар ўзларининг ишончини оқлашга кўзи етган қозиларга мурожаат қилган бўлсалар, низомнинг №185 моддаси билан “Даволашувчилар ўз даволарини ҳал қилиш учун жавобгар яшайдиган ҳудуддаги қозига мурожаат қилади”, деб белгилаб қўйилди. Унга кўра қозиларнинг ишларини кўриш ҳудудлари чегараланиб қўйилди, аҳоли ҳам ўзи истаган қозига мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Янги низомга кўра қозилар элликбошилар томонидан сайланар эди. Лекин бу сайлов халқ сайлови деб аталарди. Номзодлар кўрсатиш ва сайлаш ҳуқуқат вакилларининг иштироки билан ўтарди. Бу сайлов устидан қўйилган ҳокимият назорати эди. Эндиликда қозилар мустабид ҳуқуқат вакиллари томонидан қўйиладиган бўлди. Натижада бу лавозимга аксарият ҳолларда адолатли кишилар эмас, балки тамагирлар тайинланадиган бўлди.

Порахўрлик қозилар судида жуда кенг равишда амалга кирган бир йўл бўлиб қолди. Ўша даврнинг илғор фикрли тараққийпарварларидан бири М.Бехбудий ҳам “Бир мулла ҳам қози ва ҳам мударрис ва ҳам оқсоқол бўлиб, талаба ва мурофаачи ва аҳоли ишларини сатқага учратди. Бошқа тарафга қарасанг, қози ва мударрислик учун истеъдодлиғ бўлган уломалоларимиз оч юрадур”[13], деб очиқ айтади.

1886 йилда Александр II томонидан имзо чекилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги янги низомда ҳам қозилик ва бийлар судларга алоҳида эътибор берилди.

Мустамлакачиларнинг аста-секин қозилик судларини умумий судларга айлантириб юбориш нияти ҳам йўқ эмас эди.

## ТАРИХ

Россия империясининг қозилик судларига нисбатан олиб борган сиёсати натижасида қозилик мансаби юқори табақанинг бойиш манбаларидан бирига айланиб қола бошлади. Қозилар, бийлар бир ёқадан бош чиқариб, халқни талар, бор-йўғини шилиб олар, юқори табақа манфаатларини кўзлаб иш кўрарди. Нопок йўллар билан қози бўлиб олган шахслар кишиларга жабр-зулм ўтказарди. Улар ўзларининг олиб борган ишларига жавобгарликни бўйинларига олмаганлар. Масалан, Андижон қозиси Саид Жалол 1881 йил Мақсуд Сўфиев исмли кишининг ишини кўриб чиқаётган пайтда жаҳли чиқиб, уни қамчи билан уриб дарахтга осиб қўяди. Жароҳати туфайли Мақсуд Сўфиев вафот этади. Лекин қози ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.[14]

Мен юзи қарони қозиликда кўп қўйманг,  
Ажалсиз элни бўғиб, тигсиз улус сўйманг,  
Юзим қаросидан эл кўзини қаро айлаб,  
Кўзимни ўйди бу ғам, эл кўзини кўп ўйманг.  
Ўзимни куч била урдим, аловга куйдурдим,  
Бу ўт ёлқини бирлан яна сизлар куйманг.[15]

Мирий каби адолатпеша, халқ манфаатларини ўйловчи қозилардан яна бири Исоқхон Ибрат эди. У қозилик мансабини ҳақиқатни, халқ манфаатини ҳимоя қилувчи масъулиятли мансаб, деб билган. Ибрат 1900 йилдан то ўлкада Россия империяси ҳукмронлиги тугатилгунга қадар Тўрақўрғон ва Хонобод қишлоқларида қозилик лавозимида ишлаган. 1910 йилда ўлкада қозилик мансабларига сайлов ўтказилди. Ибрат шу муносабат билан ёзган мақолаларда ҳукуматнинг қонун-қоидалари натижасида шариат ҳукмлари ўз ишига нолайиқ одамлар қўлига топширилаётганлиги ҳақида ёзади. Унинг “Туркистон вилояти газети”нинг 1910 йил 22 сонидан босилиб чиққан мақоласида бу ҳақда шундай дейилган. “Положениянинг (Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом-Д.И.) 223-бобида зикр қилинганки, эътибори бор, 7 кундан зиёд хибс қилинмаган, 30 сўмдан зиёд жарима тўламаган, ёши 25 дан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ё оми, ё аҳмоқ, ё нодон киши, ё шариат биладурган ва ёки низом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларнинг қўлларига бу катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр, андиша

Ўша даврда яшаб ижод қилган ўзбек шоирлари ижодида уламоларнинг адолатсизлиги кескин танқид этилиши бежиз эмас эди. Ўзбек шоирлари – Муқимийнинг “Додхоҳим”, Завқийнинг “Воқеаи қози-и сайлов”, Шавқийнинг “Аҳли рие”, Очилди Мурод Мирийнинг “Ғазали дар эътироз” каби ҳажвий шеърлари шулар жумласидандир. Адолатсиз қозилар нафақат халқни, балки адолатпеша қозиларни ҳам ғазабга келтирганлар. Масалан, қозилик мансабида ишлаган шоир Очилди Мурод Мирий порахўр қозиларни танқид қилиб, улар фақат ўз манфаатларини ўйлашлари ҳақида куюниб ёзади. Мирий ўз қозилик лавозимида ишлаб туриб, атрофидаги қозиларнинг нопок ишларидан куйганлигини куйидаги мисраларда акс эттирган:

қиладурган киши йўқ... положения бобига мувофиқ кимга шар кўп тушса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияга мувофиқ экан. Бефикр ўтсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан”.[16]

Кўриниб турибдики, ҳар қандай шароитда ҳам иймони бутун қозилар ва дин пешволари халқ орасида ўзларининг адолатпеша ва халқчиллиги билан ўз нуфузини сақлаб қола олган. Халқ уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Масалан, Қўқонда 25 нафар қози эски қабристонлар бузилмаслигини сўраб, Туркистон генерал-губернаторлигига хат ёзадилар. Хатга жавобан ҳукумат маъмурлари қозиларнинг бир нечасини лавозимдан четлатади. Воқеадан хабардор бўлган Қўқоннинг нуфузли кишилари қозиларни ҳимоя қилиб, ҳукуматга ўз норозиликларини билдирадилар ва ариза ёзадилар. Унда, жумладан, шундай дейилган эди “...Хонлар даврида қозилар шариат қонунларини билганликлари учун мукофотланган. Лекин ҳали халқ қозиларнинг сабабсиз лавозимлардан четлатилганликларини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид иш қилмаганлар”.[17]

Мустамлакачилар қозиларга нисбатан кўрган чоралари ҳақидаги воқеани эшитган кўқонлик кўпчилик кишилар ҳам қозиларни ҳимоя қилиб чиқа бошлайдилар. Воқеалар ривожланиб Кўқонда кўзғолон бўлиш хавфи туғилади. Ҳарбий губернатор А. К. Абрамов бошланиб кетиши мумкин бўлган кўзғолоннинг олдини олиш мақсадида кўзғолон кўтариладиган бўлса, қозилар Сибирга сургун қилинишини айтади. Аҳоли норозилигига қарамай, империя маъмурлари шикоятчилардан 10 кишини ва уларни ҳимоя қилган яна 8 кишини қамоққа олади. Аҳоли бундай вазиятда қозилар тақдирларига бефарқ тура олмайди, норозилик кучайиб, кўзғолон бошланиши даражасига келиб қолди. Кўзғолоннинг олдини олиш учун губернаторнинг қамоққа олинганларни озод этишдан бошқа чораси қолмайди. Кўриниб турибдики, халқ агар ҳукуматга қарши кўзғолон кўтарса, унинг оқибатлари қандай бўлишини билгани ҳолда, дин уламоларига қарши босқинчилар ўтказаетган тазйиққа томошабин бўлиб тура олмаган. Улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, уламоларни озод қилиш учун бош кўтарганлар.

Қозилик мансаби аслида бирор кишига умрбод берилмаган бўлса-да, кўп ҳолларда эл-юрт орасида машҳур қозилар йиллар давомида ўз мансабини эгаллаб туришга муваффақ бўлганлар. Қозилик лавозими баъзан отадан ўғилга мерос тариқасида ўғилнинг иқтидорига қараб юклатилган. Шундай қозилардан бири Тошкент шаҳри қозикалони Ҳакимхўжа ва унинг ўғли Муҳиддинхўжа бўлиб, Ҳакимхўжанинг Тошкентда обрў-этибори жуда катта бўлган.[18] Тошкент Россия империяси томонидан босиб олинганида, қозикалон кўпгина қозилар, дин уламолари ва амалдорлар билан бирга Тошкент шаҳри тақдирини ҳал этиш хусусида М. Г. Черняев билан музокара олиб боради. Тошкентнинг муваққат губернатори Ф.И. Романовский билан Ҳакимхўжа ўртасидаги бўлган тўқнашувда Ф.И. Романовский Ҳакимхўжанинг обрўсини тўкиш учун қилган дағдағаларига қозининг айтган жавоблари унинг нақадар адолатпеша ва қатъиятли эканлигини кўрсатади. Қозикалон

Ф.И.Романовскийга ҳамма нарса Оллоҳнинг иродаси билан боғлиқ эканлиги, Оллоҳ истамаса, уни ҳеч ким ҳеч нарса қила олмаслиги ва агар Оллоҳ Ҳакимхўжага жазо беришни истаса, уни бу жазодан ҳеч ким қутқара олмаслигини, шунинг учун Ф.И. Романовскийнинг кўрқитиши Ҳакимхўжани шарият йўлидан тойдира олмаслигини айтади.[19]

Қозикалоннинг шарият йўлида ҳеч нарсдан қайтмаслигини кўрган Ф. И. Романовский, агар қозикалонга бирор-бир ёмонлик қилса, аҳолининг кучли норозилигига дуч келиши мумкинлигини тушуниб етади ва қозикалон билан мураса қилиш йўлига ўтди.

Ҳакимхўжанинг таърифини эшитган фон Кауфман ҳам Тошкентга келган дастлабки кунлардаёқ уни зиёрат қилиб, давлат ишларида қозикалондан унга маслаҳат бериб туришини сўрайди. Албатта, фон Кауфманга қозикалоннинг маслаҳатлари керак эмас, бу, унинг қозикалон билан умумий тил топиши учун ўзига хос маккорона сиёсатнинг бир кўриниши эди, холос. Шундай бўлса-да, К.П. фон Кауфман Ҳакимхўжага “Худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқмайдиган ажойиб инсон эди” [20], деб таъриф берган.

Дин уламоларининг аксарият қисми мустабид ҳукуматга чин кўнгилдан хизмат қилмас, уларга фақат иложининг йўқлиги сабабли итоат қилиб турганликларини ҳукумат маъмурлари жуда яхши билар эди. Шу сабабли мустамлакачилар турли баҳоналар билан ўлкадаги диний бошқарув тизимини қисқартиришга интиланлар. Бундай лавозимлардан бири қозикалонлик бўлса, иккинчиси шайх ул-ислом лавозими эди [21].

Россия империяси Тошкентни босиб олгандан сўнг қозикалонлик лавозими сақланиб турди. Диний лавозимларга қозикалон тайинлаши, генерал М.Г.Черняев эса уни тасдиқлаши лозим эди [22]. Лекин бу губернаторликдаги баъзи амалдорларга ёқмайди. Масалан, Н.П.Остроумов генерал М.Г.Черняевни қозикалонга кўп имтиёзлар бериб юборган, деб ҳисоблар эди [23].

## ТАРИХ

Ўлкага фон Кауфман келганидан сўнг турли баҳоналар билан Ҳакимхўжани қозикалонлик лавозимидан олиб ташлаб, ўрнига ҳеч ким тайинланмади. Шу тариқа Тошкентда қозикалонлик лавозими тугатилди.

Самарқанд шаҳри қозикалонига ҳам Самарқанд босиб олинган дастлабки вақтда фон Кауфман томонидан кумуш медаль берилди ва ўз лавозимида қолдирилди. Кейинроқ, унинг устидан ҳукуматга кўплаб аризалар тушаётганлиги баҳонаси билан у ҳам вазифасидан озод этилди.[24] Унинг ўрнига эса ҳеч ким тайинланмади.

Туркистоннинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Қўқон шаҳрининг қозикалони ҳам ўзига хос тарздаги баҳона билан лавозимидан четлатди. Қўқон шаҳри мустамлакачилар томонидан босиб олиниши билан қозикалон ва шайх ул-ислом генерал М.Д. Скобелевга ҳурматсизлик қилганлиги баҳонаси билан қамоққа олинди ва Хўжандга юборилди. Бу ҳақда генерал фон Кауфманга хабар қилинганда, ундан “Қўқон қозикалони ва шайх ул-исломи қаттиқ жазолансин, уларнинг ўрнига ҳеч кимни тайинламасдан бу лавозимлар бутунлай тугатилса яхши бўларди”[25], деган жавоб олинди.

Шундан сўнг, Қўқон қозикалони ва шайх ул-исломи Насриддинхон, Абдурахмон Офтобачи ва яна Қўқондаги 9 та нуфузли кишилар билан Россиянинг Европа қисмига сургун қилиндилар.[26]

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон ўлкасида қозилик судлари чор ҳукумати маъмуриятчилиги шароитида жамиятда ўз нуфузини туширмади. Чор маъмурияти қанчалик империя судларининг “адолатли ҳукмларини” чиқариб, маҳаллий судлардан афзаллигини намойиш қилишга уринса-да, аммо халқ учун қозилик судлари ҳуқуқий таянч манбаи бўлиб қолаверди. Совет ҳукумати ўрнатилгач, қозилик судлари бутунлай тугатилди.

**Адабиётлар:**

1. Пален К.К. Народные суды Туркестанского края. – Т., Б.и., 1909.
2. ЎзР МДА, 125-фонд, 1-рўйхат, 760-иш.
3. Пояснительная записка к проекту Положения об управлении в области Туркестанского генерал-губернаторства. – СПб.: Военная Типография, 1874.
4. Положения об управлении Туркестанского края. С изменениями и дополнениями по 1<sup>ое</sup>- января 1901 года. Гл. 3. Т.: Типо-литография, 1901.
5. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим... -Т., 1985.
6. Отчет Туркестанского края проведенная ревизия по выс. пов. Сен. Гофсейстером графом К.К. Паленом. Народные суды Туркестанского края. – Т., 1909.
7. Лыкошин. Поль жизни в Туркестане ...
8. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. Т.: Фан. 1967.
9. Положение об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. –СПб.: Военная типография. 1874. Гл.III..
10. Положение об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. –СПб.: Военная типография. 1874. Гл.III.
11. Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак. //Нажот. 1017, 17 апрель.
12. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 603-иш, 1-в.
13. Мирий. Танланган асарлар. –Т.: Бадиий адабиёт. 1965.
14. Туркисон вилоятининг газети. – 1910. -21 март.
15. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 332-иш, 22-в.
16. Юсупов Х. Хуфия қатламлар. –Т.: Маънавият.2000.
17. Юсупов Х. Хуфия қатламлар. –Т.: Маънавият.2000.
18. Бартольд В.В. Сочинения. –Т., 1960. –Т.II.
19. ЎзР МДА, 450-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 30-31 в.
20. Бартольд В.В. Туземцы раньше и теперь. // Сочинения. 1960. –Т.II.
21. Бартольд В.В. Туземцы и русская власть.
22. Бартольд В.В. Туземцы и русская власть.
23. Кауфманский сборник. Изданный в память 25 лет истекших со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края генерал адъютанта К.П. Фон Кауфмана 1-го. \_Т., Типо-литография товарища И.Н. Кушнера и К., -М., 1910. – С. LXL.
24. Кауфманский сборник. Изданный в память 25 лет истекших со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края генерал адъютанта К.П. Фон Кауфмана 1-го. \_Т., Типо-литография товарища И.Н. Кушнера и К., -М., 1910. – С. LXL.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)

УДК: 93/94

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИНИНГ  
ЖАНГЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДАГИ РОЛИ****РОЛЬ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРЕССЫ В ВОСПИТАНИИ БОЙЦОВ В ДУХЕ  
ПАТРИОТИЗМА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ****THE ROLE OF THE UZBEK NATIONAL PRESS IN BRINGING UP THE SOLDIERS IN THE  
SPIRIT OF PATRIOTISM****Акбаров Раҳматилло Муртозали ўғли<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Акбаров Раҳматилло Муртозали ўғли – Наманган давлат университети мустақил изланувчиси.

**Аннотация**

Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотида фронт газеталарининг вужудга келиши, уларда жангчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган мақолаларнинг чоп этилиши ва ўзбек жангчиларининг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

В данной статье речь идет о возникновении фронтовых газет, печатание в них статьей направленных на воспитание воинов в духе патриотизма и совершении героизма на поле боев в период второй мировой войны в узбекской прессе.

**Annotation**

This article reveals the facts about the formation of front newspapers in the Uzbek national press during World War II, the publication of articles aimed at educating soldiers in the spirit of patriotism, and the heroism of Uzbek soldiers on the battlefield.

**Таянч сўз ва иборалар:** фронт газеталари, ўзбек жангчилар, “Душманга қарши олға”, “Қизил армия”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ватан шарафи учун”, Таран, Аҳмаджон Шукуров, Раҳима Алимова, сиёсий тарғибот.

**Ключевые слова и выражения:** фронтовые, узбекские воины, “Вперед, против врага”, Красная армия, “Кизил Ўзбекистон”, “Во имя Родины”, Таран, Ахмаджон Шукуров, Раҳима Алимова, политическая пропаганда.

**Keywords and expressions:** front newspapers, Uzbek fighters, “Forward against the enemy”, “Red Army”, “Red Uzbekistan”, “For the glory of the Motherland”, Taran, Ahmadjon Shukurov, Rahima Alimova, political propaganda.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон халқининг урушда эришилган буюк ғалабага қўшган ҳиссасини тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиш, фашизмга қарши жангларда қатнашган ватандошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим ва аҳамиятлидир.

Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида

кўплаб илмий ва бадий асарлар яратилган бўлса-да, эл-юртимизнинг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳали тўла очиб берилмаган [1].

Маълумки, 1939 йил 23 августда СССР ва Германия давлатлари ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилганлигига қарамай, 1941 йил 22 июнда Германиянинг ҳеч қандай уруш эълон қилмай СССР ҳудудига бостириб кириши Совет Иттифоқи ва унга аъзо барча мамлакатлар учун жуда мушкул вазиятни вужудга келтирган эди.

Уруш Германия учун энг қулай шароитда бошланди. Унинг армияси тўла сафарбар қилинган, Европада уруш олиб боришнинг икки йиллик тажрибасига эга бўлиб, унинг иқтисодиёти эса аллақачон

## ТАРИХ

ҳарбий изга солинган, бутунлай урушга хизмат қилаётган эди. Бундан ташқари, Германия томонидан босиб олинган Европа мамлакатларининг катта ресурслари унинг ихтиёрида эди. Европада иккинчи фронтнинг йўқлиги Германия учун ғоятда қўл келди, шунинг учун ҳам немис қўмондонлиги ўз қуролли кучларининг энг кўп қисмини СССРга қарши ташлай олди.[2:438] Германиянинг Италия, Руминия, Финляндия, Венгрия каби иттифоқчилари бўлиб, улар Совет Иттифоқига қарши Германия билан биргаликда курашаётган эди. Бундан ташқари, Германияга Япония, Болгария, Испания, Туркия ёрдам бермоқда эди. Бунинг устига СССР Япония ва Туркиянинг ҳужум қилишидан хавотир бўлиб, Узоқ Шарқда ва Кавказортида катта кучлар сақлашга мажбур бўлди. Тўсатдан ҳужум қилиш ҳам Германияга катта устунлик берган эди.[2:438]

Бундай оғир вазиятда Совет ҳукумати жуда катта куч ва имкониятларни сафарбар этиши керак эди.

II жаҳон урушига қадар советлар томонидан амалга оширилган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тадбирларнинг салбий оқибатларидан, қатағонлардан жабр-зулм кўрмаган миллат, жабр-зулм кўрмаган оила йўқ бўлса керак.

Шундай тарихий шароитда бошланган Иккинчи жаҳон урушида жабрдийда халқни, раҳбар кадрлари отиб ташланган армиянинг “зулмат салтанати”ни душмандан жонини жабборга бериб ҳимоя қилиши амри маҳол эди. Шу сабабли матбуотнинг катта сафарбарлик кучини яхши билган совет давлати раҳбарлари уруш йилларида расмий давлат газеталаридан ташқари фронт газеталарини ҳам чиқаришга қарор қилганлар. СССР Халқ комиссарлари совети ва ВКП (б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июнда, Ишчи-деҳқон қизил армияси Сиёсий тарғибот бош бошқармасининг (РККА) 1941 йил 23 июнда чиқарган директивалари, айниқса, ВКП (б) МКнинг 1942 йил 12 июнда чиқарган ҳарбий қисмлардаги оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қарори фронт газеталарини ташкил этишда ҳуқуқий баъза бўлиб хизмат қилган.[3:4]

Миллий тилларда чиқадиган газеталарни нашр этиш шунинг учун ҳам зарур эдики, Германия ва унинг иттифоқчилари томонидан Совет Иттифоқининг босиб олинган ҳудудларида асосий фаолияти советларга қарши ташвиқот ҳисобланган даврий матбуот ташкил этилганди. СССРнинг босиб олинган ҳудудида фашист газеталари уруш бошланганидан кўп ўтмай нашр қилина бошланди ва унинг сўнгги кунларига қадар давом этди. Умуман олганда, немис қўшинлари босиб олган ҳудудда 260 та газета ва журнал чоп этилди. Бундай даврий нашрлар барча босиб олинган республикалар ҳудудида – Беларусь, Молдова, Латвия, Литва, Россия, Украинада чоп этилди. Немис босқинчилик газеталари рус, украин, беларус, молдав, литва, латиш, эстон ва СССР халқларининг бошқа тилларида чоп этилган бўлиб, улар орасида рус тилидаги газеталар алоҳида ўрин эгаллаган.[4]

Жумладан, фашистлар томонидан нашр этилган “Правда” газетасида берилган маълумотларга қараганда, Адолф Гитлер совет зулмидан озод бўлган Россия ҳудудларида ер ислохотини ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарган. Бу ислохотнинг мазмунига алоҳида урғу берилиб, “ислохот чарчаган рус деҳқонлари учун узоқ кутилган, улар Адолф Гитлернинг деҳқонларга берган бу буюк совғасининг аҳамиятини қадрлаши керак”[5], дейилади. Ислохотга кўра, колхозлар тугатилди, деҳқонларнинг якка тартибдаги хўжаликларига ўтиш босқичини англатадиган коммунал хўжаликлар тартиби ўрнатилди. Бу шунинг англатардики, деҳқон хўжаликлари тез орада оддий иш шароитида ва ўз ерларида ҳеч қандай бошқарувга эга бўлмаган меъёрларга қўйилишини назарда тутганди.

Фашистлар томонидан ташкил этилган матбуот ўз мазмунига кўра совет ҳокимиятига, большевизмга қарши кучли пропаганда йўналишида бўлиб, газета саҳифаларида немислар ишғол қилган ҳудудларда яшаётган аҳолининг гўеки, хотиржам ва тўкин яшаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилинганди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати уруш даврида душманга қарши халқни бирлаштира оладиган, фашистларнинг ахборот

хуружларига қарши тура оладиган кучли матбуот тизимини яратиш қанчалик зарур бўлганини англаш қийин эмас.

Душман ҳужумларини тўхтатиш ва уни мамлакат ҳудудидан сиқиб чиқариш учун жуда катта армия ҳамда барча имкониятлар сафарбар этилиши зарур эди.

Мана шундай вазиятда ҳар куни фронтга жўнатишни сўраб ҳарбий комиссарликларга келиб турган аризалар оқими ўзбекистонликларнинг миллий ватанпарварлик руҳи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Мазкур аризаларни турли касбдаги ва ҳар хил миллатга мансуб кишилар, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар берар эдилар. Шу тариқа урушнинг дастлабки кунларидаёқ кўнгиллилардан 14 мингтадан ортиқ ариза тушган [6].

Урушнинг дастлабки даврларида деярли бутун Европани босиб олган, қудратли армияга, ўз даврининг замонавий қурол ва техникасига эга бўлган фашист Германияси устидан ғалабага Иттифоқ халқларининг, жумладан ўзбек халқининг матонати, мардлиги ҳамда мислсиз қаҳрамонликлари ҳисобига эришилди. Душман устидан қозонилган ғалабада жангчиларда ватанпарварлик ғояларининг янада юксалишига, қаҳрамонлик, жасорат кўрсатишга чорлаган Иккинчи жаҳон уруши матбуоти, хусусан ўзбек миллий матбуотининг ўрни ва роли беқиёсдир.

Бу йилларда Калинин фронтининг қизил аскар газетаси ҳисобланган, ҳафтасига икки марта чоп этилган “Душманга қарши олға” газетаси, “Қизил армия”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ватан шарафи учун” газеталари жангчиларимиз учун оғир ва машаққатли даврда ўзига хос дастури амал вазифасини ўтади.

Уруш даврида рус бўлмаган жангчиларни тарбия қилиш ишига кўп эътибор берилган. Ўша пайтда Совет Иттифоқининг Олий бош қўмондони Сталиннинг маъруза ва буйруқларини етказиш учун ўзбек тилидаги газеталарда жангчиларимизнинг она тилида бериб борилди.

Уруш даври матбуотида жангларда жасорат кўрсатаётган жангчиларнинг мардлиги, жонбозликлари ҳамда қаҳрамонликларини таъсирчан ва ўтли

мисоллар билан очиб бериш марказий ўринни эгаллаган.

Матбуот саҳифаларида қаҳрамонлик ҳақида таъриф берилиб, “ҳеч бир киши онадан қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Қаҳрамон – барваста, девқомат бўлавермайди. Бунинг учун қомат эмас, юрак, ботирлик, ўлимдан қўрқмаслик, ҳимоя қилаётган нарсасини жонидан ортиқ кўриш, унинг учун усталик ва мардлик билан курашиш керак”лиги таъкидланади [7].

Урушнинг дастлабки даврлариданоқ совет жангчилари мисли кўрилмаган қаҳрамонликларни кўрсатган эдилар. Бундай қаҳрамонликлар газета саҳифаларида кенг миқёсда тарғибот қилиниб, совет жангчиларига ибрат сифатида намоён этиб борилганлигини кўришимиз мумкин.

Газета мақолаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мушофаа жангларида совет жангчиларининг энг мушкул вазиятларда ҳам таслим бўлмай, ўз жони эвазига душманни тўхтатиш – ватанпарварликнинг олий намунаси сифатида матбуот саҳифаларида алоҳида урғу берилган. Жумладан, шундай маълумотга кўра, урушнинг биринчи кунларидаёқ учувчи Пётр Харитонов ҳаво жангида самолёт тумшуги билан зарба бериш (таран) усулини қўллаган. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвон берилган. Ўшандан бери бу усул билан 1943 йил кузигача 100 нафардан ортиқ учувчи немис сомонётларини таран қилган.[8] Уруш якунига қадар совет учувчилари томонидан душман самолётларини таран қилиш 459 марта амалга оширилган[2:439].

1941 йил 30 сентябрдан – 1942 йил 20 апрелгача бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушидаги йирик урушлардан бири бўлган Москва жангининг[9] иштирокчиси комсомол Сосновский мисли кўрилмаган фидокорликни кўрсатди: у душман дзоти (Дзот – русча; – Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида турли хил ўт очиш воситаларини жойлаштириш ва душман ўқ, снарядларидан сақланиш учун ёғоч, тупроқ, тош ва бошқа материаллардан қурилган мушофаа иншооти)нинг оғзини ўз



## ТАРИХ

гавдаси билан ёпиб, жонини фидо қилади. Бироз вақтдан сўнг худди шундай қаҳрамонликни қизил аскарлардан Красиков, Черемнев, сержант Герасименко ҳам кўрсатганлар[8]. Яна шундай қаҳрамонликни Чернушки деган қишлоқ учун олиб борилган жангнинг ҳал қилувчи бир пайтида 254-гвардиячи ўқчи полкнинг оддий аскари комсомол Александр Матвеевич Матросов ҳам кўрсатди[8]. Мана шу воқеадан кейин амалга оширилган шу каби қаҳрамонликлар газета мақолаларида “матросовча” қаҳрамонлик номи билан аталган.

Душман танклар билан ҳужум қилган чоғларда жангчиларимиз немис танкини тўхтатиш учун танкка қарши мина билан ўзларини танк занжири остига ташлаб, душман танкини тўхтатганлар.

Москва остоналарида душман танкларининг бир колоннасига қарши туриб уларни тўхтатган гвардиячи-панфиловчиларнинг афсонавий қаҳрамонликларига барча совет халқи қойил қолган эди. Худди шу каби баҳодирона ишни 16 ёшли гвардиячи қаҳрамонлар Сталинграднинг остоналарида қилдилар. Улар ўз гавдалари билан Волга қирғоғига томон силжиган душман танкларининг йўлини тўсдилар. Ватан урушининг дастлабки 2 йили даврида 450 нафар комсомол ва комсомол тарбияланувчиларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.[8]

Миллати қозоқ бўлган оддий аскар Абдулла Усенов ҳам худди ана шундай қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлган жангчилардан эди.[3:36] Гранаталар билан ўзини душман танки остига ташлаб ҳалок бўлган ўзбек йигити Камол Пўлатовнинг қаҳрамонлиги ҳам жангчиларга олий ибрат намунаси бўлди.[10] Совет армиясининг баҳодир гвардиячи аскари Анатолий Угловский ҳам мана шу қаҳрамонликни кўрсатиб, фашист танкини портлатиб юборган.[11]

Фронт газеталаридан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Совет давлати урушнинг дастлабки давридаги муқаррар мағлубиятдан мана шундай мардонавор қаҳрамонликларнинг натижаси ўлароқ, мушкул вазиятдан чиқиб, алал-оқибат, фашистлар устидан ғалабага эришди аслида.

Қизил армиянинг жангларда эришган ютуқлари, эгалланган ҳудудлар, душмандан озод этилган шаҳар ва қишлоқлар ҳақидаги совет информацион бюросининг маълумотлари матбуотда мунтазам равишда бериб борилган. Бундан кўзланган мақсад эса совет жангчиларини ва фронт ортида хизмат қилаётган аҳолини янада қаттиқ курашишга, меҳнат қилишга ундаш, ғалабага бўлган ишончни мустаҳкамлаш бўлганлиги шубҳасиз, албатта.

Газеталардаги берилган маълумотларга қараганда, 1943 йил ноябр ойигача бўлган муддатда амалга оширилган ҳужум операциялари натижасида фронтнинг марказий қисмида 500 километрдан тортиб, жанубда 1300 км йўл босиб 1 миллион квадрат километрга қадар, демак, душман томонидан босиб олинган совет ерининг қарийб 2/3 қисмини озод қилишга эришилган. Мақолада бу йилда эришилган ютуқларга урғу берилиб, “Совет қўшинлари немисларнинг мудофаасини емириб, фақат 1943 йилнинг ёзги 3 ойи ичида 4 жиддий сув тўсиқлик – Северский Донец, Десна, Сож ва Днепрни кечиб ўтдилар...”[12], дейилади.

1943 йил шунинг учун ҳам урушда туб бурилиш йили бўлдики – Қизил армия қисқа муддат ичида немис-фашист қўшинларининг энг тажрибали эски кадрларини қириб ташлади. Шу билан бирга бу йил мобайнидаги муваффақиятли жангларда ўз кадрларини чиниқтирди ва кўпайтирди.[12]

Ушбу йиллар давомида жанг майдонларида кўплаб ўзбек йигитлари ҳам чиниқиб, мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган ватанпарвар қаҳрамонлар етишиб чиқди.

Ўзбек жангчиларининг ватанга ёзган номаларида: “Қаерда жанг қилмайлик, Украина саҳроларида, Ленинград бўсағаларида, Карелия ўрмонларида, биз Тошкентни, серҳосил Сирдарё ва Чирчиқ бўйларини, Фарғона каналини, Оҳангарон кўмирини, Фарғона водийсини, умуман севикли Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганимизни яхши биламиз”[13], дейилганди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров худди шундай жангчилардан эди.

Пулемётчи Аҳмаджон Шукуровга Орёл шаҳридан 25 км наридаги Золотарёвка қишлоғида қарши ҳужум бошлаганларида, муҳим вазифа топширилган. У пулемёти билан немислар йўлини тўсиши керак эди. Ўзининг пулемёти ишдан чиққач, у душман пулемётини ҳам қўлга киритиб, ундан фойдаланди. Қишлоқни эгаллашда унинг хизмати бениҳоя катта бўлди. Кейин бу қишлоққа унинг номи берилди. Десна дарёси бўйидаги жангда ҳам у 13 та немисни қўлга туширди. Кейинги қишлоқда пулемёти билан 100 дан ортиқ немисни ўлдириб, 37 та гитлерчини асирга олди. 9 та пулемёт ва 37 та автоматни ўлжа туширди.[7]

Аҳмаджон Шукуровнинг қаҳрамонлиги матбуотда катта эътибор билан ёритилди. У ҳақидаги ҳикоя ва мақолалар ёзилди. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Ноз” ҳикояси Аҳмаднинг урушга келмасдан аввалги ғамли ҳаёти, кўнгил қўйган қизининг унга розилик бермаганлиги, шундан сўнг урушга кетган Аҳмаднинг қаҳрамон бўлиб ватанига қайтганида, рад жавобини берган қизнинг энди бу қаҳрамонга ялиниб- ёлвориши ҳақидаги воқеалар образли тарзда акс эттирилган.[3:182-185]

Фронт газеталарида ғалаба йўлида нафақат йигитлар, балки аёлларнинг улкан мардлик, жасорат кўрсатаётганлиги ҳам кенг ёритиб борилган.

Масалан, Украина учун олиб борилаётган ҳужум жанглирида Бухородан борган Раҳима Алимова исмли қиз жасорат кўрсатиб, ўқчи ротанинг санитария инструктори бўлиб хизмат қилган. 1943 йилнинг 18-июлидан 28-июлигача Северский Донец дарёси қирғоқларида Донбасс учун бўлиб ўтган жангларда 97 нафар ярадор офицер оддий аскарларга тиббий ёрдам кўрсатган. Бу жанглар вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Раҳима Алимова “Жасурлиги учун” медали билан мукофотланган. Шу йилнинг 1-сентябридан 21-сентябригача давом этган 20 кунлик ҳужум жанглири вақтида 30 нафар ярадор аскарни қурол-яроғи билан жанг майдонларидан олиб чиққан. Раҳима Алимова фақат тиббий хизмат ходими сифатида эмас, балки оддий жангчи

сифатида ҳам душманнинг 10 га яқин аскарини йўқ қилди ва “Қизил байроқ” ордени билан мукофотланишга тақдим қилинди.[14]

Уруш йилларида жамиятнинг барча жабҳаларидаги фуқароларни, айниқса жангчиларни коммунистик партия сафига киритиш иши кучайтирилди. Уруш вазияти партия сафига киритишнинг аввалги тартибларини анча енгиллаштирди. Чунки партия сафларининг кенгайиши сиёсий тарғибот ишларини ҳам анчайин кучайтирарди. Партияга аъзо бўлганлар партия ташкилотининг буйруғига мувофиқ сиёсий суҳбатлар ўтказиб, агитаторлик ишини ҳам олиб борардилар.[15:154] ВКП (б) устави (низоми)да бундай дейилади: “Партияга кирувчилар ўзлари билан бирга ишлашиб, камида бир йил билладиган ва камида 3 йиллик партия стажига эга бўлган учта партия аъзосининг рекомандациясини (бирор ташкилотга ёки янги жойга ишга киришда бериладиган ёзма ёки оғзаки тавсия) топширишлари лозим”. Жангларда алоҳида жасорат кўрсатганлар учун истисно қилинади. ВКП (б) Марказий комитети ўзининг 1941 йил 12-август ва 9-декабрда чиқарган қарорларида бундай ўртоқларни ўзлари билан бирга ишлаб, бир йиллик муддатдан кам билладиган ва бир йилликка стажи бор коммунистлар томонидан берилган рекомандация билан ҳам қабул қилишга ижозат берган.[16] Партиянинг Марказий комитети бундай қарорни шунинг учун чиқарганки, уруш шароити кишини тезроқ ўрганиш ва текшириш учун имконият беради. Масалан, мақолада партия сафига қабул қилинганлардан бири 10 йил муддатга қамалган ўғри эканлиги айтилиб, унинг бир марта разведкага бориб, “тил” олиб келиши билан кифояланиб, партия сафига киритилгани таъкидланган.[16]

Миномёт расчётида разведкачилик вазифасини бажарган ўзбек йигити Нишон Маҳмудов ҳам бир жангда немисларнинг 40 та аскарини йўқ қилганлиги учун III даражали “Шухрат” ордени берилиши билан бирга партия сафига ҳам қабул қилинган.[15:189]

Уруш майдонларида жасорат кўрсатиб, даражали “Ватан уруши” ордени ҳамда “Жасурлиги учун” медали билан

## ТАРИХ

тақдирланган ўзбек аскари Дўсжонов ҳам жанг пайтида фашистларнинг 3 та “Тигр” номли танкини йўқ қилганлиги учун жангдан кейин ВКП (б) аъзолигига номзод этиб қабул қилинган.[3:36] Жангчиларнинг партия сафига қабул қилинганликлари доимий равишда газета саҳифаларида ёритиб борилган. Бу билан жангчиларни жанг майдонларида янада жасорат, қаҳрамонлик кўрсатишга даъват қилинган.

Уруш даври газеталарида жанг майдонларида жонбозлик, ватанпарварлик намуналарини кўрсатаётган аскарлар ҳақида маълумотлар бериб бориш билан бир қаторда тарихда ўтган буюк саркардалар ҳаёти ҳақида ҳам мақолалар чоп этиб борилган. Жанговар бўлинмаларда агитация (лот. агитатио – ҳаракатга келтириш, уйғотиш) – ташвиқот) ишларига тарихий материаллардан фойдаланиш жуда яхши йўлга қўйилган [17]. Бундай мақолаларда Александр Невский бошчилигида 1242 йил 5 апрелда бошланган “Муз устидаги жанг” ва унда немис рицарларининг мағлуб этилиши;[18]

Дмитрий Донской бошчилигида 1380 йил 8 сентябрдаги мўғулларнинг туманбоши Мамай бошчилигидаги 300 минглик қўшинига қарши русларнинг 150 минглик қўшинлари ўртасидаги Куликово майдонидаги жангда русларнинг ғалаба қозониши;[19]

1612 йилда рус оқсоқолларидан Кузьма Минин ва саркарда Дмитрий Пожарскийларнинг Польша қироли Сигизмунд юборган гетман Ходкевич бошчилигидаги поляклар ва ёлланган венгер ҳамда немислардан иборат катта қўшинни мағлуб этиб, Москвани Польша ҳукмронлигидан озод қилиши;[20]

Рус саркардаси, ўзининг 70 йиллик умри давомида немисларга, поляк панларига, туркларга, французларга қарши 6 та катта урушда қатнашган, ўз умри давомида битта ҳам жангда енгилмаган дея таърифланган Александр Васильевич Суворов ҳақида.[21]

Шулар билан бир қаторда буюк бобокалонимиз Жалолоддин

Мангубердининг Чингизхоннинг саркардаси Шики Хутуху нўенга қақшатқич зарбаси ҳамда Чингизхон ва Жалолоддин Мангуберди ўртасидаги Синд дарёси бўйидаги жанг тафсилотлари, жангда Жалолоддин кўрсатган қаҳрамонлик ҳақида [22] ва шу каби кўплаб саркардалар тўғрисида маълумотлар бериб борилган.

Жанг майдонларида эр йигитнинг номуси ҳақида сўз бориб, машҳур ўзбек саркардаси Шайбонийхоннинг 1510 йилда Марв қалъаси ёнида Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг ҳақоратли номасига жавобан 10-15 йигити билан қалъа дарвозасидан чиқиб, душманнинг жуда катта қўшинига қарши жангга киргани ва шамширининг ҳар бир зарбасида “Ер йигитнинг номуси.....” дея мардона жанг қилиб, ҳалок бўлганлиги намуна сифатида эътироф этилади.[23]

Эътиборли томони шундаки, деярли барча тарихий маълумотлар босқинчиларга қарши кураш олиб борган саркардалар ҳақида бўлган. Бунда юртга бостириб кирган душманга тарихда халқларнинг кураш олиб борганлиги ва бу ҳақ иш эканлигини тарихий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши даври матбуоти фашистларга қарши курашда кучли бир ғоявий қурол, душманга қарши совет халқини бирлаштирувчи энг кучли омил вазифасини бажарди. Бу йўлда фронт газеталарида юқоридаги вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган барча усул ва воситалардан фойдаланилди. Қаҳрамонлик кўрсатган жангчилар намуна сифатида кўрсатилди, тарихий маълумотлардан унумли тарзда фойдаланилди, жангчиларни коммунистик партия сафига киритиш ишига кўп эътибор берилиб, бу орқали совет ҳокимиятига тарафдор, сиёсий билимларга эга агитатор-тарғиботчиларни кўпайтиришга ҳаракат қилинди. Бир сўз билан айтганда, уруш даври матбуоти Германия ва унинг иттифоқчилари устидан эришилган буюк ғалабада энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

## Адабиётлар:

1. <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-9-maj-khotira-va-qadrlash-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>
2. Берхин И.Б. СССР тарихи 1917-1982: Олий ўқув юрт тарих мутахассислиги студентлари учун. –Т.:Ўқитувчи, 1983.
3. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 2-китоб. – Т.: Академнашр, 2017.

4. Периодические издания на оккупированной территории СССР в годы Великой Отечественной войны//[https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические издания на оккупированной территории СССР в годы Великой Отечественной войны](https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические_издания_на_оккупированной_территории_СССР_в_годы_Великой_Отечественной_войны).
5. Дар Адольфа Гитлера русскому народу//Правда. 1942. №10 (30)// [https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические издания на оккупированной территории СССР в годы Великой Отечественной войны](https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические_издания_на_оккупированной_территории_СССР_в_годы_Великой_Отечественной_войны)
6. Saidolimov S. va boshqalar. O'zbekiston xalqining fashizm ustidan qozonilgan g'alabaga qo'shgan hissasi. (kitob-albom) –Т.:O'zbekiston, 2020.
7. Аҳмаджон қандай қилиб Совет Иттифоқининг қаҳрамони бўлди // Қизил армия. № 4.(109) 1944 йил 12-январь.
8. Комсомол Улуғ Ватан уруши фронтларида//Душманга қарши олға. №80.(144), 1943 йил 29-октябрь.
9. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Moskva\\_jangi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Moskva_jangi)
10. Душманга қарши олға. №97.(161), 1943 йил 30-декабрь.
11. Сталиннинг 1943 йил 6 ноябрьда мажлисда қилган доклади // Душманга қарши олға. 1943 йил 12 ноябрь. № 84(148)
12. Р-1735. 1-рўйхат, 1-жилд, 33-вароқ
13. Ўзбек қизининг ботирлиги//Душманга қарши олға. №10.(171) 1944 йил 3-февраль.
14. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 1-китоб. – Т.: Академнашр, 2017.
15. Якка танлаб олиш принципи сўзсиз қўлланилсин//Душманга қарши олға. №72.(136), 1943. 26-сентябрь.
16. Агитация ишимизда тарихий материаллардан фойдаланайлик // Душманга қарши олға. №27.(188) 1944 йил 6 апрель.
17. Александр Невский//Душманга қарши олға. №27.(188), 1944 йил 6-апрель.
18. Дмитрий Донской//Душманга қарши олға. №27.(188), 1944 йил 6-апрель.
19. Кузма Минин ва Дмитрий Пожарский//Душманга қарши олға. №28(189), 1944 йил 9 апрель.
20. Суворов А.В. .Қизил армия.№ 5.(110), 1944 йил 14 январь.
21. Жалолиддин//Душманга қарши олға. №25.(186), 1944 йил 29 март.
22. Махсуд Шайхзода. Номус деб....//Душманга қарши олға. №25.(186), 1943 йил 1 январь.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)

**БУХОРО ҲАВО ФЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАДБИРЛАРИ ВА САМОЛЁТЛАР  
КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИДАН  
ИЗ ИСТОРИИ ОРГАНИЗАЦИИ БУХАРСКОГО ВОЗДУШНОГО ФЛОТА И  
ПОЯВЛЕНИЯ САМОЛЁТОВ  
FROM THE HISTORY OF ORGANIZATION OF AIR FLEET AND INTRODUCTION OF  
PLANES**

**Элова Дилноза Давлатовна<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Элова Дилноза Давлатовна**

– Бухоро давлат университет, докторанти.

**Аннотация**

*Мақолада 1920-1924 йилларда Бухорода ҳаво флотини ташкил этиш, самолётлар қатновини йўлга қўйиш соҳасида амалга оширилган ишлар бирламчи манбалар ва адабиётлар таҳлили орқали очиб берилган.*

**Аннотация**

*В статье осуществлен анализ первоисточников и литературы, по организации воздушного флота и налаживания авиасообщения в 1920-1924 годах в Бухаре.*

**Annotation**

*This article describes the work done in Bukhara in 1920-1924 on the organization of the air fleet, the organization of air traffic through the analysis of primary sources and literature.*

**Таянч сўз ва иборалар:** авиация, самолёт, аэропорт, ҳаво флоти, аэроплан, ҳарбий аэроплан, чақирим, тезлик, ҳаво кемаси, от кучи, ширкат, акция, хайрия, флот дўстлари, тижорат банки, ячейка.

**Ключевые слова и выражения:** авиация, самолёт, аэропорт, воздушный флот, военный аэроплан, верста, скорость, воздушный корабль, лошадиная сила, товарищество ширкат, акция, благотворительность, друзья флота, коммерческий банк, ячейка.

**Keywords and expressions:** aircraft, airplane, airport, air fleet, airplane, military airplane, mileage, speed, aircraft, horsepower, shirkat, share, charity, fleet friends, commercial bank, cell.

Самолётларнинг транспорт воситаси сифатида кашф этилиши ва улардан фойдаланишнинг бошланиш тарихи бевосита Европадаги Франция ва Германия каби мамлакатлар тарихи билан боғлиқ. Ушбу ривожланган давлатларда 1920-1921 йилларда ҳаво транспорти йўллари вужудга келди. 1924 йилда ўлкамизда ҳаво транспорти йўллари орқали жами 1000 та йўловчи, 200 кг почта жўнатмаси, 5 тонна юк ташилган. [1.256] Бироқ, Туркистонда ҳаво флотини ташкил этиш ҳаракати ва илк бор самолётларнинг кириб келиш тарихи XX асрнинг дастлабки ўн йиллигига тўғри келади. Бухоро амирлиги даврида Янги Бухоро (Когон)да Левин босмахонасида “Бухорои-шариф” номи билан форс-тожик тилида босилган биринчи маҳаллий газетанинг 1912 йил 4 апрелдаги 21 сониди: “Седов самолёти Тошкентда” номли мақола босилган. Унда: “1912-йил 28-29 март кунлари учувчи Седов Тошкентда ўз самолёти билан учиб кўрсатди, 29 март куни 4 нафар хотин-қиз ва 3 нафар эркалар ҳам самолётда Тошкент бўйлаб учдилар. Тошкентга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам самолётда учиб, юқоридан шаҳарнинг

кўринишини томоша қилдилар”, мазмунидаги маълумот келтирилган. [2]

Юқоридаги маълумотга таяниб айтиш мумкинки, самолёт ҳавода парвоз қилишга мўлжалланган янги техник қурилма сифатида 1912-йиллардан туркистонликларга маълум бўлган.

Маълумки, 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тартиби ағдарилди. Бухорода амир мағлубиятининг сабабларидан бири қолоқ ҳарбий техникага эга эканлиги ҳисобланади. Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзе умуман қизил қўшинлар ғалабаси учун Бухоро амирига қарши ўша пайтда янги ҳарбий техника ҳисобланган 5 та бронепоезд, 5 та бронетанк ҳамда 11 та ҳарбий самолёт кўл келганди. Когон (Янги Бухоро) яқинидаги аэродромдан ҳавога кўтарилган самолётлар “Фарман”, “Фарсел”, “Сопвич”, “Нюнон”, “Баузен” ва “Албатрос” каби маркаларда бўлиб, улар асосан Франция ва Германияда ишлаб чиқарилган эди. Шаҳарни уч кеча-ю уч кундуз бомбардимон қилган бу техникадан мутлақо хабарсиз аҳолини ваҳимага солди, кўп оилалар уйларига кириб, яшириниб олишди. Ушбу самолётларда соатига 120-150 км тезликда пастлаб учиб мумкин бўлган. Ҳар

бир самолёт учувчиси 8-10 мартадан парвоз қилиб, Бухоронинг Арк қалъаси, Ситораи Мохи-Хосса саройи, Минораи Калон ва бошқа обидаларини бомба ташлаб вайрон қилдилар, тинч аҳоли устига ҳам бомбалар ёғдирилди[3,34-35].

1920 йил 14 сентябрда Бухоро амирлиги ўрнида БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ҳукумати тузилди. Ушбу ҳукумат янги техникани ҳаётга татбиқ қилиш орқали халқнинг моддий-маиший турмушини юксалтириш, замонавий ижтимоий тараққиётни таъминлаш сиёсатини юритди. Мазкур ҳукумат 1921 йилдан бошлаб Бухорога фуқаро ва ҳарбий хизматни таъминлайдиган самолётлар (ҳаво учқоқлари, машиналар) ни олиб келиш чора-тадбирларини кўрди. Манбаларда БХСРда ҳаво флотини вужудга келтириш учун курашлар кескин кечганлиги кўрсатиб ўтилган. Даврий матбуотда бизга ҳаво флотига йўл бўлсин, учғич машиналар Бухорода бўлиши кераклигини ўйлаб ҳам кўриш керак эмас, деб чиққанлар ҳақида маълумот келтирилади[4]. Бироқ, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумат аъзолари Бухорога самолётларни олиб келиб, уларнинг қатновини йўлга қўйиш учун барча тегишли тадбирларни қўлладилар. Аввало, ҳаво флоти қўшни Туркистон АССР, ХХСР, Русия билан ўзаро алоқаларни боғлашда, савдосотиқ алоқаларини кучайтиришда, ҳарбий мудофаани мустаҳкамлашда зарурлиги алоҳида қараб чиқилди. Республикада 1921 йилнинг охиридан бошлаб, 1922-1923 йилларда “Ҳаво флотига ёрдам” комиссияси, “Қизил ҳаво флоти ячейкаси”, “Ҳаво флотига ёрдам жамияти”, “Ҳаво тайёраси жамияти”, “Ҳаво флоти ширкати”, “Ҳаво флоти дўстларига кўмак жамияти”, “Ёш ҳаво тайёраси дўстлари” каби кўнгилли ва ҳукумат уюшмалари тузилди [5.] Файзулла Хўжаев Москва (Россия)да СССР ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар олиб бориб, Бухорога 4 та “Юнкерс” маркали немис тайёраларидан сотиб олишга рухсат берилишини сўради. У Бухоро-Хива, Бухоро-Тошкент, Бухоро-Душанбе, Бухоро-Термиз, Бухоро-Москва йўналишларида самолёт қатновларини йўлга қўйиш БХСР учун зарурлигини “Марказ” раҳбарларига уқтирганди. “Марказдан Бухорода ҳаво йўллари майдонлари (аэропорт ясамоқ (курмоқ) учун 35 млн олтин сўм ваъда қилинди”, деб ёзганди “Озод Бухоро” газетаси. [6.] 1922-1923 йилларда бутун

Иттифоқ бўйлаб, ҳаво флотига ёрдам акцияси ўтказилган эди. 1923 йил июль ойидаги ҳаво флоти ҳафтасида 1 триллион сўм пул тўпланганлиги, чет эллардан 20 та аэроплан сотиб олинганлиги, бу хориждан келтирилган аэропланларнинг бир қисми Туркистон, Қирғизистон, Сибирь, Узоқ Шарқ ҳукуматларига берилиши эълон қилинган. “Ҳаво флотининг дўстлари ташкилоти” аъзолари 300.000 нафарга етиб, биргина Серпуховода 85 минг, Егорьевскда 300 минг сўм тўпланган. Москва-Нижний Новгород йўналишида 1923 йил 15 июлдан аэроплан қатнови йўлга қўйилган. “1923 йил охирида Киев-Харков-Москва ҳаво йўли очиладур”, деб ёзганди “Бухоро ахбори”. [7.] Бухорода ҳам ҳаво флоти очиш учун маблағ тўплаш компанияси авж олдирилиб, 1923 йилда “Нифат” ширкати хизматчилари ҳаво флоти фойдасига 3018 сўм тўлаб топширганлар. Иккита театр томошасидан 18.375 сўм тўпланган. Турли картиналар савдосидан 5802 сўм, халқ уйидаги тадбирлардан 4505 сўм, от ўйини томошасидан 1421 сўм тўпланган. [8] Бухорода 1923 йил 5-12 август кунлари ўтказилган “Ҳаво флотига ёрдам” ҳафталигида анча маблағ тўпланган. Жумладан, тилла билан – 235 сўм 50 тийин, кумуш билан – 233 сўм 25 тийин, Бухоро тангаси – 25 дона, афғон рупияси – 4 дона, Русиянинг 1923 йилги пули билан 318792 сўм йиғилганди. Хўжаижаҳон туманидан 20000 русия пули, 160 пуд ғалла берилган бўлса, Когон комиссияси Русия пули билан 130.000 сўм, тилла билан 112 сўм 50 тийин топширганди[9.34]. 1923 йил сентябр ойи ўрталарига қадар ҳаво флоти фойдасига 38.716 сўмлик қоғоз пул, 317 сўм олтин, 234 сўм кумуш тўпланган. Шаҳрисабз, Шеробод, Қарши, Кармана касаба уюшмалари ҳам анча маблағ тўплашган, деб ёзганди “Бухоро ахбори”. [10] Бундан ташқари, Бухородаги “Ихтиёрий ҳаво флоти ширкати” Урта Осиё тижорат банкидан 200.000 сўм ссуда (кредит) олган. Ҳаво флоти фойдасига БХСР ҳукумати ва пахта қўмитаси 50 минг сўм пай пули берган, шунингдек, Бухоро-Душанбе ҳаво майдони (аэропорт) қуришга 35 млн, сўм кредит олинган. Халқ орасида Бухорода ҳаво флотини вужудга келтириш мақсадида кенг ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилган, хитобнома ва мурожаатномалар қабул қилинган, оммавий ахборот воситалари (радио, газета) орқали чиқишлар қилинган. Ташвиқот ва тарғиботларда “Юнкерс-V” маркали немис самолётлари сотиб олиб

## ТАРИХ

келинса, Бухоро шаҳри Душанбе, Хива, Тошкент, Олмаота, Москва шаҳарлари орқали осон ва қулай боғлана олиши, Хива-Бухоро орасидаги масофани ҳафтада икки марта, яъни 480 чақирим йўлни 3,5 соатда босиб ўтиш мумкинлиги (от ва аравада 7-8 кунлик йўл) самолётлар 100-150 йўловчи билан соатига 120-140 км масофани боса олиши, 85 от кучига эгаллиги, Бухоро-Душанбе 4,5 соатлик йўл бўлиб қолиши, ҳаво кемалари 5 минг чақиримгача (1 чақирим 950-1000 метр) ерга қўнмай уча олиши кабиларга асосий урғу берилган. [11]

Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, 1923 йилнинг охирида Бухорога Россия орқали “Юнкерс” маркали самолёт келтирилган. Манбаларда: “Бухоро-Душанбе” ҳаво йўллари майдони (аэропорт) эрта тонгдан одамлар билан лиқ тўлди. Одамлар оила аъзолари билан байрам кийимида ва байрамона кайфиятда кенг майдонга тўпландилар. Барча шод-хуррам эди, 25 нафар Шўро ҳукумати аъзоларини “Ура” садолари остида олқишлашди. Сўзга чиққанлар тўпланганларни тайёра йўлни тез босиши, от ва аравага қараганда арзонлиги, 2 соату 15 дақиқада Бухоро-Душанбе йўлини соатига 160 км тезлик билан босиб ўтиши, 550 км ни 2 соат 20 минутда ўта олиши, 6 киши, 32 пуд юк кўтара олиши ҳақидаги маълумотлардан воқиф қилишди. Тайёрада 50 сўм билан Хивага етиб бориш ва 1 пуд юкнинг 6-7 олтин сўм билан узоқ масофага етказилиши мумкинлиги маълумоти ҳам назардан четда қолмади. Шундан сўнг, қурултой аъзолари тайёрада учиб, осмондан туриб янги Бухоро (Когон)ни томоша қилдилар. Меҳмонлар ҳам 2 та тайёрада парвоз этиб, кеч соат 18:30 га қадар Бухорои-шарифни томоша қилдилар, – деб ёзганди “Бухоро ахбори”. [12] Юқоридаги маълумотдан аниқ бўладигани, самолётлар (фуқаро авиацияси) 1923 йил кузидан Бухорода парвоз қила бошлаган. Қуйида келтириладиган маълумот бу борадаги фикримизни янада қатъийлаштиради. Бухородаги “Ҳаво флоти дўстлари жамияти” аъзолари Муҳитдин Мансуров (йирик сармоядор, жамият раиси), Ҳожи Мирзобек, Уста Нур, Жўра Карвон, ҳукумат аъзоси Мусо Саиджоновлар 140 минг сўм олтин маблағни 4 та “Юнкерс” самолёти сотиб олиш учун маблағ марказга тўлангани ҳақида ҳисобот берганлар. Самолётлар 1923 йил август охиригача келиши керак эди. Улар самолётларни бошқариш учун учувчи мутахассислар юборилишини ҳам сўрашган.

Учувчиларга “Ҳаво флоти ҳафтаси” ҳамда 10 сўмлик аксия тадбирларидан тушган маблағдан маош тўланиши ҳам билдирилган. [13]

БХСРга ҳарбий аэропланлар нисбатан олдинроқ келтирилган бўлиб, уларда 2-3 киши парвоз қила олган. “Бухоро ахбори”нинг 1923 йил 7 майдаги “Хабарлар” рукнида “Аэроплан ҳалокати” номли маълумот босилган. Унда: “Яккатут (ҳозирги Жондор тумани ҳудудида) станцияси яқинида ҳарбий аэроплан (учғич машина) ҳалокатга учраган. Аэроплан ҳавога кўтарилган пайтда мотори бузилганлиги сабабли бензин баки портлаб олов олган ва ичидаги 3 киши билан ерга йиқилган. Ўлганларнинг гавдалари (жасадлари) ва аэроплан қолғон қисмлари Янги Бухорога келтирилган. 2 чи аэроплан Қизилтепа туманидаги Ванғозе қишлоғида ҳалокатга учраган. Бензин етишмаслиги учун аэроплан ерга тушишга мажбур бўлган. Бунда босмачилар кўлига тушиб бузилган, ичидаги одамлар “тирикми, ўликми эканлиги маълум эмасдур” [14], деб қайд этилган. Бизнингча, 1920-1924 йилларда Туркистон минтақаси ва БХСРда кечган “босмачилар” билан бўлган жангларда Ҳарбий аэропланлардан Қизил Армия қисмлари фойдаланганлар. Бухоро амирлигини бомбардимон қилишда иштирок этган Ласкин, Фаусек каби учувчилар ҳаво жанглирида ўз самолётларида иштирок этишда давом этган бўлсалар керак. Бухоро Иқтисодий Кенгаши (БИК) ўтказган мажлисларда саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, транспорт тизимини яхшилаш каби масалалар кўрилган. БИКнинг 1923 йил 17-18 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида “Бухорода ҳаво флотини қуриш ва Ўрта Осиё давлат университети фондига 61.000 олтин сўм ўтказиш” масалалари муҳокама қилинган. Йиғилиш қарорига кўра, Бухоро – Хива – Шарқий Бухоро (Душанбе) йўналишида ҳаво флоти ва самолётлар қатнови масаласи кўрилиб, Соколов, Гейлиб ва Головинлардан иборат 3 кишилик комиссия тузилган. Комиссия аъзолари 6 кун ичида ҳаво рейслари режасини ишлаб чиқишлари керак эди. [15] 1923 йилнинг 25 сентябрида ушбу режа БИК ва БХСР ХКС ҳукуматига тавсия этилиб, самолётлар қатнови ҳафтада 2 бор уюштирилиши кўрсатилган. 1923 йил охиридан Бухоро-Душанбе ўртасида махсус ҳаво рейси очилиб, Бухоро-Душанбе, Душанбе-Бухоро самолёт қатнови “Юнкерс” маркали немис самолёти орқали йўлга қўйилди”, деб маълумот берилади, архив

ҳужжатида. [16] БИК Бухоро-Душанбе йўналишида ҳаво транспортини ташкил этишда дастлаб 200.000 рубл, 1923 йил декабрда яна 50 минг олтин сўм ажратган. 1924 йил 16 июнда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб, иқтисодий вазифалар қаторида “Добролёт” кўнгилли жамияти (1923 йил тузилган)нинг Ўрта Осиёдаги бўлимига техника асбоб-ускуналари етказиб бериш учун Хоразм – Олмаота йўналишида ҳафтада бир марта самолёт қатновини йўлга қўйиш тўғрисида қарор чиқарилган. Бунинг учун

аэродромларни етарли шароит ва бензин билан таъминлаш назарда тутилган. [17] Тарихий адабиётларда Ўзбекистон Ҳаво Флотининг ташкил этилиш санаси 1929 йилдан бошланиши қайд этилган. Бизнингча, ушбу тарихий санани беш йил ортга суриш мақсадга мувофиқ бўларди.

Хуллас, Бухорода ҳаво флотини ташкил этиш учун БХСР ҳукумати хайрли ишларни амалга оширди. Бироқ, 1924 йилда БХСРнинг тугатилиши билан ушбу ишлар ўрта йўлда қолиб кетди.

#### Адабиётлар:

1. Ҳаво транспорти. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Том 11. – Т.: “ЎзМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2005.
2. Седов самолёти Тошкентда // Бухорои шариф, 21 сон, 1921 йил 4 апрел (араб имлосида, форс-тожик тилида)
3. Рашидов У.Ж. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йиллар). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003.
4. Ҳаво флотига кўмак комиссияси // Бухоро ахбори, 184 сон, 1923 йил 22 июль (араб имлосида, эски ўзбек адабий тилида.)
5. Озод Бухоро, 60-сон, 1923 йил 9 март, 78 сон, 1923 йил 17 апрел, 87-сон, 1923 йил 23 апрел, 144 сон, 1923 йил 24 сентябр, 161-сон, 1923 йил 7 ноябр, 173-сон, 1923 йил, 10 декабр, Бухоро ахбори, 186-сон, 1923 йил, 5 август, 176-сон, 1923 йил, 21 июн, 166-сон, 1923 йил 5 май ва ҳоказо.
6. Бухоро – Душанбе ҳаво йўли // “Озод Бухоро,” 3-(216-сон), 1923 йил 3 ноябр, Бухоро ҳаво йўллари очмоқда. Ҳозирлик//Озод Бухоро, 205-сон, 1923 йил 23 сентябр.
7. Ҳаво флотига кўмак иши қандай берадур // Бухоро ахбори, 186-сон, 1923 йил 5 август.
8. Ҳаво флотига ёрдам қандай бўладур: Янги Бухоро нима берадур?// Бухоро ахбори, 188-сон, 1923 йил 11 август.
9. Ҳаво флотига ёрдам // Бухоро ахбори, 195-сон, 1923 йил 29 август. Ҳайитов Ш. ва бош. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёти. – Бухоро.: “Бухоро” нашриёти, 2005. – Б.34. Раҳмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. – Т.: “АБВ-МАТБУОТ-КОНСАЛТ”, 2012.
10. Ҳаво флотига қанча ёрдам йиғилгон//Бухоро ахбори, 203-сон, 1923 йил 19 сентябр.
11. Ҳаво флоти ҳафтасига ҳозирланмоқ керак. // Бухоро ахбори 180-сон, 1923 йил 5 июл; Ҳаво флоти ҳафтаси// Бухоро ахбори, 185-сон, 1923 йил 2 август; Ҳаво йўллари очмоққа ҳозирлик// Бухоро ахбори, 205-сон, 1923 йил 23 сентябр; Бухоро ва Хива ўртасида 3.5 соатлик йўл// Озод Бухоро, 83-сон, 1923 йил, 23 апрел, Шарқий Бухоро йўллари очилиши// Озод Бухоро, 144-сон, 1923 йил 24 сентябр Бухоро – Душанбе ҳаво йўли // Озод Бухоро: 3 (216) сон, 1923 йил 5 апрел.
12. Шарқий Бухоро ҳаво йўлининг очилиши // Озод Бухоро, 144-сон, 1923 йил 24 сентябр, Ҳавода учиш ишлари // Озод Бухоро, 146-сон, 1923 йил 14 декабр. 175-сон.
13. Тўртта ҳаво кемаси // Бухоро ахбори, 1923 йил 23 июн.
14. Бухоро хабарлари. Аэроплан ҳалокати // Бухоро ахбори, 167-сон, 1923 йил 7 май.
15. Ўзбекистон миллий архиви, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-йиғма жилд, 35,36 варақлар.
16. Ўзбекистон миллий архиви, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-йиғма жилд, 38-варақ, 38-варақнинг орқа томони.
17. Ўзбекистон миллий архиви, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-йиғма жилд, 41-варақнинг орқа томони.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)



ТАРИХ

УДК 347: 323 ( 575.1)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 1994 ЙИЛГИ ОЛИЙ МАЖЛИС САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИКПОДГОТОВКА К ВЫБОРАМ В ОЛИЙ МАЖЛИС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 1994  
ГОДАPREPARATIONS FOR THE 1994 ELECTIONS TO THE OLIY MAJLIS OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTANҒуломов Элмуроджон Эркинжон ўғли<sup>1</sup><sup>1</sup>Ғуломов Элмуроджон Эркинжон ўғли– Фарғона давлат университети 1-босқич  
таянч докторанти.**Аннотация**

Мақолада 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтган сайлов жараёнига тайёргарлик, Марказий сайлов комиссияси фаолияти, ҳудудларда сайловни ўтказувчи сайлов округларининг тузилиши хусусида сўз юритилган.

**Аннотация**

В статье рассматривается подготовка к выборам в Олий Мажлис Республики Узбекистан 1994 года, деятельность Центральной избирательной комиссии, формирование округов в регионах.

**Annotation**

This article deals with the preparations for the 1994 elections to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, the activities of the Central Election Commission, the formation of constituencies in the regions.

**Таянч сўз ва иборалар:** сайлов, Олий Мажлис, Марказий сайлов комиссияси, Олий Кенгаш, сессия, сайлов округи, қонун, депутат, номзод.

**Ключевые слова и выражения:** выборы, Олий Мажлис, Центральная избирательная комиссия, Олий Кенгаш, сессия, округ, депутат, кандидат.

**Keywords and expressions:** election, Oliy Majlis, Central Election Commission, Supreme Council, session, constituency, law, deputy, candidate.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларда ноқ дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қатори ўзининг мустақил парламентига эга бўлиши масаласи куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Абдуғаниевич Каримов дастлаб 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Бинобарин, Биринчи Президентимизнинг: “Олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда сизларга – халқ ноиблари, миллат вакилларига суянаман. Сизлар билан бирга бўлиш халқ билан бирга бўлишдир. Халқ билан бирга бўлиш эса унинг ҳаёти, унинг турмуши, унинг дарди билан бирга бўлишдир”, деб таъкидлаб ўтган нутқидаёқ демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги илк ислохотлар миллий парламентимизни ташкил қилишдан

бошланган, десак асло муболаға бўлмайдими [5,1].

Миллий парламентимизни ташкил қилиш йўлида дастлаб Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрда ўз ишини бошлади. Олий Кенгашнинг кун тартибида қуйидаги икки масала: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси ҳамда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида кўриб чиқиб, маъқулланган эди [5,2].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси 1994 йил

5 октябрда матбуотда эълон қилинган. Қонун дойиҳасини тайёрлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилда қабул қилган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича

бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, АҚШ, Россия Федерацияси, Туркия, Ҳиндистон, Австралия, Покистон, Малайзия, Индонезия, Япония, Украина, Швеция, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг шу ҳақдаги ҳужжатларидан ижодий фойдаланилган [3,1].

1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси [1,1], “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7 ва 19-моддалари, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови 1994 йил 25 декабрда санасида ўтказилиши белгиланди [5,3].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи битта сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар сони ўртача 44,1 минг сайловчи ҳисобидан белгиланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига аввало маъмурий-ҳудудий бўлинишни назарда тутган ҳолда сайлов округларини муайян миқдордаги сайловчилардан иборат таркибда тузиш кераклиги, Олий Мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари

сайловини ўтказувчи умумий сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ ташкил этиш белгиланган эди [5.4].

1994 йил 29 сентябрда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ.А.Аҳмедов олиб бориб, мажлис ишида Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг асосий тадбирлари календарь режасини тасдиқлади. Сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ 250 та сайлов округи таркибда 7192 та сайлов участкалари тузилди (1-жадвал). Комиссия сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари сметасини, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврига мўлжалланган Марказий сайлов комиссияси аппаратининг тузилишини ва штатини кўриб чиқди [4,1].

Сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ, сиёсий партияларнинг сайловда иштирокини қўллаб-қувватлайдиган имзолар варақасининг намунаси, Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг, Олий Мажлис депутатлигига номзод ишончли вакилининг Олий Мажлис депутатлигига сайланганликнинг гувоҳномалари намуналари, шунингдек сайлов ҳужжатларининг шакллари тасдиқланди.

### 1-жадвал

№	Худуд номи	Сайлов округлари сони	Сайловчилар сони (минг киши)
1	Тошкент шаҳри	30	1258,2
2	Андижон вилояти	22	975,9
3	Бухоро вилояти	14	653,8
4	Жиззах вилояти	9	397,8
5	Навоий вилояти	9	363,3
6	Наманган вилояти	19	846,1
7	Самарқанд вилояти	25	1152,6
8	Сирдарё вилояти	7	304,8
9	Сурхондарё вилояти	15	659,6
10	Тошкент вилояти	27	1149,7
11	Фарғона вилояти	28	1244,5
12	Хоразм вилояти	12	549,6
13	Қашқадарё вилояти	19	820,5
14	Қорақалпоғистон Республикаси	14	649,6
<b>Жами:</b>		<b>250</b>	<b>11026,0</b>

Олий Мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловига тайёргарлик ишлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизгин давом этган. Бинобарин, 1994 йил 26 сентябрда Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн еттинчи сессияси бўлиб, унда “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида”ги Конституциявий Низом қабул қилинди. Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов 1994 йил 25 декабрь санасига белгиланди [5.5].

1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар жараёнига икки партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда, Ватан тараққиёти партиялари ўз номзодларини кўрсатган эди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1994 йил 13 октябрдаги, “Ватан тараққиёти” партиясининг 1994 йилнинг 17 октябрдаги Олий Мажлис сайловида қатнашишни сўраб тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, ҳар икки партиянинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ Олий Мажлис сайловида қатнашишларига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу даврга келиб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 374 минг, “Ватан тараққиёти” партиясининг эса 35 минг аъзоси рўйхатга олинган.

Марказий сайлов комиссияси 1994 йил 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда “Ватан тараққиёти” партиясининг навбатдан ташқари II қурултойлари ҳужжатлари қабул қилинди. ХДП ва “Ватан тараққиёти” партиядан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлар орасида ушбу партиялар аъзолари билан бир қаторда партиясиз бўлган номзодларнинг борлиги ҳам мамлакатимизда илк кўппартиявийлик

асосида ўтказилган сайловларнинг халқаро стандартларга мос ҳамда демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилганлигини кўрсатиб беради. Марказий сайлов комиссияси ХДП ва “Ватан тараққиёти” партияси томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, бу борадаги барча тадбирлар қонун доирасида ўтказилгани ва расмийлаштирилганлигини эътироф этган ҳолда ўз хулосасини берди. Кўрсатилган номзодлар орасида ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат ходимлари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан турли миллат вакилларининг киритилганлиги эса янги ташкил қилинаётган парламентни мамлакатимизнинг барча соҳаларига кириб бориши, республика аҳолисининг манфаатларини ақс эттирганлиги яққол мисоли сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистондаги кўппартиявийлик асосида ўтказилган илк парламент сайловларида икки партия: Ўзбекистон халқ демократик партияси ҳамда “Ватан тараққиёти” партияларида ҳам сайловолди тайёргарлик ишлари қизгин тус олган. Чунончи, 1994 йил 1 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлди. Қурултой ишида партиянинг жойлардаги ташкилотлардан сайланган 280 делегат ҳамда меҳмонлар қатнашди.

Қурултойда ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Жалолов партия ташкил топганига 3 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг қурултой қатнашчиларига, шунингдек, партиянинг барча аъзоларига билдирган самимий тилақларини етказди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловлар тўғрисидаги масала ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди. Юқоридаги масалалар юзасидан партия

кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ўтажак сайловларга хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан катта қизиқиш билдирган. Жаҳонда Ўзбекистон танлаган ўзига хос тараққиёт йўли, унинг истиқлол куч бахш этган дадил одимлари ривожланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасидаги муваффақиятли саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ фуқароларимиз борлиги хусусида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Аммо, шунинг баробарида қилаётган ишларимиз, ислохотларимиз самарали, сиёсий тузумимизни ноҳолис баҳолаб, четдан тош отаётган муҳолифлар ҳам йўқ эмаслиги ҳам айтиб ўтилган эди. Бўлажак сайловларнинг муваффақияти – минтақамизда осойишталикни таъминлашга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, шарқ ва ғарб мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса ҳокимликлар ва бошқарув органлари, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, қолаверса, ҳар бир сайловчи зиммасига ката масъулият юклайди, деган мазмундаги масалалар муҳокама этилган эди.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди сиёсий дастурини қабул қилдилар. Республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Қурултойда партия низомига қўшимча ва ўзгартиш киритилди.

Қурултойда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг аъзоси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр

Ҳамидов ва Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этдилар.

1994 йил 31 октябрда Тошкентдаги Киночилар уйида “Ватан тараққиёти” партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлиб ўтди. Унинг ишида партиянинг туман, шаҳар, вилоят ташкилотларидан сайланган 300 нафар делегат ва меҳмон қатнашди. Қурултойда “Ватан тараққиёти” партияси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Йўлдошев партия раиси этиб тасдиқланди. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов ҳамда бошқа ташкилий масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, “Ватан тараққиёти” парламент типидagi партия бўлиб, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг сақланишига, ислохотларнинг муваффақиятли ўтказилишига кўмаклашиш, буюк давлат барпо этиш йўлида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сўнг партиянинг долзарб вазифалари ва сайловолди дастури тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Партия раиси Анвар Йўлдошев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг табиий ва илм-зиё салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, ишбилармон, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатларини ҳукумат режаларига мувофиқлаштириб, шу йўл билан мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда эркин бозор муносабатлари асосида Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш учун курашиш партиянинг олий мақсади эканини таъкидладилар.

Қурултойда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ шу йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Улар орасида ўз меҳнати ва моҳир ташкилотчилиги билан элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган кишилар – тадбиркорлар, ишчи ва

## ТАРИХ

хизматчилар, фермерлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, зиёлилар, маҳалла кўмитаси фаоллари, байналмилалчи жангчилар бор эди. Кўрсатилган номзодларнинг барчаси қурултой делегатлари томонидан тасдиқланди.

Қурултойда партия низомига ўзгартишлар киритилди. Партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Жўраев иштирок этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган дастлабки сайловларда ҳукумат томонидан сиёсий партияларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатишлари, улар сиёсий фаолиятининг доимий равишда оммавий-ахборот воситаларида ёритиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Мамлакатимизда 1994 йил 25 декабрда ўтказилган кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилган демократик сайловлар мамлакатимизни модернизация қилиш, собиқ Совет ҳукумати давридаги

маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, ривожланган давлатлар илғор тажрибаларидан ижодий фойдаланиш масалаларига дастлабки қўйилган қадамлардан бири бўлган, десак асло муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайловга тайёргарлик жараёнларини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташкил этилиши республика аҳолиси томонидан ижобий қабул қилинди.

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти йўлга қўйилди.

- Давлат ва жамият қурилиши масалаларини тизимли равишда ҳал этиш механизмлари яратилди;

- Мамлакатда сиёсий партияларнинг эркин ва дахлсиз фаолият олиб боришига кенг имкониятлар яратиб берилди;

- Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, мамлакатимиз манфаатларига мос келадиган ҳужжатлар ратификация қилинди;

- Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти бўйича ҳуқуқий асослар яратилди.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Саидов А.Х. Международное право и избирательное законодательство - Т.: ТГЮИ, 2004.
3. Декларация о принципах свободных и справедливых выборов//В кн.: Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира: Справочник, - М.: Международные отношения, 2004.
4. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси, -Тошкент, 2003.
5. "Халқ сўзи" газетасининг 1994 йилги сонлари.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)

УДК: 830

## ҲАЙНРИХ ҲАЙНЕ ВА АЁЛЛАР

## ГЕНРИХ ГЕЙНЕ И ЖЕНЩИНЫ

## HEINRICH HAYNE AND WOMEN

Акбаров Азиз Абидович<sup>1</sup><sup>1</sup>Акбаров Азиз Абидович

– Фаргона давлат университети, педагогика фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация***Мақолада буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайненинг ҳаёти ва ижодидаги аёллар ҳақида боради.***Аннотация***В статье речь идёт об участии женщин в жизни и творчестве великого немецкого поэта Генриха Гейне.***Annotation***This article discusses the role of women in the life and work of the great German poet Heinrich Hayne.**Таянч сўз ва иборалар: биринчи муҳаббат, баҳорги гул, бўса олмоқ, ҳис-туйғулар, тонгги атиргул, рад этилган севги, гўзаллик қурбони, никоҳсиз турмуш, кузги гул, вафот этмоқ.**Ключевые слова и выражения: первая любовь, весенний цветок, поцелуй, чувства, утренний цветок, отвернутая любовь, жертва красоты, внебрачная жизнь, осенний цветок, умереть.**Keywords and expressions: first love, spring flower, kiss, emotion, morning rose, rejected love, beauty victim, extramarital life, autumn flower, to die.*

Инсон жуфт яратилган. Вояга етгач, хоҳ эркак ёки аёл кишими, ўз жуфтини топишга ҳаракат қилади. Бу ҳодиса инсоннинг маълум ёшида юзага чиқади. Кимдандир эрта, бошқасида кеч. “Жуфт бўлиб яшаш – бу табиат қонунидир. Шунинг учун дунёдаги барча жонзотлар ўз жуфти билан яшайди”[6,126].

Бизда бу муносабат никоҳ орқали боғланади. Европада ҳам шундай, бироқ уларда эркинликка интилиш кучлироқ, яъни, истаган кишиси билан хоҳлаганча яшаш афзал кўрилади. Биров у ёққа тур, бу ёққа тур демаса, одамга ёқади-да!

Ҳайне ҳам ўз жуфтини узоқ излади. Гарчи унинг биринчи муҳаббати кам эсланса ҳам, **Кичкина Вероника** бўлган. Биринчи ва фожиали. Ҳайне буни “Сафар манзаралари” ва бошқа асарларида ёзиб қолдирди.

У ёзади: “Урсула мени кечкурун бир сокин хонага бошлаб кирди. Кичкина Вероникани мўъжаз тобутда чиройли ётганини тасаввур ҳам қила олмайсиз. У кичик оқ кафанчада ётар, кулимсираб турган юзига эса, бош томонига қўйилган шамларнинг гуллар узра ёғдуси тушиб турарди. Стол устида шам ва гуллар қуршовида ётган мурдани танидим ва

сўрадим: “Нега кичкина Вера жим?”. Урсула: “Ўлим шундай қилади”, деб жавоб берди. Қабр олдида туриб кузатган манзара Ҳайненинг кўз олдидан кетмас, болалигида илк кўнглига ёққан кичкина Верани унута олмасди. Унинг тимсолини эса, у ўз лирикасида оромгулни тез-тез эслаб ўтган. Бунинг изоҳини Ҳайненинг дўсти Каролина Жобернинг эсдаликларида учратиш мумкин. “Биз адирга чиққанимизда, қизча кўлида гуллар билан ўйнаб юрарди, бу қалампиргул шоҳчаси эди. Тўсатдан у гулларни лабларига тегизиб, менга узатди. Бир йил ўтиб, каникулга келганимда, кичкина Вера оламдан ўтган эди. Ўшандан бери вафот этганига ишонгим келмас, у тирикдек эди. Нима учун? Нега? Бу қизиқ, сирли эмасми? Бу бўлиб ўтган воқеаларни катта бахтсизликни эслагандек, аччиқ ҳисларни бошимдан кечирар эдим”[1].

Ҳайне кимга кўнгил қўйган бўлса, унинг ўлими уни таъқиб қилиб юрарди. Кичкина Вера оромгул бўлса, гўзал гимназия ўқувчиси А – тонгги атиргул. Бироқ, Ҳайне илк кўнгил қўйган қиз ҳаётни эрта тарк этди. Шундай қилиб, гимназия йилларидаги йўқотиш, алам, соғинчдан,

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

киши вояга етганда кеч бўладиган азоблардан заҳарланиб бўлган эди.

**Қизил Зефхан** шоирнинг ҳаётида туб бурилиш бўлди. Ҳайнега Иозеф Зефхан катта таъсир кўрсатди. У Ҳайнени меланхолиядан ёруғ дунёдаги мистик-романтик юксакликка қайтарди. Шоир Зефхан билан бўлган муносабатларини “Мемуар”ида батафсил тасвирлаган, у пайтда ҳар иккиси ўн олти ёшда бўлган. Зефханнинг сочлари малла эмас, балки қондек қип-қизил бўлиб, елкасидан пастга селкиллаб тушиб турарди. Ўн тўрт ёшида етим қолган. Шу боис бобосининг тарбиясида эди. Зефхан касби жаллод бўлган кишининг қизи бўлган. Бобоси ҳам жаллод бўлиб хизмат қилган. Жаллодлик касби авлоддан-авлодга ўтиб, жаллодлар сулоласини ташкил этган. Уларнинг уйлари шаҳар чеккасида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли бу уйни четлаб ўтишарди. Зефхан кўпгина “эски халқ кўшиқлари”ни биларди[2]. Шу сабаб у Ҳайнеда шундай шеъриятга иштиёқ уйғотди. Улар ўртасидаги мулоқот таъсирида яралган “Тушлар” шеърий туркуми ғамгин ва аламли эди. Зефхан болалиқдан то ўсмирлигигача алоҳида ҳаёт кечирган. Шу сабабли бўлса керак, у тортинчоқ, одамови, яъни одамлардан ўзини олиб қочар, муомалада ҳам ўжар эди. Унинг бобоси ҳунарининг тартиб-қоидаларига кўра, юзинчи айбдорнинг бошини кесгандан кейин, қиличини махсус тайёрланган қабрга кўмган. Бироқ бувиси бобосининг ўлимидан кейин сеҳргарликда қўллаш мақсадида қилични кавлаб олган. Ҳайне ана шу қилични кўрсатишни қайта-қайта илтимос қилганидан сўнг, Зефхан қилич яширилган бир ҳужрага бошлаб борди. Шу заҳоти у қўлида ўткир қилич билан пайдо бўлди. У нозик қўллари билан қилични кўтариб:

Лаззатми, сенга қилич тиғини ўпмоқ?

Яратганнинг сўнги неъматин тотмоқ?  
Мен ҳам ўша овозда: “Менга қилич тиғини эмас, балки қизил Зефханни ўпиш лаззатлироқ”. У қилич ўзига тегиб кетмаслиги учун ҳимоялана олмай қолди, мен эса бундан фойдаланиб, катта жасорат билан унинг етишиб бўлмас

лабларидан шартта ўпдим. Ҳа, юзлаб зараркунанда фирибгарларнинг бошини танасидан жудо қилган ҳақиқат қиличига хилоф равишда иснодга қолишни ҳам ўйламай, бадном уруғ–жаллод қизини ўпдим. Мен уни севганимдан эмас, балки эски жамиятга бўлган нафрат ва хурофотлар сабаб ўпдим. Шу он менда туйғулар олови лоп этиб ёнди. Мен кейинги ҳаётимни ана шу икки туйғуга бағишладим: **гўзал аёллар ва француз инқилобига бўлган муҳаббатга.**

Зефханнинг сеҳрли бўсалари Ҳайненинг нозик қалбида туйғулар вулқонини ҳаракатга келтирди. Бу туйғулар шоир қалбидан ташқарига аста-секин чиқиши учун нозик ҳис-туйғуларга сабаб керак эди. Бунга сабаб, ҳамбурглик бой амакисининг қизи **Амалия** бўлди. Амалия Ҳайне калондимоғ бўлиб, совуқ ва мағрур хулқи билан бошқалардан ажралиб турарди. У ўн етти ёшли шоирга менсимамай, тўй-йиғинларда шеър ўқиб, беш-олти талер пул топиб, рўзғор тебрата олармиди деб, уни менсимади ва унинг севгисини тан олмади. Бир ёши улуғ мулкдорга турмушга чиқиб кетди. Ҳайне бу шахсий драмасини қийинчилик билан кечирди. Амалияга бўлган бахтсиз муҳаббати унинг шоир бўлишида биринчи туртки бўлди. Кейинчалик бу, шеърлар тўпламида ўз аксини топди ва умрининг охирида, “Мен кўз ёшларимни тўккан, аламинини сўндириш учун айш-ишратга сабаб бўлган: Амалия орзуларим оламида биринчи баҳорги гулим бўлди”, деди[1].

Ҳайненинг шоир бўлишига жияни Амалияга бўлган севгиси сабаб бўлди. У Амалияни жуда қаттиқ, ақлдан озиш даражасида севган эди. Бу, унинг “Кўшиқлар китоби”да ўз ифодасини топди. Мағрур Амалияга атаб, машҳур “Тушлар”, “Кўшиқлар”, “Лирик интермеццо”, “Тағин ватанда” каби асарларини бағишлади. “Бу китоб, – деди у, – фақат муҳаббатим хоки солинган яшиқдир”. Етти йил ўтиб, Амалиянинг синглиси Терезани севиб қолди. Тереза ҳам опаси каби шоирнинг севгисини рад этди. Ҳайне Терезага “Тағин ватанда” ва бошқа шеърларини бағишлади.

Ҳа, юрагим дардли, тобора  
Силқиб-силқиб ундан томар қон.  
Ҳам ошиқ у, ҳамда садпора...  
Сен-чи, буни кўрмайсан бу он.

(Хайриддин Салоҳ таржимаси)

Ҳайне Парижда “Париж аёллари” сарлавҳали унча силлиқ бўлмаган шеърини битди. Бу шеър анча шов-шув, муҳокамага сабаб бўлди. Нима бўлганда ҳам, шоир умрининг охиригача гўзаллик шайдосига айланди. Шол бўлиб ётиб қолишидан олдин у Луврга бориб, Венера Милосскаянинг ғоят гўзал жамолини томоша қилгач, ҳолсизланиб, ҳайкал пойига йиқилди. Уйга зўрға етиб келиб, ётиб қолди. Шу билан бошқа кўчага чиқмади. Аёлларга нисбатан идеал ва ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилиқ, шоир учун ўта типик бўлиб, унинг нозик кўнглига озор берарди.

Ҳайне ўттиз етти ёшида ўн тўққиз ёшли пойафзал сотувчи қизни ёқтириб қолди. Асли унинг исми **Крессенсия-Эжени Мира**. Шоир уни Матильда, деб атаб бошлади. Романтиклар учун бу энг севимли исм эди. Гўзал, бироқ саводсиз бўлган оддий деҳқон қизини Ҳайне хотинликка олгани ҳайратланарли эди. Матильда ўн беш ёшгача қишлоқда ўсди. Кейин эса Париждаги пайпоқдўз холасиникига борди, у ерда Ҳайнени учратди. У маълумотсиз бўлиб, ҳатто ўқишни ҳам билмасди. Ўқишга уқуви йўқ эди. Шоир ана шундай ўқиш, ёзиш-чизишни билмайдиган аёлга уйланди. “У менинг ягона юпанчим, – ёзади Ҳайне у

Гулга ишқи тушиб капалак  
Атрофида минг бор айланур.  
... Бажонудил билган бўлардим  
Гулнинг кимга ошиқ эканин.  
... Мен билмадим, гул кимга шайдо,  
Лек севарман барча-барчасин.

(Миртемир таржимаси)

Туйғу-ҳиссиётлар таъсиридаги шоир аёлининг гўзал бўлибгина қолмай, унинг ақлли бўлишини ҳам истарди, худди Христина Вульпиус каби (И.В.Гётенинг севгилиси, кейинроқ аёли).

Ҳайне Матильдани билим олиш учун ёш қизлар пансионатига жойлаб қўйди. Ўқиш ҳақини тўлаб турди. Бироқ, пансионат ҳам уни ўзгартира олмади, у

ҳақда, – дўмбоқ, бақувват, нолиш нималигини билмайди”[5]. Матильда ўйинга тушганида, орқа қуйруғини ўйнатиб, чиройли рақсга тушар, шоир эса бундан рашк қиларди. Унинг ўзи рақсга тушишни хуш кўрмасди. Бундан ташқари, у аёлини Кококотт лақабли тўтиқушдан ҳам қизғанарди, чунки Матильда Кококотт билан банд бўлиб, баъзан хўжайинни унутиб қўярди. Ҳайне бунга нуқта қўймоқчи бўлди ва тўтиқушни каламуш дориси билан захарлаб тинчитди. Тўтиқушнинг ўлими вазиятни енгиллаштиради, чунки шоирнинг гўзали Кококотт I нинг ўлими билан муроса қилолмади, ҳатто бу воқелик адабиёт тарихига ҳам кирди. Иложсиз, Кококотт II ни сотиб олишга тўғри келди[3,5]. Ҳайненинг Матильдага бўлган муносабати идеал ва ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилиқдан иборат бўлди. Бу муносабатлар 1836 йили бу севишганлар ўртасидаги катта жанжалга сабаб бўлди. Уларнинг юз кўрмас бўлиб кетишларига бир баҳя қолди. Жиззаки, қизиққон шоир дилидаги аламларини сир сақласа ҳам бўларди, бироқ у дардини ҳаммага дастурхон қилиб юрди. Дўстлари унинг азобланаётганлигини кўриб, шеърларидан мисол келтириб, овутишарди:

ҳеч нарса ўрганмади. Ҳайне унга немис тилини ўргатмоқчи бўлиб, қаттиқ уринди. Бари бир фойдаси бўлмади. Шу сабаб Матильда шоирнинг биронта шеърини ўқимай, ҳатто эри нима билан шуғулланишини билмай, дунёдан ўтиб кетди. Бу ҳақда у: “Ҳайнени ақлли дейишади, кўпгина ажойиб китоблар ёзган, ўзим ҳеч нарса сезмасам ҳам,



## АДАБИЁТШУНОСЛИК

сўзларга ишонишим керак”, дейди у соддалик билан.

Матильда пансионатдалигида Жорж Санд билан дон олишиб юрди. Санднинг ошиқлари кўплигидан Ҳайне тезда у билан ипини узди. Яна ўзининг содда Матильдасига қайтди. Матильда унинг адабини бериб, яна бағрига қабул қилди[10].

Бироқ, Матильда қомати келишган, қорасоч, баланд бўй, порлаган кўзлар, торпешона, ҳаракатчан, қувноқ, оқкўнгил ва эрига содиқ паришлик аёл эди. Олти йил никоҳсиз турмушдан сўнг, Ҳайне ўз расмий тўйларини ўтказди. Икки кундан кейин ягона меросхўр аёлига васиқа битди. Васиқага кўра, унинг аёли шоир вафотидан сўнг албатта бошқа бировга турмушга чиқиши керак эди.

Матильда унинг биронта асарини билмаслиги Ҳайнени ҳайрон қолдирмади, аксинча, аёли уни мақтов, шоир сифатида эмас, балки инсон сифатида севди. Бу, унга ёқарди.

Мулойим бўлмаса ҳам, қувноқ характерли француз аёлига хос чўрткесар Матильда эрига ақлдан озиш даражада содиқ эди. Гоҳида ҳунар ҳам кўрсатарди, аччиқланиб, қуюшқондан чиқиб кетарди. Бу вулқон тез отилиб, тез сўнишини ва ҳеч қандай из қолдирмаслигини Ҳайне яхши биларди.

Ҳайне Матильда билан йигирма йил яшади. Шоир аёлини севиб, ҳурматини жойига қўйди. Бунга жавобан Матильда ҳам уни суйиб яшади, “*paree que il est bon*” – “чунки у яхши”, яъни уни яхшилиги учун севди. Шоир оғир касалга чалинганида, уни жуда яхши парваришлади, ғамхўрлик қилди.

Эрининг вафотидан кейин ҳам унга содиқ қолди, камтарона умр кечирди. Цирк, қизиқарли пьесалар қўйиладиган бульвар театрларига бориб турарди. Унинг уйига биронтаси меҳмонга келадиган бўлса, доим Ҳайне ёқтирган таомларни буюрарди. Оқкўнгил, соддадил аёл буни турмуш ўртоғи хотирасининг рамзи, деб биларди. Унинг кўлини ялиниб-ёлвориб сўраганлар ҳам бўлган, бироқ у эрини унутмаслиги ва бошқа инсон фамилиясида бўлишни хоҳламаслигини айттарди. Ҳайне ана шундай аёлни севган. Матильда хонага

кириб келганида, хурсанд бўлиб, кўнгли яйраб, ором оларди. Бу ҳолатни у қуйидагича таърифлаган: “Аёлим тонгги атиргул, унинг табассуми немис ташвишларини аритиб юборади”.

Қизиқарли ҳолат: Матильда эрининг вафот этган куни. 1883 йил 17-февраль оламдан ўтди.

**Элиза фон Кринц** – шоир ғамгин кузининг сўнги гули. Уларнинг танишуви жуда қизиқарли бўлган. Қиз Елисей майдонидан унча олис бўлмаган Матиньго кўчасидаги 3-сонли уйга кириб, олтинчи қаватга кўтарилди. Нафасини ростлаб, кўнғироқ ипини тортди. Эшикни хизматкор очиб, совуқроқ қарши олди. Қиз хизматкорга Камилла Зельден эканлигини, Австриядаги композитордан шоирга мактуб олиб келганлигини айтди. Кўнғироқ чалинди. Хизматкор кўнғироқ чалинган хонага кирди, кейин меҳмонни кўшни хонага таклиф қилди. Хона совуқ, парда билан тўсилган, қоронғи эди. “Қалай? Менинг қабр тўшагим?”, овоз эшитилди парда ортидан. Пастаккина каравот устидаги олти матрац устида ётарди, у. Унинг кўзлари юмуқ эди. Қиз унинг кўзи ожиз, деб ўйлади. Бемор кўрсаткич бармоғи билан ўнг қовоғини кўтарди ва нотаниш қизга бироз термилди.

Қиз йигирма олти ёшда бўлиб, ўртача бўй, жуда гўзал, офатижон эди. Юзлари думалоқ, бурни бироз туртиб чиққан, кўзлари иболи эди. У кулганда оппоқ, марвариддек тишлари ярқ этиб кўзга ташланарди. Қиз келишган ва мулойим эди. Сухбат чоғида қизнинг немис миллатига мансублиги, ҳақиқий исми **Элиза фон Кринц** эканлиги маълум бўлди. Деярли умрини Парижда ўтказган, Наварни кўчасида истиқомат қиларди. Дўстлари уни Марго деб аташарди. У Венадаги ёш композитор илтимосига кўра Ҳайне шеърига ёзган мусиқа нотасини олиб келган, уни шоирга шахсан ўзи топшириши керак эди. Ҳайне қизга унинг овози ёқимли эканлигини, бу, унинг дардига малҳам бўлишини айтди. Яна шоир ҳамдардга зор экан, деб ўйламаслигини ҳам қистириб ўтди. Ҳозир одамлар шафқатсиз бўлиб кетишганини, илгари у бу ҳақда ўйламаганлиги, ҳозир эса ўйлашга фурсати борлигини айтди.

Шоирнинг назари қизнинг бармоғидаги пашша тасвири узукка тушди. У Элизага унинг узуги бир умрбод қамоққа маҳкум қилинган маҳбусни эсга солганини айтди. Бир куни маҳбус камерада пашшани кўриб қолди. Бу узоқ вақт қамоқда ўтиргандан сўнг кўрган ягона жонзот экан. У пашшанинг қувноқ ғинғиллашини тинглар, қанотлари ва кўлларини ювишини кузатарди. Аста-секин пашша кўшнисига кўниқди, чўчимасдан кўшнисининг бармоғига қўна бошлади, кўшниси эса уни нафаси билан иситарди. Ана шундай қилиб, сиз ҳам мен умрбод маҳбуснинг камерасида пашша каби пайдо бўлдингиз. Ҳар ҳолда мен шундай бўлишини жуда ҳам истагандим. Менинг умрим кузининг сўнги лаҳзаларида қанотли мавжудот – пашша бўлиб қолинг. Менинг ҳузуримда кимнингдир ғинғирлаган овози етишмайди. Ҳозирдан бошлаб сизни “Пашшача”, деб аташга рухсат беринг, деди Ҳайне ва энг яқин, ҳамдард инсонига айтгандай, ўз дарди ҳақида сўзлаб берди. Эшитганлари Элизани қаттиқ ҳайратга солди. Шоир унга ўз китобини совға қилиб, яна келишини тайинлади. Кейинги кун хатни ўзи ёзганлигини, котибасининг йўқлиги, кўзи ҳам яхши кўрмаётганлиги, қизнинг ташрифи унда яхши таассурот қолдиргани, агар келса, тушдан кейин хоҳлаган пайтда келиши мумкинлигини ҳам ёзди. Ўзини яхши ҳис қилмаётгани, қулоғи яхши эшитмаётганини ҳам кўшиб қўйди.

Матильданинг яхши муносабати, ғамхўрлигига қарамасдан, умрининг охириги кунларини кечираётган Ҳайнеда К.Зельденга муҳаббат уйғонди. Шоир уни бир кун кўрмаса чидай олмай қолди. Дастлаб Матильда Камиллага прус айғоқчиси, деб душманлик кўзи билан қарар, саломига зўрға алик оларди, у билан бир дастурхонда ўтиришни хоҳламасди. Бу ҳолатдан чиқиш учун шоир Матильдани бирон жойга кетиш вақтини танларди. Кўп ўтмай, хотиннинг нодўстона муносабати ўзгарди. Яриммурда эрини Камилладан қизганмай қўйди, чунки уларнинг муҳаббати фақат платоник бўлишини яхши биларди.

Камилла билан суҳбат адабиёт, Шекспир, Байрон ҳақида бўларди. Шоир илгаригидан яхшироқ сайрай бошлади, жиддий, яхши асарлар яратди. Шоир тўшакда ётган ҳолда тиззасидаги бюварни мослаштириб, ижод қилди. Унга котиба керак эди. Зельден бу вазифани ўтай бошлади. Бу ҳамкорлик уларни янада яқинлаштирди. Ҳайне Амалияни баҳорги гулим, деб атаган бўлса, Пашшачани кузги гулим, деди. У бундай муҳаббатдан эзилар, ичидан зил кетарди.

У Элизага йўллаган хатларида унга “дилбар, зебо қиз”, “меҳрибон пари”, “бебаҳо”, “азизим”, “қадрдоним”, “меҳрибон дўстим”, “гўзалим”, “жоним” деб мурожаат қиларди. Унга бағишлаган “Пашшача”, “Нилуфар” шеърларини вафотидан икки-уч ҳафта олдин битган эди.

Камилла бир шахсий ташвиши туфайли қисқа муддат кела олмай қолди. Ҳайне уни ҳар куни интиқлик билан кутарди. Қиз келганида, шоир унинг хафалигини, юзидан кўз ёшларининг оқиб тушаётганини кўраётгандай, яқин келишини, каравотига ўтиришини имлаб кўрсатди. “Юзимни яхши кўриши учун шляпамни ечиб ташлашимни айтди. Мен қаттиқ ҳаяжондан шляпамни ечиб, улоқтириб юбордим ва унинг кроватига тиз чўқдим. У чекаётган азобни кўриб, яқинлашиб келаётган нохушликни сезгандай, қаттиқ йиғидан ўзимни тутиб тура олмадим. Биз бир-биримизга бир сўз айта олмадик. Бироқ, дўстим қўлини бошимга қўйиб, дуо қилаётганини сездим”.

1856 йил 17 февралда шоир дунёдан кўз юмди. Элиза ҳам Ҳайне ҳақида Камилла Зельден тахаллуси билан икки-уч китоб нашр этди.

Ҳайне эмигрантликда “Тўшак қабр”га тушиб қолганда бир неча юқори табақали, киборли аёллар ёрдам қўлини чўзиб, кўнглини кўтаришган.

**Княгиня Христина Бельджойзо** Австриянинг Италиядаги ҳукмронлигига қарши озодлик ҳаракатида қатнашган, 30-йиллар бошида Парижда мухожир бўлган. Ҳайне у билан Парижда сен-симончилар йиғилишларида танишган. У Ҳайне билан умрининг охиригача дўст бўлиб қолди.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Рахиль фон Фарнхаген** Ҳайне ижодининг гуллаб яшнаган пайтида уни қўллаб-қувватлади. У оилали бўлиб, эри ва оиласини севган, ҳурмат қилган. Аёлнинг адабиёт салони бўлиб, унда даврнинг энг ақлли кишилари йиғилишарди. Улар орасида Ҳайненинг обрўйи баланд эди.

**Баронесса фон Гогенгаузен** ҳам адабиёт салонига эга бўлиб, Ҳайне у ерга қатнаб турарди. Баронесса ўзи ҳам шеърлар ёзар, Ҳайне эса уларни немис тилига таржима қиларди. Баронесса шоирни Байрон асарлари билан таништиради. Ҳайнега Байроннинг охириги шеърлари маъқул келар, баъзиларини таржима қиларди. Кейинроқ Байрондаги скептицизм ва исёнкорлик шоирнинг кўнглини қолдирди. Шу тариқа у Байрон йўналиши билан алоқани узди. Бироқ унинг асарлари унда муҳаббат уйғотган эди. Баронесса Гогенгаузенга Байрон ижоди билан таништиргани учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. Улар хат ёзиб туришди. Шоир беморлиги пайтида баронесса ундан хабар олгани келди.

**Каролина Жобер** Ҳайненинг ҳолидан хабар олиб турар, кўнгли хотиржам бўлар ва дугонаси Христина Больдгойзо билан биргаликда шоирнинг майда-чуйда рўзгор ташвишларини ҳал қилиб берарди.

Шундай қилиб, "Киборли аёллар" Ҳайне шахсининг ижодий шаклланиши ва касалликнинг аёвсиз зарбасини юмшатиш учун қўлларидан келганича кўмаклашишди.

Ҳайне шеърларида рад этилган муҳаббат мавзуси тез-тез учраб туради. Бошқа асарларида эса, ўзи ҳақида бўлиб, ғамгинликни тараннум этади. Ҳайне лирикасида аёллар бир-бирига қарама-қарши: ювош, мулойим, ўтакетган ёвуз. У буни қуйидаги афоризмда жуда ўринли ифодалайди: "Аёл бир вақтда ҳам олма, ҳам илон"[2].

Шоир стил режасида туш ҳақидаги шеърлар, лирик интермеццо, кўшиқлар, сонетлар ва бошқаларни афзал кўради. Унда муҳаббат мотивлари ўлим мотивлари ва абадий руҳ ҳақидаги фикр-ўйлар билан боғланиб кетади. Унда юлдузлар бир-бири билан "ҳатто лингвистлар билмайдиган ажойиб тилда

сўзлашадилар". Бу, муҳаббат тилидир. Ҳайне учун севги – жонли, тирик, табиий туйғу.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодида аёллар мавзуси ҳақида ўйлаганингизда, бир фикрга келасиз, бу мавзу тўппа-тўғри ҳамма томонларни ўз ичига олган, яъни муфассалдир. Бироқ, шоирнинг доимо муҳокама ва эътирозларга сабаб бўлиб келган бир қатор аёллар номи билан аталган шеърлари ҳам бор. "Ҳар хил" туркуми кичик туркумларни ўз ичига олади: "Серафина", "Анжелика", "Диана", "Гортензия", "Кларисса", "Катарина", "Иоланта ва Мария", "Эмма", "Фредерика" кабилар.

Ҳайне қаламига мансуб Шекспир асарларидаги хотин-қизларнинг портретлари каби буюк асарлари ҳам мавжуд. Бунга сабаб китоб савдогари Деллуа буюртмаси бўлди. У Ҳайнега инглиз рассомлари Мидоу, Босток, Филд, Дженикс, Карбудлар кабиларга Шекспир асарларидаги хотин-қизлар портретлари альбомига матн ёзишни таклиф этади. У Франция, Англия учун бундай альбомни нашр этган эди. Энди навбат Германияга келгани ва мазкур ишни ўз даврининг энг яхши адиби ёзиши керак эди. Савдогар Ҳайнени танлади. Бу китоб 1838 йили нашрдан чиқди. Ҳайне ўнлаб хотин-қизларга бағишланган "Рухий қуёш" номли китобини чоп этди.

"Трагедия" бобида шоир Крессида ва Кассандра портретларини яратди, Елена ("Тахт ва Крессида"), Виргилия ("Корилан"), Порци... ("Юлий Цезар"), Констанца ("Қирол Джон"), Клеопатра ("Антоний ва Клеопатра"), Лавиния ("Тит Андроник"), Перси хоним, қиролича Екатерина ("Генрих"), Жанна Д.Арк, Маргарита, қиролича Маргарита, Грей хоним ("Генрих VI"), Анна хоним ("Қирол Ричард III"), қиролича Екатерина, Анна Болейн ("Генрих VIII"), Макбет хоним ("Макбет"), Офелия ("Гамлет"), Корделия ("Қирол Лир"), Жюльетта ("Ромео ва Жюльетта"), Дездемона ("Отелло"), Жесси Порции (" Венециялик савдогар"), шунингдек Шекспир комедияларидаги аёллар портретларини яратди.

Ҳайне шеъриятининг мухлиси, Австрия қироличаси Елизавета буюртмасига кўра 1901 йили Корфу

оролида шоир хотирасига мавзолей ташкил этилди ва Римда қабртош ясаиб, Париждаги Монмартр қабристонидagi Хайнрих Хайненинг қабрига ўрнаттирди[5].

Хайне Зефхан билан муносабатлардан сўнг, туйғуларини гўзал аёллар ва француз революциясига бағишлашга қарор қилган эди. Шоир аҳдида қатъий турди. Бу аҳди унинг шеърларида жаранглаб турди. У ҳаётида жуда кўп аёлларни севди, уларга туркум шеърлар битди. Шеърларида уларнинг номини абадийлаштирди. Бу ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Кўп қўрқоқ шахслар аёллар билан муносабатларини тан олмайдилар. У айтди: “Дунёда аёллар бор экан, уларни тўхтовсиз севавераман; биридан кўнглим қолса, бошқасини ёқтираман; Францияда қирол ўлмаганидек, кўнглимдаги қиролича ҳам ҳеч қачон ўлмайди: унинг шиори: “Қиролича ўлди, яшасин қиролича!”. Бу масалада Хайнега тан бериш керак. У аёлларни ўрганиб, “Аёллар эркакларни бахтли қилишнинг бир йўлини, бебахт қилишнинг ўттиз минг йўлини билишади”[2], мазмундаги ҳикматли сўзни айтиб кетди. Умрининг сўнггида ҳам ёш

гўзал аёлни севди. Вафотидан бир муддат олдин севгилиси Камилла Зельденнинг қўл-оёқларини силаб, ўпиб, қўлини унинг бошига қўйиб, дуо қилди. Муҳаббат тўла юрагини ундан уза олмай, қабрга бирга олиб кетди. Одатда ўлими яқинлашганини сезган одам ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Лекин Хайненинг иродаси мустаҳкамлигини қуйидаги мисолда кўрамиз: бир куни дўстларидан бири шоирнинг жон бераётган пайтида келиб қолади. Икки аёл Хайнени покиза ўринга олишаётган бўлади. “Кўриб турганингиздек, аёллар ҳалиям мени қўлларида кўтариб юришибди”, дейди ҳушини йўқотмай. Унинг охириги сўзи: “Тангри мени кечирсин, бу унинг иши”[5,9].

Гўзаллик шайдоси Хайненинг ўн жилдлик танланган асарлари[7,8] муҳаббат пойдевори устига қўйилганига шубҳа йўқ. У умр бўйи муҳаббатни куйлади, севди. Севган инсон севги каби қаримайди. Яқинда Хайне икки юз йигирма уч ёшга тўлди. Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф таъбирича, шоирнинг бу ёруғ дунёда чироғи ўчмайди. Гоҳи ўтлиғ шеър, гоҳи дилбар куй бўлиб жаранглайверади.

#### Адабиётлар:

1. «Всемирная литература в средних учебных заведениях Украины» №6 (218) июнь 1998, с.55-60.
2. Гейне (Хейне) Генрих (Heine, Heinrich) (1797-1856), Афоризмы, Биография. <http://www.foxlgn.ru/apphorism/biography/heine.html>.
3. Гаев Г. Гении в частной жизни. – М.: «Крон пресс», 1999 ..
4. Генрих Гейне. <http://www.xsp.ru/psychophy/pub/outpub.php?id=700&str=0015>
5. <http://vikent.ru/author/829/>
6. Собиров Н. Ҳадислар илм ва тарбия асоси. -Т., 2020 й., 126-бет.
7. Генрих Гейне. Собрание сочинений., В десяти томах., Под. ред. Н.В. Берковского, В.М. Жирмунского, Я.М. Металлова. Государственное издательство художественной литературы. Л. 1956-1959.
8. <http://tfile.co/forum/viewtopic.php?r=827268>
9. Степанян В.Н. Жизнь и смерть знаменитых людей. -М.:«Аст»; «Зебра», 2007 г.
10. [zet-isnetdead.livejournal.com/244740.html](http://zet-isnetdead.livejournal.com/244740.html).

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)

**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ИЖРОВИЙ ЛИРИКА ТАРИХИ ВА ТАДРИЖИ**  
**ИСТОРИЯ И ЭВОЛЮЦИЯ РОЛЕВОЙ ЛИРИКИ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ**  
**HISTORY AND EVOLUTION OF ROLE LYRICS IN UZBEK POETRY**

**Орипова Гулноза Муродиловна<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Орипова Гулноза Муродиловна**

– ФарДУ ўқитувчиси, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD).

**Аннотация**

*Мақолада ўзбек шеъриятида ижровий лириканинг шаклланиш босқичлари, тарихи ва тадрижи, ижровий лирика табиатида хос жиҳатлар тадқиқ этилган. Эркин Воҳидовнинг ижровий лирикага мансуб шеърлари таҳлили орқали ҳозирги ўзбек шеъриятининг шаклий-мазмуний янгиланишлари кўрсатиб берилган.*

**Аннотация**

*В статье исследуются этапы формирования ролевой лирики в узбекской поэзии, её история и эволюция, своеобразие природы ролевой лирики. На примере анализа стихов ролевой лирики Эркина Вохидова показано обновление формы и содержания современной узбекской поэзии.*

**Annotation:**

*The article examines the stages of forming role-playing lyrics in Uzbek poetry, its history and evolution, the originality of the nature of the role lyrics. Using the example of the analysis of poems of the role-playing lyrics, Erkin Vokhidov shows the updates of forms and contents in modern Uzbek poetry.*

**Таянч сўз ва иборалар:** ижровий лирика, лирик кечинма, сарлавҳа, сарлавҳа ости изоҳи, рамка унсурлари, шаклий ва мазмуний янгиланишлар.

**Ключевые слова и выражения:** ролевая лирика, лирическое переживание, заголовок, подзаголовочное примечание, рамка элементов, обновление формы и содержания.

**Key words and expressions:** role lyrics, lyrical experience, heading, subheading comments, frame of elements, update of shape and content.

Лирикада “ролевая” атамасига биринчилардан бўлиб рус олими В.В.Гиппиус муносабат билдирган. Унинг “Некрасовнинг XIX аср рус шеърияти тарихидаги ўрни” номли мақоласида Кольцов ва Некрасовларнинг ижровий лирикага мансуб шеърлари ҳақида баҳс юритилган [1,267-268]. Ижровий лирика табиати, структур-семантик, стилистик хусусиятлари Б.О.Корман, А.М.Гаркави, В.П.Скобелева каби рус олимлари томонидан назарий-таҳлилий аспектда текширилган. Б.О.Корман ижровий лириканинг стилистик хусусиятларига урғу бериб, стилистик бўёқдор сўзлар муаллиф билан ўзаро боғланган образ “мен”нинг муайян ижтимоий-маиший ва маданий-тарихий муҳитини кўрсатишда характерли функция бажариши, шеърда ижро этувчи муаллиф фикри ва туйғусини ифодалашда турли стилистик элементларнинг таъсири ҳақида фикр юритган [2,390]. Ижровий лириканинг

моҳияти шундай англашиладики, бундай шеърларда муаллиф ўзининг шахси билан эмас, турли қиёфадаги қаҳрамонлар шахси орқали “ижро” этади.

“Ролевая лирика” атамаси немисча “Rollenlyrik” сўзидан олинган бўлиб, китобхон бундай шеърларни биринчи шахс томонидан ҳикоя қилинган шеърий асар сифатида қабул қилади. Чунки шеърдаги ижровий характер лирик “мен”нинг матндаги иштирокини намоён этмайди. Яъни, “муаллиф шеър матнидаги иштироки гўё қаҳрамони билан қоришиб кетгандай, у яширин тарзда ўз қаҳрамонига “сўз” беради” (Б.О.Корман). Лирик асарнинг субъектив ташкилланиши икки ҳодисада: “ички алоқадорлик” ҳамда қаҳрамоннинг ҳеч қачон муаллифдан тўлиқ ажрамаслиги тарзида намоён бўлиши С.Н.Бройтман қарашларида кузатилади [3. 310]. Кўринадики, ижровий лирика – бу, “лирик кечинма ўзга шахс тилидан ифода этилувчи шеър. Яъни,

бунда шоир гўё ўзга шахсга эврилади, унинг “рол”ини ижро қилади” [4. 110].

Ўзбек адабиётида профессор Д.Қуроноф “ролевая лирика” атамасини “ижровий лирика” сифатида талқин этади ва ўзга шахснинг ҳис-туйғуларини унинг ўз тилидан “мен” шаклида ифода этувчи шеърларни ижровий лирикага мансуб, деб кўрсатади. Яъни бундай шеърларда лирик субъект ҳам, лирик кечинма объекти ҳам шоирдан ўзга шахсдир. Улуғбек Ҳамдамнинг “XX аср ўзбек шеъриятининг асосий хусусиятлари” номли мақоласида ҳам “ижровий лирика”га оид айрим мулоҳазалар қайд этилган. Жумладан, “Ижтимоийлашган шеъриятнинг кўнгилдан воқеликка юз буриши, эпик ва драматик тур билан рақобат ҳамда ўзаро алоқа-таъсир шароити лирик асарнинг субъектив ташкилланишида ўзгаришларга, лирик субъект тушунчасининг кенгайишига замин бўлди. Энди шеърда “лирик мен”

қатори “ўзга”нинг кечинма субъекти бўлиши (ижровий лирика, персонажли лирика), кечинмани объект тасвири ёки тавсифида акс эттириш (тавсифий лирика, воқеабанд лирика) мумкин бўлдики, бу, янги шеъриятнинг тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтди”.

Тадқиқотимиз ижровий лирикани диахроник аспектда ўрганишни тақозо этади. Унинг илк куртаклари халқ кўшиқларида учрайди. Масалан, “Ёр-ёр”лардаги келин, унинг дугоналари, опаси тилидан ижро этилган кўшиқларда лирик кечинма улар шахси орқали ифодаланган. Халқимизда ота хоҳиши фарзанд учун, айниқса қиз бола учун инкор қилиб бўлмас бурч ҳисобланади. Ота қизининг раъйига кулоқ тутмай, уни номуносиб хонадонга (мол-мулк, бойлик эвазига) узатиши, бундай аянчли қисматдан келин бўлмиш қизнинг дардли кечинмалари қуйидаги сатрларда ифодаланган:

Оқ милтиқ, қора милтиқ,  
Отган отам, ёр-ёр.  
Ўз қизини ёт кўриб,  
Сотган отам, ёр-ёр.

Кўшиқдаги оқ ва қора милтиқ деталари рамзий маъно касб этиб, оқ милтиқ – отасининг вояга етказганлиги, бахтли болалиги, уйдаги фаромуш кунлари рамзи сифатида келган бўлса, қора милтиқ – отанинг ўз жигаргўшасига бегоналардай муносабатда бўлиши лирик қаҳрамон изтиробини оширади.

Қизнинг онага айтилган дил сўзларида ҳам лирик кечинма келин тилидан ифодаланган:

Оқ кўйлагим енгини  
Ситдим, она, ёр-ёр.  
Оқ сутинга рози бўл  
Кетдим, она, ёр-ёр

Халқ кўшиқларида оқ ранг поклик, буғуборлик рамзи бўлиб келган. Юқоридаги сатрларда оқ сут бериб, оқ ювиб, оқ тараган, оппоқ орзуларга буркантириб ўстирган мушфиқ онаизорини ташлаб, ўзга хонадонга келин бўлаётган қизнинг қалб туғёнлари айтилган.

Ёр-ёрларнинг лирик баён шакли турли хил бўлиб, бир ўринда келиннинг дугоналари тилидан ижро этилса, бошқа ўринда қизнинг опаси тилидан айтилади:

Шалдир-шулдур қамишга  
Сирғам тушди, ёр-ёр.  
Синалмаган йигитга  
Синглим тушди, ёр-ёр.

Опанинг сингил тақдирдан қайғуриши, “синалмаган йигит” билан оила қуриши қамишзор орасига сирғасининг тушиши билан қиёсланган.

Деҳқончилик билан боғлиқ халқ кўшиқларида ҳам ижровий лирикага мансуб жиҳатларни кузатиш мумкин. Аксарият кўш кўшиқлари кўш тортувчи ҳайвон тилидан шикоят тарзида айтилади. Олим Р.Носировнинг фикрича, кўш тортувчи ҳайвон тилидан шикоят мазмунидаги тўртликлар очликдан мадори кетган ҳўкизнинг қўшга

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

қандай ярашидан хавотир олиши мотивлари билан умумий композицияни ташкил этади.

Шохларим газ-газ қулоч,  
Устида ўйнар қалдирғоч,  
Ҳайдай десам, вой, қорним оч,  
Мен қўшга қандай ярайин?!

Бўйнимда бор бўйинтуруқ,  
Омочлари шарақ-шуруқ.  
Оқшом борсам охир қуруқ,  
Мен қўшга қандай ярайин?!

Қўшиқ қорни оч, мадори қуриган, бўйнига бўйинтуруқ бўлиб осилган омочнинг шарақ-шуруқи баттар очлик ҳиссини ошираётган ҳўкиз тилидан айтилган. Демак, ўзбек шеърлятида ижровий лирикага хос дастлабки белгилар халқ қўшиқларида мавжуд бўлган.

Ўзбек адабиётида XI асрда яратилган “Девону луғотит турк” асаридаги ёз билан қиш тортишуви таърифланган тўртликларда ҳам ижровий лирикага хос жиҳатлар учрайди. Масалан,

Сендан қачар сундилач,  
Менда тинар қарғилач.  
Татлиғ ўтар сандувач,  
Эркак тиши учрушур.

Ёз билан қиш тортишувини таърифлаб, шундай дейди: ёз қишга айтади: саъва сендан қочади. Қалдирғоч ва бошқа қушлар менда бўлади. Менда булбул ёқимли сайраши билан одамларни шодлантиради. Бутун ёз эркак ва урғочи қушлар жуфт-жуфт бўлиб қўшилишади [5, 194]. Маҳмуд Кошғарий ёз фаслининг қишга қарата “мен” тилидан айтган тўртлиги орқали ижровий лирикага мансуб куртакларни яратган. Худди шундай қиш фасли нутқи воситасида ифодаланган ҳолатни ҳам кузатсак, шоир қишнинг тилидан ёз билан мунозарага киришади:

Сенда қопар чазанлар  
Қузғу синак жиланлар.  
Дўк мин қужу тўмэнлар  
Қузруқ тикиб жўгрўшўр.

Қиш билан ёз тортишувини таърифлаб, қиш ёзга айтади: сенда чаёнлар, пашша, чивинлар, халққа озор берувчи ҳар хил ҳашаротлар бор. Сенда илонлар думларини ўраб (гажак қилиб), халққа ҳамла қиладилар.

Шунингдек, мазкур асарда ўзга шахс (куёв) тилидан мурожаат қилинган тўртликка эътибор қаратилса, Маҳмуд Кошғарий ижровий лирика қаҳрамони “куёв” тилидан “саҳна”га чиқади ва унинг “рол”ини ижро қилади:

Бердим сена қалин  
Эмди муни олин.  
Эмгаг мэнин билин  
Оғрар тўнўр барғали.

Куёв қайин отасига айтади: сизга – оила қуриш ва хонадонига келин қалин бердим, буни олинг. Бу молни туширишга бел боғлаган куёв йигит. тўплашдаги қийинчиликларимни Шеърда муаллиф иштироки яширин тушунинг. Маълумки, халқимизда ҳолда ижровий лирика қаҳрамони қадимдан куёвларнинг келин учун қалин тилидан сўзлайди. Кўринадики, турли пули бериш одати анъанага айланган. Келтирилган тўртликда куёв қайин шахслар лирик кечинма субъектига отасига келин учун машаққатлар эвазига айланади. Бундай шеърлар эса ижровий лирикага мансуб, деб аталади.

Ижровий лириканинг кенг тўплаган қалин пулини оз-кўп демай оммалашиси рус адабиётида XIX асрда олишини илтижо қилиб айтмоқда. Бундан Некрасов ижодида бўй кўрсатган бўлса, кўринадики, шеърнинг асосий қаҳрамони

XX аср бошлари янги ўзбек шеърлятида эса Чўлпон ижоди мисолида сара намуналари яратилганлигини айтиш мумкин. Шоирнинг “Мен ва бошқалар” шеъри ижровий лирика жанрида яратилган бўлиб, шеър сарлавҳасига ғоявий-бадий функция юклайди. Маълумки, лирик асар композициясида шеърнинг матний қурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Унда асосий матн ва рамка унсурлари фарқланади. “Мисра ва бандларга бўлиниш асосий матнга тааллуқли бўлса, сарлавҳа, жанр қайди, эпиграф, бағишлов, шеър ёзилган сана ва жой қайди рамка унсурларидир” [6,39]. Демак, шеърнинг “Мен ва бошқалар” деб номланувчи сарлавҳаси лирик кечинма

Кулган бошқалардир, йиғлаган менмен,  
 Ўйнаган бошқалар, инграған менмен.  
 Эрк эртакларини эшиткан бошқа,  
 Қуллик қўшиғини тинглағон менмен.

Шеърда ижровий лирика қаҳрамони ўз юртида озодликни истаб, баралла овози халқига етиб бормаётган, боғларидан, қанотларидан айрилган хурликка ташна шахсдир (халқдир). Шеърнинг биринчи бандидаги “йиғлаган”, “инграған”, “тинглағон” қофиядош сўзлари қаҳрамоннинг ҳазин, маъюс, оғриқли кечинмаларини ифодалаб, мисралар сўнгида такрорланган “менмен” радифи орқали мустамлакага айланган диёрида ўйнаб-кулган бошқалар-у, ўз ватанида

субъектига айланган ижровий лирика қаҳрамонининг ҳис-кечинмаларини англаш учун семантик калит вазифасини бажарувчи рамка унсуридир. Ижровий лирика табиатига хос жиҳатлардан яна бири шоир сарлавҳа остида лирик кечинма субъекти ҳақидаги қисқа изоҳлар (ижтимоий ҳолати, ёши, миллати, касби, ҳаракатланаётган ўрни в.х.)ни келтиради. Мазкур шеърда ҳам шоир “Ўзбек қизи оғзидан” тарзидаги сарлавҳа остида изоҳ келтириб, китобхонга шеърнинг лирик қаҳрамони мустабид тузумнинг қулига айланган, эркака ташна ўзбек қизи эканлигини англатади. Шоир лирик қаҳрамон кечинмаларига эврилиб, унинг нутқи орқали ижро этади:

“куллик қўшиғини тинглаётган” жафокаш халқнинг миллий ўзлиги йўқолиб бораётганидан қайғуради. Бу эса шеърнинг трагик пафосини намоён этади. Эътибор берилса, шеърнинг бошланишидан то охиригача “мен” сўзи асосидан ташкил топган “менмен” радифи ҳамда “бошқалар” сўзининг такроридан шоирнинг поэтик ғояси ва шеърнинг структур-семантик оҳангдорлиги яққол намоён бўлади. Буни қуйидаги жадвал асосида кузатиш мумкин:

Менмен	Бошқалар
йиғлаган	кулган
инграған	ўйнаган
қуллик қўшиғини тинглағон	эрк эртакларини эшиткан
қанот бор, лекин боғланғон	қанот бор, кўкка учадир
боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор	шохларға қўнадир, боғда яйрайдир
сўзлари садафдек, товуши найдек	сўзлари садафдек, товуши найдек
куйим бор. Уни-да деворлар тинглар	куйини ҳар ерда элга сайрайдир
қамалғон	Эркин
ҳайвон қаторида саналғон	

Шеър мисраларидаги “и”, “э”, “у”, “а” унли товушлар такроридан ҳосил бўлган ассонанс воситасида қаҳрамон кечинмаларидаги ингроқ, эзгинлик, увиллаб йиғлаш, алам, надомат ҳислари бўртиб кўринади. Шунингдек, “Эрк

эртакларини эшиткан бошқа” мисрасидаги “э” товуши такроридан ҳосил бўлган аллитерация ҳодисаси асосида эркака ташна халқнинг озод ватан ҳақидаги орзулари ифодаланган. Адабиётшунос А.Сабириновнинг таъкидлашича:



## АДАБИЁТШУНОСЛИК

“Мустамлака сиртмоғига янада қаттиқроқ банди бўлган юртнинг туманли истиқболи ҳақидаги изтиробли ўйлар Чўлпон шеърятининг мағзини ташкил этади” [7,35]. Шеърнинг сўнги “Ҳайвон қаторида саналғон менмен” мисраси эркидан маҳрум, тутқун қизнинг руҳий-психологик ҳолатларини тўла намоён этган. Чўлпоннинг озод ватанда ЭРКИН ШАХС ғоявий-эстетик концепцияси ижровий лирика жанрига хос шеърлари пафосига ҳамда ижровий лирика қаҳрамонини яратишдаги поэтик маҳоратига сингиб кетган.

Мустақиллик даври ўзбек лирикасида шаклий ва мазмуний янгиланишлар ҳамда тасвир ва ифода имкониятларининг кенгайиши лирикада кечинма субъектининг оламни бадиий идрок этишдаги мушоҳадалари кўламининг бойишига хизмат қилмоқда. Маълумки, лириканинг табиатига хос бўлган “субъективлик” тушунчаси уни бошқа адабий турлардан фарқлаб

туради. Лирик шеърларнинг мазмуний доминанти кечинма экан, “ижровий лирика қаҳрамони лирик кечинманинг ягона субъекти бўлиб қолади. Яъни ижровий лирикада ҳам кечинма “мен” тилидан изҳор қилинади, бироқ бу “мен” энди шоирдан мутлақо бошқа, кечинма субъекти энди тамом “ўзга” шахсдир” [8. 272]. Кўринадики, ижровий лирикада кечинма эгаси шоир автобиографиясидан йироқ. Масалан, Эркин Воҳидов “Ёд этинг” шеърида жангда қурбон бўлган аскар образини яратади. Шеърнинг “(Қурбон бўлган аскар нидоси)” тарзида келтирилган сарлавҳа остидаги изоҳи китобхонда шеърни бадиий идрок этишга замин ҳозирлайди. Мазкур шеър маснавий шаклидаги а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а тарзида қофияланган бўлиб, арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган. Шоир ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини ҳозирги шеърятимизда қўллаб, ифода имкониятларини кенгайтиришга эришган: [9,274]

Мен қа-ро туп-роқ-да ёт-ган ўғ-ли-нгиз-ман, ёд э-тинг,  
 - V - - - V - - - V - - - V -  
 Ин-ти-зор ру-ҳим ти-ло-ват бир-ла йўқ-лаб шод э-тинг  
 - V - - - V - - - V - - - V -

Шеърнинг лирик қаҳрамони жангчи аскардир. Шоир ўқувчи кўз ўнгида беаёв жангларида қурбон бўлган, “олис элларда қолган” ўзбек жангчи аскар қиёфасига кириб, унинг нутқи орқали нидо қилади. Шеърнинг биринчи байтидаги “Интизор руҳим тиловат бирла йўқлаб шод этинг” мисраси якуловчи байт сатрида ҳам такрорланиб, композицион ҳалқани ҳосил қилган. Шоирнинг поэтик ғояси ана шу композицион ҳалқа орасидаги “ёд этинг – шод этинг – бунёд этинг – обод этинг” тарзида келувчи қофияларнинг занжирли боғланиши орқали сатрдан-сатрга ўсиб, ривожланиб борган. Миллат ўзлигини англатиш, халқимизни ор-номус ва ўз шаъни учун курашишга чорлаш Эркин Воҳидов шеърларининг пафосидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижровий лирикага хос бўлган ижровий характер, асосан, рамка унсурлари: сарлавҳа ҳамда сарлавҳа ости изоҳида юзага чиқади. Ижровий лирикага хос шеърларда сарлавҳалар кўпинча лирик

қаҳрамон номини ўз ичига олади. Эркин Воҳидовнинг “Султонмурод” номли шеъри бунга ёрқин мисолдир. Шеърнинг композицион қурилиши халқ достонларидаги бахшиёна оҳангни ёдга солади. Шоир ўқувчига ижровий лирика қаҳрамони шахси ҳамда унинг ижтимоий ҳолатини яққол намоён этишда сарлавҳа остидаги изоҳдан кенг фойдаланган. Мазкур изоҳда халқ достонларига хос сажъ усулининг қўлланиши шоир поэтик маҳорати билан боғлиқ ҳодисадир: “Султонмурод давлатманд одам эди. Сахий, маърифатли бой эди. Совет ҳокимияти унинг мол-мулкини мусодара, ўзини элдан бадарга қилди. Бор-йўғидан, ватанидан мосуво бўлиб, узоқ элларга жўнаб кетар экан, Султонмурод алам ичида шундай сўзларни айтди” [9,112]. Ижровий лириканинг ҳозирги шеърятимизга хос бўлган намуналарида ифода имкониятларининг кенгликлари шеър асосий матнидан сўнг ҳам изоҳ келтирилиши билан ифодаланмоқда.

Бундай ҳолатни мазкур шеър сўнгида ҳам кузатиш мумкин: “Султонмурод шу сўзларни айтиб, отга қамчи босиб, Олатоғдан ошиб, Қашқарга равона бўлди...”. Шеърнинг асосий матни остидаги изоҳида ҳам шоир ўзбек халқ оғзаки ижоди аъналаридан ижодий таъсирланганлиги ва уларга мурожаат қилганлиги кўринади. Маълумки, от мифологик тотем ҳайвон бўлиб, вафодорлик рамзидир. Ўзбек фольклорининг кўплаб намуналарида от култи алоҳида аҳамиятга эга. Халқ достонларида ҳам от образи аънавий образ бўлиб, отда сафарга чиқиш

Эл кўчириб Олатоғдан оширди,  
Сирин айтмай душманлардан яширди,  
Иккови ҳам тилладандир узанги,  
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Эркин Воҳидов яратган ижровий лирика қаҳрамони – мустахлак туфайли ўз ватанидан бадарға бўлган маърифатли бой. Шоир шеърнинг асосий матнини Султонмурод нутқи орқали ифода этар экан, элидан бадарға бўлган лирик қаҳрамон алам билан хитоб қилади:

Шафқат этмай бахтим қаро қилганлар,  
Шафқатга зор бахти қаролар бўлмай.  
Мени ватанимдан жудо қилганлар  
Ватанда ватандан жудолар бўлмай...

Мустахид тузум даврида ўз еридан қувилган, бадарға қилинган халқимиз вакиллари чорасиз ҳолда ватандан айро бўлдилар. Уларнинг қисмати, дардли изтироблари, элимизга айтар сўзлари, тарихнинг асл ҲАҚИҚАТлари нидолари орқали сатрларга кўчди. Юқорида келтирилган мисраларда “шафқат”, “бахт”, “қаро”, “ватан”, “жудо” сўзлари такрор ҳолда қўлланиб, шеърнинг ритмик-интонацион тузилишида ўзига хос функция бажарган.

Ҳеч қачон, ҳеч ерда ҳеч кимсага, бас,  
Талаб олган ери буюрган эмас,  
Ер-сувимни олган нобакор ул кас  
Ер устида ерга гадолар бўлмай.

Биринчи мисрада келтирилган “ҳеч” сўзидаги “ҳ” товушининг такрори лирик қаҳрамоннинг оғир хўрсиниқларини ифодалайди. Шеърда такрорланган “ер” сўзи инсон учун муқаддас тупроқ, киндик қони тўкилган гўша, бағрида катта қилган ватан, ризқ берувчи неъмат, бу дунёни тарк этганда, ўз бағрига олувчи макон тимсолидир. Шунинг учун шоир шеърда “ер” сўзига чуқур ижтимоий-фалсафий мазмун юклаган.

Шеър бадийятини таъминлашда шоир “*Лак-лак сургун қилар, зиндонга тиқар*” мисраси орқали “лак-лак”, “зиндон” архаизмларини қўллайди. Бу эса шеърнинг бадий-эстетик хусусиятларини

воқеалари “Алпомиш”, “Равшан”, “Гўрўғли” туркумидаги достонларда ўзига хос услубда баён этилган. Эркин Воҳидовнинг поэтик маҳорати шундаки, халқ достонларидаги отда сафарга чиқиш аънаси ижровий лирика қаҳрамони Султонмуроднинг “отга қамчи босиб, Олатоғдан ошиб, Қашқарга равона бўлиш”ида давом этган. Султонмуроднинг Олатоғдан ошиш воқеаси бевосита халқ достонларида акс этган воқелик заминидан ўсиб чиққан бўлиб, буни “Алпомиш” достонидан келтирилган куйидаги бандда кўриш мумкин:

Хуллас, ижровий лирика характеридаги шеърлар мустақиллик даври ўзбек лирикасининг шаклий-мазмуний янгиланиши ҳамда жанр хусусиятларини белгилашда, ифода имкониятларининг кенгайишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

## Адабиётлар:

1. Гиппиус. В.В. Некрасов в истории русской поэзии XIX века// От Пушкина до Блока. – Москва: «Наука», 1966. – С.267-268.
2. Корман О.Б. Лирика Н.А.Некрасова. Воронеж: Изд-во. ВГУ. 1964. - 390 с.  
Қаранг: <https://bigenc.ru/literature/text/3513752/> Большая российская энциклопедия.
3. Бройтман С.Н. Русская лирика. XIX – начала XX века в свете исторической поэтики. –Москва: Изд-во. РГГУ. 1997. 310 с.
4. Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент, “Akademnashr” , 2013. –Б.110.
5. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони. (Девону луғотит турк). Уч томлик. III том. – Тошкент: Ўзфанакаднaшр, 1963. –Б.194.
6. Қуроноф Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: “Akademnashr”, 2018. – Б.39.
7. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. – Latvia: GlobeEdit, 2020. – Б.35.
8. Қуроноф Д. Адабиётшунослик назарияси асослари. –Тошкент: “NOSHIR”, 2019. - Б. 272.
9. Эркин Воҳидов. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. – Тошкент: “Sharq”, 2016. – Б.54.
10. Солижоноф Й. Шоир ижодида миллий озодлик мавзуси// То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: “O‘ZBEKISTON”, 2016. – Б. 479.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

УДК: 894.375+808+809.1

**ФАРҒОНА НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ПОЭТИК ТУРКУМЛАР**  
(водий шоирлари шеърояти мисолида)

**ТРАДИЦИОННЫЙ ПОЭТИЧЕСКИЙ ЦИКЛ, СВЯЗАННЫЙ С НАЗВАНИЕМ ФЕРГАНА**  
(на примере произведений поэтов долины)

**TRADITIONAL POETIC SERIES ASSOCIATED WITH THE NAME OF FERGANA**  
(on the example of poetry of valley poets)

**Барзиев Ойбек Хабибуллаевич<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Барзиев Ойбек Хабибуллаевич**

– ФарДУ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

**Аннотация**

Мақолада анъанавий поэтик туркумлар яратишда муштаракликка эга бўлган Амоний Арабоний, Дилшоди Барно, Анбар отин, Завқий, Ҳусайнкули Муҳсиний, Абдурахмон Водилий шеърояти илмий таҳлилга тортилган. Уларнинг лирик меросидаги мавжуд Фарғона номи билан боғлиқ сўз қўллаш маҳорати ва адабий таъсир масаласи қиёслаб ўрганилган.

**Аннотация**

В статье анализируется поэзия Амони Арабони, Дилшоди Барно, Анбар атын, Завқи, Хусейнкули Муҳсини, Абдурахмана Водили, имеющих общее в создании традиционных поэтических циклов. Сравнительно изучены лексические навыки, связанные с существующим названием Фергана в их лирическом наследии и проблема литературного влияния.

**Annotation**

The article analyzes the poetry of Amoni Araboni, Dilshodi Barno, Anbar Atin, Zavqi, Husaynquli Muhsini, Abdurahmon Vodili, who have in common in the creation of traditional poetic collections. The lexical skills associated with the existing name of Fergana in their lyrical heritage and the issue of literary influence have been studied comparatively.

**Таянч сўз ва иборалар:** муштараклик, тасвирийлик, анъанавий поэтик туркумлар, давр муаммолари, жамиятдаги салбий иллатлар, сўз қўллаш маҳорати, адабий таъсир.

**Ключевые слова и выражения:** общность, образность, традиционный поэтический цикл, проблемы периода, пороки общества, навыки употребления слов, литературное влияние.

**Key words and expressions:** commonality, imagery, traditional poetic series, problems of the period, negative flaws in society, word usage skills, literary influence.

Миллий уйғониш даври ўзбек шеъроятида қўлланган анъанавий поэтик туркумлар мавзуси ва ўз даврининг бошқа шоирлар шеъроятида ифодаланган ғояси билан муштараклик касб этади. Бу даврининг ёрқин вакиллари лирик меросида мурасасизлик билан бирга юртни ҳимоя қилиш, унинг курашчисига айланиш ва ҳаддан ошаётган “мустамлакачилар зулми”га қарши чиқиш ғоялари юқори пардаларда намоён бўлган. Айниқса, бу каби ижтимоий масалалар мумтоз адабиётнинг кўҳна жанрлари – ғазал ҳамда мухаммасларда самарали очиб берилган.

Адабий луғатларда шеърый асарлардаги туркумлилик ҳақида

“муштарак ғоявий ният, умумий мавзу, қаҳрамон ва муайян композицион яхлитликка эга бўлган бадий асарлар мажмуи. Туркум асарлар сўз санъатининг барча жанрларида мавжуд”[1.268], дея таъриф берилган.

Ўтган асрнинг бошларида водий шоирлари ўз шеърларида Фарғона ва унга яқин бўлган ҳудудларни мадҳ этиш, унинг фарзанди эканлигидан мамнунлик руҳи билан суғорилган кўплаб лирик асарлар яратдилар. Шу билан бирга Фарғона ва унга яқин жойлашган жуғрофик ҳудудлар тасвирига мурожаат қилганлар. Шеърятда қаламга олинган Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон каби қадимий вилоят ва унинг шаҳар

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳамда туманларида ўтган асрнинг бошларида юз берган кўнгилсизликлар: юртни талаш, батрак-деҳқоннинг ҳақиға хиёнат қилиш, ўғрилиқ, товламачилиқ, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, одам савдоси каби жамиятни таназзулга олиб келиши муқаррар бўлган салбий иллатлар ёритилган.

Бундай мавзуларга мурожаат этиш, айниқса, асли Марғилон шаҳридан бўлган (кейин Ўш вилоятининг Аравон қишлоғига оиласи билан кўчиб кетган) шоир

Бугун тобора бўлса тор мўминларга Фарғона,  
Йиғуштурмай алойиқни ўралғон борҳо менман.

Шарорат била тўлиб тошти, Фарғона, ўзинг сақла,  
Худоё, ҳеч адаштирама агарчи пур хато менман [2.48],

дея шахсий кечинмаларини баён қилади.

Мазкур ғазал сўфиёна усулда битилган. Амоний ижодида етакчи бўлган ижтимоий мавзуда ёзилган ғазалларда тавба қилиш, инсонларни дин-у диёнатга чорлаш масалалари етакчи саналади. Ўз замонида Фарғона мўмин-мусулмонларга тор бўлиб бораётганлиги ва у ёвузлик билан тўлиб-тошганлиги айтилади. Шоир ғазал якунида лирик қаҳрамон сифатида бу каби тўла хатоликлардан сақла, дея Худога ёлборади. Амоний ҳақида адабиётшунос олим Пўлотжон Домулло ёзган тазкирасида: "... номи мулла Омонидин бўлуб Мулла Йўлдош ўғлидур. Ўткир зеҳнли экан. Марғилондаги замондош шоирлари ашъорларидан тўплаб, кичик қўлда хушхат бир баёзча вужудга келтирмиш. 1937 нчи йилда 44 ёшида Андижон шаҳарида Маориф маҳалласида вафот этмишдур", [3.174] каби маълумот берилган.

Шоирнинг ўн байтлик "Бизга" радифли ғазали ҳам ижтимоий ғоя билан суғорилган. Ғазалнинг бешинчи байтида Фарғона муҳитига хос тасвирийлик мавжуд:

Халокат ўқиға бўлди нишона  
Фарғона,

Ватанлар тор турмоққа ошиқлик  
қилди жон бизга.

Шоир ижодида "Мен ўзум..." ғазали ҳам ўзига хос ўринга эга. Ғазал автобиографик руҳда битилган бўлиб, унинг иккинчи байтида Фарғонадаги

Фурқатнинг шогирди Амоний Арабоний, Қўқон адабий муҳитининг ёрқин вакиллари: Дилшоди Барно, Анбар отин, Завқий, Муҳсиний, Фарғона тумани Водил қишлоғидан бўлган Абдурахмон Водилийлар ижодида кузатилади.

Амоний Арабоний "Менман" радифли 12 байтлик ғазалида вужуди исёнга тўлган ва қадри топталган ҳудожўй киши сифатида сўз очади. Мазкур ғазалининг 9-10-байтларида:

ёвузлик, шариатдаги мавжуд салбий иллатлар ошкор этилади:

Ниятимга етмадим, ҳижрат қилиб ё  
кетмадим,

Чунки бу Фарғонада бўлди  
шарорат ошкор.

Ёки Қўқон адабий муҳитининг шоираси Дилшоди Барно ижодига мансуб мухаммасда бир қатор Фарғона водийсига оид шаҳарлар номи келтирилиб, улардаги аҳолининг турмуш тарзи, дин ва диёнат масалалари топталгани, бой ва камбағал каби икки тоифага ажраб қолган аҳоли ҳақидаги реалистик тасвир мавжуд. Мухаммас воқеабанд усулида битилган бўлиб, шоира унинг алам ўтидан куйиб, фиғон чекиб, йиғлаб ёздим, дейди. Шеърнинг иккинчи бандида ифодаланишича, Фарғона – рухсоридан ғубор кетмас, кундузи ҳоли беқарор, тунларида баҳор булути йиғлаганлиги учун шоиранинг кўкси беомон бўлган.

Учинчи банд Андижон тасвирига қаратилган бўлиб, унда куёшнинг юзини булут тўсганлиги, нур сочолмай хуноб, шунинг учун деҳқонларнинг ҳоли ҳам хароб эканлиги айтилган. Ўз навбатида мазкур тасвирийлик яширин контраст усулини вужудга келтирган. Яъни, жамиятдаги деҳқонлар куёш бўлса, уни нурини сочтирмай соя солган мажозий образлар булут – ҳукмдорлар саналади. Бандга семурғ, яъни ўттиз қушга "уқоб" – бургут ханжар урганлиги ташбеҳи алоҳида кўрк бағишлаган.

Тўртинчи бандда Марғилон шаҳрининг бойлари ўз нафси билан овора эканлиги, ҳунарманд атлас тўқиётган қизи бечоралиги, шу сабабли ясанмай, юзига қора суртганлиги, бу азим шаҳар қора кунларга қолганлигидан шикоят қилинади. Мазкур бандда асосан қора сўзига урғу берилган. Шоира бу билан қадимий ва кўхна ҳунармандлар ўлкаси бўлган Марғилон ҳам қора кунларни бошидан кечираётганига ишора қилади.

Мухаммаснинг бешинчи бандида Наманган тилга олинган бўлиб, у олма, анор, мевага кон, лекин боғбони мевага зор, деҳқони буғдой етиштиради, лекин буғдой нонини кўрмайди, пахта экади-ю, чопони йиртиқ, дея таъриф этилади. Келтирилган тасвирийликдан давр муаммоларидан бири: деҳқонлардан фойдаланиш, ўзгаларнинг ҳалол меҳнатига шерик бўлиш каби ижтимоий масалалар кўтарилган.

Олтинчи бандда яна бир азим шаҳар – Қўқонга ишора мавжуд. Бу ерда нафс итлари ва фоҳишабозлар кўп эканлиги, йигитлари қизлар қатори хўрлангани, улар мўйлаби чиққунча ҳайит, яъни бахтиёрлик кунларини кўрмайди, дейилган. Бандда жамиятдаги

давр муаммоларидан бўлган ор-номус, ибо ва ҳаёнинг унутилгани, инсон зотига қул сифатида қараш кабилар очиб берилади. Шунинг учун банднинг охири мисрасида Қўқон балога йўлиққан, деган афсус ва надомат бор. Шоира мухаммасининг сўнги банди Фарғона замани альёмон – “омон бўлсин” деган орзу билан якунланади.

Ёки шоиранинг яна бир мухаммасида фарғоналикларнинг турмуш тарзи ёритилган. Мухаммаснинг дастлабки бандларида Фарғона гулистон бўлгудек, сунбул билан тўлгудек, элини чехраси севгудай, тунлари ойдин бўлиб тургудай, дея таърифланади. Муаллифнинг ғоявий нияти охири бандда яққол очилади. Аҳолисининг кекса-ю, бола-чақаси яланғочлиги, уларнинг оёқлари синчалак ва қалдирғочникидек, дея ифрот (арабча “кичрайтириш”) санъатини қўллайдик, бунинг сабабини ҳамма меҳнатда-ю, лекин қорни очлигидан, деб билади. Бандлар сўнгида шоира айтилган воқеликларга қарши чиққани ҳолда уларнинг Худо урган, шунинг учун “оғзинг тарафдан ўт оч”, дея ўзига мурожаат қилади:

Кекса озгин, букчайган, бола-чақа ялонғоч,  
Қўл оёқлар мисоли синчалак, ё қалдирғоч.  
Уй ич ҳамма меҳнатда, аммо ҳамма қорни оч,  
Барно буларга зид бўл, оғзинг тарафдин ўт оч,  
Куйдурсун ҳаммасини мисли худо ургудай.[4.82]

Ёки етти байтлик ижтимоий мавзудаги тожик ва ўзбек тилида битилган ғазалида Фарғонани “зулм-аламлар ўқиға нишон бўлган”, деб атайди. Ғазалнинг дастлабки байтида уни жаннатсимон ва гавҳар, ёқут узукдек жисми жонимда, деб атайди. Қўқон шаҳрини эса Фарғонанинг гўёки “узук кўзи” деб таърифлайди. Жуғрофик жиҳатдан Истравшан, Наманган, Тошкент билан туташ бўлган бу гўша зулм-аламга

йўлиққанлигидан қайғургани ҳолда ғазал сўнгида ўзига мурожаат этади ва охирида мунгли овозига Фарғона ҳамзабон эканлигини ёзади. Шоир Амоний Арабоний ўз ғазалида қўллаган Фарғонанинг “ҳалокат ўқиға нишон бўлганлиги” Дилшоди Барно ғазалида “зулм-аламлар ўқиға нишон” дея ифодалангани сўз танлаш маҳорати ва бадииятига кўра муштаракликка эга:

Истравшану Наманган Тошкент билан туташ,  
Зулм-аламлар ўқиға бўлмиш нишон Фарғона.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ёки Қўқон адабий муҳитининг таниқли шоираси Анбар отин хасталигида ёзилган ғазалининг бошланмаси Фарғона аёлларининг ғафлат уйқусидан уйғотишга чақирилган:

Мендек ётма, уйғонгил, эй занони Фарғона!  
Эрлардек бел боғлагин, эмди бўлуб мардона![5.17]

Ғазалнинг сўнгида аёллар ғунчаларга қиёсланиб, уларнинг ўйнаб-куладиган замонаси келганлиги, бу ҳақда хотин-қизларнинг мулоҳаза қиладиган палласи эканлиги айтиб ўтилган:

Анбар бўйи бўғилмасун, эй гул, кўксингда,  
Ханда қил ғунчалар, қилсун зани занона!

Тўққиз байтлик яна бир ғазали Фарғонанинг реал манзараси тасвирига бағишланган ва у кучли ижтимоий мазмунга бойлиги билан ажралиб туради. Ғазалнинг дастлабки байтида Фарғона ўрус истибдоди остида эканлиги айтилади. Унда зулм-зўравонлик бор бўй-басти билан тасвирланган. Анъанавий поэтик мазмун қуйидаги байтда зулм сўзини қўллаш билан кучайиб боради:

Қувониб, истибдода ўйлади эл, “зулм кетди” деб,  
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди.

Ғазалда Фарғонага золим келиб, айнан мазлумлар билан ҳамроҳ бўлганлиги долзарб мазмун касб этади. Бу эса ўз даврининг ижтимоий муаммоларидан бири – камбағаллар ҳақини талаш муаммоларига ишорадир. Бу ғазалнинг сўнгида ҳам шоира ўзига мурожаат этади ҳамда даврнинг бир неча аёллари ўзи каби дардини айтиб, охири адо бўлганлигидан огоҳлантиради.

Шоира замондоши Дилшоди Барнонинг қуйидаги беш бандлик мухаммаси эса озодликка чақирув, ўзига хос даъват руҳида битилган:

Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди шод қил,  
Ҳар ғазални бошида, сан, ўз отингни ёд қил,  
Қайди банди пора айлаб, ўзлугинг озод қил,  
Қайғулик кунларни куйдур, барчасини барбод қил,  
Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Мухаммасдаги радиф ва унинг ғоявий йўналиши Ҳамза Ҳакимзода ғазалини эслатади. Биринчи бандда қайғулик кунларни унутиб, Туркистон аҳолисини ҳақгўйлик учун фарёд қилишга чорлаш ғояси шоир ғазали билан муштаракдир.

Қўқон адабиётининг ҳажвгўй вакили бўлган Завқий ижодида ҳам Фарғона номи билан боғлиқ ижтимоий мавзудаги 1918-1919-йилларда ёзилган мухаммас мавжуд. Ўз даврининг “ҳукумат тепаси”да турган раҳнамоларга аччиқ киноя қилиб ёзилган мухаммасда анъанавий сўз қўллаш маҳорати сақланган:

Эшитинг қиссаи мен айлаин изҳор Фарғона,  
Куйиб хокистар ўлди жумлаи бозор Фарғона,  
Мисол оташ билан бўлди, кўринг, гулзор Фарғона,  
Хуружи (ўғри) лардан тортадур озор Фарғона,  
Халойиқлар кўзига бўлди эмди тор Фарғона. [6,92]

Мисралардаги мавжуд Аманий Арабоний ғазалида қўлланган “Фарғонанинг мўминларга тор келганлиги” тасвири Завқийда “халойиқнинг кўзига тор бўлганлиги” билан давом эттирилмоқда. Бу эса ижодий таъсирланишнинг ўзига хос ҳосиласи саналади.

Қўқон адабий муҳити шоири саналган Хусайнқули Сулаймонқули ўғли Муҳсиний ижодида ҳам етакчилик қилган 10 байтлик ғазал воқеабанд усулида битилган. Шоир ҳақида таниқли адабиётшунос Пўлотжон Домулло Қаюмий ўз тазкирасида: "...новча бўйли, қотмароқ гавдали, буғдой рангли, озода кўринишли шоирлик ўзига зеб тушмиш киши экани кўрганларга маълум бўлсада, шуҳратни севмас эди", [7.381] дея изоҳ берилган. Умр йўлида шуҳратпарастликни шиор қилиб танламаган шоирнинг куйидаги ғазалида Фарғонанинг ижтимоий ҳаётига ачиниш, афсус ва надоматлар чекиш мавзуси етакчилик қилади:

Кетти Фарғонадин инсофу диёнат афсус,  
Бу сабабдин бошимиз узра келиб қавми ўрус.

Қилди Хўқанд шаҳи ўрдаи Арк олийсин,  
Ўзга бутхона, осиб анга жаложил, ноқус. [8.39]

Қўқон арки ва хон ўрдасини макон қилган ўрис қавмидан ёзғирган ижодкор уларнинг бўйнига кўнғироқчасини осиб, бу олий масканни ҳам бутхонага айлантирганларидан афсусланади.

Ғазалнинг саккизинчи байтида ажойиб ташбеҳ, ирсоли масал каби бадий санъатлар мавжуд бўлиб, у ғазалхонни мушоҳада қилишга ва ўша даврнинг реалистик қаҳрамонларини эслашга чорлайди. Шу билан бирга нутқимизда мавжуд халқона иборалардан "Хўроз ўз катакида қичқиради"га киноя қилинган:

Келди Искобилу губернатури Тошкандин,  
Ётинг андоқ фисибон мисли катак ичра хўрус.

Ёки шоирнинг 15 байтлик "Дариф" радифли ғазали ҳам бошдан-оёқ Фарғона тасвирига бағишланган. Унинг матлаъ қисми:

Ваҳки, Фарғона эли мотамсаро бўлди, дариф,  
Сифла, дунлар – шоҳ, шаҳларким гадо бўлди, дариф.

Халқ аро жорий бўлуб дастуру қонуну низом,  
Ҳам хилофи шаръи амри Мустафо бўлди, дариф.

Шоирнинг сўз қўллаш маҳорати масаласида Дилшоди Барно мухаммасидан самарали таъсирланиш сезилади. Сабаби, шоира мухаммасининг олтинчи бандидаги фоҳишабозлик иллати ва тугалланмасидаги "ҳукумат тепасидагилар"га нисбатан "оғзинг тарафдан ўт оч" дейиши ва мавжуд тузумга "оғзини очиб қараб турмаслик"ка даъват қилиш куйидаги байтларни эслатади:

Навжувонлар боқмайин шаръ ила олғон ҳаққиға,  
Фоҳиша бебокларга ошно бўлди, дариф.

Ёки:

Очма оғзинг, Муҳсиний, тақдири ҳақдур барчаси,  
Барча – таъиди азал, раъйи худо бўлди, дариф.

Фарғона тумани Водил қишлоғидан бўлган Абдурахмон Водилий ижодиёти ҳам жаҳолат ва нодонлик, чиркин даврга тўғри келди. Шоир ғазалларининг кўпи ишқий мавзуда битилган бўлиб, улар орқали ўз юртини ҳимоя қилиш баён қилинган:

Қаро бўлғон экан аввалда бу бахт ила иқболим,  
Хаёлим дастасида жовидонимдин айрилдим.

Тушумму ё ўнгимму, билмадим, халқим адо бўлди,  
Ҳалокат майдонида Туркистонимдин айрилдим. [9.25]

Амоний Арабоний ғазалига муштарак саналган "ҳалокат ўқиға нишон бўлган Фарғона" Водилий ижодида "ҳалокат майдонидаги Туркистон" тасвири билан



## АДАБИЁТШУНОСЛИК

алмашгани ҳолда тадрижий ривожланиб бормоқда. Бу сўз қўллаш маҳоратидаги поэтик туркумнинг уйғун эканлигини ифодалайди.

Ёки шоирнинг мураббаъ шаклида ёзилган “Кетди билдингму?” шеъри ҳам ижтимоий ғоялар билан йўғрилган. Шоир мазкур мураббаъни ўз устозига бағишлаб ёзган бўлиб, унинг дастлабки бандида Марғилон номи тилга олинади:

Жаҳон айвонидин чу моҳитобон кетди билдингму?  
Кўзинг оч, бошимиздин нури аён кетди билдингму?  
Муҳаббат кишвариға хону хоқон кетди билдингму?  
Ё худо, Марғинондин лутфи субҳон кетди билдингму?

Шеърнинг бадииятига назар ташласак, унда бошдан-оёқ ийҳом (арабча “шубҳага солиш”) санъати устувор. Сабаби шоир ўз мураббаъсини устозига бағишлабгина қолмай, жаҳон айвонида юз бераётган салбий иллатлар ҳақида атрофлича тўхталиб, ўзи туғилиб ўсган диёридан кетган нарсалар билан таништиради.

Таҳлилга тортилган лирик асарлар бўйича хулосалар:

1.Амоний Арабоний Фарғона номи билан боғлиқ ғазалларида ватан ҳимоячиси сифатида гавдаланиб, юрт раҳнамоларини дин ва диёнат, инсофга чорлаган ҳолда талқин қилган. Шоир ғазалидаги сўз қўллаш маҳорати Дилшоди Барно ижодида анъана сифатида давом этди.

2.Дилшоди Барно ва Анбар отин ижодида водий ва унга яқин ҳудудларнинг таназзулга юз тутганлик тасвирини беришда поэтик анъана мавжуд.

3.Завқий мухаммасида аччиқ заҳарханда сарказм Фарғонанинг реал манзарасини очишга хизмат қилган. Шоир Амоний ғазалларида қўлланган Фарғонадаги мўминлар ҳаёти тасвири Завқий ижодида ҳам қаламга олинган.

4.Муҳсиний ва Водилий ижодида Фарғона номи ишқий муаммолар билан уйғун берилган. Улар шеъриятида Фарғонанинг ижтимоий ҳаётига ачиниш, афсус ва надоматлар чекиш мавзуси етакчилик қилади.

## Адабиётлар:

- 1.Салаев Ф., Қурбониезов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
“Имон”, “Опамни топиб олдим” ҳикояларида ўзбек оталари образини бериш орқали ўзбек оилаларидаги қадрият – фарзандларига меҳрибонлик, ғамхўрлик, маслаҳатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, ҳиссиётларини юзага чиқармаслик, бир сирда туриш каби хусусиятлар тасвирланади.

Чои Ҳи Сунинг<sup>1</sup> “Саждагоҳимсиз, отам” [3.5] ҳикоясида биринчи фарзандидан айрилган она касалликка чалиниб, тўшакка михланиб қолган дамда отаси унга ғамхўрлик қилиб, суянчиқ бўлади, далдаси туфайли қиз ҳаётга қайтади.

“Саждагоҳимсиз, отам” – ҳикоянинг номланиши ажойиб. (“Саждагоҳимсан, Ватаним”, “Ота тупроқ” дейилади бизда. Бундай дейилишига сабаб бу қадим тупроқ ота-боболаримизнинг ҳоки қўйилган замин.) Корейсларда таъзимнинг ўта кучли шакли сажда қилиш ҳисобланади.

<sup>1</sup>Чо Хи Су 1962 йили Жанубий Кореянинг Пажу шаҳрида туғилган. У Сеул Университетининг бадиий пейзаж факультетини тамомлаган бўлиб, шу вақтга қадар 9 та китоби нашр этилган. Чо Хи Су Кореяда анчагина нуфузга эга бўлган “Жоун чек иллки” (“Яхши китоблар мутолааси”) номли илмий-адабий журналининг “Оила” бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатган ва айнан шу журнал орқали унинг бир қанча асарлари корейлик китобхонларга етиб борган. Унинг “Дадам билан китоб”, “Чуқур муҳаббат бахтни яратади” номли китоблари машҳур.



## АДАБИЁТШУНОСЛИК

...Разм солиб қарасам, отам ҳам келибди. У эшик яқинида қийшиқ стулчада базур ўтирибди. Мени ўйлаб, қалбан қийналаётгани, ёрдам беришга ожизлигидан нима қилишини билмай ҳайронлиги юзидан сезилиб турарди.

– Ўзингни қўлга ол,– деди, у бир нуқтага тикилганча. Лекин гап менга тегишли эканини сездим...

Кечга яқин фарзанд қайғусидан адоий тамом бўлган она бошини кўтаролмас даражада ётиб қолади. Шунда унинг отаси аллақандай дори билан кириб келиб, дори тутди.

– Мана шуни ичиб ол, болам.

Фарзанд доғида қовурилаётган она отаси берган дорини “ичмайман”, дея жонҳолатда отиб юборади. Ёшлигидан қизининг эркаликларига кўникиб, индамай қўя қоладиган ота қаҳрли нигоҳ билан қизига қараб :

– Нима, сен ҳам ўлмоқчимсан!!! – дея бақиради. Мен отамни бунақа ҳолатда умуман кўрмагандим. – Нима мен ўйламаяпманми ўғлинг... Сенга ўғлинг керак, биламан...Лекин сен ҳам менинг фарзандимсан. Менга ҳам сен кераксан, тушундингми? Сен мени ҳам ўйла... Ўрнингга мени ҳам қўйиб кўр... Бир сўз демай ўзимни отамнинг бағрига отдим.

Ҳикояда ота қизига онангдан сўнг сен учун яшаяпман, дегандек бўлади. У ҳам ота, ҳам бир йил олдин ўтган онаси ўрнида она.

“Саждагоҳимсиз, отам” ҳикоясида ота қизининг қийналаётганини кўриб томошабин бўлиб туролмаслигини, ҳали кўплаб фарзандлар кўришини, уларга ўзи бувалик қилишини айтиб, уни ҳаётга қайтарди. Қиз турмуш ўртоғи, отаси олдида масъулиятли эканини ҳис этади. – Мени ўйла, болам... Сенинг қийналаётганингни кўриб томошабин бўлиб туролмайман. – Бу сафар отам юмшади – Сиқилма. Ҳали бағринг кўплаб фарзандларга тўлиб кетади, уларга ўзим бувалик қиламан...

Кўнглим бузилиб кетди. Отамнинг елкасига бошимни қўйиб, юм-юм йиғладим.

– Отажон!!!

Ҳикояда руҳият тасвирини беришда туш кўриш, ички мулоҳаза юритиш каби

усуллардан фойдаланилган. “Кечаси тушларимда нуқул ўтган йили оламдан ўтган онам, кечагина айрилганим фарзандим кириб, алаҳсираб чиқдим”, “Шу кундан бошлаб тушларимда ўша қаҳрли нигоҳи намоён бўлади, менинг кўнглимни кўтаради”. “Нима бўлса ҳам мени ўйлайдиган отажоним! Менинг саждагоҳимсиз! Сиз ҳамма-ҳаммасидан бебаҳо керагимсиз!”

“Имон”, “Опамни топиб олдим” ва “Саждагоҳимсиз, отам” ҳикояларида ота ва фарзанд ўртасидаги меҳр-оқибат, ғамхўрлик, ҳар қандай ҳолатда суюнчиқ бўлиш, талабчанлик каби оилавий қадриятлар тасвири берилган.

Исажон Султон замонавий ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга ижодкорлардан биридир. Ижодкор ижодхонасида яратилган “Муножот”, “Ойдинбулоқ”, “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Боғи эрам”, “Генетик” каби китобларига киритилган асарлари адабиётшунослар томонидан анча-мунча баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Постмодернизм йўналишида қалам тебратаётган адиб асарлари ҳақида профессор А. Расулов “Акслар фалсафаси”да шундай дейди: “Озод” романидан ва ҳикояларидан англашиладики, Исажон Султон миллий ўзлик деб аталган маънавий хазинанинг – коннинг моҳиятини англаб етмоқда, шарқ-мусулмон фалсафаси, нафосатшунослиги адабиётшунослигининг вориси сифатида ўзининг постмодернистик асарларини яратмоқда. “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари, “Муножот” қиссаси ва турли ҳикояларида шу усул белгилари сезилиб туради [4.428]”.

Дарҳақиқат, биз таҳлилига киришаётган “Ота қасидаси” ҳикоясининг номланишидаёқ постмодернизмга хос хусусиятлар бор. Шу ўринда қасида сўзининг маъносига эътибор қаратсак:

**Қасида** (ар. назмий асар тури) – Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий жанрлардан бири, кўпинча бирор шахснинг (одатда ҳукмдор ёки олий мартабали кишининг) мадҳига бағишланган, шунингдек, фалсафий, ахлоқий-дидактик, ижтимоий мазмундаги, кўтаринки оҳангли...шеърий асар [5.257].

“Ота қасидаси” – оталар шаън-шавкатини улугловчи тараннумими ёки отанинг аёл зотига бағишланган қасидасими?

Исажон Султоннинг “Ота қасидаси” – насрда ёзилган оила деб аталган уч устунни тутиб турувчи **ота-она** ва **фарзандлар** ҳақидаги мадҳия.

Ассоциатив сюжет асосида ёзилган бу асар анъанавий ҳикоя ичида ҳикоя тарзида қолипланган. Муаллиф нутқи орқали баён этилган биринчи ҳикоя “*бир юпун кишининг келиши, эшик олдидагилардан бир нима сўраб, жавоб олгач, йўлида давом этиши*” ҳақида бўлса, “*бу одамнинг онаси, аёли, қизлари бор*”лиги тўғрисидаги иккинчи ҳикояда персонаж нутқидан фойдаланган ҳолда асар қаҳрамонининг лирик кечинмалари берилади [6,114-115].

Асарда адиб ҳашаматли ресторанинг “*кўкиш зарҳал кийим кийган икки бақувват дарбон*” ва “*усту ёмғирда анчайин ивиган, дўппи кийган ўрта яшар, ...сочлари оқарган, пояфзали ҳам анча уринган бир киши*” ўртасидаги конфликт учқунидан моҳирона фойдаланади. Турли ракурслардан қараганда намоён бўладиган ўғил – эр – ота образларини ёрқинроқ тасвирлашда хотира-хаёл, монолог-муҳокама каби тасвирий восита усулларини ўринли ишлатади.

Ҳикоя қаҳрамонлари исмсиз. Бири – деярли ярим асрлик умри тасвирланган “*бутун умрини, топган-тутганини, бор-у йўғини ота-онасига ва оиласига сарф қилиб юборган*” ўғил – эр – ота, қолганлари – она, рафиқа, қиз ва икки дарбон. Улар адабиёт деб аталмиш кўзгу инъикосининг оламдаги умумлашма образи.

Ўзини англаган, ўзгани англайди, дейди донолар. Инсон ҳаётда ўзини англашга интилиб яшайди, ҳаётнинг инъикоси бўлган адабиётнинг асосини ҳам шу мавзу ташкил этади. Исажон Султоннинг “Ота қасидаси” ҳикояси бош қаҳрамони “*ақли тўлишгач*” барча солиҳ фарзандлар сингари “*хаста онасининг оёқларини ювиб, кўнгли туссаган нарсаларини олиб келиб, оғзига овқат тутиб ёнида ўтиради*”, онанинг оилавий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам муҳим ўрин

тутувчи инсоний фазилатларини шундай мадҳ этади:

*“Қадрингни энди билмоқдаман, онам.*

*Қадринг шунчаларки, агар бу дунёда сен бўлмасайдинг, мен ҳам бўлмас эдим.*

*Сен бир сирли-сеҳрли маҳак тошимидинг, ҳаётимни, оламимни ўзгартира оладиган?”*

Қадимда олтин ва кумушнинг тозалигини қора тош – маҳак тоши орқали аниқлаганлар. Ижодкор асар қаҳрамони тилидан “*бир ғовак тош*”га гавҳарлик қийматини берган оналарни қадр-қимматни оширувчи сеҳрли маҳак тошига қиёслайди.

*“Бир йўнилмаган гавҳар эмасмидим, ўзининг қийматини, нималигини билмаган, фикрлашни ҳам билмайдиган бир ғовак тош”.*

Ижодкорнинг персонаж нутқидан ўринли фойдаланиши она – аёл – қиз образлар учлик тизими тузилишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳикояда монологик нутқ орқали берилган поэтик такрорлар ўғилнинг онага қарата: “*Дунёда ҳеч бир кас сен каби бўлолмаслигига энди ақлим етади*”, “*Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, зотингнинг қанчалар улуғ эканига ақлим етмаса нима қилай?*” тарзидаги самимий иқрори ёки отанинг қизига “*Дунёда ҳеч бир кас сен каби бўлолмаслигига энди ақлим етмоқда*”, “*Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, қанчалар ажойиб мўъжиза эканигга маҳлиё эсам, нима қилай?*”, “*Эй онам менинг, эй доном менинг!*” кўринишида берилиши она ва қизнинг бир пайтнинг ўзида ҳам ўғил, ҳам ота бўлган асар бош қаҳрамони ҳаётида нечоғлик ўринга эга эканини таъкидлайди. Шарқона ориятга йўғрилган “*..умримда яна бир ҳаловат кўрғони бор эса, у – оилам бўлди*”, “*Мана шу ғалати чархпалак аро умрим ўтиб борар экан, ҳаётимда яна бир аёл пайдо бўлди!*” каби жумлаларда рафиқа тасвири чизилган.

Барча ўзбек оталари характериға хос бўлган жиҳатлар фарзандларига бўлган меҳрни пинҳон тутиш ва уни рўйи рост амалда кўрсатмаслик каби хусусиятлар “*... аммо бисотимдаги энг*

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

*ширин сўзларим барибир ам чимда қолиб кетган. Ота ўзининг ҳиссиётларини тилига чиқаравермаслиги керак дер эдим-да. Ўзим билган ҳамма ширин сўзларим фақат сенгагина аталганини ҳам, ўз жонимдан кўра сени устун қўйишимни ҳам билмасдинг*” кўринишида тасвирланади. Отанинг фарзандига бўлган меҳри она меҳридан кўп бўлса, бўладики, асло кам бўлмайди, бироқ бу меҳр оталар қалбининг туб-тубидан ўрин олган бўлиб, кам ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Катта фалсафий фикр ифодалашга хизмат қилган пейзаж – кузда саф-саф бўлиб учиб катаётган қушлар тасвирида рамзийлик мужассам: *“Бир кун тонг саҳарда, сени ширин уйқунгдан тўсатдан уйғотишганида, мен ҳам шу қушлар каби қайгадир учиб кетган бўламан!”*

“Ота қасидаси” ҳикояси тугундан бошланади. Тугун иккинчи ҳикояда ечилади. Ечим иккинчи ҳикоядан сўнг, муаллиф нутқи орқали суратан дабдабаю, асасаларга бурканган, сийратан юпун бўлган *“муҳташам отелнинг муҳташам кийимли малайларига мана шу гапларни етказиб қўйишдан иборат”*:

*“Яна...сочлари барвақт оқарган ўрта яшар бир кишини кўриб қолсангиз, Яратган эгамдан нигоҳингизга теранлик, қалбингизга тиниқлик сўраб илтижо қилинг!*

*Ахир, у – Отадир!*

*Ажабо, бутун умрини, топган-тутганини, бор-у йўғини ота-онасига ва оиласига сарф қилиб юборган, ҳозир эса, ғофиллар қаршисида бир дам музтар бўлиб қолган шу зотга бир оғиз таскин сўзи топа олармикансиз?*

*Тополмаслигингизга ишончим комил! Тополмасангиз, ҳеч бўлмаса бир жилмайиб қўйинг.*

*Бас. Етар!”* тарзида берилади. Ҳикояда ёзувчи ўзбек оталари образини бериш орқали ўзбек оилаларидаги қадрият – фарзандларига меҳрибонлик, ғамхўрлик, маслаҳатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, ҳиссиётларини юзага чиқармаслик, бир сирда туриш каби хусусиятлар тасвирланади.

Миллат аёлдан – онадан бошланади, дейдилар. Миллати, элати,

дини, ирқидан қатъий назар дунёдаги ҳамма оналар фарзандига муносабат бобида бир-бирига жуда ўхшайди. Фикримизнинг исботи тариқасида Ли Ми Э қаламига мансуб “Она, сиз...” теленовелласини ўқиш жараёнида яна бир бор амин бўламиз. Асарда она образи жуда чиройли тасвирланган бўлиб, корейс миллатига мансуб оналарнинг характери, ички ва ташқи дунёси ўзига хослиги, оилавий қадриятлар тасвири билан ажралиб туради.

“Она, сиз...” (“**어머니 당신...**”) асари ҳам ассоциатив сюжет асосида ёзилган, ҳикоячи она сиймосини ёшлик, навқиронлик, кексалик каби вақт оралиғида намоён бўладиган келин-она-қайнона образлари орқали ёрқинроқ тасвирлайди [7,70]. “Она, сиз...” новелласида корейс аёли, корейс онаси тасвирланган бўлса-да, худди ўзбек миллатига мансуб она тасвирланган новеллани ўқиётгандек таассурот пайдо бўлади ўқувчида:

(Йигирма бир ёшда) *Икки ўрим сочи чамбарак қилиб турмакланган мағрур бошингизни хиёл эгганча, ўзингиз бирор марта ҳам кўрмаган жаноб Кимга турмушга чиқдингиз.*

(Йигирма олти ёшда) *Бутун борлиқ кумуш қор билан бурканган кунда сиз бу оилага ўғил-қиз набиралар тухфа қилдингиз. Сулоланинг катталари сизни оила аъзоси сифатида энди чинакамига қабул қилишди. Муносабатлар илиқлашди. Ўзбек оилаларида ҳам фарзанд оиланинг таянчи ҳисобланади.*

(Ўттиз икки ёшда) *Ўғлингизнинг қорни оғриб қолди. Сиз ҳарорати баланд болангизни орқангизга опичлаб олдингиз-да, яёв йўлга чиқиб, қишлоқдан анча узоқда бўлган шаҳар шифохонасига ярим тунда етиб бордингиз.*

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридан жой олган “Гилам пайпоқ” ҳикоясида ҳам жонкуяр она истимаси баланд, ҳушини йўқотаётган ўғлини қор гупиллаб ёғаётган пайтда сарпойчан – қуруқ калишнинг ўзини кийган алфозда табибга олиб боради.

*Фарзандларингиз оёққа турди. Улар Сизнинг ҳаётингиздан узоқлашиб кетди. Сизнинг ўтмишингиз, чеккан*

заҳматларингиз уларнинг ҳатто тушига ҳам кирмайди. Аслида сизнинг юзингизни безаб турган чуқур ажинларда, кумушга айланган сочларингизда бизнинг болалик ташвишларимиз бор. Биз сиздек мунис аёлни “она”, деб атаёмиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, оилавий қадрият сифатида қадрланувчи фарзанди ороми, бахти, қайғуси йўлида жонини фидо қилишга қодирлик дунёда барча ота-оналарга хос хусусият ҳисобланади. Оналардаги бу хислатларни улуғлашни ҳар иккала

ижодкор ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган эди ва том маънода бу мақсадларига эришишди. Ушбу асарлар орқали ота-она сиймосидаги одамийлик, меҳр, инсонийлик тушунчалари англашилади.

Хулоса сифатида “Дунёнинг ишлари” асаридан жой олган “Иймон”, “Опамни топиб олдим”, корейс адиби Чои Хи Сунинг “Саждагоҳимсиз, отам” ҳикоясида оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, бир-бирини тушуниш, ҳар қандай шароитда оила шаънини ҳимоялаш каби оилавий қадриятлар улуғланади.

#### Адабиётлар:

1. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007, 288 б.
2. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. Т.: Шарқ, 2016, 83- бет.
3. Саждагоҳимсиз, отам. //Китоб дунёси. – 2016. – № 15, 5-бет.
4. Султон Исажон Озод: роман ва ҳикоялар. – Т.: “Шарқ”, 2012.
5. Ўзбек тилининг изоҳли сўзлар луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
6. Султон И. Боғи Эрам. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: “Шарқ”, 2015.
7. 이미예, 박인식. 행복한 세상 KBS 한국방송 2002.

(Тақризчи: А.Сабирдинов–филология фанлари доктори)

**СЎЗ БИРИКМАСИ ҚИСМЛАРИДА СЕМАНТИК МУТАНОСИБЛИК ВА  
НОМУТАНОСИБЛИК  
СЕМАНТИЧЕСКОЕ СОГЛАСОВАНИЕ И НЕСОГЛАСОВАНИЕ ЧАСТЕЙ  
СЛОВСОЧЕТАНИЯ  
SEMANTIC AGREEMENT AND DISAGREEMENT IN PARTS OF WORD  
COMBINATIONS**

**Алижон Мамажонов<sup>1</sup>, Абдумалик Саминов<sup>2</sup>**

**<sup>1</sup>Алижон Мамажонов**

– Фаргона давлат университети, филология  
фанлари доктори, профессор.

**<sup>2</sup>Абдумалик Саминов**

– Фаргона давлат университети, таянч  
докторант.

**Аннотация**

*Мақолада сўз бирикмаси қисмлари орасидаги семантик мутаносиблик ва номутаносиблик ҳақида фикр юритилади.*

**Аннотация**

*В статье раскрывается семантическое согласование и несогласование частей словосочетания.*

**Annotation**

*In this article semantic agreement and disagreement of word combination parts is elaborated.*

**Таянч сўз ва иборалар:** оксюморон, ғайриодатий бирикма, синтактик қолип, валентлик, семантик муносабат, семантик мутаносиблик, семантик номутаносиблик.

**Ключевые слова и выражения:** оксюморон, необычное сочетание, синтаксическая модель, валентность, семантическое отношение, семантическое согласование, семантическое несогласование.

**Key words and expressions:** oxymoron, unusual compound phrases, syntactic pattern, valency, semantic relation, semantic agreement, semantic disagreement.

Тилшуносликда шакл ва мазмун муносабати масаласининг ўрганилиши муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Тил тараққиётининг энг қадимги даврларидан сўз ва унинг маъноси, шакл ва тушунча ўртасидаги мутаносиблик тўғрисида баҳс давом этиб келади. Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида даврлар ўтиши билан, муттасил ўзгариб, янгилашиб, сайқаллашиб туриши табиий жараёндир. Бу жараёнда тилнинг шакл ва маъно томонлари бир-биридан қолишмаган ҳолда, ўзгаришга учрайди. Шаклий томонидаги ўзгаришларнинг тобора ортиб бориши, мазмуний майдон жиҳатидан кенгайиши тил турли соҳаларининг юзага келишига олиб келади. Натижада нутқ бирлигининг қандай мақсадда шакллантирил - ганлигини тўғри изоҳлаш қийинлашади. Сўзлар маъносидаги ўзгаришлар янги маъно қирраларнинг пайдо бўлиши, маъноларнинг кенгайиши, кўчим

турларининг ривожланиши нутқ жараёнини тўла-тўқис, ёрқинроқ ёритиб беришни талаб этадиган зарурий ҳолатдир.

Бундай жараёнларни чуқур таҳлил қилиш нутқимизни ихчамлаштиришга, тушунарли ва таъсирли бўлишига хизмат қилади.

Нутқда сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши ўз-ўзидан содир бўлмай, тушунчалар ўртасидаги қайсидир жиҳатдан боғлиқлик эътиборга олинади. Ҳар бир сўзнинг пайдо бўлишида унинг шакли ва маъноси ўзаро уйғунликка эга бўлади: *мева, ширин, пахта* каби.

Сўзларнинг объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг номини ва улар ҳақидаги тасаввур тушунчаларни ифодалаши уларнинг луғавий маъноси ҳисобланади. Масалан, нарсани: *китоб, уй, тош*; белгини: *оқ, қизил, катта, баланд*; миқдорни: *кўп, оз*; ҳаракатни:

ўқимоқ, йиғламоқ, кулмоқ; ҳолатни: тез, секин, оҳиста каби.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тарихий тараққиёт натижасида сўзларнинг луғавий маъносига қўшимча кўчма маънолар ҳам юклана боради. Кўчма маъно фақат нутқ жараёнида англонади, яъни контекстда намоён бўлади. Сўзлар контекстдан ажратиб олинса, ўзининг асл луғавий маъносида қандай тушунчани ифодалаган бўлса, ўша маънони ифодалайди.

Сўзларнинг бундай маънолари лексикология билан узвий боғлиқ бўлса, сўзларнинг нутқ жараёнидаги бошқа маънолари синтаксис бирлик таркибида

яққол намоён бўлади ҳамда синтаксис бўлимида ўрганилади.

Нутқда сўзлар бир-бири билан боғланиши натижасида сўз бирикмаси, гап каби синтактик бирликлар ҳосил бўлади. Бунда маълум грамматик меъёрларга амал қилиш лозим бўлади. Сўзлар ўзаро боғланганда, тўғри келган ҳар қандай икки сўз бир-бири билан бирикавермайди.

Грамматик меъёр сўзларнинг ўзаро бирикиши учун тегишли шароитларни тақозо этади. Аввало, маъноларда муштараклик бўлмаса, сўзлар боғлана олмайди[1: 77.]. Масалан, қиёслаймиз:

*Ёмғир ёғалоқ, ям-яшил ўтлоқ,  
Энди экинлар чиқарар кулоқ.  
Яшнасин дала, очилсин лола,  
Тоғлар қўйнида мисли шалола.* (Халқ оғзаки ижодидан)

*Юртим бўйлаб уйғонган баҳор,  
Юрагимда ёшарган севги.  
Тоғларда ҳам эримоқда қор,  
Кўзларимда ям-яшил кулги.* (Турсун Али)

Биринчи шеърий парчадаги ям-яшил ўтлоқ бирикмаси грамматик меъёрга мос одатий бирикма, аммо иккинчи шеърий парчадаги ям-яшил кулги эса грамматик меъёрга мос эмас, яъни ғайриодатий бирикма ҳисобланади. Чунки ям-яшил кулги бирикмасида яшил сўзи (сарик билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангига эга бўлган ранг)[6:126.] маъносини билдириб, кўз билан кўриш имконияти мавжуд нарсанинг белгисини, рангини билдиради, кулги сўзи эса (юз, кўз ҳаракатлари ёки турлича товушлар билан хурсандлигини, завқ-шавқини ифодаламоқ, кулги ифодаламоқ)[4:426.] кўз билан кўриш имкони йўқ бўлган ҳодисанинг номини билдиради, совуқ сукунат бирикмасида ҳам шундай ҳолат ифодаланган, шунинг учун бу бирикмалардаги қисмларнинг грамматик табиатида ҳам мутаносиблик йўқ.

Сўз бирикмаси ҳамда гап таркибида ўзаро бирикаётган сўзлар, аввало, грамматик ва семантик жиҳатдан бир-бирига мос бўлиши керак. Тилшунос

олим Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, валентлик номи билан юритиладиган бу зарурият, айниқса, синтаксисда, синтактик меъёрларнинг шаклланишида фавқулдда аҳамиятга моликдир.[1: 70]. Масалан: ўқимоқ ва мактуб сўзларини олиб кўрайлик. Бу сўзлар мактубни ўқимоқ, мактуб ўқимоқ шаклида боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қилади. Чунки уларни умумий сема бирлаштиради, яъни мактуб сўзининг маъноси “ёзилган; хат, нома; бирор кишига ёзиб юборилган хат, нома” [4:532], ўқимоқ сўзининг маъноси “сўз, жумла, гап, матн ва ш.к. нинг ёзма шаклини оғзаки ифодаламоқ” [6:190.] бўлиб, “фикрни ифодалаш” умумий маъно уларнинг боғланиши учун имконият яратади. Бу каби бирикмалар таркибидаги қисмлар бир-бирига маъно жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, семантик мутаносиблик асосида бириккан.

Бадиий нутқда сўзларнинг ўзаро боғланиш қонуниятлари адабий тилдагига қараганда бирмунча ўзига хос тарзда кечади. Сўзларнинг ўзаро бирикиш

## ТИЛШУНОСЛИК

чегаралари кенгайди. Чунки бадий нутқда сўзларни кўчма маънода қўллаш тенденцияси жуда кучли. Сўзлар кўчма маънода қўлланганда эса уларнинг боғланишидаги чекланишлар деярли йўқолади.[1:78.]

Нутқ жараёнида ифодаланаётган сўзлардаги кўчма маъно сўзнинг ўз маъноси билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун сўзларни нутқда кўчма маънода қўллаш турли бадий усул-воситаларни ҳосил қилади. Масалан: ирония (киноя), метафора, метонимия, синекдоха, парадокс, антифразис, оксюморон, гипербола, литота, ўхшатиш, эвфемизм, аллюзия, энантиосемия, полисемия, омонимия, синонимия, синкретизм ва бошқалар.

Тилимиздаги бундай усул-ҳодисаларнинг кўп қисми нутқда бирикмали шаклда ифода этилади. Бирикмали шаклда қўлланиладиган услубий воситалардан бири оксюморондир. Оксюморонни шакллантирувчи компонентлар ҳам, асосан, кўчма маънода қўлланилади. Чунки оксюморонлар ҳақида тилшуносликка оид луғатлардан маълумки, оксюморонлар бир-бирининг маъносини инкор қилувчи, мантиқан бир-бирига зид бўлган сўзлардан ташкил топади. Шундай экан, бу қисмларнинг бири ёки ҳар иккиси кўчма маънода бўлади. Сўзларнинг боғланишига эътибор қаратсак, улар грамматик ва семантик жиҳатдан узвий боғланган бўлади. Оксюморон усулида эса бундай мутаносиблик бузилган, яъни семантик уйғунлик йўқолган бўлади. Лекин шунга қарамай, оксюморонлар нутқимизнинг мазмундор, ҳиссиётга бой, экспрессив бўлишини ҳамда ўзгача ифодани ёритиб беришга хизмат қилади.

Оксюморон компонентлари ўз ёки кўчма маънода қўлланилишига кўра, турли хил бўлади, яъни баъзан бир хил оксюморонларнинг қисмларидан бири кўчма маънода қўлланилувчи бирикмалар, баъзан эса ҳар икки қисми кўчма маънода қўлланилувчи бирикмалар ёки ҳар икки қисми ўз маъносида қўлланилувчи бирикмалар. Бундай ифодаланишига кўра, оксюморонларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Қисмларидан бири кўчма, иккинчиси ўз маъносида қўлланилган оксюморонлар: *бошсиз одам, бақирган сукунат, гўзал йиғламоқ*;

2. Ҳар икки қисми ўз маъносида, лекин бир-бирига зидланган ҳолда биргаликда кўчма маънода: *қадрдон бегона, маъюс жилмаймоқ*;

3. Ҳар икки қисми кўчма маънода: *тирик мурда, қора қуёш, қора чакмоқ, олижаноб махлуқ*.

Юқоридаги каби оксюморонлар қисмлари чуқур семантик таҳлилдан ўтказилса, зидланиш янада ёрқинроқ кўринади.

“*Бошсиз одам*” оксюморонини А. Қаҳҳорнинг шу номли асари асосида таҳлил қилсак, “*бошсиз*” сўзи кўчма маънода қўлланганлигини кўраемиз. Чунки асар қаҳрамони Фаҳриддин ўзининг ақлсизлиги туфайли бирон ишни қилишдан олдин ўйлаб кўрмаслиги, отасининг айтган гапларини ҳам тўғри айта олмаслигини кўрсатиш учун муаллиф “*ақлсиз*”, яъни “*бошсиз*” сўзини қўллайди. Бундан ташқари, “*ақлсиз одам*” ва “*бошсиз одам*” бирикмалари маъно даражасига кўра, ўқувчининг фикрини тортишга ва уни фикрлашга ундаши билан фарқланиб туради.

“*Сукунат бақирғи*” оксюморонида ҳам сукунат сўзи ўз маъносида, “*бақирғи*” сўзи эса кўчма маънода ишлатилган. Чунки инсон сукунатли, сокинлик, жимлик муҳитига ёлғиз ўзи тушиб қолса, у жойдаги кўрқинчли ҳолат инсоннинг шовқинли, тўполонли жойда турганидан кўра ҳам ваҳималироқ бўлади. Ана шундай кўрқинчли ҳолатни тўла-тўқис ифодалаш учун ижодкор оксюморондан унумли фойдаланади.

*Поёни йўқ куз оғушида*

*Қандай гўзал йиғлайди узум!*

*Шундай бўлар ҳақиқий йиғи,*

*Кўриб қўйгин,*

*Эй, ношуд кўзим!* (Ш.Раҳмон)

Юқоридаги мисолда ҳам шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин. *Гўзал йиғламоқ* бирикмасида ифода материали *равиш+феълдан* иборат бўлган *ҳол+ҳолланмиш* қолипиди шаклланган сўз бирикмасини кўраемиз, қисмларининг семантикасига эътибор қиладиган бўлсак,

улар бир-бири билан зидланиш муносабатидаги сўзлар эканлигига гувоҳ бўламиз: *йиғламоқ* лексемасида ғам-алам, оғриқ, изтироб кабилар туфайли юзага келадиган руҳий ҳолатнинг кўз ёши ёки йиғи товуш орқали ифодаланишини [4:272.] кўрамиз. Шундай экан, биз йиғламоқни салбий ҳодиса, деб ҳисоблаймиз. *Гўзал* лексемаси эса жуда ҳам чиройли, ҳусндор, хушрўй; киши кўзини қувонтирадиган, кишини мафтун этадиган, завқлантирадиган; завқ-шавққа бой, серзавқ, унутилмас ҳолат [3:530.] маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Мана шу маъноларга *кўра*, *гўзал*, *йиғламоқ* сўзлари бир-бири билан зидлик муносабатида туради. Аслида, *гўзал* лексемаси бирон-бир нарса ёки ҳодисанинг белгисини билдириш учун қўлланади. Юқоридаги мисолларда эса ҳаракатнинг белгисини билдириш учун хизмат қилмоқда, бу, унинг кўчма маънода қўлланилганини кўрсатади, шу билан бирга бирикаётган лексемаларнинг маъноларига кўра ўзаро номутаносиб - лигини кўрсатади.

Баъзан ҳолларда оксюморон усулини юзага чиқараётган лексемаларнинг ҳар иккиси ҳам ўз маъносида қўлланилиши мумкин, лекин бундай оксюморонларни ташкил этган қисмлар бир-бирига қарама-қарши қўйилган лексемалар боғланишидан иборат бўлади ҳамда биргаликда ўзига хос такрорланмас маънонинг шаклланишига туртки бўлади. Масалан:

*У ёруғ* дунёда

Тенги йўқ инсон, Қадрдон  
бегона, Ёвуз меҳрибон.

(М.Юсуф.)

*Шеърий парчада қўлланилган* “қадрдон бегона”, “ёвуз меҳрибон” каби оксюморонларнинг боғланишига эътибор қаратсак: “қадрдон”, “бегона” лексемалари маъно жиҳатдан бири дўст, яқин киши, бир-бирини жуда қадрлайдиган шахслар, яна бири ўзига тегишли бўлмаган, бировга тегишли, яқин бўлмаган, нотаниш шахслар маъносини билдирган ҳолда, бир-бирига қарама-қарши муносабатдаги сўзлар ҳисобланади, лекин бу муносабат сўзларнинг бири аниқловчи, иккинчиси

аниқланмиш сифатида, яъни аниқловчи-аниқланмиш қолипида шаклланишига тўсқинлик қилмайди, балки бу боғланишдан янги бир маънони келтириб чиқариш учун хизмат қилади.

Ёки қуйидаги лисоний далилни олиб кўрайлик: *Кўзи Бўронда тўхтаб, унга тикилиб қолди. Маъюс жилмайди.* [2:262]. Бу жумладаги *маъюс жилмаймоқ* бирикмаси ҳам ўзига хос маъно-моҳиятига эгаллиги билан оддий бирикмалардан ажралиб туради. Инсонда жилмайиш ҳолати қандай вазиятда рўй бериши ҳаммага маълум. *Жилмаймоқ* лексемаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланган: *кулумсирамоқ, табассум қилмоқ.*[4:86.]. Биламизки, инсон хурсанд бўлганида, кайфияти яхшилигида жилмаяди, кулади, табассум қилади. *Маъюс* лексемасига эса “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳ берилади: *умидсизланган, руҳи тушган, ноумид, тушкун ҳолат; эзилган, ғамгин ҳолатли; хомуш.*[4:568.]. Кўриниб турибдики, келтирилган *маъюс жилмаймоқ* бирикмасида қисмлар ўзаро зидлик муносабатида, ҳар икки қисм ҳам ўзига хос маънога эга, лекин уларнинг бирикишидан янги бир, учинчи бир янги маъно (ҳосила маъно) юзага келган.

Бундан ташқари, шундай ҳолатлар кузатиладики, оксюморонларнинг ҳосил бўлишида иштирок этаётган қисмларнинг ҳар иккиси ҳам кўчма маънода қўлланилади, бундай оксюморонларда қисмлар орқали бирор нарса-ҳодисага ёки ҳаракат-ҳолатга ўхшатилади. Бундай ҳолатда қарама-қаршилиқ, зидлик муносабатлари яққол кўзга ташланади. Бу тарзда реаллашган нутқ кўринишида ўзига хос бетакрор ва тасвирий маъно воқеланган. Масалан:

*Умид ишонч тилсимин очар,*

*Умид бахтга бошлайди ҳар дам.*

*Умидсиздан нақд омад қочар,*

*Тирик мурда – умидсиз одам.*

(З.Обидов)

Ушбу нутқ парчасидаги *тирик мурда* оксюморони қисмларининг таркибидаги лексемаларнинг семантикасида ҳам қарама-қаршилиқ, зидлик маъноси мавжуд: *тирик*



## ТИЛШУНОСЛИК

лексемаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланади: *ўлмаган, ҳали яшаб турган; ҳаёт, барҳаёт*; [5:109.], мурда лексемаси эса қуйидагича изоҳланади: *ўлган; ўлик, жонсиз; ўлик кишининг жасади* [4:644.]. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, *тирик* ҳамда *мурда* лексемалари кўчма маънода қўлланиб, нутқда услубий маъно ифодалашга хизмат қилган.

*Қуйида “Қора қуёш” достонидаги бирикмани ҳам таҳлилга тортамиз:*

Менга жуда азиз  
Унинг сиймоси,  
Бир қарасам,  
Йўқдек сира қиёси.  
У бир бағридарё,  
Бир бағритошдир,  
У бир **қуёш**,

Аммо -

Қора қуёшдир! (М.Юсуф)

*Шоир “Қора қуёш” оксюморонида асар қаҳрамонининг салбий қаҳрамон эканлигини очиб беришга ҳаракат қилган. Тўғри, қаҳрамон қуёш каби қудратли, лекин қуёш сингари халқпарвар, инсониятга фойда келтира оладиган ижобий қаҳрамон эмаслигини қора лексемаси ёрдамида кўрсатиб*

*берган. Қора ва қуёш лексемалари кўчма маънода қўлланиб, ғайриодатий бирикма – қора қуёш оксюморонини ҳосил қилган.*

*Кўриниб турибдики, шоир қуёш рангини одатий “сарик” эмас, “қора” рангда ифодалаб, қаҳрамон характер-хусусиятидаги салбий томонларни усталик билан “Қора қуёшдир!” деган таъкид орқали оксюморон ифодалашга эришган.*

*Хуллас, оксюморонлар шаклан оддий сўз бирикмаси кўринишида шаклланса-да, семантик жиҳатдан ўзига хос бўлади. Оддий сўз бирикмасида қисмлар маъноси жиҳатдан бир-бири билан мутаносиб равишда боғланади, оксюморонда эса бу мутаносиблик бузилиб, номутаносиблик асосий ўринга кўтарилади. Бу, айниқса, бадиий нутқда асар қаҳрамонлари ёки образларнинг характерли белгиларини очиб беришда қулай услубий воситалардан бири ҳисобланади. Оксюморон усулида шаклланган бирикмалар ғайриодатий бўлиб, фикрни таъсирли ва стилистик жиҳатдан бўёқдор, ифодали тарзда ифодалашда самарали услубий восита ҳисобланади.*

## Адабиётлар:

1. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти: талабалар учун дарслик. 2-нашр – Т.: Алишер Навоий номидаги “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” нашриёти, 2009 й.
2. Тоҳир Малик. Ёлғон умидлар дашти. Роман. –Т.: Ўқитувчи нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. .
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. - 5 жилдлик, 1-жилд.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. , 5 жилдлик, 2-жилд
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Т, 2006. - 5 жилдлик, 4-жилд .
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006. - 5 жилдлик, 5-жилд .

УДК: 811.512.133` .373.23` 42

**ДИАЛОГИК ДИСКУРСДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-  
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР**

**О КОММУНИКАТИВНО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЯХ АНТРОПОНИМОВ В  
ДИАЛОГИЧЕСКОМ ДИСКУРСЕ**

**ABOUT COMMUNICATIVE-FUNCTIONAL FEATURES OF ANTHROPONYMS IN  
DIALOGICAL DISCOURSE**

**Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович**

**Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович** – Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Аннотация**

*Мақолада диалогик дискурсда антропонимларнинг ўзига хос коммуникатив-функционал хусусиятлари таҳлил этилган.*

**Аннотация**

*В статье анализируются специфические коммуникативно-функциональные особенности антропонимов в диалогическом дискурсе.*

**Annotation**

*This article analyzes the specific communicative-functional features of anthroponyms in dialogic discourse.*

**Таянч сўз ва иборалар:** диалогик дискурс, антропоним, нутқ релеванти, адресат, адресант, ўзбек мулоқот хулқи, мурожаат шакллари.

**Ключевые слова и выражения:** диалогический дискурс, антропоним, релевантность речи, адресат, адресант, узбекское коммуникативное поведение, формы обращения.

**Key words and expressions:** dialogic discourse, anthroponym, relevance of speech, addressee, addressee, Uzbek communicative behavior, forms of addressing.

Диалогик дискурсда унинг йўналишини белгилашда мулоқот тизимининг фаол унсурлари бўлган *адресат ва адресантнинг хусусияти, кайфияти, ментал табиати* муҳим ўрин тутди. Зеро, улардан бири, яъни адресант коммуникатив таъсир вазифасини бажаришида ўз ташқи ва ички имкониятларини ишга солади. Айни пайтда таъсирни қабул қилувчи ҳам унга мувофиқлашуви лозим бўлади. Шу маънода мулоқот сифатини таъминлашда адресат ва адресантнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий мувофиқлашуви, ментал характери мутаносиблиги муҳим аҳамият касб этади [1,150]. Диалогик дискурсда қатор омиллар мулоқот сифати ва йўналишини белгилайди. Улар сирасига *интенционал аниқлик, муайян натижавий мўлжал, мулоқот анъаналарига риоя қилиш* ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Антропонимларда диалогик дискурс релеванти сифатида мулоқот иштирокчиларининг ким эканлиги, ижтимоий белгилари ва у ҳақдаги умумий маълумотлар кодланган бўлади. Масалан, буни Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романи қаҳрамонларидан бири Зелихон мисолида олиб кўрайлик:

*Зелихоннинг лақаби «академик» эди. Бунга сабаб – у пухта ўйлаб олиб, сўнг ишга киришарди. Унинг бошқалардан фарқи – одамлар руҳиятини албатта, ҳисобга оларди. Лозим бўлганда катта идораларга бошқа бир идора бошлиғидай бемалол кириб чиқаверарди. Эшик оғзидаги соқчига киборлик билан сўз ташлаб, «ҳа, ўтирибсанми», деб кириб кетаверарди. Элчин унинг бу «фазилати»ни шаҳарда учрашганда билди. Бир куни Зелихон машинасини кириш мумкин бўлмаган кўчага бурди. Милиса таёғини кўтаргач,*

## ТИЛШУНОСЛИК

*тўхтади-ю, тушмади. Милиса лапанглаб келиб, энгашиши билан ойнани тушириб:*

– *Ҳа, турибсанми, – деди. Милиса жавоб қайтаришга улгурмай яна савол берди: – Лейтенант қани?*

– *Собировми? – деди милиса йигит талмовсираб.*

– *Ҳа, ўша, нимага лаллясан, қаёққа кетди?*

– *Ҳозир келади.*

– *Менга учрашсин.*

*Зелихон шундай деб машинани юргизди. Милиса эса гарданини қашиб қолаверди.*

– *Собиров деганингиз ким? – деди Элчин.*

– *Қаёқдан биламан, – деди Зелихон кулиб. – Сенам милисага ўхшаган лақма экансан-ку.*

– *Лейтенантлигини билдингиз-ку?*

*Зелихон қаҳ-қаҳ отиб кулди:*

– *Буларда нима кўп, лейтенант кўп... (Тоҳир Малик)*

Бу ўринда лейтенант лавозими номининг ўзиёқ милиционер учун раҳбар шахс маъносини англатишини пайқаган адресант ўз ниятига эриша олган, яъни дискурсда психологик юк олган сўздан нутқ релеванти сифатида фойдалана билган.

Антропонимлар иштирокидаги дискурсив муносабатлар кўп ҳолларда кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ва ўзига берадиган баҳоси билан боғлиқ бўлиб, бу, кўпинча, индивидуал характерда бўлади, бадий асарда ижодкорлар персонаж характерини яққолроқ очиб бериш учун бошқалар томонидан улар исмларининг айтилишидан ҳам фойдаланадилар. Масалан:

– *Омонгинамисиз, Кларабайча? Вақтигинангиз хушми, Кларабайча? Ўйнаб-кулибгина юрибсизми, Кларабайча?..*

– *Байча? Какая байча? – деди. – Мен Клара Ходжаевнамани! (Тоғай Мурод).*

Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асари қаҳрамони Клара Ходжаевна Москвада таълим олиб, ўз диалектини унутган шахс. Шунинг учун ҳам у Дехқонкулнинг байча деган мурожаатига тушунмаган ёки ўзини

бундай аташларини истамаган (Изоҳ: Сурхондарё шевасида аёл кишиларга нисбатан байча деб мурожаат қилиш ҳам учрайди.)

Ёки:

– *... айтгандай, «бизнинг қўйлар» яхши юрибдими, ўртоқ Қурбонов? – деди.*

– *Мен бир амалдормидимки, дипломим бормидики, «ўртоқ Қурбонов!» дейсиз? Эл қатори Зиёдулла кал, дея беринг (Тоғай Мурод).*

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» асаридан келтирилган юқоридаги мисолларда асар бош қаҳрамони Зиёдулла кал нутқидан олинган ўз-ўзига мурожаат шакли орқали шахснинг алоҳида хусусиятлари очиб берилган. Матндан кўринадики, асар қаҳрамони ўзига нисбатан ўртоқ Қурбонов деб мурожаат этишларидан ноқулайлик сезади. Чунки унинг ижтимоий қарашларига кўра, амалдор ёки дипломи бор кишиларга нисбатан шундай мурожаат этилади. Унга Зиёдулла кал мурожаат шакли қулай, чунки эл уни шундай атайди.

Юқоридаги икки ҳолатнинг таҳлили адресант ва адресат ўртасидаги мулоқотда – дискурс жараёнида мурожаат шаклларининг ўзаро фарқланиши, қандай омилларга асосланиши антропонимларнинг социолингвистик жиҳатлари юзасидан хулосалар чиқаришга хизмат қилади.

Антропонимлар таҳлили миллий менталитетимизда уларнинг табу ва эвфемизм каби нутқий ҳодисалар билан боғлиқлигини кўрсатди. Маълумки, «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати»да мазкур атамалар қуйидагича изоҳланади: Табу. Диний эътиқод, ирим, қўрқиш ва шу кабилар таъсирида маълум сўзнинг ишлатилишини чеклаш, ман этиш; ишлатилиши шундай чекланган, ман этилган сўз. Мас., рус тилида (овчилар нутқида) *медведь* сўзи ишлатилмай, унинг ўрнига *хозяин, ломака, мохнач, лесник* сўзларининг қўлланиши, ўзбек тилида *чаён* сўзи ишлатилмай, унинг ўрнига *эшак, оти йўқ* сўзларининг қўлланиши [2,86]. Бу мавзуда махсус тадқиқот ўтказган А.Омонтурдиев ўз луғатида қуйидагиларни ёзади: Табу (tabu, tabo, taboo) сўзи Полинезиянинг Тонга тилидан

олинган бўлиб, *ta* – «ажратмоқ, чегараламоқ», *ru* – «бутунлай, тамоман» сўзларидан ташкил топган, *tapu* – «тамоман чегараланган, ман этилган» деган маъноларни ифодалайди. Унинг акси *roa* – «одатий, умумистеъмолдаги» маъноларини беради [3,4].

Табулаштирилган сўзлар ўрнида қўлланиладиган, уни алмаштирадиган луғавий бирликлар эса эвфемизм деб аталади. «Эвфемизм сўзи грекча *euphemo* сўзидан олинган бўлиб, «юмшоқ гапираман», «мулойим гапираман» деган маъноларни англатади» [3,4]. «Табу ва эвфемика ҳодисаси тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши билан узвий шаклланган, тараққий этган, инсониятнинг муомала эҳтиёжи, нотиклик талаби асосида тилнинг ўзи каби эволюцион босқичларни босиб ўтган» [3,3].

Кўринадики, табу маълум сўз ва иборалар қўлланилишини тақиқласа, эвфемизм *қўпол*, *дағал* маъноли сўз ўрнида унинг маданийлашган вариантини қўллаш орқали нутқимизнинг янада гўзалроқ бўлишига қаратилгандир. Бундай тақиқлашни антропонимларда ҳам кўриш мумкин. Тилшунос олим Э.Бегматовнинг «Номлар ва одамлар» номли рисолида таъкидланишича, қадимдан туркий халқларда кишининг исмига ҳурмат билан муносабатда бўлиш шахснинг ўзига нисбатан ҳам ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Бундай ҳурмат изҳор қилишнинг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Шунга кўра, туркий халқларнинг кўпчилигида ёшлар ўзидан катталарнинг, эр-хотинлар бир-бирларининг исмини айтиши мумкин эмаслиги ҳақидаги расм-русумлар пайдо бўлган. Ўзбекларда, одатга кўра, ёш бола ўз ота-онасига, шунингдек, ўзидан катта ёшдаги қариндош-уруғларига уларнинг исмини айтиб мурожаат қилмайди, балки исм ўрнида *ота*, *дада*, *буви*, *ойи*, *она*, *опа*, *ака*, *бобо* сингари сўзлардан бирини қўллайди [4,29]. Шу ўринда қуйидаги ривоят ёдимизга тушади: «Абу Ҳурайра икки кишини кўриб, улардан биттасига: «Бу киши сенга ким бўладилар?», – деб сўрадилар. У: «Бу киши отам бўладилар», – деган эди, Абу Ҳурайра: «Ундай бўлса,

отангнинг исмини айтиб чақирма, юришда ундан олдин юрма ва ундан юқори жойда ўтирма», – деб насиҳат қилдилар» [5,29].

Хоразмда хотин эрининг исмини айтиб чақирса ёки мурожаат қилса, одамлар аёлга нисбатан ёмон фикрда бўладилар. У келинчаклик вақтидан бошлаб эрининг исмини айтиб чақирмайди. Акс ҳолда, у эрини ўзидан паст кўрган ҳисобланади. Асосан, исмининг ўрнига «бобой», «уста», «оға», «ака», «бува» каби сўзлар ишлатилади. Айни пайтда эр ҳам хотинига нисбатан «момой», «кампир» (агар куёв ёш бўлса ҳам) каби сўзларни қўллайди.

Шунингдек, Хоразмда бобоси ҳаёт бўлган болаларга ўз отасига «ака» деб мурожаат қилиш ўргатилади. Агар болалар «ота» деб чақирса, бу ёш отанинг ўз отасига, яъни болаларнинг бобосига ҳурматсизлиги деб баҳоланади.

Туркий халқларда кишининг исмига ҳурмат билан муносабатда бўлиш бу шахснинг ўзига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Бундай ҳурматни изҳор этишнинг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Яъни эр-хотиннинг, хотин эса эрининг исмини айтиб чақирмайди. Масалан, ўтмишда ва баъзи оилаларда ҳозир ҳам аёлнинг ўз эрини болаларидан бирортасининг (кўпроқ бош фарзандининг) номи билан чақириши ёки у ҳақда гапирганда «ўғлимнинг отаси», «қизимнинг дадаси», «хўжайиним», «дадамиз» сингари иборалардан фойдаланиш кенг тарқалган.

Эркак хотини ҳақида гапирганда, «келинингиз», «қизингиз», «опангиз», «оилам», «турмуш ўртоғим» каби сўз ва ибораларни қўллаши одатий ҳолдир. Бундай ҳолат эр-хотиннинг бир-бирларига бўлган ҳурматлари юзасидандир.

«Абдулла Қаҳҳор ўта нозик таъб, маданиятли одам эдилар. Мен у кишининг бирор маротаба отимни айтиб, баланд товуш билан чақирганларини эслолмайман. Бозор-ўчарга бориб қолсак, нуқул: «Қанисиз, қанисиз?» деб орқамдан юрар эдилар...

Уйдаги икки телефоннинг биттаси у кишининг иш столида, бошқаси менинг столимда турар эди.

## ТИЛШУНОСЛИК

Агар бирор зарурат туғилиб қолса, «Кибриё!» деб чақирмасдан, столдаги телефоннинг ғалтагини айлантлар эдилар, «Лаббай!» деб телефоннинг ғушагини кўтарар эдим [6,21].

Ўтмишда баъзи чуваш оилаларида бундай одатлар шу даражага бориб етганки, айрим эр-хотинлар ҳатто бир-бирларининг исмларини унутиб қўйган ҳоллар ҳам бўлган. Шахснинг отини тилга олиш, ўзини билдириш адабсизлик ёки ўша шахснинг отини тилга олиш ноқулай, кўнгилсиз деб ҳисобланиши маъноси аниқ бўлмаган олмош, олмошлаган сўзлардан эвфемистик воситалар сифатида фойдаланишга олиб келади.

Кишига унинг исмини айтмасдан мурожаат этиш дунёдаги кўпгина миллатларда, жумладан, шор ва абхазларда ҳам жуда кенг тарқалган. Бу одатнинг халқимиз қадим ўтмишида учраган ва ҳозирда учровчи турли-туман шакллари ҳақида этнографлардан Н.Т.Диренкова, И.И.Иброҳимов, С.И.Абрамзон, Я.Х.Акоба, Я.С.Смирнова, С.Д.Лицислан, Ю.В.Ионова, С.Ш.Таджиева, Э.Бегматов ва бошқалар қизиқарли фикрларни баён қилишган.

Бизнинг турли бадий асарлар доирасида олиб борган кузатишларимиздан маълум бўлдики, кейинги йилларда ўзбек оилаларида эр-хотинлар бир-бирларига қуйидаги ўндан ортиқ кўринишда мурожаат этар экан: 1) *дадаси, аяси, онаси* сўзларидан фойдаланиб; 2) ўз исмлари орқали: а) исмини тўлиқ айтиб: (*Кумуш биби, Раъно, Робия, Салима* каби); б) исмини қисқартириб: (*Гули, Дили, Мино, Фоти* каби); 3) *азизим, хоним, бегим* сўзларидан фойдаланиб; 4) жинси, социал муносабатини инобатга олиб: *хотин, хотинжон, эр, эржон* каби; 5) аёллар эрларининг исмига *ака* сўзини қўшиб: (*Азим ака, Шароф ака, Ҳомид ака, Собир ака* каби); 6) касби, лавозимига ишора қилган ҳолда (*Домла, Ўртоқ директор, Раис тоға, Банкирим, Боғча опа, Муаллим* каби); 7) турли олмошлар ёрдамида: (*у, бу, у киши, бу киши* каби); 8) исми, отасининг исмини айтиб: (*Собир Абдуллаевич, Ирода Каримовна, Анора Набиевна* каби); 9) ундов ва модал сўзлардан фойдаланиб: *ҳой, ҳей, эй* каби;

10) *хўжайин, жўра, дўст, ўртоқ, ошна* кабилар.

Исмни айтишни ман этиш одати туркман ва қозоқларда, тожик ҳамда қирғизларда ҳам бор. Шунингдек, корейс аёли эрига мурожаат этар экан, унинг исми ўрнида «фалончининг отаси», араб, украин аёли «у», қоранўғай ва рус аёли «отаси», «онаси», «эй», «уй» каби сўзларни қўллайди [4,28]. Кишига унинг исмини атамасдан мурожаат этиш дунёдаги кўпгина миллатларда, жумладан, шор ва абхазларда, арман ва корейсларда, грузин ва озарбайжонларда, қумиқ ҳамда туркманларда жуда кенг тарқалган. Абхаз эр-хотинлар бир-бирини биринчи шахсда «менинг эрим» ёки менинг хотиним» деб эмас, балки кўпликда «бизнинг хотин», «бизнинг эр» деб аташади.

Мулоқотни мурожаат шакллари тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу мавзу тилшуносликда лингвистик аспектда атрофлича ўрганилган. Хусусан, С.Мўминов, Ш.Искандарова, З.Акбароваларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларида мурожаат шакллари ижтимоий моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган [7,8,9].

Дискурсда мурожаат қилинган, ундалган шахснинг ифодаси бўлган сўзлар мурожаат шакли ҳисобланади. Сўзловчи ёки ёзувчи инсонда мавжуд бўлган хусусиятларни баъзан ҳайвонлар, паррандалар каби жонли предметларга кўчиради. Шу жонли предметларнинг ифодаси бўлган сўзлар мурожаат шакллари бўлиб келади. Мурожаат шакллари шахслар, жонли ва жонсиз предметларга қаратилган бўлади. Киши исмлари асосидаги мурожаат шакллари жонли ва жонсиз предметларга қаратилган мурожаат шакллари нисбатан кўп учрайди. Антропонимик мурожаат жонли ва жонсиз предметларга қаратилган мурожаат шакллари фарқли равишда ёзма нутқдаги қараганда оғзаки нутқда кўп қўлланилади. Мурожаат шакллари оғзаки нутқда кўп қўлланиши сўзловчининг тингловчи билан бўлган муносабатига боғлиқ. Мурожаат шакллари кўпроқ сўзлашув, бадий, публицистик дискурсларда,

қисман расмий-идоравий услубда қўлланади. Илмий услубда мурожаат шакллари, деяри, учрамайди. Расмий дискурса мурожаат шакллари сўзловчи нутқи қаратилган шахсни ифодалайди. Бадиий, публицистик, сўзлашув мулоқот жараёнида эса мурожаат шакллари жонли ва жонсиз предметларга қаратилиши нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги учун хизмат қилади. Замонавий социолингвистика – синхрон, яъни айна вақтда мавжуд бўлган ва диахрон, яъни вақт ўтиши билан алмашилиб турувчи ходиса [10,42] эканлиги тилшунос олимлар томонидан таъкидланган. Худди шу ходиса ўзбек мулоқот хулқидаги антропонимик мурожаат шакллари ҳам хос. Мурожаат шаклларидаги *диахрон* (диахрон грекча сўз бўлиб, «диа» – орқали, «хронос» – вақт деган маънони билдиради) кўринишлар [10,48], кўпроқ, бизгача етиб келган манбалар ёки тарихий асарларда кузатилади. Бу каби шахсга йўналтирилган мурожаат шакллари воқелик даврига мос ҳолда қўлланилади. Хусусан, тарихан «ҳожид бобо», «бой ота», «бой бува», «тақсир», «бўтам», «ҳазрат», «эшон почча», «мулла ака» каби мурожаат шакллари.

Бугунги кунда ўзбек оилаларида шахсга йўналтирилган мурожаатларда исмларга қўшимча тарзда ҳурмат, эркалаш, кичрайтириш маъноларини ифодаловчи қўшимчаларни қўшиб айтиш одати кузатилади. Жумладан, катта ёшдаги эркак адресатга нисбатан *-жон*, *-хон*, *-хўжа*, *-ҳожид* (ҳажга бориб келганларга нисбатан), *-бек*, *-бой*, *-тўра*; кичик ёшдаги адресатларга нисбатан эса *-той*, *-шер*, *-ча*, *-чик* каби қўшимчаларни қўшиб мурожаат қилинади. Аёл адресатларга исмга мос келадиган қўшимчалар қўшиб мурожаат қилинади: *-хон*, *-ой*, *-гул*, *-нисо* каби. Баъзан эса ману шу индикаторлар аёл адресат билан адресант ёшининг фарқлинишига қараб ҳам турлича кўринишларни олади. Кичик ёшдаги адресант катта ёшдаги аёл адресатга мурожаат қилганда, адресат исмига *-хон*, *-ой*, *-гул* қўшимчаларидан ташқари *она*, *ая*, *хола*, *амма*, *эна*, *момо* каби қариндош-уруғ номларини

ифодаловчи сўзларни қўшиб айтади: *Ойгул ая*, *Раъно опа*, *Нигор хола*, *Фотима амма*, *Қумри момо*, *Ҳадича эна* каби.

Нотаниш кишиларга *лавозим*, *вазифа*, *касб-кор билдирувчи сўзлар* орқали мурожаат этишда ҳам диалектал фарқлар кузатилади. Жумладан, Фарғонада ўрта мактаб ва олий таълим соҳасидаги кишилардан ташқари, ташқи кўринишидан зиёли эканлиги билиниб турган нотаниш эркак кишига «домла» деб мурожаат қилинса, Самарқанд, Қашқадарё томонларда бу сўз аёл ўқитувчиларга нисбатан ҳам қўлланади. Марғилонда 25-30 ёшдан юқори бўлган нотаниш эркак кишига «қори ака», «тақсир» деб мурожаат этиш табиий ҳол саналса, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бундай мурожаат нотабиийдек туюлиши, ҳатто баъзи бир адресатларнинг кайфияти бузилиши мумкин.

Адресант ва адресат ўртасидаги мулоқот жараёни мурожаат босқичи билан бошланади ҳамда ана шу мурожаат босқичида адресант нутқида қўлланган мурожаат шаклидан адресатнинг қайси ижтимоий гуруҳ вакили эканлиги сезилиб туради. Ваҳоланки, ҳарбийлар нутқи соф эркакча овоз, фонцион салобатни талаб этади ва улар нутқи бошқа касб эгалари нутқидан кескин фарқлиниб туради. Ҳарбийлар мулоқот хулқига эътибор берилганда, улардаги мурожаат шакллари бошқа касб эгалари мулоқот хулқидаги мурожаат шаклларидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Яъни, «ҳар бир соҳада мулоқот ўз қонуниятларига, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам турли хил соҳа ходимлари ўзларининг соҳасига хос хусусиятларни ўзлаштириб олишади-да, баъзан ундан чиқишга қийналишади. Чунки соҳадаги кўплаб мулоқот меъёрлари эталонга айланиб қолади ва соҳа ходимлари фаолиятида, улар ҳаракатларида одат тусига кириб қолади».

Ҳарбийлар нутқидаги мурожаат шаклларида миллийликдан кўра расмий эканлиги билан кўзга ташланади. Бу касб эгалари кўпроқ адресатга ҳарбий унвон

## ТИЛШУНОСЛИК

номига *ўртоқ* сўзини қўшиб мурожаат қилади:

– *Ўртоқ генерал, мурожаат қилишга рухсат этинг!*

Ёки унвон номларига фамилияларини қўшиб мурожаат қиладилар:

– *Сержант Орзукулов!...*

Ҳарбийлар мулоқот хулқидаги мурожаат шакллари «Низом»да белгиланган тартибда амалга оширилади. «Низом» бўйича мурожаат маданияти паралингвистик воситалар билан тўлдирилади. Яъни сўзловчи «Низом»да белгиланган тартибда қадам ташлаб келиб, ўнг қўлининг кафтини текис тутган ҳолда ўнг чаккасига текизиб («честь» берган ҳолда) қаддини ғоз тутиб тингловчига мурожаат қилади.

Ўзбек мулоқот хулқига хос бўлган мурожаат шаклларидаги новербал воситалар ҳарбийлар мурожаат шаклларида, асосан, кузатилмайди. Бу касб эгаларининг мурожаат шаклларида гап қурилиши қисқа, лўнда, аниқ маънога

эга бўлиб, адабий тил услубининг расмий услубига хослиги билан ажралади:

– *Бажарамиз! Ўртоқ лейтенант!*

– *Кетишга рухсат этинг, ўртоқ капитан!*

– *Кетишингиз мумкин, аскар Холматов!*

Ҳарбийлар нутқидаги мурожаат шаклларида буйруқ гап оҳанги кўпроқ кузатилади. Мурожаат этишда овоз тонининг баланд пардада айтилиши ҳам ҳарбийлар нутқида хос анъана.

Мурожаат шаклларининг касб-кор жиҳатдан хосланишини кузатадиган бўлсак, ҳар бир шахс ўзининг қизиқиши асосида касб-ҳунар танлаб ва шу қизиқиши йўлида ўз маҳоратини оширишга ҳаракат қилади. Ўз касб-ҳунарига оид билим ва кўникмалар ҳосил қилади. Шунингдек, ўзини руҳий жиҳатдан ҳам тайёрлайди. Персонажлар нутқидаги мурожаатлар касб номлари, меҳнат қуроли номлари, миллат номи каби шакллари қўшиб келтириш мумкин.

## Адабиётлар:

1. Раупова Л.Р. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. – Т.: Фан, 2011.
2. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
3. Омонтурдиев А. Чорвачиликка оид сўз ва атамаларнинг қисқача тематик эвфемик луғати. – Т., 2015.
4. Бегматов Э. Номлар ва одамлар. – Т.: Фан, 1996.
5. Имом Бухорий. Адаб дурдоналари. – Т., 1990.
6. Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Т., 1987.
7. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-писоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2000.
8. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993.
9. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. – Т.: Akademnash, 2015.
10. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987.

(Такризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)

УДК: 811.133.1+49+412/413

## LEXICAL-SEMANTIC EXPRESSION OF EARLY YOUTH "JEUNESSE" IN UZBEK AND FRENCH

## ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЕ ВЫРАЖЕНИЕ РАННЕЙ МОЛОДОСТИ "JEUNESSE" НА УЗБЕКСКОМ И ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКАХ

## ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДА ЭРТА ЁШЛИК "JEUNESSE"НИНГ ЛЕКСИКО-СЕМАНТИК ИФОДАЛАНИШИ

Axrorova Ruzixon Usmonovna<sup>1</sup><sup>1</sup>Axrorova Ruzixon Usmonovna

– Teacher of Fergana state university, Faculty of foreign languages, German and French department, PhD.

**Аннотация**

Мақолада ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик/jeunesse даврининг лексик ва семантик ифодаси ёритилган. Ўзбек тилидаги "ёшлик" тушунчаси 100 та дан ортиқ лексемадан иборат бўлиб, улар орасида сўзларнинг турли гуруҳларига тегишли сўзлар, таърифланган "ёшлик даври" нинг турли номлари ёшларнинг номланишларини ўз ичига олган отлар, шунингдек, "ёшлик" тушунчаси билан боғлиқ бўлган фазилатлар, жараёнлар ва хатти-ҳаракатлар эне катта гуруҳни ташкил қилади.

**Аннотация**

В статье описывается лексико-семантическое выражение ранней юности /jeunesse на узбекском и французском языках. Понятие «молодежь» в узбекском языке представлено более чем 100 лексемами, включая слова, принадлежащие к разным группам слов, разные названия описанного «периода молодости», существительные, которые включают имена молодых людей, а также выражение качеств, процессов и действий, связанных с понятием «молодежь».

**Annotation**

The article describes the lexico-semantic expression of early youth/jeunesse in Uzbek and French. The concept of "youth" in Uzbek is represented by more than 100 lexemes, including words belonging to different groups of words, different names of the described "period of youth," nouns that include the names of young people, as well as expressions of qualities, processes and actions related to the concept of "youth."

**Key words and expressions:** young/fresh-grown, very young, young boy, girl, wife, young age, different, lexeme, adjective, verbs, synonymy, lexical-grammatical variation, stylistic.

**Ключевые слова и выражения:** молодой / свежий, очень молодой, молодой мальчик, девочка, жена, молодой, возраст, разные, лексема, прилагательное, глаголы, синонимия, лексико-грамматическая вариация, стилистика.

**Таянч сўз ва иборалар:** ёш / янги, жуда ёш, ёш бола, қиз, хотин, ёш, ҳар хил, лексема, сифат, феъллар, синонимия, лексик ва грамматик ўзгарувчанлик, стилистика.

More than 100 lexemes represent the concept of youth in the Uzbek language. Among them, they are words belonging to different word families: nouns, adjectives, verbs, adverbs. Most words in this semantic group are monosyllabic, the main ones belonging to the following word-forming cells. Namely, young/fresh-grown, very young, young boy, girl, wife, young, (stunted) so on. Some words related to these cells (e.g., young inventor, young naturalist, young reporter, etc.) belong to the periphery of the semantic group being described and are included in this concept because they are part of the root morpheme

meaning "youth". Nouns are the largest group, covering the various names of the "age" described, the names of young people, as well as the expression of characters, processes and actions associated with the concept of "youth" [1,456].

The lexical-semantic expression of the above-mentioned entities is as follows:

The names of the "young age": Youth, early youth;

The names of the "young age": young woman, bride (about a young woman) girl, girl, little girl, attractive, beautiful (simple, beautiful young woman), little, brother,



## ТИЛШУНОСЛИК

young people, youth, boys, girls, young man, young woman, young bride, a child who has not reached adolescence, teenage boy, young sprout, variety sprout, young (humor), snoop, small - dog [3:423]

Names of personalities, processes and actions related to the concept of "youth": as youth, rejuvenation, rejuvenation.

Among with nouns the earliest youth lexeme, the largest group is made up of personal names. For a group of nominations representing youth, the presence of synonymous rows for words meaning the same age period is peculiar. Many of these words have a colloquial or simple speech color and often have emotional-evaluative semantics. Compare: **girl, young girl, girlie and so on** [2:213].

Among the lexical expressions of the concept of "youth" there are fewer groups of adjectives, verbs and forms. Many of the lexemes in this group (directly or indirectly) are based on **young/ fresh-grown** adjective. Some of the lexemes belonging to the said word groups are based on nouns expressing the same concept.

The following is a list of adjectives, verbs, and forms that have the most "early youth" semantics:

**Adjectives:** Girls, girls', copy, unripe, inexperienced, small, smaller, young, (younger than anyone), young.

**Verbs:** rejuvenation, rejuvenation, rejuvenation, rejuvenation, extinction, extinction, (loss of youth, beauty), etc.

**Forms:** Like girls, like girls, like mature, like young people, like boys, not young, like young, from youth, like early age.

The phenomenon of synonymy, which belongs to different styles, is characteristic of the qualities that express the concept of youth.

Thus, the concept of "youth" in the Uzbek language is characterized by lexical significance and the potential for stylistic and lexical-grammatical variation.

Lexemes denoting the concept of "youth" are both explicit (e.g., young, youth, rejuvenation, rejuvenation, etc.) and implicit (e.g., green, breast milk did not come out of his mouth, young(humor), snoop, extinction, etc.) "the earliest" semaphore. This girl, young girl, boy, young boy, strong fellow,

and so on is actively interrelated with gender content.

In the lexical system of the Uzbek language, the notion of "youth" is associated with their characteristics.

For example, beauty (attractive), helplessness, incapacity, incomplete physical and mental maturity (breast milk did not come out of his mouth, puppy, snoop, young / joke / nose, jingle, ghost, snout).

Unlike childhood and adolescence, youth is interpreted in a relative context. For example, "a sentence that is relatively young in terms of age is done through the lexemes of someone relatively small, smaller, younger. For example, compare early, young, and young opposition.

In the lexemes of the group under consideration, youth is presented as a temporary, temporary departure". It should be noted that this sign is not reflected in the lexical expression of childhood and adolescence, although each "youth period" is temporary. Compare: **extinction** (loss of youth, purity, beauty); **not young**. The verb segment of the semantic lexical group of the early age period reflects the active movement of this age to preserve the qualitative features and return to the original. Compare: **rejuvenate, rejuvenating, to rejuvenate, to look younger, rejuvenate, rejuvenate**. [4:425] The probability of achieving the desired result is defined as being younger (looking younger, looking younger than one's own mule) and **looking younger**.

In the Uzbek language, various words that express the concept of youth, such as "novelty", "inexperience, crudeness", are constantly developing secondary meanings.

Other lexemes that refer to individuals at an early age, in their literal or figurative sense, embody a negative assessment of inexperience, incompetence, and underdevelopment: breast milk did not come out of his mouth one who is too young, inexperienced, who has not seen life, who does not know; disrespectful about someone younger than the interlocutor); son of bitch (simple folk. insult.); snoop (insult.); young (joke 1. Young, inexperienced sailor. 2. Metaphore. Inexperienced, clumsy person; (generally stupid, lame, mentally retarded person). [4:425]

The lexical system of the Uzbek language reflects the perception of the early age of man in relation to the initial stages of development (primarily the early stages of development of all living things, plants and animals, "youth"). For example, on the basis of lexemes meaning immature plants and animals, metaphorical names of persons of early age are formed. Compare: thin seedling (metaphore. Young, new generation); variety - seedlings (metaphore. youth, young generation); puppy 2. metaphore. simple. A young, inexperienced man; portable child, dry milk from the mouth (swearing); green (inexperienced because of their youth) The meanings of the analogy in the qualities of girls at an early age can be important in speech and gender, but it is also possible to expand the semantics of "youth" - compare the passion of boys, as simple as girls, and so on.[2:116]

Thus, youth in Uzbek can also be included in the category of childhood and adolescence, primarily in the appropriate age names. The animated notion of youth is once again associated with individual discrete nomenclature of individuals, as well as with aggregation horses that define a set of "youth periods" (youth) is explained. It should be noted that such applications in the Uzbek language are recognized as effective. Positive or negative assessments of early childhood are clearly distributed on the line of "physical" and "mental" levels. The first is positive, the second is negative.

Lexical-semantic expression of youth / jeunesse in French.

The concept of youth / jeunesse is represented by 40 lexemes in French. Among them are various word groups i.e. nouns, adjectives, verbs, forms. Some lexemes of this semantic group have a single stem, the main of which belong to the word-forming nests, which are jeune, juvenile, and other words.

The concept of jeunesse is reflected in French in lexemes of different categories of grammatical affiliation, i.e. nouns, adjectives, verbs and forms.

Among them, the largest group of horses, which includes the various nomenclature of the "age period" described, the names of the early age period, which

include the definition of various phenomena and attributes associated with this concept.

The names of the "young age": Jeunesse

Names of young in twelve-year animal cycle of chronology individuals: *bejaune; catherinette; damoiseau; demoiselle; mademoiselle; ephebe; fille; garcon; gars; gonzesse; greluce;jeune; jeunesse; jeune,turc, jeunet,jeunette, jeunot, jeunotte; jouvenceau; jouvencelle; mignon; minet, minette; mome; nana; nenette; nymphette;pucelle; souris;tendron.*

Names of events and character attributes related to the concept of youth / jeunesse: Jouvence; jeunisme; rajeunissement; juvenilite; verdeur;

Among the lexical expressions of "youth" in French, the groups of adjectives, verbs, and forms are relatively few. A large proportion of the word groups mentioned are monosyllabic words. Jeunesse semantic adjectives, verbs, and forms are as follows:

Adjectives: benjamin,jeune, jeunet,jeunot, jeuniste,juvenile, tender,vert.

Verbs: (se) rajeunir

Adverbs: Jeunement.

Lexical analysis of the concept of youth in French shows that the lexical expressions of this concept are less than in the Uzbek language. In this case, the lexical density is characteristic for the lexical expression of youth in French. Many lexemes are derivatives of the words jeune or juvenile.

All the lexemes that represent the concept of Jeunesse are combined with the sema of early age. This sema can be both explicit, e.g., jeune, jeunesse, rajeunir, and implicit minet, minette, mignon, tendron, beraune, blanc-bec.

Among the lexemes, along with the "youth period" lexeme, the gender sema is leading, e.g., fille, gars, garchon, gonzesse.[3:174]

Implicitly, the semantics of the early "youth period" are interpreted in lexemes based on various characters associated with youth. The desire of the early "youth" is understood on the basis of the connection with such signs as warmth, delicacy, delicacy, attractiveness, purity, vitality, zeal.

ТИЛШУНОСЛИК

The existence of the term **jeunisme** in French, which has two different opposite meanings (i.e. 1. discrimination against youth and values related to youth (beauty, general behavior, etc.), (there is also the term **agisme** denoting abuse of the elderly) interesting. Such a combination of contradictory meanings on a word scale is a reflection of certain realities of French

culture, the two-way valence inherent in the French concept of youth. This ambiguity of the concept of youth is due, on the one hand, to the enjoyment of positive qualities (beauty, vigor, etc.) inherent in adolescence, and, on the other hand, to the persistence of negative perceptions (e.g., inexperience) typical of youth.

**References:**

1. Большой русско-французский словарь / Щерба Л.В., Матусевич М.И., Никитина С.А. и др. М.: Рус. яз., 2000.
2. Гак В.Г., Ганшина К.А. Новый французско-русский словарь.- М: Рус. яз., 1995.
3. Dictionnaire Universel Francophonie. - HACHETTE/EDICEF, 1997; <http://www.francophonie.hachette-livre.fr/>
4. Version electronique du Nouveau Petit Robert. Dictionnaire analogique et alphabetique de la langue francaise. - "Dictionnaires Le Robert", 1996.

*(Reviewer: N.Khoshimova – doctor of philosophy in philology).*

УДК: 811.512.133 (575.1)(043.3)

**ХОРАЗМ ШЕВАЛАРИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН  
АЙРИМ ЛАҚАБЛАР  
НЕКОТОРЫЕ ПРОЗВИЩА, СОЗДАНИЕ НА ОСНОВЕ ЗАИМСТВОВАНИЙ В  
ХОРЕЗМСКИХ ДИАЛЕКТАХ  
SOME NICKNAMES FORMED ON THE BASIS OF BORROWINGS IN KHOREZM  
DIALECTS**

Қодирова Хуршида Марселовна<sup>1</sup><sup>1</sup>Қодирова Хуршида Марселовна

- Урганч давлат университети, ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ўзбек тилининг ўғиз ва қипчоқ лаҳжаларида гаплашувчи аҳолиси тилидаги инглиз, француз ва немис тилига оид сўзлар асосида шаклланган айрим лақабларнинг лексик-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье анализируются лексико-семантические особенности некоторых прозвищ, образованных на основе английских, французских и немецких слов в огузском и кипчакском диалектах узбекского языка Хорезмской области Узбекистана.

**Annotation**

This article analyzes the lexical and semantic features of some nicknames formed on the basis of English, French and German words in Oguz and Kipchak dialects of the Uzbek language in the Khorezm region of Uzbekistan.

**Таянч сўз ва иборалар:** лақаб, Европа тилларидан ўзлашган сўзлар орқали шаклланган лақаблар, лақабларнинг ўрганилиши, ўзбекча сўзлар, инглизча сўзлар, французча сўзлар.

**Ключевые слова и выражения:** прозвище, прозвища, образованные из слов, заимствованных из европейских языков, изучение прозвищ, узбекские слова, английские слова, французские слова.

**Key words and expressions:** nicknames, nicknames formed by words borrowed from European languages, study of nicknames, Uzbek words, English words, French words.

Тилшунослар бутун дунёда тилни тадқиқ этишнинг энг мақбул йўллари ҳамиша излаб келганлар. Тил бирликлари халқимизнинг миллий тафаккури, турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида маълумот бериб туради. Хусусан, атоқли отлар энг кўп ахборот таший оладиган бирликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришишимиз кераклиги, бу ишлар учун эса молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз кераклиги ҳақида гапирган эди [1]. Шундан келиб чиққан ҳолда, бой лексик фондга эга бўлган, ўзбек адабий тилининг ривожланиши учун ноёб озиқ

манбаларидан бири бўлган Хоразм шеваларини ўрганиш тилшунослик учун катта натижаларни бера олади. Хоразм шеваларидаги лақабларни тадқиқ қилиш билан мазкур шевага хос номинация қоидалари, шеванинг турли лисоний қирралари ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Ўзбек номшунослигининг долзарб муаммолари орасида лақабларни ўрганиш иши алоҳида ўрин тутди. Чунки, қадимий даврларга мурожаат қилганимиз сари исмлар ва лақаблар орасида фарқ камая боради ва, умуман, лақабларнинг номлаш воситаси сифатидаги роли орта боради [2.80].

Э.Бегматов лақабга “Лақаб – шахнинг ташқи кўриниши ёки характеридаги маълум белги ёки хусусиятга кўра, унинг ижтимоий аҳволи ёки насл-насабига кўра номланишдир. Лақаблар ҳам атоқли отдир”, деб таъриф

## ТИЛШУНОСЛИК

берган [3.12]. Ҳақиқатан ҳам лақаб одамнинг турли хусусиятларини ифода этадиган номдир. Лақаб шахс ҳаётининг турли даврларида унга одамлар томонидан шахснинг турли хусусияти ва сифатига ишора қилиб берилган сўздир. Шахс мана шу ном билан бир доира кишиларга маълум бўлади ва фарқланади. Лақаб – бу, норасмий қўшимча ном бўлиб, жамиятда бир кишини иккинчисидан фарқлашга хизмат қилади ёки шахснинг турли характер-хусусиятларини англатишга хизмат қилади.

Хоразм шеваларидаги лақабларнинг юзага келиши учун асос бўлган мавжуд мотив ва бошқа лингвистик омилларни аниқлаш, структур-семантик ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш, Хоразм вилоятидаги шеваларда шаклланган лақабларнинг антропонимлар маъно структураси шаклланишида тутган ўрни ва ролини тадқиқ қилишдир. Бунда Хоразм шеваларидаги лақабларнинг ўзбек тили ономастик сатҳида тутган ўрнини белгилаш, лақабларни таснифлаш, тавсифлаш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ушбу мақсадга Хоразм минтақавий антропонимлари учун хос бўлган лақабларнинг материалларини тўплаш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш; Хоразм шеваларидаги лақабларни тўплаш ва уларни илмий тавсифлаш; вилоят ҳудудидаги ўғиз ва қипчоқ шеваларига оид лақабларнинг ўзбек тили ономастик тизимида тутган ўрнини белгилаш; лақабларнинг турли структур ва семантик хусусиятларини кўрсатиб бериш; лақабларни аталиш мотивларига кўра гуруҳлаш; лақабларнинг ҳосил бўлишидаги лисоний ва нолисоний омилларни ўрганиш; лақаблар семантикасининг денотатив, номинатив ҳамда мотиватив маъно тушунчаларига муносабатини белгилаш каби вазифаларни бажариш орқали эришилади.

Хоразм ҳудудида фаолият олиб бораётган тилшунос олимларнинг вилоят ҳудудидаги тил муаммоларини, жумладан, шевалар ва улардаги турли хусусиятларни ўрганишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хоразм

шеваларида *küll(i)kçi// güll(i)kçi* – “мардикор”, *nalçi* – (кўчат етиштирувчи), *ya:rimçi* “шериклик асосида ишловчи деҳқон”, *elt(i)* – “эл ичида юрувчи фаол аёл”, “тўй-маъракаларда аёлларга бошчилик қилувчи аёл”, “ғассол аёл”, *taläkçi* – “тўй-маъракаларда омборчилик қиладиган шахс” каби юзлаб лақаблар фақат Хоразм шеваларидагина мавжуд бўлиб, уларда ҳудуд шева хусусиятлари акс этгани учун маҳаллий мутахассис буни яхши илғай олиш имконига эга. Масалан, кўза лақаби семиз, бақалоқ, “ебтўймас” кишиларга нисбатан қўлланилган: *Қадам кўза* каби. The word “ko’za” (a large jug) defined, as usual, a vessel with a voluminous gut and narrow neck, intended for storing liquids, which, like the word “hum”, was probably used to determine the meaning of “hole, groove”. The expressions “buloqning ko’zi”, “derazaning ko’zi” used in the Uzbek language, in which the metaphorical use of the word “ko’z” (eye) is observed, also confirms this hypothesis. A similar phenomenon is observed in the revolutions of “Summing-up Ozi”, “Shocking-up Ozi” (announcing) [6.27]. Хоразм шеваларида *хурмача* сўзи ҳам лақаб сифатида кўза сўзига синоним сифатида қўлланади: *Давлат хурмача* каби.

Хоразм шеваларида бошқа тиллардан кириб келган сўзлар асосида шаклланган лақаблар ҳам кўп учрайди. Қуйида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақабларнинг семантик ва функционал хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

**Немис.** *Ҳасан немис* бирикмаси таркибидаги *немис* лақаби. *Немис* сўзи қадимги рус тилида *немец* – “ғўлдираб, ноаниқ гапирувчи”, “соқов”, “ажнабий” каби маъноларни англатган. “Германиянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ” маъносида ҳам рус тилида *немец* сўзи ишлатилади. *Немец* сўзи рус тилидан ўзбек тилига *немис* шаклида ўтган. Ўзбек шеваларида *немис* сўзи миллат номини англатишдан ташқари, “қаттиққўл”, “бераҳм”, “раҳм-шафқатсиз” каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бу маъно Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларнинг ваҳшийларча хатти-ҳаракатлари натижасида тилимизда

шаклланган. *Боққи немис* (аслида Баҳодир немис) антропонимик бирлиги таркибидаги *немис* сўзи ушбу шахснинг *қаттиққўл ва бераҳмлиги* учун қўйилган. *Жумми немис* сўзи таркибидаги *немис* сўзи эса асли исми Жуманазар бўлган шахснинг антропологик жиҳатдан, яъни қиёфаси *немис* миллатига ўхшашлиги асосида қўйилган. *Ҳасан немис* сўзи таркибидаги *немис* сўзи эса касб-кор мазмунини ифодаловчи лақаб маъносида Ҳасанбой исмли немис тили ўқитувчисига нисбатан ишлатилган.

Таъкидлаш лозимки, миллат номи асосида шаклланган лақаблар Хоразм шеваларида кўп учрайди: *Самандар япон* (мияси японларникидай зўр ишлаган учун шу лақаб қўйилган), *Рустам тожик* (миллатига нисбатан қўйилган лақаб), *Бозорбой қозоқ* (миллатига нисбатан қўйилган лақаб), *Озод қозоқ* (ўзи ўзбек, қиёфаси қозоқ миллати вакилларига ўхшагани учун шу лақабни олган).

“Франциянинг асосий, туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ, француз ҳалқи” тушунчасини англатувчи *француз* сўзи одатда француз тили ўқитувчисига нисбатан лақаб сифатида қўлланган: *Шокир француз*. Ахлоқий жиҳатдан Шарқ анъаналаридан фарқ қилиб, фоҳишалар кўплиги жиҳатидан салбий ном чиқарган жой номларига ҳам “Франция”, “Маленький Париж” каби норасмий номлар қўйиладики, уларнинг лисоний мақомини белгилаш эҳтиёжи ҳам бор. Улар тасвирий ифодами ёки жой номларига нисбатан лақабми, махсус тадқиқот жараёнида аниқланади.

*Шляпа немис тилидан олинган бўлиб*, “қалпоқ”, “шапка”, “атрофи соябонли бош кийим” маъносини англатади. Бу сўз доим шляпа кийиб юрадиган кишига нисбатан шева фонетик қонуниятларига мослашган ҳолда *шляпа* шаклида лақаб сифатида ишлатилган: *Шомми шляпа*.

*Галстук немисча halstuch* сўзидан олинган бўлиб, аслида “бўйин рўмол” маъносига эга, “кўйлак ёқаси остидан ўтказиб, олдини тугун ёки бант қилиб тақиладиган мато”, “бўйинбоғ” маъносини ифодалайди. Ўзбек халқида асосан зиёли инсонлар, давлат идораларида

ишлайдиган шахслар, мансабдорлар галстук тақади. Зиёли одамлар кам бўлган чекка қишлоқларда битта зиёлининг иш жойидан ташқарида ҳам ҳар доим бўйинбоғ тақиб юриши *галстук* лақабини олишига сабаб бўлган: *Қадам галстук*.

Қишлоқ ҳудудларида шаҳардаги турли идораларга қатнаб ишлайдиган шахсларга ўша иш жойи ёки қилаётган иши, касби кабилар асосида лақаб қўйиш ҳолатлари кўп учрайди.

Масалан, *Ҳаким вокзал* бирлиги таркибидаги *вокзал* сўзи *инглизча vauxhall* – “Вокс кошонаси”, яъни Лондондаги сайргоҳ боғнинг номидан олинган бўлиб, “Йўловчилар ва транспортга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бино, бинолар мажмуи” [4.467] маъносини ифодалайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида Урганч темир йўл вокзалида ишлагани учун Ҳаким исмли шахс *вокзал* лақабини олган.

*Велосипед* француз тилидан бошқа тилларга ўтган сўз бўлиб, [фр. *velocipede* < лот. *Velox* тез + *pedis* — оёқ] “*педаллар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси*” маъносини англатади. Хоразм шеваларида *велосипед* сўзи *товуш ўзгаришларига учраб, валасапит, валсибит, велик, валли шаклларида учрайди. Шунингдек, унинг кекса авлод вакиллари тилида шайтон арва/шайтон арава номи ҳам учрайди. Умр бўйи велосипед миниб юрган одамга Норвой валли* лақабни шунинг учун қўйилган. Хоразмнинг айрим ҳудудларида аёлларнинг велосипед ҳайдаши одатий ҳол ҳисобланса, баъзи қишлоқларимизда бу жинс вакилларининг велосипедда юриши маъқулланмайди. Ана шундай ҳудудлардаги айрим шаддод аёлларнинг велосипед миниши *Қурвон валли, Га:вар валли* каби лақабларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

*Шпион* лексемаси немисча *spion* < *sprehen* — “қузатмоқ”, “таъқиб қилмоқ”, “айғоқчилик қилмоқ”, “давлатга оид ва ҳарбий сирларни махфий равишда билиб, ўғирлаб олиб, бошқа мамлакатга, душман томонга етказувчи шахс”, “жосус” семасига эга. Бировнинг сирини билиб

## ТИЛШУНОСЛИК

олиб, бошқасига етказадиган шахсга, гап етказувчи “қулоқ”қа нисбатан ҳам *шпион* сўзи лақаб сифатида қўйилади. Масалан, *Отти шпион*. Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедиясида асар қаҳрамони Соттининг: “Нима ҳақида гаплашяпсизлар?” – саволига овсинларининг “Шпионлар ҳақида!” – деган илмоқли жавоби ҳам бу сўз ўзбек адабий тили ва шеваларида лақаб, киноя каби воситалар сифатида фаол ишлатилишини уқиб олиш қийин эмас.

**Компьютер** [ингл. computer < лат. computare – ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ] лексемаси “мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси [5.397]” маъносини ифодалаб, мияси яхши ишлайдиган, билимли, хотираси мустаҳкам одамларга нисбатан *компютер* шаклида лақаб сифатида ишлатилган: *Одил компютер*.

**Доктор** [лат. doctor – ўқитувчи, муаллим, устоз] лексемаси “касалларни даволовчи олий маълумотли тиббиёт ходими”, “шифокор”, “докторлик диссертациясини ҳимоя қилган фан номзодлари ёки профессорларга бериладиган олий илмий даража ва шу даражани олган олим” маъносини

ифодалайди ва Хоразм шеваларида ушбу сўз шифокорларга нисбатан *доктор/духтур* шаклида лақаб сифатида ишлатилади: *Эрғаш доктор, Одил духтур*.

Лақабларнинг семантик тузилиши, уларни ташкил қилувчи мотиватив маъно типлари ўзига хосдир. Шунинг учун лақаблар маъноси апеллятив лексикага қиёсланганда улар, асосан, энциклопедик маъно ифодалаши таҳлиллар асосида далилланиши лозим. Лақаблар антропоцентрик парадигма йўналишлари, хусусан, лингвокультурологик ва социолингвистик жиҳатдан ҳам таҳлил қилинса, улар ҳақида кенгроқ маълумот олиш мумкин.

Ушбу мақолада бошқа тиллардан кириб келган сўзлар асосида шаклланган лақабларнинг структур-семантик ва функционал хусусиятлари юзасидан билдирилган назарий хулосалардан, илмий таҳлиллардан ўзбек тили лексикологиясига оид изланишларда, ўзбек ономастикасига оид дарслик ва қўлланмалар яратишда ҳамда этнографик ва этнолингвистик, социолингвистик тадқиқотларда кенг фойдаланиш мумкин.

## Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, № 218. – Тошкент, 2019 йил, 22 октябрь.
2. Xurshida Qodirova. Xorazm laqablarining qo'llanilishiga ko'ra turlari. // “Научный журнал”, №21 (103), часть 3, Интернаука, Москва, №21, 06.2019.
3. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: Филол.фан.ном....дис. –Т., 1965.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
6. Azamat Primov, Sumbul Muhammedova. About domestic lexical features in translation "Zafarnama" expressing the household.– International Journal on Integrated Education. Volume 2, Issue III, July-August, 2019.– Page 27.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)

УДК: 81`38:398.9(575.1)(043.3)

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СЎЗ ЎЙИНЛАРИ ТУРЛАРИ ВА ТАЛҚИНИ

## ВИДЫ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО КАЛАМБУРА

## TYPES AND INTERPRETATION OF THE UZBEK NATIONAL PUN

Дўсमतлов Ҳикматулло Ҳайтбоевич<sup>1</sup><sup>1</sup>Дўсमतлов Ҳикматулло Ҳайтбоевич*- Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)***Аннотация***Мақолада ўзбек миллий сўз ўйинлари, уларнинг турлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Жумладан, сўз ўйинларининг тил сатҳларида намоён бўладиган “фоностилистик ўйин”, “фонографик ўйин”, “лексик-семантик ўйин”, “морфологик ўйин”, “синтактик ўйин” каби турлари лингвостилистик жиҳатдан таҳлилга тортилади.***Аннотация***В статье рассматриваются узбекские национальные виды каламбура и их особенности. В частности, лингвостилистическому анализу подвергаются такие виды каламбура или игры слов, как “фоностилистическая игра”, “фонографическая игра”, “лексико-семантическая игра”, “морфологическая игра”, “синтаксическая игра”, проявляющиеся на языковых уровнях.***Annotation***This article focuses on the Uzbek national word clench as pun, its types and specific features. In particular, such types as “phonostilistic pun”, “phonographic pun”, “lexical-semantic pun”, “morphological pun”, “syntactic pun”, manifested in the language levels are subject of analysis from a linguistic point of view.***Таянч сўз ва иборалар:** ўзбек миллий сўз ўйини, сўз ўйини, аския, каламбур.**Ключевые слова и выражения:** узбекский национальный вид игры слов, игра слов, аския, каламбур.**Key words and expressions:** Uzbek national type word clench, clench, askiya, pun.

Сўз ўйини бадий-эстетик вазифа юклатилган сўзларнинг ўйин характеридаги комбинацияларидир. Сўз ўйини – кенг қамровли лингвистик ҳодиса; турлича тушуниш, изоҳлаш ва талқин қилишга йўналтирилган шаклий ва мазмуний ўйин. Сўз ўйини қизиқарли ҳосила бўлиб, ўзининг экспрессив-эстетик жиҳатлари билан тингловчининг эътиборини ўзига жалб қилади. Унинг юзага келиши инсон руҳий олами, тушунчалари ва лингвистик маҳорати билан боғлиқ.

Ўзбек тили сўз ўйинларига бой тил ҳисобланади. Ижодкор Темурбек Тўрабоев биргина “Т” ҳарфини ишлатиб, бутун бошли асар ёзганлиги кўпчилик эътиборини тортди. Адабиётшунос олим Суюн Каримовнинг сўзларига кўра: “Унинг романида 1571 сўз 6166 сўз шаклда 15146 марта қўлланилган. Ўзбек тилининг

изоҳли луғати беш жилдлигида “т” товуши билан бошланувчи 2684 та сўзга дуч келдик. Бу ерда гап сўзлар нисбатининг тенг келган ёки келмаганлигида эмас. Муаллиф она тилимиздаги “т” билан бошланувчи луғатдаги барча сўзлардан фойдаланмагани аниқ. Гап муаллифнинг мавжуд сўзлардан қандай фойдаланганлигида, уларнинг бадий-эстетик имкониятларини қай даражада юзага чиқара олганлигида. Айни пайтда, “изоҳли луғат”да учрамаган сўзларни қадимги тилимиздан, шеваларимиздан олиб, уларни бадийят майдонига дадил олиб кирганлигида ва уларга ҳам маълум маънода бадий-эстетик вазифа юклай олганлигида”[1].

Сўз ўйинига асосланган ушбу асардан намуна: “Тепалаётган тўпни тутолмаслигини тушунган тўпўрар тўпни тутушига тутинмади. Тили-



## ТИЛШУНОСЛИК

*тилига тинмай тушунтирарди, тили тили-ла тиллашарди. Тугунни тушураверди... Тутамлари тугунни тутолмади. Тўхтабунинг тутамидан тунган тутун тумалади. Тўхтабу тугунни тутушга тутинмади”.*

Ўзбек миллий сўз ўйинлари тадқиқотчи Ҳ.Дўсматов томонидан аския жанри мисолида монографик тарзда ўрганилган [11;12;13].

Ўзбек миллий сўз ўйинларини дастлаб 2 турга ажратиш мумкин: а) шакл билан алоқадор сўз ўйинлари; б) мазмуний сўз ўйинлари.

Шакл билан алоқадор сўз ўйинларига кроссворд, сканворд, ребус, мувашшаҳ ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Мазмуний сўз ўйинлари матн семантикасига алоқадор кўпталқинли ахборотдан иборат бўлади ва улар нутқий комбинация ҳосиласи ҳисобланади. Бу каби сўз ўйинларини табиати ва вазифасига кўра: а) “Ўйла, изла, топ!” тамойилига асосланган сўз ўйинлари (топишмоқ, чистон, муаммо, тарих жанрлари); б) экспрессив-эстетик вазифа юкланган сўз ўйинлари (турли нутқ кўринишларида: бадий, оммабоп, аскиячи ва қизиқчилар нутқи ва ҳ.к.) каби турларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, сўз ўйинларини тил сатҳлари доирасида қуйидаги турларга ажратиш мумкин: “Фоностилистик ўйин”, “Фонографик ўйин”, “Лексик-семантик ўйин”, “Морфологик ўйин”, “Синтактик ўйин”.

**“Фоностилистик ўйин”** – фонетик воситалар ёрдамида амалга ошириладиган сўз ўйини. Маълум бир нутқ товушини атайлаб ўзгартириш билан турли мақсадларни ифодалаш мумкин: **ЯШАСИН ДИМАКРАТИЯ!** (демократия сўзининг **и** ва **а** унлиси ўзгартирилиб, блогер Дима Қажум ҳокимияти, деган ахборот ифодаланган: Дима – Дима Қажум, кратия – ҳокимият)

Аллитерация ҳам ушбу йўналишдаги сўз ўйинининг бир тури бўлиб, у бадий, сўзлашув ва оммабоп нутқ услубида қўлланади:

*Али: Бугун Баҳодир боққа бормай бобосиникига бордим, бозорга бордим?*

*Вали: Бугун Баҳодир бобосиникига бормади, бозорга бормади. Баҳодир болалар билан бирга Бағдодга борди.*

*Али: Баҳодирга Бағдодда бало бормикан?*

*Вали: Бало борми билмадим-ку, Баҳодир Бағдодга бот-бот борадиган бўлди.*

*Али: Бир балоси бордирки бот-бот Бағдодга боради. Билмадингми?*

*Вали: Билмадим. Болалардан биргина Бобур биларкан.*

*Али: Бобурдан сўраб кўр-чи.*

*Вали: Ютқаздинг!*

Мумтоз адабиётимизда ҳарфий санъатлар (муаммо, истихроҷ) бадий тасвир воситаси сифатида қўлланганлиги [3], уларда фоностилистик воситаларнинг аҳамияти катта эканлиги маълум. Ушбу санъатга асосланган сўз ўйинлари бошқа тилларда ҳам мавжуд. Француз олими М.Бернаскони яширинган сўзни топишга асосланган еттита жанр борлигини айтади (M. Bernasconi, “Histoire des enigmes”, Paris: PUF, 1964). Улар бир сўзнинг бошқаси билан алоқаси, оҳангдошлиги, этимологияси, ҳарфлар ва товушлар сони билан боғлиқ. Бу сўз ўйини француз тилида “griphos” – ҳарф сўзидан олинган логгриф, деб номланади. Логгриф қадимдан маълум адабий ўйин бўлиб, бир сўзга ҳарф қўшиш ёки ундан ҳарф айириш орқали янги сўз ясалади. “Алишер Навоий муаммолари” (Париж, 2006) китобини нашр эттирган франциялик Реми Дор италиялик бир кишининг дўстига ёзган хатидаги логгрифни келтиради: “mitto tibi navem proga puppique carentem” – “мен сенга тумшуксиз ва қуйруқсиз кема юборяпман”. Лотин тилида кема “navem” дейилади. Унинг тумшуги -п ҳарфини ва қуйруғи -т ҳарфини олиб ташласак, ave – салом сўзи ҳосил бўлади.

Сўз ўйинининг мураккаб шакли ҳисобланган муаммо санъатини Реми Дор мураккаб, мавҳум, ноаниқ бир оламга қиёс этган. Унинг сўқмоқлари кўп-у, бироқ кўзга ғира-шира кўринади. Бу жанрда шоир ўз ғояларини шунчалар қисқа, лўнда ифодалайдики, дабдурустан бирор маънони англаб бўлмайди. Муаллиф кўпроқ муаммо ечимини кўрсатади-ю,

ечиш усулларини сир тутати. Бунда ўқувчига ҳам, таржимонига ҳам пухта билим ва кенг дунёқараш қўл келади. Шунинг учун Навоий даврида муаммо шоирлар маҳоратини баҳолаш мезони саналган, жамият аъзолари учун эса ақлни чархлаш, фикрни такомиллаштириш воситаси бўлган.

**“Фонографик ўйин”** – фонетик ва график воситаларга асосланган комбинациялар.

#### **Тазарру**

*Онгимда кўзғалган ўйлардан,  
Йиғлайман инграниб нетайин,  
Роҳатни устадим майлардан,  
Топмадим илинжлар қайтмайин [8].*

Шеърда фонографик восита: пастдан юқорига қараб, тўртликнинг ҳар бир сўзи бош ҳарфларини териб олиш билан «Қитмирни йўқот», деган яширин кўрсатма юзага чиқади. Кўринадики, сўзловчи баъзан сўз ўйинидан махфий ахборот етказиш, сирли мақсадини амалга оширишда ҳам фойдаланиши мумкин.

Бу каби сўз ўйинлари **тавшиҳ**, **мувашшаҳ** деб юритилади. **Тавшиҳ** шеър мисраларининг бошида ё ўртасида бир неча ҳарф ёки сўз келтиришни назарда тутувчи санъат номи бўлиб, у ҳарф ёки сўзларни қўшиб ўқилганда, киши номи, бирон сўз, бир ёки бир неча мисра, байт ёки шеър ҳосил бўлади. Шундай бадиий асар эса **мувашшаҳ**, деб аталади [9]. Бу анъанавий санъат Аъзам Ўктамнинг “Ҳаракат” шеърида ҳам учрайди:

**Қаршилиқ.** Қамоқ, Қийноқ, Қасос. Қилич. Қалқон. Қуюлади қон қайноқ. Қаттол. Қаттиқ. Қатағон.

**Ўлар.** Ўқирар. Ўйлар. Ўпирилар. Ўртанар. Ўнганар. Ўқир. Ўйнар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар.

**Қувонч.** Қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим қудрат қайтади, қайтади қачон, қачон, қачон?

**Олиш.** Отиш. Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлиг-у озодлик омонатдир одамга.

**Нотиқлар** номард, нокас. Нечун нолиш, насиҳат? Нажот-норози нафас. Нафрат-насиба неъмат.

Мазкур насрий шеърда **“Қўқон”** атамасининг яширинганини кўриш мумкин. Бу, ҳар бир мисра бошидаги

биринчи ҳарфларни қўшиб ўқилганда ойдинлашади.

Юқоридаги шеърда аллитерация ва ассонанслар асосида тавшиҳ санъати ҳосил бўлган. Таъкидлаш лозимки, шоирнинг бу санъатни қўллашдан мақсади фақатгина сўз ўйини бўлиб қолмай, бир мавзу остидаги сўз, гап ёки содда гапларни инверсия усулида ишлатиб, маънони ҳаддан зиёд бўрттириб кўрсатишга интилишдан иборат. Ўзбек тили луғат тизимидаги сўзларнинг таркиби ва семантик майдонидаги ранг-баранглик тавшиҳ санъатига асосланган шеърнинг муваффақиятини таъминлаган. Тавшиҳ санъати ўзбек мумтоз адабиётида кўп қўлланилган. Бу усул билан шоирлар бадиий мисраларга ўз суюқлисининг, бирор тарихий шахснинг ёки дўст-биродарининг ва бошқаларнинг номларини яширин тарзда ифодалашган.

Сўз ўйинининг учта асосий жиҳати эътиборга олиниши лозим. Булар яширин ифода, экспрессивлик-эстетик жиҳати ҳамда комик хусусияти. Сўз ўйинларининг айрим турларида “яшириб” ифодалаш етакчилик қилади. Буларга, юқорида таъкидланганидек, муаммо, мувашшаҳ, чистон кабилар ёрқин мисол бўла олади.

**Фонографик сўз ўйинидан** публицистика соҳасида сарлавҳаларда унумли фойланилади. Чунки сарлавҳалар ярим мақола бўлиб, унда санокли сўзлар ёрдамида асосий ахборотни, муносабатни ифодалаш алоҳида маҳорат талаб этади ва бунинг учун, кўпинча, турли хил ранглардан, фонографик ишловлардан фойдаланилади:

**«Ўзбекистонда ер сотиладими?».**

#### **AVTOritet**

Бу каби сўз ўйинлари кўп тилларда учрайди:

#### **УРОЛОГИЯ.**

I ♥ Fergana. I ♥ Kamalak.

**“Лексик-семантик ўйин”** – лексик воситалар ёрдамида ҳосил қилинадиган сўз ўйини. Бир қатор турлари мавжуд:

**“Полисемантик ўйин”** – кўп маъноли сўзлар ёрдамида сўз ўйинлари қилиш приёмидир. Олим Ҳ.Раззоқов полисемик, омоним сўзлар сўз ўйинларида фаол иштирок этиши,

## ТИЛШУНОСЛИК

сўзлардаги бу нозик фазилат сўзларни истаганча «ўйнатиш», бир гапда сўз ва мантикий урғулар жойини ўзгартириш, инверсиялар ҳосил этиш орқали бир неча хил маъно чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлайди [7]. Кўринадики, кўп маъноли сўзлар нутқнинг ифода имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашувчи восита ҳисобланади. Масалан,

- *Қизлар келишдими?* – деган саволга

- *Келишгани келишди.* – дея жавоб берган устоз аскиячиларимиз.

“Омонимик ўйин”. Омонимия ҳодисаси тилшуносликда жуда кенг тадқиқ этилган бўлиб, омоним сўзлар ёрдамида сўз ўйинлари ҳосил қилиш энг сермахсул усул ҳисобланади. Тилшунослар томонидан омоним ва омоформалар аския жанрига хос тажнисни таъминлаши, услубий восита сифатида бадиий асарга ҳусн бағишлаши [2], улардан ўринли фойдаланиш аскиячиларнинг маҳорати саналиши алоҳида таъкидланади [6]. Бу фикрлар Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, атоқли тилшунос олим А.Нурмоновлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилган: «ўзбек тилининг асосий фазилати – шаклдош, кўпмаъноли сўзларга бойлиги сўз ўйинини, аския санъатининг, шеърятда туюқ жанрининг ривожланишига имконият яратади» [6;9]. Масалан:

*Бўрини теп, тишлаб от,*

*Тойчоғим, сен отсан, от!* (Бола тарбияси. Иқбол Мирзо)

*Ота-онам тинмай ер,*

*Туғаб қолмасмикин Ер.*

(Чувалчангинг ҳайрати. Иқбол Мирзо)

*Даврага елдан бурун*

*Суқилиб кирди бурун.* (Турна. Иқбол Мирзо)

Туюқ омонимларга асосланганлиги сабабли туркий тиллардаги адабиятларга хос лирик жанр ҳисобланади, чунки Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайин”да тўғри исботлаб берганидек, туркий тиллар омоним сўзларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис, сўз ўйинининг омонимларга асосланиши миллий ўзига хослик касб этади. Бундай сўз ўйинлари воситасида муайян фикр

ихчам шаклда, таъсирчан, гоҳо юмористик тарзда ифодаланади.

“Диалектал ўйин” – сўз ўйинлари учун шевага оид сўзлардан фойдаланиш. Масалан:

– Қатта Руставели?

– Шотта Руставели!

Ушбу мулоқотда ёзувчи Шота Руставели исмидаги Шота сўзи Тошкент шевасидаги шотта (шу ерда) сўзига монанд талаффуз қилиниши сўз ўйини воситаси сифатида фойдаланиш учун сабаб бўлган.

“Антонимик ўйин” – контекстуал антонимлар воситасида сўз ўйини қилиш. Масалан, сўз устаси Ғафур Ғулом бир ўринда *академик* сўзига қофия қилиб *укадемик* сўзини қўллади ва натижада окказионал антонимик ҳосила вужудга келади.

“Пароним сўзлардан фойдаланиш ўйини” – сўз ўйинининг бу тури услубий-поэтик восита сифатида кўп учрайди. Бунда талаффузи ўхшаш бирликлардан сўз ўйини чиқарилади. Сўзларни муайян бир мақсад билан бузиб талаффуз қилиш билан бетакрор сўз ўйинларини ҳосил қилиш мумкин. Бунинг натижасида нутқий вазиятда геминация (ундошларни қаватлантириш), графон каби ҳодисалар юзага келади:

*Режиссёр тағин елкам қоқди.*

– ***Барра калла, барра калла!*** – деди.

*Режиссёр елкам қоқа-қоқа мени машина тараф жўнатди.*

*Мен йўл-йўлакай раусимиздан сўрадим:*

– *Раис бова, режиссёр нима деяпти?*

– *Баракалла деяпти, баракалла.*

– *Баракаллани шундай дейдими?*

(Т.Мурод, “Отамдан қолган далалар” романи).

“Морфологик ўйин” – сўз ўйинлари ҳосил қилишда қўшимчалардан фойдаланиш приёми. Морфологик ўйин комбинациясининг қатор усуллари мавжуд: а) нутқий табдил усули; б) атоқли отлардан фойдаланиш; в) атамалар усули; г) қўшимчалар усули.

**А. Нутқий табдил усули** билан лисоний бирлик бошқа окказионал

бирликка айлантирилади. Масалан, **“МАГИСТРАХалТУРА”** сарлавҳали мақоланинг сарлавҳасида салбий муносабат сўз ўйини асосида ифодаланган. Бундай вазиятда баъзан нарсанинг бажарадиган вазифасига асосланиб, янги нутқий бирлик ўйлаб топилади:

*Ушбу расми **БАШАРАБУКдан (Фейсбук)** юборишибди. Ҳой, тиниб тинчимаган одамларэй. Нималарни ўйлаб топишмайди-я. (Раис бува ижтимоий тармоғидан)*

**Б. Атоқли отлардан фойдаланиш** антономазия дейилади. Антономазия – атоқли отлардан алоҳида мақсадларда фойдаланиш бўлиб, сўз ўйинининг бундай тури турли кўринишларда намоён бўлади. Улардан бири асар номларини матн таркибига сингдириш:

Салом, “Севгилим-севгилим”, “Юлдузли тунлар”да оромимни ўғирлаган “Сарвқомат дилбарим”! Сизга мактуб битишимга “Бўрондан кучли” бўлган оташин “Муҳаббат” сабабчи бўлди. Мана, “Қирқ беш кун”дирки, тунларим бедор. Ниҳоят, адоғсиз “Ҳижрон кунлари”да сизга илк бор нома битаяпман... (*Ошиқ китобхон мактуби, ижтимоий тармоқлардан олинди*)

Киши исмларидан ҳам сўз ўйини мақсадларида фойдаланиш мумкин. Масалан, *Олди Соттиев*.

Баъзан ёзувчи ва шоирлар асар номларини, асар қаҳрамонлари исмини сўз ўйини тарзида берадилар: Отабек – Кумуш, Анвар – Раъно (Отабек – Кумуш: к ҳарфи билан тугаб, шу ҳарф билан бошланган; Анвар – Раъно: р ҳарфи билан тугаб, шу ҳарф билан бошланган. *Й.Солижонов*); ёки “Икки қарра икки – беш” (комедия, Комил Аваз);

**“Атамалар ўйини” бирор-бир соҳа атамалари билан амалга ошириладиган сўз ўйини ҳисобланади:**

*Исҳоқжон:* Келинг, бировнинг *кўчирма* *галига* можаро қилиб ўтирмайлик, яна сизнинг *феълингиз* бузилиб қолмасин.

*Ғанижон:* Қизиқсиз-а, менинг *феълим* ҳар нарсага бузилаверадими?

Нима, менинг *феълим ўтган замон феълими*ди!

**«Тил» пайрови.**

Сўз ўйинларининг сўз туркумларида ифодаланишига эътибор қаратсак, сон сўз туркуми билан алоқадор сўз ўйинларини ҳам учратамиз: *Бир ярим қуён, Уч тулки, Тўққиз сигир, Беш эчки, Ўн икки туя, Ўн йилқи.* Ушбу топишмоқ жанридаги сўз ўйинида хаёлимизни рақамлар эгаллайди. Нега қуён бир ярим ёки туя ўн икки бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Кейин рақамларни қўшиб, бирор натижага эришмоқчи бўламиз. Аслини олганда эса, муаммо ойни аниқлаш билан ечилади: қайд қилинган ҳайвонларнинг неча ойда туғишини билиб оламиз. Ёки “Ойчинор” достонида ёш Ойчинорга уйланмоқчи бўлган Назарбойдан қиз қалин эвазига “Ўнта қўзи, йигирмата бўри, ўттизта арслон, қирқта қоплон, элликта айғир, олтмиш бешта ахта, саксонта сарка, тўқсонта тахта...” талаб қилади. Бўри, арслон, қоплонни топишга қурби етмаган бой дoston қаҳрамонларидан бири – Бобурдан ёрдам сўрайди. Назарбой Бобурга бир бева хотинга уйланмоқчи эканини айтади. Шунда Бобур бойнинг гапларини мулоҳаза қилиб, унга ёлғон гапирганини, уйланмоқчи бўлган аёли бева эмас, қиз эканини айтади. Ўз фикрини исботлаш учун йигит ўн ёшида қўзидай, йигирмада бўридай, ўттизида арслондай, қирқта қоплондай, эллигида айғирдай, олтмиш бешта ахтадай, саксонда саркадай, тўқсонда тахтадай бўлишини мисоллар билан исботлайди. Шунда Назарбой чоллигини ҳам, қизбола Ойчинорга уйланмоқчи бўлганини ҳам тан олади.

Кўринадикки, ушбу матнда ўхшатиш ва метафорага асосланган ечим сўз ўйини тарзида берилган. Бу эса тингловчиларни топқирлик, зайракликка ундайди.

**“Синтактик ўйин” – синтактик алоқага асосланган нутқий ўйин.**

Сўз ўйинининг **“Матнга ҳавола киритиш усули”** ҳам мавжуд бўлиб, ушбу усулнинг турлари қуйидагича: 1. Нутқда атамалар (асар, қўшиқ, кино, кўрсатув номлари ва ҳ.к.)ни ҳавола сифатида

## ТИЛШУНОСЛИК

қўллаш. 2. Матнга барқарор бирикмалар (ибора, мақол, маталлар)ни киритиш. 3. Матнга бирор-бир воқеа-ҳодисани илова қилиш. Масалан:

Ёдгор ака: Яхшимисиз,  
«Муқаддас»хон?

Муқаддасхон: Келинг, Ёдгор ака,  
«Мен қишлоқда яшайман», деб кўринмай  
кетдингиз?

Ёдгор ака: «Нур қидириб» юрибмиз-  
да.

Муқаддасхон: «Опа-  
сингиллар»ингиз тинчми?

«Асарлар» пайрови.

Матнга ҳавола киритишнинг энг сермахсул тури – бу, «Атамалар ўйини». Атамалардаги «ўйин имконияти» (лисоний бирликнинг сўз ўйинига мойиллиги, хосланганлиги) ҳамда бирдан ортиқ ахборот ифодадай олиши жиҳатини илғаб олиб, ундан услубий восита сифатида ўринли фойдаланиш сўзловчидан мушоҳада, мулоҳаза, лингвистик тажриба ҳамда ижодкорликни талаб этади. Мисол:

Охунжон: Эркинбой ака, ҳамма сизга назар соляпти, ҳадеб шохона юришлар қилаверасизми, бирор марта *пиеда* юриб кўйсангиз-чи!

«Шахмат» пайрови.

### “Синтактик омонимия” ўйини.

Синтактик бутунликларнинг омонимлик муносабатга киришуви тилшунослиқда синтактик омонимия термини билан изоҳланади. Ўзбек тили стилистикаси тадқиқотчиларидан Э.Қиличев синтактик омонимиянинг аския матнидаги ролига тўхталиб: «Шакллари бир хил, аммо мазмуни турлича бўлган сўз бирикмалари ва гаплардан бадиий тасвирда сўз ўйинлари, аския, баъзан кулги яратиш учун фойдаланилади», дейди. Синтактик омонимлар ҳам лексик, фразеологик ва морфологик омонимлар каби нутқда услубий маънонинг юзага чиқиш – бир шакл доирасида турли мазмун қирраларини ифодалаш имконини беради. Масалан:

Кўрдим икки тоғ ора,

Сув лим тўла тоғора. (Шаҳарлик  
каптар самовар ҳақида. Иқбол Мирзо)

**Бир сўз асосида шакллантириладиган сўз ўйини** ҳам мавжуд бўлиб, унда турли сўзлар

таркибида эҳтимолий мавжуд бир сўз асос қилиб олинади ва асосда матн тузилади:

**Тил** ёхуд **тилсимланган** насиҳат

Нима **тила** ёки **тилама тилингдан** топадирсан! **Тилингдан** тутиласан! Ҳозир шуларни ўқиётган бўлсанг, бошқача **тилда** гапирсам ҳам, бошқача истилоҳ ишлатсам ҳам, Сенга тилмоч орқали ўқитилса ҳам **тилдан** холи бўлолмайсан! Аввал **етиласан**, кейин **тилла** топгандай унга қараб **отиласан!**

...Сенинг бу аҳволинг кўриб кўксим **тилим-тилим** бўлиб **тилинди**, қалбим ситилди, юрагим **тилка-пора** бўлди. Сен шулар учун **яратилган**мидинг?! **Айтиладигани айтилди**, тугатилди.

(Шукур Жаббор,  
<http://m.factbook.com>permalink>).

Бундай усулдан аскиячилар ҳам фойдаланишади ва натижада “Бир сўз асосига шакллантириладиган аскиялар” вужудга келади:

**Айнидин ака:** Тарк этмасдан дорда «ҳа, ҳа» деб турсангиз, ўша ҳам туяга **мадор**-да.

**Фозилжон:** Сотволди ака, халқ ичида юришингизни кўрганлар баҳо беришяпти: «Бу жуда тақводор!», деб.

**Жалолiddин:** Юқорига чикмаса чикмасин. Биласизлар-ку, бу жуда жаҳлдор. Яна бирортасини устига лангарни тушириб юбориб айбдор бўлмасин.

**Сотволди:** Фозилжон, бошқалар дорда ўйин намойиш қилса, бир чеккада ўйнамайсизми, сизда иқтидор бор-ку.

**Фозилжон:** Айниддин ака, Жалолiddинни таклиф қилсак, иккита тошни қўлида, биттасини оғзида тишлаб, бир ўйин кўрсатсин-а, ишимиз жуда самарадор бўларди-да.

“Дор” пайрови.

“Ўхшатишга асосланган сўз ўйини” ҳам мавжуд бўлиб, унда сўзловчи тингловчи учун топишмоқ мазмунидаги ечимни қўяди: “*Тун тумор тақди*” (кечаси осмонга ой чиқди).

Чистон, топишмоқлар ҳам топқирликка асосланган сўз ўйинлари ҳисобланади. Топишмоқларда

қўлланадиган бадиий санъат истиора (метафора) ҳисобланади. Масалан: *Қолча, Қолча ичида унча, Унча ичида*

*устунча.* Бу матнда яширинган нарсанинг учта белгиси учта метафора асосида берилган. Матнда жийда ҳақида гап кетаётганини топган киши фикрий мусобақада ғолиб бўлади. Яширинган нарсанинг фақат кўриниши, хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, лекин ҳеч нарсанинг номи қайд этилмайди. Бундай вазиятда сўз ўйини ечимини изловчи

шахс фақат ўзи билган нарсаларга хос белгиларни эслаб, ечимни топади.

Хуллас, сўз ўйини турли стилистик приёмга асосланганлиги, таъсирчан ва қизиқарли эканлиги, ўзининг контекстуал жиҳатлари билан турли сатҳларга дахлдор нутқ кўриниши сифатида нутқнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Бу эса ушбу нутқ турини махсус ўрганишни тақозо этади.

#### Адабиётлар:

1. <http://www.bbc.com> UzWebiston: Ўзбек ёзувчиси “Т” ҳарфини ишлатиб тўртта роман ёзди.
2. Jamolxonov N. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Т.: Talqin, 2005.
3. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Т.: Фан, 1986.
4. Қосимов Б., Хўжамбердиев Ё. Навоий ва муаммо жанри //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1977. – №1.
5. Нурмонов А. Сўз мулкига сайр. “Шарқ юлдузи” журнали. – Тошкент, 2014 йил, 6-сон.
6. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Шарқ, 2002.
7. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). – Т.: Фан, 1965.
8. Улуғбоев И. Қилни қирқ ёриб. –Т.: Адолат, 2006.
9. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998.
10. Воҳидов Э. Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин. Асарлар. IV жилд. – Т.: Шарқ, 2016.
11. Khayitbaevich, D. K. (2016). About the Art of Askiya. Anglisticum Journal (AJ), 5(12).
12. Дусматов Х.Х. Об узбекском искусстве игры слов // Путь науки. 2017. № 3 (37).
13. Dosmatov N. [ABOUT SOME FEATURES OF UZBEK JOKES](#) - Конференции, 2020 - journals.e-science.uz

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).

## ИНГЛИЗ ТИЛИДА “EAR-ҚУЛОҚ” СЕМАСИГА АЛОҚАДОР БЎЛГАН СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ С СЕМОЙ «EAR-УХО» В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

## SEMANTIC FEATURES OF THE WORDS RELATED TO THE SEME "EAR-QULOQ" IN ENGLISH

Шокиров Шерали Иброхимович <sup>1</sup>, Қозоқбоева Дилфуза<sup>2</sup><sup>1</sup>Шокиров Шерали Иброхимович

– Андижон давлат университети, факультетлараро чет тиллар кафедраси мудири, ф.ф.ф.д.

<sup>2</sup>Қозоқбоева Дилфуза

– факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақола инглиз тилида “ear-қулоқ” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишдаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

**Аннотация**

Статья посвящена анализу семантических особенностей слов с семой «ear-ухо» в английском языке, что объясняет роль таких лексем в английском языке в передаче информации и их стилистические особенности.

**Annotation**

The article is devoted to the analysis of the semantic features of words with the seme of "ear-quloq" in the English language, which explains the role of such lexemes in the English language in information transfer and their stylistic features.

**Таянч сўз ва иборалар:** антропоним, соматизм, дуалистик, концепт, линотип, модель, тутама, нейтрал.

**Ключевые слова и выражения:** антропоним, соматизм, дуалистический, концепт, линотип модель, примыкание, прядка, нейтральный.

**Key words and expressions:** anthroponym, somatism, dualistic, concept, linotype, model, contiguity, neutral.

Сезги органлари ичида қулоқ энг муҳим вазифалардан бири – эшитиш вазифасини бажаради. У инсонга атроф муҳитни тинглаш, тушуниш, ташқи оламни туйиш ва унда ўз ўрнини топиб юриш имконини беради. Бундан ташқари, қулоқ инсон танасининг жисмоний объект, яъни ўз шаклига, сонига (жуфт) ва эшитиш хусусиятига эга бўлган ташқи аъзоси сифатида намоён бўлади. Таниқли рус тилшуноси С.Д. Кацнельсоннинг таъбири билан айтганда, “тафаккур тизими тил тизими томонидан такрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларни такрорласа ҳам ундан моҳиятан (кескин) фарқ қилади” [2,471].

Оламни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни эшитиш орқали таниши (тушуниш ва ҳис

қилиш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиш жараёнида тушунчаларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган борлиқнинг субъектив образи тарзида рўй беради.

Дунёни билишни инсон ўзидан бошлайди, бошқача айтганда, тадқиқот антропонимик йўналишда амалга ошади. Бунда “соматизм”лар – инсон тана аъзоларининг номлари, соматик таркибли фразеологизмлар фаол иштирок этади.

Инглиз тилидаги “ear” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати” (Webster’s third

new international dictionary of the English Language”, Kōnemann, 1993, P. 713) да от сўз туркумига кирувчи “ear” сўзи қадимги инглиз тилида “eare”, Ўрта асрлар инглиз тилида “ora”, қадимги юқори немис тилида “euga”, лотин тилидаги “auris”, грек тилидаги “ous” (two ears), санскрит тилида “ausis” сўзларига қариндош эканлиги, унинг асл ва етакчи маъноси “an organ of hearing” (эшитиш аъзоси) эканлиги ёзилган [5. P. 713]: “Ear” сўзининг бошқа маъноларини луғатдаги кетма-кетликда таржима усули орқали қуйидагича аниқладик:

(1) а) умуртқали сутэмизувчи ҳайвонларда эшитиш ёки мувозанатни ушлаб турувчи ташқарига бўртиб чиққан чандир. б) атроф-муҳитдаги содир бўлаётган ҳаракатланишни эшитиш, пайқаш учун диққатини жалб қилмоқ;

(2) инсон ва аксарият сутэмизувчиларнинг ташқи қулоғи;

(3) а) эшитиш ҳисси ёки ҳаракати; б) эшитиш туйғусининг нозиклиги ёки кескинлиги (баландлиги яхши); с) эшитиш орқали ёдида сақлаб қолиб, оғзаки тассавур қилиш шу билан бирга кўпайтириш қобилияти.

(4) қулоқнинг шакли ёки қулоғига ўхшаган нарса каби; а) лойиҳалаштирувчи қисм (қулоқчин, пластинка, тутқич) ўхшаш бўлган объект; кўтариш, ташиш, сошлаш ёки ўрнатишга мос келадиган қисмларнинг жуфтликларидан бири (кружканинг тутқичи, қозоннинг тутқичи (қулоғи), барабан симини маҳкамлаш учун терининг тортилиши); б) (1) ҳайвонлар танасидаги жараён: AURICLE (касаллик), (2) баъзи қушлар бошларининг икки томонидаги туклари, (3) баъзи қушларнинг қулоқ очилиши билан боғлиқ бўлган патлари тутамаси; в) CROSSETTE (бўртиб, кўндаланг) чиққан бурам; г) шакл берилган стул ёрлиғи; д) ускуна (бурама сим шакли); е) босма ҳарфлар мосламаси (ўнг қўл мосламаси каби); ё) ёзув машинасининг бураб ишга туширувчи қисми; ж) линотип (нилониумни ишлаб чиқарувчи мослама) қолипнинг энг юқори четдаги иккита ҳуқуқли мосламасининг бири; ж) газетанинг четларидаги маслаҳат бурчагидаги қутиси;

(5) а) эшитиш, тингловчи; раҳмдил ва эътибор бериш (I seek the merciful ear of our Lord); б) хабардорлик, эътибор (when her kindness cametothe ear of her enemies, they were bowed with shame);

(6) Камоннинг қаттиқ қарама-қарши томони.

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини қўшиш мумкин. А.С.Хорнбининг 2000 йилда чоп этилган “OXFORD ADVANCED LEARNER,” S DICTIONARY OF CURRENT ENGLISH” луғатида берилишича, яна шундай маъноларни кузатишимиз мумкин [4: P. 395]:

• бирор одамга маслаҳат бера олиш, уларга таъсир қилиш ва ҳ.к. *He had the ear of the monarch;*

• энг сўнгги воқеалар тўғрисида доимо билиб туришга ишонч ҳосил қилиш;

• бирор воқеа ҳақида одамлар билиб бўлгандан сўнг эшитади. *News of his affair eventually reached her ears;*

• эътибор бермаслик (*эшитмаслик, бепарволик, совуққонлик*).

Бундан ташқари, “ear” инъикосидаги ҳақиқатнинг иккита салбий таърифи жуда фойдали ва нейтрал: *товушсиз қулғи, сокин кеча, майин шаббод, пинҳона урушлар*. Бироқ, улар ижобий эквивалентларининг маъноси; *шовқинли, шов-шувли, шунчаки “акустик”дан камроқ* каби таърифлаш мумкин. Бу эса инсон сезгисининг қоришиқ характерда эканидан далолат беради.

Юқорида зикр этилган таърифларнинг биринчисида қулоқ инсоният ҳаётидаги энг муҳим органларидан бири сифатида характерланса, иккинчи таърифда эса қулоқ ёрдамида аниқланувчи нарса ёки предмет каби ёрдамчи компонентларни ҳам қўшапти.

Кўпинча сўзловчининг диққат марказида қулоқнинг қуйидаги вазибаларини ҳам аниқладик:

• борлиқни тинглаш; *appreciation, attention, auricle, consideration, discrimination, hearing, heed, lug, notice, regard;*

• товушни идрок этиш; *Be all ears, give ear, attend, be attentive, hark, hearken, heed, incline;*

• товушларнинг хилма-хиллиги; *Shout, bawl, call, cry, holler, roar, scream, shriek, whoop, yell, clamor, cry out, exclaim, halloo, uproar, vociferate;*

• товушларга ажратиш; *the voice of humanity, the sounds of animals and birds, natural phenomena and sounds of objects;*

• тиббий ускуналар иштироки; *phonendoscope, headphones (hearing aid for heart and lung movements).*



## ТИЛШУНОСЛИК

Қолган ҳолларда ушбу аъзо бажарадиган вазифаларга эътибор қилинади: *pinna, lobe, tympanic, membrane, incus, malleus, tympanum, stapes, vestibule, cochlea, semicircular canals, auditory nerve, eustachian tube, auditory meatus*.

Бундан ташқари, “қулоқ” семантикасининг қуйидаги кўчма маъноларини ҳам кузатдик.

• **EAR-** шудгорлаш ёки ҳайдаш: **CULTIVATE**;

• **EAR-** буғдой каби донли ўсимликлар юқори қисмининг уруғларни ўз ичига олган (*дон ёки меваси ёнидаги*) *пояси* (*Plump golden ears of wheat rustling in the breeze*);

• **EAR-** ўсиш учун қулоқ очиш (*This corn ears well*) – кўпинча **up** билан ишлатилади (*the eye should soon be earing up*);

• **EAR-** тингловчи (*шахс, нарсаларга*);

• **EAR-** йиллар рақамини териш.

• бирор нарсани тезда унутиш: **go in one ear and out the other or in at one ear and out at the other**. *For example; Everything I tell them just goes in one ear and out the other*;

• кимгадир таъсир ўтказиш, ёки маслаҳат бериш ва ҳ.к: **have sb's ear/have the ear of sb**. *For example; He had the ear of the monarch*.

Бундай ҳолларда қулоқ инсонга соматик орган сифатидагина эмас, балки инсонга ташқи оламни тўлақонли тарзда тинглаб, билиб олишида ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажаряпти.

Қўлнинг қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

“Ear” семасига эга бўлган лексемалар **to play it by, to play (sth) by** каби феъллар билан кўчма маънода қўлланилиб, “қулоқ” –“вазиятни ижобий ҳал қилиш” -иккинчи маъноси; “**муסיқани ўқиб кўришдан кўра, эшитиб ижро этиш**”- каби метафорик моделлар ҳосил қилади. *For example; I don't know what they'll want when they arrive—we'll have to play it by ear*;

Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: **Give your ears to words but do not give your words to ears, You have two ears, but you never hear words twice**; – (*Бир сўз икки қулоққа кифоя*); (*Сўзни қулоққа берманг, қулоқни сўзга беринг*)– мақолида эса “қулоққа – сўзга” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “ear” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички

ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажаряпти.

Қулоқнинг икки хил (дуалистик) характери киши диққатини ўзига тортади. Биринчиси, инсоннинг эшитувчи, тингловчи, тинглаб тушунувчи “*энг яқин ва ишончли ёрдамчи*” аъзоси сифатида намоён бўлса, иккинчиси, “*предметлик*” ва “*муқим (ўзгармас)лик*”, белги (кўрсаткич) сифатида намоён бўлади.

Инсон бир томондан қулоғи билан эшитиб, фикрлаб, тушуниб, ўз ҳаётидаги ўрнига эга бўлса, иккинчи бир ҳолатига қараб унинг ҳаёт тарзини, қандай тажрибалар эгаси бўлганлигини тушуниш мумкин.


Инсон бошидан кечираётган ҳурмат, ёвузлик, бахт, саодат, хафалик, қизиқувчанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб туйғу элементларини ифодалашда қулоқнинг роли каттадир. М.: “*I bumped into your ex-wife last night, I thought I could feel my ears burning*”. [10]; “*You need a good ear to master the piano*” [9]; “*Everything you say to him goes in one ear and out the other*” [9].

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “қулоқ – инсон (танаси)” типдаги метонимик моделларда ҳам қўлланилади. “*кимнидир нима дейишини қизиқиш билан кутиб туриш* – to be all ears; М.: “*Do you know what he said?*” “*Go on-I'm all ears*”. “*Tom doesn't do that, it's not good for all ears*.” [10].

“Ear-қулоқ” сўзи яқка ҳолда ва сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар таркибида турли, тўғри ва кўчма маъноларни ифода этиб келиши мумкин. Таҳлиллар уларнинг бир қисми таржима тилида мос эквивалентларга эга бўлса, баъзилари мос бирликларга эга эмаслигини кўрсатди. Масалан: *earache(n)* – қулоқ оғриғи, *earage(n)* – қулоқ(бошни тепасида жойлашган), *ear bunger(n)*–сухбат(нуфузли одам билан), *earbash(v)* – маъруза, *earbob(n)* – эшитиш, *ear-brisk(adj)* – илгак, *ear canker(n)* – канкер(қулоқ қасали), *earclip(n)* – қисқич сирға, *earcockle(n)* – касаллик (қулоққа жойлашиб сапро қўзғатувчи касаллик), *ear conch(n)* – тиббий атама (қулоқ ичидаги), *ear covert(n)* – тиббий атама (қулоқ ичидаги яширин қулоқ), *ear crystal(n)* – сувенер (otolit), *ear defender(n)* – эшитиш мосламаси, *eardrop(n)* – дори, *eardroper(n)* – дори қуювчи мослама, *eardrop tree(n)* – тиббий атама (қулоқ томур), *eardrum(n)* –

*тиббий атама (қулоқ пардаси), ear dust(n) – тиббий атама(otoconia), eared grebe(n) – белғи(Африка халқларида қулоғига тиқиб олган белғиси), ear pheasant(n)- қирғовул, eared seal(n) – денғиз мушуги, earflap(n) – иссиқ мослама, earflower(n)-муқаддас* *эйрфловэр (тақинчок), earfly(n) – қилоқчин, ear-ful(n) – миш-миш, ear fungus(n) – қўзқорин, earhead(n) – бошоқ (донни қулоғи), earhole(n)қулоқ тешиги, earjewel(n) – марварид, ва ҳоказо.*

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, қулоқ семантикасининг асосий ҳолатини ифодаловчи тил омиллари когнитив жараёни босқичларини чизма асосида ифодалашга ҳаракат қиламиз.



Юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, қулоқ инсон танасидаги фақат тингловчи, эшитувчи, организмгина эмас, балки, у ўз шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у кишининг ички дунёси, ҳис-туйғуларини эшитиш орқали ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири. У лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. 2-е изд., испр. М.: Яз. рус. культуры, 1999. 896 с. (Язык. Семиотика. Культура).
2. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. Славянской культуры, 2001. 864 с.
3. Ўзбек тилининг ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ. А.Мадвалиев. 5 том. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашрети Тошкент – 2020. 402-407 бетлар.
4. Hornby A.S. OXFORD Advanced Learner,s dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000. P. -581-582-583.
5. Webster’s third international dictionary of the English language. Könenmann.1993.
6. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II- жилд, Т., 2006. 612-616 бетлар.
7. Ш.Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони).- филол. фанлари док. автореферат-Т.1999.
8. А.Собиров. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т. Маънавият. 2004.
9. John Galsworthy. Apple Tree and other stories [Text]. J. Galsworthy. - М.: Изд-во лит. на иностр.яз, 1961. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard [Text]. W. S. Maugham. – М.: Менеджер, 2000.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))

**БАДИИЙ МАТНДА “ЎЗАЛЛИК” КОНЦЕПТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФОНЕТИК-  
ФОНОЛОГИК ВОСИТАЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

**ЛИНГВОПОЭТИКА ФОНЕТИКО-ФОНОЛОГИЧЕСКИХ СРЕДСТВ ВЫРАЖЕНИЯ  
КОНЦЕПТА «КРАСОТА» В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ**

**LINGUOPOETICS OF PHONETIC AND PHONOLOGICAL MEANS OF EXPRESSING THE  
CONCEPT OF "BEAUTY" IN A LITERARY TEXT**

**Турсуной Яндашова Рустам қизи<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Яндашова Турсуной Рустам қизи**

– ТошДўТАУ таянч докторанти.

**Аннотация**

*Мақолада ўзаллик концепти ва уни ифодаловчи фонетик-фонологик воситаларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги қиёсий тадқиқи амалга оширилган. Бу орқали инсон ва унинг ички, ташқи ўзаллигини акс эттирувчи мазкур воситаларнинг икки тил луғат фондида, сўзлашув нутқида ҳамда бадиий матндаги ўрнини белгилаш мақсад қилинган.*

**Аннотация**

*Статья представляет собой сравнительное исследование понятия «красота» и его фонетических и фонологических средств в узбекском и английском языках. Цель – определить место этих средств в двуязычном словаре, в разговорной речи и в художественном тексте, отражающих человека и его внутреннюю и внешнюю красоту.*

**Annotation**

*The article provides a comparative study of the concept of beauty and its phonetic-phonological means in Uzbek and English. The purpose is to determine the place of these means in the bilingual dictionary, in colloquial speech, and in the literary text, which reflect the person and his inner and outer beauty.*

**Таянч сўз ва иборалар:** ўзаллик, лингвопоэтика, фонопоэтика, оҳангдошлик, ассонанс, консонанс, аллитерация, геминация.

**Ключевые слова и выражения:** красота, лингвопоэтика, фонопоэтика, созвучие, ассонанс, аллитерация, геминация.

**Key words and expressions:** beauty, linguopoetics, phonopoetics, melody, assonans, consonans, alliteration, gemination.

Тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тадрижий такомил билан боғлиқ жараёнлар инсониятни азал-азалдан ўзига қизиқтириб келган. Қадимги юнон классикаси вакиллари аналостик ҳамда аномалистик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, башариёт пайдо бўлгандан то бугунги кунга қадар инсон тафаккури тўла англаб етмаган жумбоқлардан бири айнан тил, унинг қандай пайдо бўлганлиги, табиий ёки илоҳий ҳодисами, мазмунидаги баҳслар фанда ҳали тўла-тўқис ечимини топиб улгургани йўқ. Платоннинг фикрича, нутқда тез, ингичка, шовқинли ва юмалоқ сингари товушлар мавжуд ҳисобланади. Шу билан бирга предметлар ҳам тез, ингичка, шовқинли ва юмалоқ бўлади.

Унинг наздида, тез нарсалар ва предметларни ифодалаганда “тез” товушлардан фойдаланилади. Ингичка предметларга ингичка товушлардан фойдаланиб ном берилади. Қолган шаклдаги предметларга, масалан, шовқинли нарсаларга ном берилишини ҳам шундай асослаш мумкин. Улар сўз таркибига сингиб ўзига хос маъно ва оҳанг касб этиб улгурмаган товушларга ҳам ўзгача мазмун беришга интилишган эди. Масалан, “р” – тезлик ва шиддатнинг рамзи, “л” – виқорнинг, силлиқликнинг, ялтироқликнинг ифодачиси, “и” – торнинг, “а” – каттанинг, “е” – абадиятнинг белгиси сифатида талқин қилинган. Кейинроқ товушлар табиати билан шуғулланувчи мутахассислар “у”, “д”, “р” товушлари даҳшатни ёдга солиши, “и” –

хурсандчиликнинг, “м”, “н”, “л” товушлари назокатнинг сирли рамзлари эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилишган [4; 115-117]. Бу фикрларга ҳамоҳанг тарзда бугунги кунда синестезия истилоҳи остида ўрганилаётган психолингвистик ҳодисани мисол келтиришимиз мумкин. Синестезия – одамларнинг сезги тизимларининг ўзига хос жараёни бўлиб, унда ҳар хил сезгиларга тааллуқли турли хил ҳиссиётлар бир хил идрок қилиниб биргаликда ассимиляция қилинади [1; 182-207]. Масалан, баъзи одамлар товуш ва ранг каби икки хил тасаввурни бир бутун сифатида қабул қилишлари, баъзи одамлар эса рангларни эшитишлари, товушларни кўришлари, шаклларни татий олишлари, ҳидлардан сесканишлари каби ҳолатларни бошдан кечиришлари мумкин. Ва бу айнан синестезиянинг инсон руҳиятида мавжуд ҳодиса эканлигини, унинг бир кўриниши тил товушлари билан боғлиқлиги юқоридаги фикрларимизни далиллайди.

Фикрни жозибали ва гўзал ифодалашда фонетик-фонологик воситаларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Чунончи, шеъриятда аллитерация (ундошлар такрори), ассонанс (унлилар такрори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усуллардан фойдаланиб, насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такрорлаш, сўзларнинг фонетик қобиғини ўзгартириб ёзиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар ёрдамида экспрессивлик таъминланади.

Бадий нутқнинг оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашда аллитерациянинг ўрни беқиёсдир. Шеърий нутқда мисралар, ундаги сўзлар ҳамда бўғинлар бошида ёки охирида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланишига аллитерация дейлади [5;70-71]. Товушлар замиридаги мусиқийликка асосланган бу усул қадимдан Шарқ шеъриятида кенг қўлланилиб келинган. Кўҳна бадийатшунослик («илми бадеъ»)да аллитерация «тавзиъ санъати», деб юритилган. Аллитерация деганда,

забардаст шоир Эркин Воҳидовнинг машҳур «қ» аллитерацияли шеъри кўз олдимизга келади:

Қаро қошинг, қалам қошинг,  
Қийиқ қайрилма қошинг қиз.

Инглиз лингвомаданиятида Вильям Шекспир ижоди ниҳоятда катта маънавий-маданий мерос сифатида қадрланади. Шекспир драмалари ва шеъриятида аллитерациядан ниҳоятда унумли фойдаланган. Хусусан, “Ромео ва Жульетта”нинг I пардасида келтирилган қуйидаги мисралар фикримизни яққол исботлайди:

From forth the fatal loins of these two  
foes;

A pair of star cross'd lovers take their  
life.

Бунда Шекспир “from”, “forth”, “fatal” ва “foes” сўзлари орқали “ф” товуши аллитерациясидан, “loins”, “lovers” ва “life” сўзлари орқали “л” товуши аллитерациясидан жуда чиройли оҳангдошликни юзага келтирган. Бунда “ф” товуши билан бошланувчи барча сўзлар “fatal” (ҳалокат) ва “foes” (душман) ўлим ва вайронагарчилик семасидаги умумий майдонга бирлашса, аксинча, “л” товуши билан бошланувчи “life”, “lovers” “loins” сўзлари эса ҳаётнинг давомийлиги билан боғлиқ умумий семага бирлашади. Натижада шеърда ҳам оҳангдошлик (аллитерация), ҳам контраст билан боғлиқ ажойиб образли манзара вужудга келган. Умуман, Шекспир шеъриятининг асосий қисми сонетлардан иборат, улар инглиз адабиётшунослигида кичик кўшиқлар [ 3; 82 ] сифатида ҳам машҳур. Сонетлар, одатда, 14 қаторлик мисра ва қатъий ритмик қолип-структура асосида яратилган. Шекспир 5- ва 12-сонетларининг бир қанча мисраларида қатъий аллитерациядан фойдаланилган [ 3; 111-112 ]. Қатъий аллитерация бу, икки ва ундан ортиқ сўзларда ундош товушларнинг оҳангдошлик ҳосил қилиши саналади. Масалан, 5-сонетда “б” товуши ( Beauty’s effect with beauty were berefit ) ва “с” товуши (Lose but their show, their substance still lives sweet) билан боғлиқ қатъий аллитерациянинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунга ўхшаш 12-сонетда “б” товуши тўрт ўринда

## ТИЛШУНОСЛИК

такрорланган мисра келади: “Borne on the bier with white and bristly beard [ 3; 115 ]”.

Ўзбек адабиётида аллитерация асосида гўзалликни ифодалаган ёрқин намуналарни асосан Чўлпон ижодида кўпроқ кузатишимиз мумкин.

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,  
Мен суйиб, мен суйиб кимни  
суйибмен,

Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойданда гўзалдир, кунданда гўзал.

(Абдулҳамид Чўлпон).

Мазкур шеърда “б” ҳамда “й” товушлари оҳангдошлигини кузатсак, қуйидаги мисолда эса “с” товуши оҳангдошлигига дуч келамиз:

Сочилган сочингдай сочилса сириг,  
Анор юзларингни кимга тутасан?  
Ўзингку уларда вафо йўқ дединг,  
Нимага уларни тагин кутасан?

(Абдулҳамид Чўлпон).

Умуман, фонетик нутқни безаш шакллари ҳар бир тилда мавжуд. Сўзнинг товушли композицияси ёрдамида тилнинг экспрессивлигини оширишнинг ушбу усуллари орасида аллитерация ва ассонанснинг ўрни катта ҳисобланади. Инглиз тилида аллитерация, ассонанс, ономотопия, геминация, товуш ортиши, товуш тушиши каби ҳодисалар бир умумий ном - фонопоэтика номи остида ўрганилади [4; 115-117]. Фонопоэтика ўзбек тилшунослигида айрим лингвопоэтик тадқиқотларнинг бир қисми сифатида тадқиқ қилинган бўлса-да, ҳали монографик планда тадқиқ этилган эмас. Бироқ шу кунгача инглиз фонопоэтикаси бу борада анча катта тадқиқотларни қўлга киритиб улгурди [2;248]. Фонопоэтикада энг кўп ўрганилган ҳодисалар – бу, аллитерация ва ассонанс ҳодисаларидир. Аллитерация ҳар қандай поэтик нутқнинг ифодалилигини ошириб, унга алоҳида ритмик гўзаллик бағишлайди. Фикримизни мисоллар асосида далиллаймиз. Эркин Воҳидовнинг “Асаблар” шеърида “б” товуши аллитерацияга тортилган. Бунда инсон кайфиятида юз берувчи ўзгаришлар, кишида иллат даражасида қораланувчи “ғазаб”нинг қанчалик катта

талафотларга сабаб бўлиши баён қилинади:

Асаблар,  
Асаблар,  
Асаблар...  
Сабабсиз сочилган ғазаблар,  
Гуноҳсиз чекилган азоблар,  
Кўз ёшлар...  
Барига сабаблар.  
Асаблар, асаблар, асаблар.

Эркин Воҳидов.

“Т” товуши аллитерациясига Муҳаммад Юсуфнинг “Изҳор” шеъридаги қуйидаги мисраларни мисол келтиришимиз мумкин:

Тўзғийди тўнингдан тортган тўралар,  
Кеча тузингни еб сотган тўралар,  
Бугун пушаймонда туйнук мўралар,  
Мен сенинг ёнингдан жилмай  
севаман.

Аллитерация насрий асарда ҳам кузатилади. Қуйидаги мисолларда *б, ғ, қ, ш, т, к* ундошларининг такрорланиши натижасида хосил қилинган аллитерацияни кузатиш мумкин: *Бутун бет-бошим биж-биж бўлди. Бутун бет-бошим ғуж-ғуж ажин бўлди. Бет-бошим бет- бош бўлмади - дарз-дарз ер бўлди. Бет-бошим бет-бош бўлмади - қақроқ-қақроқ ер бўлди. Бет-бошим бет-бош бўлмади - шўр-шўр ер бўлди!* (Т.Мурод). Болалар фольклорига тез айтишлар ҳам аллитерацияга асосланган: *Бир туп тут, тутнинг тагида бир туп турп. Тут турпни туртиб турибдими, турп тутни туртиб турибдими? // Оқ чойнакка оқ қопқоқ, Кўк чойнакка кўк қопқоқ // Шу мушук, шум мушук, шумшук мушук.*

Аллитерациядан халқ мақолларида интонацион бутунликни таъминлаш мақсадида ҳам кенг фойдаланилганлигини кузатишимиз мумкин:

Суймаганга суйканма, суйганинган айрилма // Тулкининг тушига товуқ кирар, Товуқнинг тушига тариқ кирар // Тек турганга шайтон таёқ тутқазар каби.

Инглиз тилшунослигида консонанс, ассонанс ҳамда аллитерация истилоҳлари фарқланади [2; 249]. Бунда консонанс сўзнинг исталган ўрнида, кўп ҳолларда охирида ундош товушнинг такрорини англатса, аллитерация айнан консонанснинг бир кўриниши сифатида

юзага чиқади. Аллитерацияда, одатда, сўз боши товушлари бир жумла ёки гапда оҳангдошликни вужудга келтиради. Ассонанс эса бевосита унли товушлар такрори билан боғлиқ фонопозитик ҳодисадир. Аллитерацияга инглиз адабиётидан Эмили Диккинсоннинг “Fame is a fickle food” мисрали шеърини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бунда “fame”, “fickle”, “food” сўзлари ўзаро оҳангдошлик асосида “ф” товуши аллитерациясини юзага келтирган. Ассонансга “Water falls across the autumn rocks” ёки “The green field gleams in the warm sunbeams” мисраларидаги “а”, “о”, “ea” унли товушлари оҳангдошлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. “The lock stuck quickly, so Mark called a locksmith”, “Fred wondered why the road wound to a jagged end” жумлаларидаги “ск”, “с”, “к” ҳамда “д” товушлари консонанс ҳодисасининг ёрқин намуналари, дейишимиз мумкин.

Бадиий нутққа интонацион бутунлик, оҳангдорлик ва эмоционал-экспрессивлик бағишлаш мақсадида қўлланиладиган фонетик усуллардан бири ассонансдир. Адабиётларда ассонанс айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиб келишидан ҳосил бўладиган оҳангдошлик эканлиги баён қилинган. Унлиларнинг такрорланиши мақолларда кўп кузатилади:

Овни отсанг, билиб от,

Дол нишонга қўйиб от.

Нон қон бўлса, қон – жон.

Ўзинг ўйда бўлсанг ҳам, ўйинг уйингда бўлсин.

Инглиз тилида ассонанснинг қўйидаги уч тури фарқланади.

Ассонанснинг сўз таркибида келиши: *crackerjack*;

Ассонанснинг бирикма таркибида келиши: *friends until the end*;

Ассонанснинг гап таркибида келиши: *Try to light the fire* [2; 250].

Инглиз тилида аллитерация ёки ассонанснинг вужудга келиши учун айнан бир хил товушлар келиши шарт эмас. Бунда талаффуз катта роль ўйнайди. Ўхшаш талаффузга эга монофтонг, дифтонг, трифтонглар ҳам нутқда оҳангдошликни юзага келтириши мумкин.

Шу жиҳатдан инглиз тилининг ўзига хос фонетик хусусиятлари кўзга ташланади. Бизнингча, ассонанснинг юқоридаги таснифини ўзбек тилидаги аллитерация ҳамда ассонанс ҳодисаларига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

1. Сўз ичида аллитерация: гулдурак, момақаймоқ;

2. Бирикма ичида аллитерация: сояда салқинламоқ; жарангига жўр бўлмоқ; гулдай гўзаллашмоқ;

3. Гап таркибида аллитерация: Қилур қатлимга қасд қайраб... ва ҳ.к.

Биз бу таснифга қўшимча равишда контекстуал ёки тўлиқ аллитерация тури ҳам қўшилиши тарафдоримиз. Боиси, ўзбек тилининг ўзига хослиги, сўзга бойлиги ва мазмунан сержило эканлигидан муайян бир товуш воситасида бутун бошли бир матн юзага келиши мумкин. Албатта, бу ижодкорнинг тахайюл дунёси, сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ саналади. Бунга юқорида келтирилган Э.Воҳидовнинг “қ” аллитерацияли шеърини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Инглиз адабиётидан бундай матн топиш бироз қийин кечди. Айниқса, гўзаллик концептини ифода этган бадиий матнларда бутун бошли бир ундош ёки бир унли билан бошланувчи парча учратмадик. Ўзбек тилида ассонанс таснифини ҳам худди юқоридагича таснифлашимиз мумкин:

Сўз ичида ассонанс: марҳамат; оймомо;

Бирикма ичида ассонанс: ойдаи очилмоқ; осмондан олис;

Гап таркибида ассонанс: Илкимдаги илк имконим, илдамлагин.

Тўла ассонансга аёллар байрамида ўқиладиган бир табрикни мисол келтирмақчимиз: Аёл!... Аллақанча азиз авлиёларни, алп-азаматларни “алла”лаган аёлмасми, ахир?! Аллоҳнинг арши аълосидан амр: “Аёлларингизни авайланг!”. Аҳли аёлимизни асрасак – аъмолимиз аъло! Аслида, азалдан ардоқлаганмиз. Айтайми, аёллар айёмида – атторсиз! Атир, атирсовун, ажабтовур атлас-адрас, анвойи атиргулларни аҳли аёлингизга атагайсиз!



## ТИЛШУНОСЛИК

Аёлингиздан ажойиб анбарлар атри анқисин.

Бундан ташқари аллитерация ҳамда ассонанс биргаликда келадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунга машҳур озарбайжон шоири Фузулийнинг қуйидаги ғазалидан мисол келтирмоқчимиз:

Ҳар китобаким, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,

Риштаи жон бирла завқ аҳли ани шерозалар.

Бу на сирдур, сирри ишқинг демадан бир кимся

Шаҳра душмиш ман сани севдим деян овозалар.

Фузулий.

Ғазалда “о”, “з”, ва “а” товушлари шундай бетакрор мусиқийликни юзага келтирганки, бу оҳангдошлик ўқигувчига такрорланмас завқ-у шавқ бағишлайди. Шундай экан, ассонанс қофиядош сўзлар таркибида келиб, шеърий нутққа кўтаринки руҳ ва ўзига хос мусиқийлик бахш этишини қуйидаги яна бир мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. Ҳофиз Шерозийнинг бутун турк дунёсига машҳур “Эй, сорбон...” ғазали матлаъсида “о”

товуши жуда гўзал оҳангдошликни юзага келтирган.

Эй сорбон, оҳиста рон, ороми жонам меравад.

(Ҳофиз Шерозий)

Аллитерация ва ассонанс сажъли насрда алоҳида аҳамият касб этади. Сажъ истилоҳи илмий адабиётларда насрда икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қофияда ёхуд вазнда (баъзан ҳар иккисида ҳам) келишига нисбатан ишлатилиши таъкидланади. Мисол: Алқисса, Қорахонподшо ўғлининг дардини ишқдан билиб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, қадди букилиб, кўзидан ёши тўкилиб, ўғлига қараб, бир сўз айтиб турибди.

Умуман, поэтик нутқни ҳар томонлама сайқаллаб, тингловчига таъсир кўрсатишда, эмоционал-экспрессив қийматини оширишда фонопозетик воситаларнинг аҳамияти каттадир. Бадиий сўзнинг қудрати ҳам шаклан, ҳам мазмунан том маънодаги етук ижод маҳсулида яққол кўринади. Фонетик-фонологик воситалар ана шу шакл ва мазмуннинг энг муҳим асоси, десак муболаға бўлмас.

## Адабиётлар:

1. Bailey, Mark E.S. and Keith J. Johnson. 1997. “Synaesthesia: is a genetic analysis feasible?” In Baron-Cohen and Harrison, eds.; Synaesthesia; Cambridge, Massachusetts: Blackwell.
2. Jason Camlot. Phonopoetics. The making of early literary recordings. Stanford university press – 2019.
3. Herrnstein, Barbara, ed. Discussions of Shakespeare's Sonnets. NewYork, 1964.
4. Tursunova O. Phonopoetics of the text // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2018.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопозетик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007.
6. Ощепкова В. В. Культурологические, этнографические и типологические аспекты лингвострановедения: Автореф. ... док. филол. наук. – М., 1995.
7. Cambridge Advanced Learner's Dictionary Electronic resource. -Cambridge University Press, 2004. <http://www.dictionary.cambridge.org> (24.06.2005).
8. Hornby A.S. Oxford Advanced Learners Dictionary of Current English. Oxford University Press, 1974.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)

УДК: 494.3

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ТУШУНЧАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАВСИФЛАНИШИХАРАКТЕРИСТИКА ИМЕННЫХ ЕДИНИЦ, ВЫРАЖАЮЩИХ ДУХОВНЫЕ И  
ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ КОНЦЕПТЫ В ТОЛКОВЫХ СЛОВАРЯХ УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКАDESCRIPTION OF NOMINAL UNITS EXPRESSING SPIRITUAL AND EDUCATIONAL  
CONCEPTS IN EXPLANATORY DICTIONARIES OF THE UZBEK LANGUAGEТожиева Гулбаҳор<sup>1</sup><sup>1</sup>Тожиева Гулбаҳор– Қарши давлат университети доценти,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)**Аннотация**

Мақола ўзбек миллий лексикографияси янги тараққиёт босқичида сўзларни изоҳлашнинг ўзига хос усуллари, тадқиқ этилиши, талқинлари хусусида фикр юритилган бўлиб, миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг лексикографик талқини янги изоҳли луғатда давр талаблари даражасида амалга оширилганлиги, янги тараққиёт босқичидаги ютуқлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

**Аннотация**

В статье рассматриваются конкретные методы толкования слов, исследования, толкования слов на новом этапе развития узбекской национальной лексикографии. Лексикографическое толкование именных единиц, выражающих понятия национальных идей и их внедрение в новых толковых словарях согласно требованию современного периода даёт возможность представления о достижениях нового прогрессивного периода.

**Annotation**

The article discusses the specific methods of interpretation of words, research, interpretation of words at a new stage in the development of Uzbek national lexicography. The lexicographical explanation of nominal units, expressing the notions of the national ideas and their incorporating into the new explanatory dictionaries gives the opportunity of presenting the successes of the new progressive period.

**Таянч сўз ва иборалар:** мустақиллик, тараққиёт, муносабат, давр, ўзбек тили, луғат, лексикография, тил ривожланиши, атов бирлик, маънавият, миллий ғоя, тавсиф.

**Ключевые слова и выражения:** независимость, развитие, отношение, период, узбекский язык, словарь, лексикография, языковое развитие, именная единица, духовность, национальная идея, описание.

**Key words and expressions:** independence, development, attitude, period, Uzbek language, dictionary, lexicography, language development, nominal unit, spirituality, national idea, description.

Истиқлол натижаси ўлароқ, ўзбек миллий лексикографияси ўз тараққиётининг янги пиллапоясига кўтарилди. Тилимизнинг изоҳли луғатларини такомиллаштириш, янги луғатларга тартиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўзбек лексикографиясида улкан воқелик десак, муболаға бўлмайди.[1;3-16] Бу икки ҳолат билан белгиланади:

Биринчидан, ўзбек халқининг миллий мустақилликка эришуви, янги мулк

муносабатларнинг қарор топиши, жамият базиси ва устқурмасидаги туб янгиланишларнинг юз бериши ўзбек тили лексикасининг кескин ўзгаришига олиб келди. Зеро, “тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларига қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий



## ТИЛШУНОСЛИК

бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий бирликларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар юз беради. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага келганида, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи тадқиқотларга эҳтиёж туғилади. Амалий ишларнинг асосийларидан бири эса изоҳли, тарихий ва этимологик луғатлар тузиш ҳисобланади. Икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” юзага келгандан буён ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар эътиборга олинса, аллақачон ана шундай луғатнинг янгисини яратиш вақти келганлиги ва бу иш ҳозирги куннинг талаби эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.”[2;5]

*Иккинчидан*, ўзбек миллий лексикографияси янги тараққиёт босқичида сўзларни изоҳлашнинг ўзига хос усулларига эга бўлди. Бу эса, ўз ўрнида, ўзбек назарий лексикологиясининг сўзлар семантикасини тадқиқ қилиш бўйича эришган жуда катта ва кенг қамровли ютуқлари билан белгиланади. Ўзбек лексикографиясининг назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллашувида жаҳон лексикографиясининг илғор назарий хулосалари, метод ва методикасини ижодий ўзлаштириши ҳам муҳим роль ўйнади.

Айтилганидек, давр тақозоси билан ўзбек тили лексик фондида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) айрим сўзларнинг истеъмолдан чиқиши;
- 2) сўз маъносининг кенгайиши;
- 3) сўз маъносининг торайиши;
- 4) сўз маъносининг ихтисослашиши;
- 5) янги сўзларнинг кириб келиши;
- 6) эркин бирикма ва сўзшаклларнинг лексемалашуви.

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида тилимиз лексикасида юз берган бундай ўзгаришлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Бунинг тадқиқ объектими бўлган маънавий-маърифий тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларига берилган

изоҳлар мисолида баён этишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатида маънавий-маърифий тушунчалари атов бирликлари сирасида муҳим роль ўйнайдиган *маърифат* лексемаси 2 семемали бирлик сифатида изоҳланган: **“МАЪРИФАТ [а] 1** Кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия; маориф. *Маърифат яхши нарса, Матқовул ака, у одамнинг кўзинигина очиб қолмай, бахтини ҳам очади.* М.Исмоилий, Ф.т.о.

**2** Маърифат (*хотин-қизлар исми*).”[3;455]

Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатида эса у уч семемали лексема сифатида берилган:

**МАЪРИФАТ** [а. معرفت — билим, фан; маълумот; танишиш] **1** Таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият. *Маърифат ...билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.* “Мулоқот”. *Эндиликда илмни оддий кишиларга хизмат қилдириш керак, ҳаммани саводли қилиб, халқни маърифат нури билан ёритиш керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** *дин.* Тасаввуфда ҳар бир суфий руҳий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом) лардан бири (қ. мақом II **4**).

**3** Маърифат (*хотин-қизлар исми*).

Давр мафқурасига зид бўлганлиги сабабли янги луғатдаги иккинчи маъно тури 2 жилдли изоҳли луғатда берилмаган. Шу билан биргаликда, биринчи маъно янги луғатда анча муайянлаштирилганлигини кўриш мумкин: “таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият”. Шунингдек, 5 жилдли луғатда аввалги изоҳдаги *таълим-тарбия, маориф* сўзлари ўрнида кенг қамровли ва семантик кўлами салмоқдор бўлган *фаолият* сўзи берилганки, бу ҳам изоҳнинг мукамаллашувида хизмат қилган. 2 томли луғатдаги тор ва жўн тушунилиши мумкин бўлган маъно ифодаланаётган тушунчанинг асослари (таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида)га урғу берган ҳолда

кучайтирилган. Янги тавсиф шу асосда маънавий-маърифий аҳамият касб этганлигини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, янги даврда сўзнинг терминологик маъносида кўлланиши кучайганлиги сабабли ҳам унинг диний-тасаввуфий мундарижаси талқинига жиддий эътибор қаратилган.

Масалан, *ватан*, *ақида*, *ғоя* сўзлари мавжуд лексикографик манбаларда эски мафкуравий нуқтаи назардан тавсифланган. Бугунги кунда унинг қомусий луғатлардаги моҳияти ўзига хосдир. Ўзбек тилининг 2 жилдли изоҳли луғатида *ватан* сўзининг биринчи маъноси сифатида “киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг граждани ҳисоблаган мамлакат; она юрт”, иккинчи маъноси сифатида эса “кишининг туғилиб-ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр” берилган: **“ВАТАН [а] 1** Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан. Ватанни ҳимоя қилиш 2* Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам — ватанни.* Мақол. *иш У [Бектемир] узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қий-чуви билан тўлган катта оилани... ва колхозни эсларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**3** Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Тўра кафангадо қилмоқчи, ватандан жудо этмоқчи [деди Пирнафас ака хотинига].* Ж.Шарипов, Хоразм”. [4;173]

Янги изоҳли луғатда бу маънолар тартибида жиддий ўзгариш мавжуд:

**“ВАТАН [а. туғилиб ўсган жой, юрт] 1** Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам — ватанни.* Мақол. *иш У [Бектемир] узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қийчуви билан тўлган катта оилани.. эсларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Туғилган ватаним — шу Ўзбекистон..* Фозил Йўлдош ўғли.

**2** Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан. ит Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**3** Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Ёши йигирма бешни қоралади. Лекин бошида на бўйрадек ватани бор, на*

*жонида ҳаловати.* С.Сиёев, Аваз. *Тиктепада турадиган ватани йўқ, отасидан қолган чолдевор бузилиб, ёрилиб кетган.* А.Қодирий, Обид кетмон.

**4** Ўсимлик ва ш. к. ларнинг асли келиб чиққан ерини билдиради. *Уй лимони — рутагуллилар оиласига мансуб, доим яшил субтропик ўсимлик. Ватани — Хитой, Япония, Шарқий Ҳиндистон.* «Уй-рўзғор энциклопедияси». [5;445]

Шу билан биргаликда, янги изоҳли луғатда *ватан* сўзининг сохта маъносини зимдан сингдиришга хизмат қилувчи, собиқ шўролар мамлакатининг ватан эканлигига ишора қиладиган мисоллар олиб ташланган.

Ҳар икки изоҳда ҳам сўз маъносида “ўзини фуқароси ҳисоблаган” деган маъно мавжуд. Аммо уларнинг луғат мақоласида жойлаштирилишида жиддий тафовут кузатилади. 2 томли луғатда ушбу семали “расмий” семема биринчи ўринга чиқарилган. Бу билан изоҳ сиёсийлаштирилган. 5 томли луғатда ижтимоий онгдаги ҳар қандай сиёсий “оҳанг”дан холи бўлган маъно, умумхалқ тасаввуридаги тушунча ифодаси биринчи ўринга чиқарилган. Чунки ҳеч ким *ватан* ҳақида сўз кетганда расмий фуқаролик белгисини биринчи ўринга қўймайди ва, дейлик, АҚШ фуқаролигини олган ўзбекистонлик ўзбек ватан деганда, бу мамлакатни эмас, балки Ўзбекистонни назарда тутаяди.

Сўзнинг 4-маъносининг берилиши ҳам янги изоҳли луғатнинг ютуғи эканлигини уқтириш лозим.

*Ақида* сўзида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ўзбек тилининг 2 жилдли изоҳли луғатида *ақида* сўзига қуйидагича таъриф берилган:

**“АҚИДА [а] кт 1** Кўр-кўрона ишонишга асосланган далилсиз ва исботсиз қоида; догма. *Диний ақидалар. Сиёсий ақидалар. Дунёдаги халқларнинг кўпчилиги ўртасида ...ер юмалоқ эмас, балки япалоқ, деган афсона юрарди. Бизда ҳам худди шундай ақида ҳозиргача ҳукм суриб келди, — деди Элмурод.* П.Турсун, Ўқитувчи.

**2** Ишонч; ишонч билан айтилган ёки қаттиқ ишонилган фикр, мулоҳаза. Ҳар икковларинг (отам билан уста амакимнинг) айрим одамлар ҳақидаги фикр ва ақидалари бир эди. Айний. Эсдалиқлар. **Ақида қилмоқ** ўйламоқ... деб билмоқ. У бу

## ТИЛШУНОСЛИК

кунгача “Саидий менинг кўлимда бир зувала хамир: тиласам кулча қиламан, тиласам – бўғирсоқ” деб ақида қилар эди. А.Қаҳҳор, Сароб.

3 Ақида (хотин-қизлар исми) .[4;67]

Маълумки, собиқ шўролар даврида динга нисбатан салбий муносабатда бўлинган. Шу боисдан нафақат диний, балки айрим маърифий, ахлоқий тушунчаларда диний сема бўлмаса ёки аҳамиятсиз бўлса-да, сунъий равишда бўртилиши лозим бўлган. Буни ақида сўзининг изоҳи ҳам кўрсатиб турибди. Луғатда ақида лексемаси маъносининг бир қирраси – диний семемасига устуворлик берилиб, талқинда биринчи ўринга чиқарилган, бош маъно даражасигача кўтарилган. Тўғри, изоҳда диний сема ҳақида сўз бормайди. Лекин иллюстратив мисоллар унинг аввало диний маънога эгаллигини бўрттиришга хизмат қилган. Янги изоҳли луғатда бундай бир ёқламаликлар бартараф қилинган:

“**АҚИДА** [а. — эътиқод, ишонч; тушунча] *кт.* 1 Эътиқод қилинадиган нарса, хатти-ҳаракат, у ҳақдаги гап; тушунча. *Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим.* Газетадан. *Ҳақиқат қиёсда очилади, деган машҳур ақида бор.* Газетадан.

2 Ҳақиқатга зид, кўр-кўрона қабул қилинган фикр, қоида. *Фақат шуни таъкидлайманки, халқчиллик ва ҳаққонийлик, адолат ва виждонийликка хизмат қилиш, инсонга садоқат адабиётнинг кеча тўқиб чиқарилган ақидалари эмас.* Газетадан. *Биз яқин кунларгача, тез орада жаннатмакон — коммунизмда яшаймиз, деган ақидага ишониб яшар эдик.* “Саодат”.

3 Ақида (хотин-қизлар исми).” [5;680]

Кўринадик, ақида сўзининг изоҳли луғатдаги талқинида ҳам мафкуравий алмашинувлар ҳамда ғоявий янгиланишлар ўз ифодасини топган.

Истиқлолга эришилгандан сўнг динга бўлган муносабат ўзгарди. Дин ва унга боғлиқ тушунчалар ҳам ўз маъно ва моҳиятини тиклашга муваффақ бўлди. Шундай ҳолатни миллий ғоя атов бирликлари сирасида муҳим роль ўйнайдиган ғоя сўзи тавсифида ҳам кўриш

мумкин. Ўзбек тилининг 2 жилдли изоҳли луғатида бу сўзнинг тавсифи қуйидагича:

“**ҒОЯ** [а] 1 Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Ҳиндистоннинг миллионларча асл ўғилларининг юраклари шу ғоя билан тепарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Раҳматилла гўё ўз ғояларининг амалга оширидан умид узган ва бу ғояларни кўнглидан чиқариб ташлаган.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор. *Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учуда жон бериш жуда ширин ва кўпдан бери ғоям эди.* А.Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Дунёқарашнинг асосий, муҳим принципи, идея. *Марксизм-ленинизм ғоялари бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларнинг кураш байроғи бўлиб қолди. Менинг ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг ғоялари йўлида тугатажакман.* З.Саид, Н.Сафаров, Тарих тилга кирди.” [4;663]

Янги изоҳли луғатлардаги талқин эса анча мукамаллиги билан ажралиб туради:

“**ҒОЯ** [а.—мақсад, интилиш; ният, қасд] 1Объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур. *Эски ғоялар ва қарашлар уларни юзага келтирган шарт-шароитларга нисбатан узоқроқ умр кўради.* Газетадан. *Ёзингиз, мана шу қуръон ҳурмати билан қасамёд қилиб айтаманки, мен ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг ғоялари йўлида тугатажакман [деди номаълум киши].* Н.Сафаров, Тарих тилга кирди. *Диннинг вазифаси — ғоялар ва эътиқодлар тизимини шарҳлаш, изоҳлаш ҳамда қайта ишлашдан иборат.* “Мулоқот”.

2 Бадий, сиёсий ёки илмий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр. *Асарларнинг халқ мулки бўлиб қолишига сабаб шуки, асарлар маъзига сингдирилган ғоя кишилар дилига, уларнинг истакларига яқиндир.* Н.Сафаров, Оловли излар. *Бу новеллалар муайян маънода мустақил «асар» дек таассурот қолдиради ва айни вақтда бир-бири билан боғланиб, умумий асарнинг ғояси ва руҳини очишга бўйсундирилади.* С.Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Киши астойдил меҳр кўйган ... ғоясини доим энг тўғри ва кенг тарқалган .. деб ҳис қилади.* Шухрат, Жаннат кидирганлар. *Шўрўзакни ўзлаштириш ғоясини биринчилар қатори Турсунмат олға сурган эди.* “Ўзбекистон кўриклари”. *Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учуда жон бериш жуда ширин эди ва кўпдан бери ғоям эди.* А.Қодирӣ, Ўтган кунлар”.[5;683]

Мукаммаллик қуйидагиларда кўзга ташланади:

*биринчидан*, 2 жилдди изоҳли луғатда сўзнинг фақат иккита маъноси берилган, 5 жилдди изоҳли луғатда эса маънолар сони учта;

*иккинчидан*, 2 жилдди изоҳли луғатда биринчи ўринга олиб чиқарилган маъно янги луғатда учинчи ўринга туширилган;

*учинчидан*, 5 жилдди луғатдаги 1- ва 2- маъно 2 жилдди луғатда ўз ифодасини топмаган ёки жўн ифодаланган эди;

*тўртинчидан*, 5 жилдди изоҳли луғатда миллий ғоя талабларига мос маънолар талқини берилган ва б.

Изоҳларда кўриниб турибдики, ғоя сўзининг маъноси янги изоҳли луғатда тўлиқроқ ва мукаммалроқ тавсифланган. Маънонинг нозик жиҳатлари эътиборга олинган. Луғат дефинициясида илмий асосланганлик, демагогиядан холилик, талқинлардаги халқчиллик яққол кўзга ташланиб туради.

Маълумки, изоҳли луғат “кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган” бўлиб, бунинг учун лексикографик талқинда ижтимоий шартланган маънолардан кам қўлланишга эга, терминологик маънолар талқинига ўтиб борилмоғи лозим. Бироқ 2

жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да бу борада қатъийлик кузатилмайди.

Айрим сўзлар инқилобгача истеъмолда бўлиб, шўро мафкураси умумий истеъмолдан сиқиб чиқарган сўзлар истиқлол туфайли қайта мафкуравий аҳамият касб этди. Улардан бири *қадрият* сўзидир. Ўзбек тилининг 2 жилдди изоҳли луғатида бу сўзга таъриф берилмаган. Янги изоҳли луғатда эса қуйидагича изоҳ берилган: “**ҚАДРИЯТ** [а. *قدریت*— *қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги*] Воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланилган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, мас, эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва б. қадрият ҳисобланади. *Аммо ошкоралик дегани хоҳлаган кимсанинг хоҳлаган пайтда қадриятларимизни оёқости қилиши дегани эмас.* Газетадан. *Бутун бир миллатнинг қадриятлари топталса, йўқола бошласа, бу ўша халқнинг фожиаси эмасми?* Газетадан. *Бу қадриятларнинг бари айнан миллий қадриятлар билан уйғунлашган ҳолдагина намоён бўла олади.* “Тафаккур” [5;668]

Икки изоҳли луғат талқинларини кузатиш натижасида айтиш мумкинки, миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг лексикографик талқини янги изоҳли луғатда давр талаблари даражасида амалга оширилган бўлиб, уни 2 жилдди луғат билан қиёслаш ўзбек лексикографиясининг янги тараққиёт босқичидаги ютуқлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Маҳмудов Н. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўзбек лексикографиясида улкан воқелик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2012 йил, 5-сон.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1– жилд. – Т., 2008.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1-жилд. – М.: Русский язык, 1981.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1– жилд. –Т., 2008.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)

УДК: 41+415.61

**ЎҚУВ ФРАЗЕОГРАФИЯСИ ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ МАХСУС БЎЛИМИ  
СИФАТИДА  
УЧЕБНАЯ ФРАЗЕОГРАФИЯ КАК СПЕЦИАЛЬНЫЙ ОТДЕЛ ЛЕКСИКОГРАФИИ  
EDUCATIONAL PHRASEOGRAPHY AS A SPECIAL DEPARTMENT OF  
LEXICOGRAPHY**

Раджабова Зиёда Ибодулла қизи<sup>1</sup><sup>1</sup>Раджабова Зиёда Ибодулла қизи

ҚарДУ докторанти

**Аннотация**

Мақолада фразеологик луғатлар, жумладан, ўқув фразеологик луғатлар сўзлигини танлаш, ўқув фразеологик луғат тузишининг лингвистик томонлари, ўзбек фразеографик луғатчилиги, ўзбек ўқув фразеографиясининг тараққиёт босқичлари, луғатчилик тарихи, кўп тилли луғатлар ва луғат корпуси ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

В статье речь идет о фразеологических словарях, в том числе о подборе учебных фразеологических словарей, лингвистических аспектах составления учебного фразеологического словаря, об узбекском фразеографическом словароведении, об этапах развития узбекской учебной фразеографии, об истории словароведения, многоязычных словарях и о словарном корпусе.

**Annotation**

This reveals phraseological dictionaries, including the selection of educational phraseological dictionaries, linguistic aspects of compiling an educational phraseological dictionary, Uzbek phraseographic dictionary, the stages of development of Uzbek educational phraseography, the history of dictionary science, multilingual dictionaries and the dictionary building.

**Таянч сўз ва иборалар:** ўқув луғати, ўқув луғатчилиги, луғат-грамматика, фразеологик луғат, фразеологизм, кўп тилли луғат.

**Ключевые слова и выражения:** учебная лексика (словарь), учебное словароведение, словарь-грамматика, фразеологический словарь, фразеологизм, многоязычный словарь.

**Keywords:** educational vocabulary, educational dictionary science, lexico-grammar dictionary, phraseological dictionary, phraseologism, multilingual dictionaries.

Сўнги йилларда лексикографияда, хусусан, ўзбек луғатчилигида “ўқув луғати” ва “ўқув луғатчилиги” терминлари тез-тез тилга олина бошлади. Лексикографиянинг ушбу янги ва фаол тармоғини ривожлантириш қатор ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан янги авлод ўқув луғатларини ва уларнинг мобил иловаларини яратишга қаратилган лойиҳаларга грантлар ажратилди. Умуман, мамлакатимизда ўқув луғатларини яратишнинг ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам молиявий масалаларини ҳал этиш ҳукумат даражасида кун тартибига олиб чиқилди.

Биз яшаб турган давр олдимизга давлат тилини ривожлантириш, ёш авлодни она тилимизнинг бой, бетакрор имкониятларидан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш учун

хизмат қиладиган замонавий нутқ ўстириш воситалари, турли мавзувий ўқув луғатлар, хусусан, фразеологик луғатларни яратиш вазифасини қўймоқда.

Фразеологизмлар тилнинг асосий коммуникатив, когнитив, эмотив, эстетик, металисоний вазифаларини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бироқ дунё тилларнинг лексик системасида алоҳида ўринни эгаллайдиган, жонли халқ тилининг жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда мунтазам тараққий этиб бораётган алоҳида қисми ҳисобланган мазкур мураккаб табиатли бирликлар жаҳон тилшунослигида ҳам, туркийшунослиқда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам ҳар қанча чуқур ўрганилган бўлмасин, номланиши (фразеологик бирлик, турғун бирикма, барқарор бирикма, идиома, ибора), бирлиги (фразеологизм, ибора, фразема), ёндош ҳодисалар (парафраза, мақол ва матал, афоризмлар, қўшма сўз, “қанотли

сўзлар”, клишелар) билан чегараси хусусида ҳануз ягона тўхтам мавжуд эмас. Кўпчилик баҳслар “фразеологизм” атамаси ва фразеологиянинг бирлиги масаласи талқини билан боғлиқ. Зотан, замонавий рус фразеологиясининг таниқли вакиллари А.М.Бабкин “манбалардаги фразеологик материаллар устида ишлар ҳали бошланмаган” (1, 8), А.И.Федоров “ҳали-ҳануз фразеологиянинг кўплаб муаммолари ечилмаганлигича қолмоқда...” (2, 171), О.П.Фесенко “фразеологизм” атамаси бугунги кунда ягона номга ҳам эга эмас, уни ажратиш мезонлари ҳам аниқ эмас. Бу эса фанда, ўз навбатида, фразеологизмларнинг аниқ чегараси йўқлигини кўрсатади” (3) деган хулосаларга келишмас эди.

Ягона нуқтаи назарнинг йўқлиги фразеологик луғатлар, жумладан, ўқув фразеологик луғатлар сўзлигини танлаш, бош сўзни изоҳлаш, фразеологик бирликларнинг тузилиши, вариантлари, уларда полисемия, омонимия ва синонимияни таҳлил қилишда турли хил ёндашувларни келтириб чиқармоқда. Бу эса, аввало, ўқув фразеологик луғат тузишнинг лингвистик томонларини ойдинлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбек лексикографиясида “ўқув фразеологик луғат” термини илк бор таниқли тилшунос, фразеолог, фразеограф Б.Йўлдошевнинг “Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” номли монографиясида ишлатилади. Муаллиф фразеологик луғатлар тасниф қилинган ўринда “рус тилида бундай ўқув фразеологик луғатларнинг бир неча намуналари яратилган”лигини таъкидлаб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг талабларидан келиб чиқиб, 2007-2008 йилларда Қарши лексикография мактабида мактаблар учун ўндан ортиқ ўқув луғатлари, жумладан, илк иборалар луғати ҳам тайёрлангани хусусида тўхталади. Шу ўринда олим гарчи амалий ўқув луғатчилиги соҳасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилганлиги – ўқув

луғатининг кўпгина турлари яратилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида ўқув луғатчилиги назарияси ҳали шаклланмаганлиги, ўқув луғатининг характерли белгилари ёритиб берилмаганлиги сабабли, Б.Менглиев, О.Бойматова ва М.Худойбердиеваларнинг 2007 йилда “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Ўзбек тили иборалари ўқув луғати”нигина шу турдаги луғат тоифасига киритади (4, 107-110). Ваҳоланки, таснифда бошқа тоифага киритилган аксарият луғатларнинг соф ўқув мақсадида яратилганини сўнгги тадқиқотлар исботлади.

Гарчи тилшуносликнинг фразеология ва фразеография бўлимлари тарихи у қадар узоқ бўлмаса-да, умумий луғатчиликда кузатилгани каби фразеологизмларнинг луғатларда учраши ҳам анча олдинги даврларга бориб тақалади. Масалан, араб тилида фразеологизмларга нисбатан *амсал* (масал) термини ишлатилгани, ўрта асрлардаёқ араб олимларининг фразеологизмларга диққатини қаратгани, уларни тўплаш, қайд этиш, луғатини тузиш, тўпланган материални назарий асослаш билан шуғулланганликлари ҳақида маълумотлар учрайди. Хусусан, илк араб тили луғатлари Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидийнинг “Китоб ул айн”, Ибн Манзурнинг “Лисон ул араб” луғатларида араб тили лексик бирликлари қаторидан фразеологизмлар ҳам жой олган (5, 39).

Маълумки, жаҳон ўқув фразеографиясининг шаклланишида умумий фразеография ва ўқув луғатчилиги ютуқлари муҳим роль ўйнаган. Ўқув фразеографияси тараққиётида С.С.Волков, Ю.А.Ермолаева, В.Г.Костомаров, Е.М.Верещагин, А.Е.Салман, Е.В.Андропова, Н.В.Баско, Е.Е.Петренко, Ю.В.Бестугина, С.А.Исмоил, С.Ж.Ажаж, Е.И.Роголёваларнинг хизмати катта бўлди. Ушбу тадқиқотлар натижасида ўқув фразеографик луғатнинг таркибий қурилмаси ва луғат мақола тузилиши (6, 96-98), ўқув луғатида фразеологизмларни лексикографик тавсифлаш тамойиллари

## ТИЛШУНОСЛИК

(7, 19-30), фразеологик бирликнинг лингвомамлакатшунослик назарияси (8), лингвомамлакатшунослик ўқув луғатларида фразеологизмларни танлаш ва семантизациялаш (9, 98-108), ўрта мактаб ўқувчилари учун комплекс ўқув фразеологик луғат тузиш масалалари (10), кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган ўқув фразеологик луғат тузишнинг лингводидактик тамойилларини аниқлаш, бошланғич синф дарсликлардаги бадиий матнларда оламнинг фразеографик тасвири (11), болалар нутқида фразеологик бирликларнинг лексикографик тавсифи (12, 175-183), икки тилли ўқув луғатларда янги давр ижтимоий, сиёсий фразеологизмларини акс эттириш муаммолари (13, 14), замонавий ўқув фразеографиясининг назарий ва амалий масалаларига (15) бағишланган қатор тадқиқотлар юзага келади. Бироқ фразеологияда бўлгани каби жаҳон фразеографияси соҳасида ҳам ҳар бир даврда ўз ечимини кутаётган янги-янги муаммолар кун тартибига чиқмоқда. Жумладан, янги авлод фразеографик ўқув луғатларини яратиш хусусида тўхталар экан, Е.И.Роголёва ҳануз рус тилшунослигида ҳам фразеологик ўқув луғатларнинг антропоцентрик йўналганлиги, маданий-когнитив, коммуникатив, таълимий характерини ёритиб беришга асосланган мукамал концепция йўқлигини таъкидлайди (15, 3).

Бошқа тилшуносликларда бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам ўқув фразеографик луғатчилик академик фразеография аъёналари, хусусан, Ҳ.Бердиёров, С.Ақобиров, Б.Хўжахонов, Э.Умаров, В.Х.Қодиров, А.М.Бушуй, Ш.Раҳматуллаев, М.И.Умархўжаев, Б.Йўлдошев, Д.Абдуллаевлар тадқиқотлари негизда шаклланди. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, умумий ўқув луғатчилигида бўлганидек, ўқув фразеологик луғатчилик борасида олиб борилган илк тадқиқотлар, асосан, рус тили негизда яратилган икки тилли ўқув луғатлари устида амалга оширилди. Жумладан, назарий фразеография йўналишида М.М.Абдурахимов (16), Т.А.Бушуйлар (17) томонидан бажарилган

санокли ишлар ҳам икки тилли луғатлар устида олиб борилган эди.

Ўқув фразеографияси назариясининг шаклланиши XX асрнинг 60-йилларига тўғри келса, бу йўналишдаги амалий ишлар, юқорида айтилганидек, туркийшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам анча илгари бошланган. Шундан келиб чиқиб, ўзбек (туркий) ўқув фразеографияси тараққиётида қуйидаги уч даврни ажратиш мумкин:

а) энг қадимги замонлардан XV асргача бўлган давр;

б) XIX аср охири – XX асрнинг ўрталаригача бўлган давр;

в) XX асрнинг 60-йилларидан ҳозирги кунгача бўлган давр.

Умумий лексикография тарихида кузатилганидек, фразеологик луғатчилик тараққиёти ҳам мамлакат тараққиётидаги кескин бурилиш давларига тўғри келади. Б.Баҳриддинова тилшуносликнинг бошқа соҳаларига қараганда луғатчилик ривожини муайян жамият тарихий тараққиётининг асосий давлари, маданий ҳаётидаги юксалишлар, Уйғониш давлари билан боғлиқлиги, луғатчиликнинг замон тараққиёти билан ҳамнафас соҳа экани, бирор тилда муайян луғатнинг пайдо бўлиши мамлакатда шу луғатга эҳтиёжи бўлган бошқа соҳалар – дин, маданият, иқтисодий-сиёсий соҳалар тараққиёти билан алоқадорлигини таъкидлайди: “Луғатчилик тараққиёти мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиёти билан боғлиқ жараён. Луғатчилик тараққиёти мамлакат тараққиётдан дарак беради”. (18, 55)

Ўқув лексикографиясида бўлгани каби илк фразеологик характердаги луғатлар ҳам ўз даврида дарслик, дидактик қўлланма вазифасини бажарган. Аниқроғи, фразеографиянинг илк намуналари ўқув мақсадида яратилган воситалар бўлган. Албатта, фразеологик бирлик намуналари ҳар қандай луғатда учраса-да, ўқув фразеографияси тараққиётининг илк даврига мансуб соф фразеологик луғатлар санокли. Туркий тилда яратилган илк фразеологик луғат намуналари XV-XVI асрларга тегишли бўлиб, биринчиси 1480 йилда тузилган ва 1536 йилда Анқарада Ведет Избудак

томонидан нашр этилган муаллифи номаълум “Оталар сўзи” дидактик қўлланмасидир. Бизга қадар асарнинг иккита қўлёзмаси етиб келган, у айна пайтгача Санкт-Петербургда сақланмоқда. (19, 75) Шу ерда сақланаётган иккинчи луғат 1547 йилда Туркияда Мустафо афанди томонидан тузилган “Форсча-туркча фразеологик луғат”дир. (20, 75-76)

Ўқув луғатчилиги тарихида бўлгани каби ўқув фразеографиясида ҳам XVI асрдан XIX аср охирларига қадар сукунат ҳукм сургани – “узилиш” юз бергани кузатилади. Албатта, юқорида айтилганидек бунинг сабаблари луғатларга эҳтиёж туғдирадиган ижтимоий, маданий муҳит билан боғлиқ эди.

Ўқув фразеографиясининг **иккинчи даври** XIX аср охири ва XX аср бошларида Чор Россиясининг Туркистон ва Ўрта Осиёга юриши билан алоқадор равишда яратилган амалий грамматикалар, икки тилли ўқув луғатларини қамраб олади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу даврга мансуб луғат қўлланмаларнинг бирортаси соф фразеологик характерга эга бўлмай, аксарияти ё икки тилли ўқув луғати, ёки маҳаллий аҳоли тилида учрайдиган диалектизмлар, фраземалар изоҳига бағишланган қўлланмалар эди. Жумладан, А.Старчевскийнинг 1878 йилда нашр этилган “Ўрта Осиёдаги рус кишининг ҳамроҳи” (“Спутник русского человека в Средней Азии”) деб номланган сўзлашгичини мисол сифатида келтириш мумкин. 13 мингта ўзбекча сўзликка эга бўлган мазкур қўлланма икки қисм – грамматика ва луғатдан иборат бўлиб, маҳаллий аҳоли нутқида учрайдиган бир қанча ўзбекча иборани (масалан, *изини олмоғ*, *бўйи етмоқ*, *бўйни йўғон*, *оқ-қорани танимоқ* ва б.) қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, Октябрь тўнтаришига қадар яратилган З.А.Алексеевнинг “Сарт тилидаги фразалар” (“Фразы на сартовском языке”), М.Терентьевнинг “Туркча, форсча, қирғизча ва ўзбекча грамматика” (“Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская”),

“Туркча, форсча, қирғизча ва ўзбекча хрестоматия” (“Хрестоматия турецкая, персидская, киргизская и узбекская”), Ш.Ишаевнинг охирида “Энг кўп қўлланадиган фразалар” номи билан маҳаллий сўзлашув тилида учрайдиган турғун бирикмалар илова қилинганлиги билан характерланадиган “Қисқача русча-сартча ва сартча-русча луғат”и (“Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь”), В.П.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг 1884 йилда Қозон шаҳрида нашр этилган “Русча-сартча ва сартча-русча умумқўлланишдаги сўзлар луғати” каби таржима луғатларида грамматикага оид мисоллар танлашда ўша даврда халқ тилида кенг тарқалган турғун жумлалар – ибораларга ҳам мурожаат қилинган.

Б.Баҳриддинова 1878 йилдан 1917 йилгача бўлган давр – Чор Россияси ҳукмронлиги даврида яратилган мазкур русча-сартча икки тилли ўқув луғатларининг ўз даври мафкурасининг ижтимоий-сиёсий буюртмаси асосида яратилгани, соф мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилгани, зиммасига нафақат тил ўрганиш, балки миллатни, унинг маданияти, қизиқиши, қадриятларини ўрганишдан иборат соф ижтимоий-сиёсий вазифа юкланганини таъкидлайди ва уларни луғат-грамматика, деб атайди: “Асосида тил ўргатишдан иборат амалий мақсад ётганлиги учун бу босқичга мансуб луғатлар соф лексикографик маҳсулот эмас, балки жаҳон ўқув луғатчилигида кузатилгани каби луғат-грамматика, луғат-дарслик характерига эга эди” (18, 148). Бевосита тадқиқ объекти бўлган фразеологизмлар ҳам ушбу луғатларда турли грамматик қоидаларни тушунтириш мақсадида жонли халқ тилидан келтирилган мисоллар таркибида учрайди.

Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда яратилган ва фразеологизмларни учратиш мумкин бўлган луғатлар ҳам асосан икки тилли луғатлар эди. Шўро ҳокимияти даврида яратилган мазкур русча-ўзбекча, ўзбекча-русча икки тилли ҳамда ўзбек тилининг лексик сатҳини, маҳаллий халқ тилида учрайдиган бирликларни ўрганишга хизмат қилган



## ТИЛШУНОСЛИК

айрим бир тилли ўқув луғатлар соф фразеологик характерга эга бўлмай, йўл-йўлакай ибораларга мурожаат қилинганлиги кузатилади.

Ушбу даврда ўқув луғати тоифасига мансуб луғатларни шу типдаги катта луғатдан луғат номига “қисқа” сўзи қўшилгани ва муқовасида “мактаб ўқувчилари учун”, деб адресат (фойдаланувчи) чегаралангани билан ажратиш одатга айланган эди. Хусусан, бунга Е.Д.Поливановнинг “Краткий русско-узбекский словарь”, К.К.Юдахиннинг “Краткий узбекско-русский словарь”, В.В.Решетовнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғат” каби кўплаб иборалар учрайдиган ҳамда соф фразеологик ўқув луғати ҳисобланган М.Абдурахимовнинг “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат”, М.Содиқованинг “Краткий узбекско-русский фразеологический словарь”ларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Биринчи русча-ўзбекча луғат муаллифи Е.Д.Поливановнинг 1926 йилда нашр этилган “Қисқача русча-ўзбекча луғат”и фойдаланувчиларнинг билим даражасидан келиб чиқиб, фойдаланувчилар нутқида энг фаол ишлатиладиган 4500 тадан ортиқ сўз ва иборани қамраб, ўзбек ва рус тилларида изоҳи берилган.

Ўзбек ўқув фразеографияси тараққиётида А.Қодирий ва С.Раҳматийлар томонидан 1934 йилда чоп этилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” алоҳида ўрин тутди. (21) Абдулла Қодирийнинг тилга муносабати, сўздан фойдаланиш маҳорати, жумла тузиш, сўз танлаш ва қўллаш маҳорати каби масалалар тилшуносликда тадқиқ этилган бўлса-да, ўзбек лексикографиясида унинг луғатчилик фаолияти хусусида яқингача маълумотлар учрамасди. Юқорида қайд этилган луғатлар каби бу луғат ҳам икки тилли таржима луғати бўлса-да, кўп ўринларда русча сўзлар шунчаки таржима қилинмай, маънони таъсирчан ва чуқурроқ очиб бериш мақсадида халқ тилидаги фразеологик бирикмалар билан изоҳлангани кузатилади. Адибнинг сўз санъатининг уста билимдони эканлиги таржимада сўзлар изоҳини беришда

фраземаларнинг семантик имкониятлари – луғавий маънодан ташқари услубий бўёғидан унумли фойдаланишида кўринадди. Муаллиф (“П” ҳарфи тўлиқ А.Қодирий томонидан ёзилган) дастлаб сўзнинг ўзбек тилида луғавий маъносини билдирувчи муқобилини келтириб, кейинги ўринларда шу маънога синоним бўлган иборалар билан ҳам изоҳлайдилар. Турғун бирикмалар ўша давр меъёрларига кўра қўштирноқ ичида берилди:

**ПЕРЕКОРОБИТЬ** – эгмак, синдирмоқ, “кўнглини оғритмоқ” (74-бет)

**ПЕРЕМОГАНИЕ** – устун келув, баланд келув, “қўл узун бўлув” (83-бет)

**ПОФАНФАРОНИТЬ** – мақтанмоқ, “аравани қуруқ олиб қочиш” (316-бет)

Луғат муаллифининг айрим ҳолларда сўз маъносини изоҳлашда бирдан ортиқ иборалардан фойдаланганига ҳам мисоллар учрайди:

**ПОДАТЛИВОСТЬ** – “қўли бўшлик”, “қўли очиқлик” (176-бет).

Маълумки, айрим ўзбек шеваларида сўнги фарзандга нисбатан “супра қоқди”, “тўрва қоқди” иборалари қўлланади. Луғатда муаллифнинг диалектал фразеологизмлардан ҳам ўринли фойдаланганлиги кузатилади:

**ПОСЛЕДЫШ** – кенжа, сўнги бола, “тўрва қоқди” (316);

Умуман олганда, ўқув фразеографияси тарихининг иккинчи даври – XX асрнинг 60-йилларигача бўлган давр соф фразеологик ўқув луғатларининг учрамаслиги, асосан, иборалар рус тилини ўргатиш мақсадида тузилган русча-ўзбекча ёки ўзбекча-русча луғатларда таржима жараёнида муайян сўзнинг маъно қирраларини очиш мақсадида синоним сифатида келтирилгани, фразема, парема, мақол ва маталлар, афоризмлар аралаш қўлланилиши, аслида мақсад ҳам халқ тилида учровчи турли лексик бирикларни тўплаш ва системага солишга қаратилгани билан характерланади.

Ўзбек ўқув фразеографияси тараққиётининг **учинчи даври** XX асрнинг 60-йилларидан ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олади. Ушбу даврга қадар ўзбек тилидаги фразеологик бириклар,

юқорида кўрилганидек, асосан ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлар доирасида қамраб олинган бўлса, истиқлолгача бўлган даврда ўзбек фразеографияси соҳасида соф ўқув мақсадида яратилган қатор луғатлар юзага келди. Нафақат амалий фразеография, балки назарий фразеография тараққиётида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди: луғат учун фразеологик бирликларни танлаш, изоҳлаш тамойилларига бағишланган ишлар ҳам пайдо бўлди; ўзбек ўқув фразеологиясининг шаклланишига замин ҳозирланди. Асосан, фразеография назариётчилари муаллифлигида ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган махсус фразеологик луғатлар юзага келди. Ушбу луғатларнинг аксарияти номида “қисқа” сўзи иштирок этган бўлиб, бу, унинг тор фойдаланувчилар учун мўлжаллангани, махсус тоифадагилар учун яратилганига ишора қилар эди. Жумладан, Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати”, фразеологизмларни икки тилли ўқув луғатлари объекти сифатида назарий ўрганган М.Абдурахимовнинг “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат”и ҳамда М.Содиқованинг бир неча икки тилли фразеологик луғатларини мисол сифатида келтириш мумкин.

М.Абдурахимовнинг “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат”ида ҳар бир фразеологик бирлик изоҳида бадиий асарлар, шеърлардан мисоллар, иллюстратив иловалар келтирилади. Ҳар бир иборанинг рус тилидаги таржимаси билан бирга рус тилидаги эквиваленти, аналоги ҳам берилди (22): *кечани кеча, кундузни кундуз демай – быть занятым в любое время сутки; не считая вечер за вечер, день за день.*

Русча-ўзбекча, ўзбекча-русча фразеологик луғатчилик тараққиётида М.Содиқова муҳим роль ўйнайди. Олиманинг мактаб ўқувчилари, талабалар, таржимонлар, филолог мутахассислар, умуман рус тилини чуқур ўрганувчилар учун мўлжалланган “Русча-ўзбекча фразеологик луғат” (1972), “Краткий узбекско-русский фразеологический словарь” (1989),

“Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати” (1994)да 1000 тадан 5000 тага қадар рус тилига мансуб ибора маъноси ўзбек тилида изоҳланган (23). Русча фраземалар уяларга бирлаштириб, таянч сўз (вокабула) бош сўз сифатида олинган. Таркибида шу сўз учраган иборалар алифбо тартибида берилган. Луғат мақолаларда мазкур фраземанинг турли морфологик шакллари, вариантлари ҳам киритилган, ҳар бир ибора маъносини изоҳлашда бадиий асарлардан мисоллар келтирилган.

1989 йилда нашр этилган “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат” нисбатан катта ёшли фойдаланувчилар – филолог талабалар учун мўлжалланган бўлиб, 5000 тага яқин сўзликка эга. У шу тоифадаги бошқа луғатлардан ўзбек адабий тилига оид иборалар билан бирга халқ тилига хос, диалектик, этнографик иборалар ҳам қамраб олингани билан характерланади (24).

М.Содиқованинг 1994 йилда чоп этилган “Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати” эса кичик ёшли фойдаланувчилар – мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, 1000 тага яқин иборани қамраб олади. Луғат қурилиши жиҳатидан ҳам, сўзлик қамрови, луғат мақоланинг структур-семантик тузилишига кўра ҳам анча содда. Луғатда русча иборалар маъносини очиб бериш учун бадиий асарлардан мисол келтирилиб, ўзбек тилига таржима қилинган (25).

Ўзбек ўқув фразеографиясининг ушбу даврга мансуб намуналари соф фразеологик характерга эга бўлса-да, айрим камчиликлардан ҳоли эмас эди. Аксарияти икки тилли бўлиб, асосан рус тили негизида яратилган ва давр мафкураси манфаатларига мос, миллийликдан ҳоли, шунингдек, замонавий ўқув луғатлари каби ўқув дастур ва дарсликларига тўла мувофиқ келмас эди. Шундай бўлса-да, истиқлолгача бўлган даврда яратилган ўқув фразеологик луғатлар ушбу даврга мансуб бошқа лексикографик нашрлар каби соф амалий мақсадлар учун хизмат қилгани, ўзбек нутқий акти ва манбаларидаги фразеологик

## ТИЛШУНОСЛИК

бирликларни луғатларда жамлаш, бир тизимга солиш, турли кўринишдаги фраземаларни бир тилли, кўп тилли, изоҳли луғатларда лексикографик семантизациялаш мезонларини белгилаш, ўқув фразеологик луғат корпуси ҳақида тасаввур ҳосил қилишда муҳим роль ўйнади.

Ўзбек тилида кўп тилли фразеологик ўқув луғатлари тараққиётида профессор Мухторхон Умархўжаевнинг хизмати катта. Ўзбек ўқув фразеографиясида айнан ўқув мақсадида яратилган ва бу, унинг номида ҳам акс этган луғатлар ичида олимнинг “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат” (1994) ҳамда “Немисча-ўзбекча зооним компонентли фразеологизмлар ўқув луғати” (2015) алоҳида ўрин тутади.

Немис, рус ва ўзбек тилларига мансуб 700 тадан фразеологик бирлик жамланган “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат”нинг номида гарчи “ўқув” сўзи учрамаса-да, муаллифлар луғат сўз бошисида “ўқув луғати” эканини алоҳида таъкидлайдилар: “Ўқув фразеологик луғатда берилган ҳар бир немис тилидаги турғун сўз бирикмаси аввал ўша тилда талқин қилинган, сўнгра унинг ўзбек ва рус тилларидаги мос келувчи муқобил таржималари берилган. Айрим кўп маъноли фразеологизмларнинг маъноси ҳар учала тилда ҳам уларнинг бир неча вариантлари берилган.

Ўқув луғатининг мақсади ўқувчи ва талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини эмоционал ва экспрессив тил бойлигидан фойдаланишга қаратилган бўлиб, ҳар бир фразеологизмнинг нутқда ифодаланиши рус ва ўзбек тилига қилинган таржимадан сўнг немис тилида турли хил гапларда берилган. Гаплар бадиий адабиётлардан ҳамда оғзаки нутқ шаклларида олинган” (26, 4).

Фразеологик луғат типларини ажратар экан, Б.Йўлдошев ушбу луғатни кўп тилли фразеологик луғатлар сирасига киритади ва унинг ўқув луғати талабларига мос келмайдиган айрим жиҳатларига урғу беради: “Муаллифлар бу асарни ўқув луғати деб ҳисоблайдилар. ... Лекин китоб сарлавҳасида унинг ўқув луғати эканлиги

таъкидлаб кўрсатилмаган. Шунингдек, китобда фақат немис тилидаги шартли қисқартмалар рўйхати берилган, ишда қўлланган “разг.”, “перен.” каби русча қисқартмалар эса бу рўйхатдан ўрин олмаган. Бизнингча, луғатда ўзбекча муқобил фраземаларнинг ҳам шартли қисқартмалар асосида услубий хосланиши кўрсатилиши лозим эди. Асарда немисча фраземалар кўп ҳолларда русча ва ўзбекча муқобил фраземалар билан таржима қилинган, аммо асарда бу тамойилга доим ҳам амал қилинавермайди. Масалан, немисча *Yiele Wenn und Aber* фраземаси рус тилига “многочисленные оговорки (или возражения)” деб, ўзбек тилига эса “кўп, ҳар хил эътирозлар” деб таржима қилинган. Бу фраземанинг ўзбек тилида “узун-қулоқ гаплар”, “олди-қочди гап” сингари муқобиллари бор эди” (4, 104-105).

Луғат корпусининг ўқув-методик қурилма (немис ва ўзбек тилларида ёзилган қисқача сўз боши), шартли қисқартмалар ва луғат қисмларидан ташкил топгани, ҳар уч тилга мансуб ўқув жараёнига оид чегараланган сўзликка эгаллиги, фойдаланувчилар чегаралангани, изоҳларнинг содда ва тушунарли экани ва бошқа белгилар луғат муаллифлари фикрини қўллаб-қувватлашимиз ҳамда луғатни ўқув луғати тоифасига киритишимизга асос бўла олади.

Шунингдек, М.Умархўжаевнинг О.Азамов билан ҳаммуаллифликда нашрга тайёрланган “Немисча-ўзбекча зооним компонентли фразеологизмлар ўқув луғати”ни (27) ҳам ўқув фразеологик луғатнинг сара намуналаридан деса бўлади. Немис тилида фаол қўлланадиган 500 дан ортиқ зоокомпонентли фразеологик иборанинг ўзбек тилидаги изоҳи берилган ушбу луғат бир неча йиллардан буён немис тили дарсликлари учун ахборот банки вазифасини ўтаб келмоқда. Луғатда немис тилидаги ибора ўзбек тилида муқобил ибора мисолида изоҳланган, муқобили бўлмаган фразеологизмларга қисқача изоҳ берилган ва ўзбек тилидаги ўхшаш варианты, аналоги келтирилган.

Истиқлол йилларида айнан мактаб ўқувчилари учун сериясида яратилган бир тилли ўқув фразеологик луғат намунаси сифатида Б.Менглиев, О.Бойматова ва М.Худойбердиеваларнинг 2007 йилда нашр этилган “Ўзбек тили иборалари ўқув луғати”ни (28) келтириш мумкин. Луғатда 1000 тага яқин ибора қисқача изоҳланган бўлиб, сўзлик алфавит тартибига асосланган. Вариантдош иборалар кетма-кет вергул билан ажратилган ҳолда берилиб, сўнгра изоҳланган:

**Avra-astarini ag'dardi, avra-astarini qoqdi, avra-astari so'kildi, avra-astari qoqildi** – barcha kirdikorlarini ochib tashladi. (3-б)

Агар бир неча вариантга эга иборалар кўп маъноли бўлса, маънолари алоҳида изоҳланган:

**Avj oldi, avjiga mindi, avjiga chiqdi** – 1) rivojlandi 2) zo'raydi, kuchaydi. (4-б)

Феъл ибораларни сифат ва равиш иборалардан фарқлаш мақсадида ҳамда ўқувчилар учун қулай бўлишини инобатга олиб, қадимги туркий луғат аънаналарига кўра, асосан, яқин ўтган замон шаклида берилган:

**Ichini it tirnadi** – yashirin holda ruhan bezovtalandi, tashvishlandi. (22-б.)

Кўп маъноли ибораларнинг ҳар бир маъноси араб рақами билан ажратиб, алоҳида изоҳланган:

**Ko'ngli ko'tarmaydi** – 1) yana eb-icha olmaydi 2) yoqtirmaydi. (25-б.)

**Kun o'tkazdi** – 1) vaqt o'tkazdi 2) tirikchilik qildi. (24-б.)

Шаклдош иборалар ўқув изоҳли луғатлар аънанасига кўра, алоҳида-алоҳида рим рақамлари билан берилган:

**Boshiga ko'tardi I** – qattiq shovqin

soldi

**Boshiga ko'tardi II** – yuksak darajada izzat-hurmat qildi (6-б.)

Шаклдош иборалардан бири кўп маъноли бўлганда, унинг ҳар бир маъноси изоҳланган:

**Bosh ko'tardi I** -1) qaradi 2) qilib turgan ishini to'xtaldi 3) qo'zg'aldi, harakat qildi 4) kurashga chog'landi

**Bosh ko'tardi II** - unib chiqdi (6-б.)

Кўриб ўтилганидек, ўзбек ўқув фразеографияси тарихининг XX асрнинг 60-йилларигача бўлган даври соф фразеологик ўқув луғатларининг учрамаслиги, асосан иборалар рус тилини ўргатиш мақсадида тузилган русча-ўзбекча ёки ўзбекча-русча луғатларда таржима жараёнида муайян сўзнинг маъно қирраларини очиш мақсадида синоним сифатида келтирилгани, фразема, парема, мақол ва маталлар, афоризмлар аралаш қўлланигани, аслида мақсад ҳам халқ тилида учровчи турли лексик бирликларни тўплаш ва системага солишга қаратилгани билан характерланади. Истиқлол даври намуналари асосан кўп тилли луғатлар бўлиб, уларнинг муаллифлари аксарият ҳолларда хорижий тиллар бўйича мутахассислар бўлган. Бу, биринчидан, мамлакатимизда чет тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж билан, иккинчидан, луғат негизида ётган иккинчи тил – рус, немис, инглиз ёки бошқа тилларда айнан шу типда яратилган ўқув луғати намуналарининг мавжудлиги, улардан андоза олиш имкони борлиги билан ҳам боғлиқ.

#### Адабиётлар:

1. Бабкин А.М. Русская фразеология, ее развитие, источники и лексикографическая разработка: Автореф. докт. дисс.–Ленинград, 1968.
2. Федоров А.И. Развитие русской фразеологии в конце XVIII- начале XIX в. – Новосибирск: Наука, 1973.
3. Фесенко О.П. Еще раз о фразеологизме / <http://www.filologia.su/o-frazeologizme/#>
4. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013.
5. Ali Emhemed Ali Lahwel. Lingvocultural aspects of training russian language student-philologists in the libyan audience. Doktoral dissertation. – Belgrade, 2017.
6. Волков, С. С. К вопросу о разработке типов семантических определений в современной фразеографии / С. С. Волков, Ю. А. Ермолаева // Frazeografia slowianska. Teoria i praktyka, tradycje, terazniejszosc, przyszosc. - Opole, 2000.
7. Баско Н.В. Принципы лексикографического описания русских фразеологизмов в учебном словаре/ «Вестник. Университет китайской культуры».–Тайвань, 2016. №17.

## ТИЛШУНОСЛИК

8. Верещагин, Е. М. Лингвострановедческая теория слова / Е. М. Верещагин, В. Г. Костомаров. - М.: Рус. яз., 1980.
9. Костомаров В.Г. Отбор и семантизация фразеологизмов в учебном лингвострановедческом словаре / В. Г. Костомаров, Е. М. Верещагин // Словари и лингвострановедение / под ред. Верещагина Е.М. - М.: Рус. яз., 1982.
10. Андропова, Е. В. Традиционная русская фразеология в языковой личности современных школьников и проблемы создания комплексного учебного фразеологического словаря: дис. ... канд. фил. наук: 10.02.01 / Андропова Евгения Владимировна. - Воронеж, 2009.
11. Петренко, Е. Е. Фразеологическая картина мира в художественных текстах для младших школьников: дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01 / Петренко Елена Евгеньевна. - Челябинск, 2008.
12. Бестугина, Ю. В. О лексикографическом описании фразеологических единиц в словарях детской речи / Материалы III Всерос. науч. конф., Иваново, 5-6 апреля 2005 г. - Иваново: Иван. гос. ун-т, 2006.
13. Салман Ахмад Есмаеел. Актуальная политическая лексика и фразеология русского языка новейшего периода и ее представление в учебном двуязычном словаре: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2008.
14. Саад Джихад Аджаж. Фразеологизмы социальной сферы в русском языке новейшего периода и их отражение в учебном двуязычном словаре: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2009.
15. Роголёва Е.И. Современная учебная фразеология: теоретические проблемы и конструирование словарей: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Великий Новгород, 2014.
16. Абдурахимов М.М. Узбекская языковая афористика (фразеология) как объект системы учебных двуязычных словарей (на материале узбекского и русского языков). АҚД. - Ташкент, 1982.; Абдурахимов М. Фольклорная афористика и словарь (на материале узбекского и русского языков) -Ташкент: Фан, 1989.
17. Бушуй Т.А. Фразеология русского языка в двуязычном словаре: дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01 / Бушуй Татьяна Анатольевна. - Самарканд, 1989.
18. Бахриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. – Самарканд. 2020.
19. Умаров Э.А. О фразеологических словарях турецкого языка // Сов. тюркология. 1979. № 2.
20. Баевский С.И. Описание персидских и таджикских рукописей Института народов Азии. Выпуск 5. Двуязычные словари. - М.: Наука, 1968.
21. Қодирий А., Раҳматий С. Русча-ўзбекча тўла сўзлик 2-жилд, П-Я ҳарфлари. – Тошкент – Қозон: Ўздавнашр, 1934.
22. Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
23. Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент, Фан, 1972.
24. Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. - Ташкент, 1989.
25. Садыкова М. Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений. - Ташкент: Ўқитувчи, 1994.
26. Умархўжаев М.И., Назаров Қ.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
27. Умархўжаев М., Азамов О. Немисча-ўзбекча зооним компонентли фразеологизмлар ўқув луғати. Андижон: АДУ, 2015.
28. Менглиев Б., Бойматова О., Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати. – Тошкент: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2007.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).

УДК: 159.922.7:159.94

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР ҲИЙН ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН  
ФЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМ ТАВСИЯЛАРИ**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО РЕШЕНИЮ  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ КОМПЬЮТЕРНЫХ ИГР В СОВРЕМЕННОМ  
ОБРАЗОВАНИИ**

**PEDAGOGICAL PROBLEMS AND RECOMMENDATIONS ON SOLUTIONS OF USING  
THE ELEMENTS OF COMPUTER GAMES IN THE CONTEMPORARY EDUCATION**

**Турсунов Хожиакбар Хамидулло Ҳғли<sup>1</sup>, Минаматов Юсупали Эсонали Ҳғли<sup>2</sup>,  
Мўминов Ислонбек Икронжон Ҳғли<sup>3</sup>**

- <sup>1</sup>Турсунов Хожиакбар Хамидулло Ҳғли – Фарғона политехника институти, ассистент.  
<sup>2</sup>Минаматов Юсупали Эсонали Ҳғли – Фарғона политехника институти, ассистент.  
<sup>3</sup>Мўминов Ислонбек Икронжон Ҳғли – Фарғона политехника институти, талаба.

**Аннотация**

Мақолада ёшлар маънавиятига қудратли социал-психологик таъсир қўрсатувчи омиллар бири - компьютер Ҳинларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш масаласи муҳокама қилинган. Ҳтказилган ижтимоий сўров ва тажрибалар натижалари келтирилган. Компьютер Ҳқув Ҳинларини яратишда эътиборга молик жиҳатлар юзасидан таклифлар берилган. Педагогик компьютер Ҳинларини яратиш ва қўллаш жараёнида юзага келувчи муаммолар санаб Ҳтилган ва ечим сифатида муаллифлар таклифлари келтирилган.

**Аннотация**

В статье рассматривается один из мощных социально-психологических факторов, влияющих на духовность молодежи – использование компьютерных игр в учебном процессе. Приведены результаты социальных опросов и экспериментов. Представлены рекомендации по созданию компьютерных учебных игр. Перечислены проблемы, возникающие в процессе создания и использования педагогических компьютерных игр, даны предложения авторов в качестве решения.

**Annotation**

This article discusses one of the most powerful socio-psychological factors influencing the spirituality of young people - the use of computer games in the educational process. The results of social surveys and experiments are presented. Some suggestions on creating computer educational games are presented. The problems that arise in the process of creating and using pedagogical computer games are listed and the authors' recommendations are given as a solution.

**Таянч сўз ва иборалар:** мафкура, маънавият, ахборот, компьютер Ҳинлари, дидактика, психофизиология, методика, имитация.

**Ключевые слова и выражения:** идеология, духовность, информация, компьютерные игры, дидактика, психофизиология, методика, имитация.

**Key words and expressions:** ideology, spirituality, information, computer games, didactics, psychophysiology, methodology, imitation.

Бугунги кунда дунё миқёсида содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва технологик ўзгаришлар натижасида ҳар бир жамият ҳаётида ахборотнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Глобал тармоқ ва интернетнинг кашф этилиши уни энг қудратли қуролга айлантириб юборди, десак муболаға бўлмайти. Бунинг натижасида халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ҳамда информатсион

курашлар кучайиб бораётгани эса табиий ҳол, албатта.

Интернет орқали тарқатилаётган, асосан вайронкорлик, қонхўрлик, ҳаёсизлик каби турли ёт ғояларни олға суриш, шунинг билан ёш авлод маънавиятига зарба беришга йўналтирилган воситалардан бири компьютер Ҳинларидир. Айниқса, талабалар учун компьютер, энг аввало,

## ПЕДАГОГИКА

мақсадли оддий кўнгилочар воситадир. Шунинг учун одатда уларнинг компьютер билан танишуви компьютер ўйинлари орқали амалга ошади. Аслида эса, компьютер ўйинлари жуда қудратли социал-психологик таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Ғоявий ва график жиҳатдан мукамал яратилган, кишининг бутун диққат-этиборини ўзига торта оладиган компьютер ўйинлари ҳар қандай талабанинг руҳий ҳолатига таъсир қила олиш хусусиятига эга.

Айниқса ўсмирлар баъзан соатлаб компьютер ўйинларини ўйнашдан зерикмасликлари, энг асосийси ҳали мустақил фикрловчи шахс сифатида шаклланиб улгурмаганликлари сабабли кўп ҳолларда ўйинлардаги образларнинг хатти-ҳаракатини ҳаётий каби қабул қилишлари уларнинг ана шу ўйин ғоялари таъсирига тушиб қолиш ҳолатларини юзага келтиради. Вайронкорлик, қонхўрлик, зулм, зўравонлик каби тубан ғоялар олға сурилган ўйинларни мунтазам ўйнашлари натижасида уларда бундай тушунчаларга нисбатан бефарқлик туйғусининг шаклланишига йўл очилади. Демак, ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири – бу, четдан келаётган ҳар қандай ғоявий ёт ахборотнинг, жумладан, компьютер ўйинларининг таъсиридан ёшларимизни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдир. Албатта, интернет тармоғи ва ҳар хил хотира қурилмалари орқали муомалага киритилаётган ўйинларни бутунлай суриб чиқаришнинг имкони йўқ. Ҳамонки ёшларни компьютер ўйинларининг салбий таъсиридан қутқара олмас эканмиз, бу таъсирни енгишнинг йўли, бизнингча, фақат битта: чет эл давлатлари фирмалари томонидан тақдим қилинаётган бефойда ўйинлар ўрнига улар билан рақобатбардош, шу билан бирга миллий руҳда яратилган, сценарийси айнан Ўзбекистон таълим тизимида талабаларни ўқитишда қўлланилаётган ўқув дастурлари ва ДТСга мос келадиган ўйинлар яратишдир.

#### **Қўлланилган услуб ва сўровлар натижалари**

Компьютер ўқув ўйинларини яратишдан аввал мактаб ўқувчилари ва талабаларни қандай турдаги ва

мавзудаги ўйинлар қизиқтиришини аниқлаб олиш, яратилажак ўйиннинг келажақдаги самарадорлигини янада оширади. Қуйида Архангельск ўқитувчилар уюшмаси раиси ПДУ умумий тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди А.Фельдт томонидан Архангельск шаҳридаги 21-сонли гимназия 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўров натижалари келтирилган. Сўровда қуйидаги саволлар берилган:

1. Сизда компьютер билан ишлаш имкони мавжудми (уйда, дўстларникида, компьютер клубларида, ота-онасининг ишхонаси ва ҳ.к.)?

2. Компьютердан ўйин ўйнаш учун фойдаланасизми? Агар жавоб “ҳа” бўлса, сизга қайси компьютер ўйинлари кўпроқ ёқади? Акс ҳолда қандай ўйинлар ҳақида ўқигансиз, эшитгансиз ёки кўргансиз?

3. Тарихий мавзудаги ўйинларни ўйнаганмисиз? Агар жавоб “ҳа” бўлса, қайсиларини? (1-илова)

Сўров натижаларига кўра, унда қатнашганларнинг 50% дан зиёдроғи тарихий мавзудаги ўйинларни ёқтиришини таъкидлаганлиги аниқланган. Ўқувчилар умумий жавобдан ташқари ўз фикрларини ҳам билдириб ўтишган. Улардан бири ўзи ўйнаган тарихий ўйинлардан бирининг таълимий аҳамиятини қуйидагича ифодалаган: «Из “Корсаров” я узнал много о кораблях, снарядах (бомбы, картечь, кнippели, ядра) и многое другое». Баъзилари эса айнан бир ўйиннинг номини кўрсатмаган бўлсалар-да, тарихий атамаларни ёдга олишган («Играла, не помню в какую, – с рыцарями»; «Да, во всякие войны»).

Ўқувчиларнинг жавобларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, компьютер ўқув ўйинларини тарихий мавзуларда яратиш, айниқса, тарих фанини ўқитишда юқори самара бериши мумкин. А.Фельдтнинг фикрича, тарих ўқитувчилари бундай ўйинлардан қуйидаги усулларда фойдаланишлари мумкин экан:

- ўқувчиларга ўйинлардаги тарихий хатоларни топиш ва улар ҳақида изоҳ ёзишни таклиф қилиш (2-илова);

- тарихий мавзудаги янги ўйинлар ҳақида доимий суҳбат ҳамда уларнинг камчилиги ва афзалликларининг таҳлили;

- бирор тарихий воқеа ёки давр яхши очиб берилган ўйин юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказиш.

Айнан бир ўйинни баҳс мавзуси сифатида танлашда яратилаётган ўйинларга нисбатан муаллиф ва мутахассисларнинг фикрини билиш жуда муҳим. Шунинг учун компьютер ўйинларига бағишланган журналлардаги маълумотлардан фойдаланиш лозим (мақола муаллифи Россияда кенг тарқалган «Игромания», «Game.exe», «Mega game» номли журналларни санаб ўтган). Юқоридаги келтирилган тажрибаларга асосланган ҳолда 1-курс талабаларида муаллифлар томонидан

сўров ўтказилган. Сўровда қуйидаги саволлар берилган:

1. Сизга кўпроқ нима ёқади: киноми ёки компьютер ўйинлари?

2. Қандай компьютер ўйинларини ўйнагансиз?

3. Компьютер ўйинлари туфайли қандай атама ёки тарихий шахсларни билиб олдингиз?

Сўровларда 1-курс талабаларидан ташкил топган 40 нафар талаба қатнашди. Улардан 15 нафари қизлар бўлиб, ўғил болалардан 4 нафари, қизлардан 6 нафари умуман компьютер ўйинларини ўйнамаганликлари ва улар ҳақида тасаввурга эга эмасликларини таъкидлашган. Шунга кўра, қуйида 30 нафар талабанинг жавоби жадвалга жойлаштирилди.

**Сизга кўпроқ нима ёқади: киноми ёки компьютер ўйинлари?**

**1-жадвал**

Категория	Жавоблар сони
Кино	12
Компьютер ўйинлари	18
Ҳар иккиси ҳам	8

**2-жадвал.**

Қандай компьютер ўйинларини ўйнагансиз?		Компьютер ўйинлари туфайли қандай атама ёки тарихий шахсларни билиб олдингиз?	
Ўйин номи	Жавоблар сони	Атама, жой номи ёки шахс	Жавоблар сони
Zume Deluxe	10	АК-47	24
Alien Shooter	7	Калашников	22
GTA	17	Катапульта	6
CS	24	Драгунов	5
Generals	5	Бомбардировщик Фоккер	3
Wov	4	Галера	7
Empire Earth II	7	Линкор	6
Medal of honor	4	Фрегат	5
Веселая ферма	6	Колизей	10
Шахмат ва шашка	4	Берлин	14
Бошқа турли ўйинлар	22	Грозний	4
		Гитлер	8
		Македонский	4
		Наполеон	5

Юқоридаги жадваллардан кўришиб турибдики, талабаларнинг 55-60 % қисми компьютер ўйинларини афзалроқ билишар экан. Демак, телевизорда нафақат таълим-тарбияга оид, балки

ихтиёрий мавзуда кинофильмлар берилаётган вақтда, агар имконият бўлса, улар компьютер ўйинларини ўйнаб ўтирганликларини кўпроқ кузатишимиз мумкин экан. Энг ачинарлиси шундаки,



## ПЕДАГОГИКА

ёдга олинган ўйинларнинг асосий қисми уруш, одам ўлдириш, зўравонлик мавзуларидаги ўйинлардир. Шунга мос равишда атамалар ҳам ана шу мавзуга оид қурол ва шахс номларидан. Бу масаланинг салбий томонидан бўлса, иккинчи томондан талабаларнинг айнан шу мавзуга қизиқишларидан уларда ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантириш, мамлакатимизда яшаб ўтган тарихий шахслар ҳамда тарихий жараёнлар ҳақидаги билимларини ошириш, тарихий ва ҳозирги географик жойлар ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш каби мақсадларда фойдаланиш мумкин.

“2x2”, “Харита” номли ўйинларни таълим мақсадида қўллаш юзасидан тажриба ва унинг натижалари.

## “2x2” ўйини.

Натижалар:

“2x2” ўйини бошланғич синф талабаларини кўпайтириш жадвалини ёд олишларига ёрдамчи восита бўлиб, уни қўллашдаги самарадорлик 2019 йил май ойида 1-курсда ўқийдиган паст ва ўртача ўзлаштирувчи 15 нафар талаба жалб қилинган ҳолда тажриба ўтказиш орқали аниқланди. Улардан 7 нафари биринчи марта компьютердан фойдаланаётган бўлиб, сичқончадан фойдалана олмаслиги туфайли тажрибанинг дастлабки босқичларида вақт жиҳатдан нисбатан ортда қолди. 10 нафар талаба эса асосан билимининг пастроқлиги билан ажралиб турди.

Ҳар бир талаба 6 кун давомида ҳар куни 3 мартадан 10 минут давомида ўйинда иштирок этди.

## 1-КУН

## Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар

Муаммо	Талабалар сони
Сичқончадан фойдалана олмаслик	7
Интерфейсга тушунмаслик	10
Кўпайтириш жадвалини билмаслик	10

## Олинган натижалар

Баҳо	Талабалар сони
Аъло (ўйинда яширилган расмни кўра олганлар)	0
Аъло	3
Яхши	5
Қониқарли	4
Қониқарсиз	3

## 4-КУН.

## Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар

Муаммо	Талабалар сони	Олинган натижалар	
		Баҳо	Талабалар сони
Сичқончадан фойдалана олмаслик	1	Аъло (ўйинда яширилган расмни кўра олганлар)	4
Интерфейсга тушунмаслик	1	Аъло	3
Кўпайтириш жадвалини билмаслик	2	Яхши	3
		Қониқарли	5
		Қониқарсиз	0

## 6-КУН.

## Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар

Муаммо	Талабалар сони	Олинган натижалар	
		Баҳо	Талабалар сони

Сичқончадан фойдалана олмаслик	0	Аъло (ўйинда яширилган расми кўра олганлар)	4
Интерфейсга тушунмаслик	0	Аъло	5
Кўпайтириш жадвалини билмаслик	1	Яхши	3
		Қониқарли	3
		Қониқарсиз	0

Тажриба натижасида талабалар билимининг самарадорлиги 53 фоиздан 80 фоизгача ўсгани кузатилди.

Тажриба натижалари Фарғона политехника институти Компьютерлашган лойиҳалаш тизимлари факультети Интеллектуал муҳандислик тизимлари кафедрасига тақдим этилди ва ўйин 2021 йил кафедра ойлигида ўтказилди ҳамда талабалар учун мўлжалланган “Компьютер саводхонлиги”, “Дастурчи” тўғрақларида қатнашиш тавсия этилди. Ушбу тажрибалар вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди.

#### “Харита” ўйини.

Ушбу ўйиннинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган синовга Фарғона политехника институти “ИМТ” кафедраси ИМТ йўналиши талабаларидан 3 нафари жалб қилинди. Улар Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фани бўйича, икки нафари 71-20 ИМТ ва бир нафари 70-20 ТЖБАКТ йўналиши талабалари. Талабалар ўйиндан 2 ой давомида ҳар куни 30 дақиқа фойдаланишди.

Тажрибалар олиб борилди.

Натижалар:

#### 1-КУН.

Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар		Олинган натижалар	
Муаммо	Талабалар сони	Баҳо	Талабалар сони
Сичқончадан фойдалана олмаслик	0	Аъло	1
Интерфейсга тушунмаслик	2	Яхши	1
Билимнинг етишмаслиги	2	Қониқарли	1
		Қониқарсиз	0

#### 1-ҲАФТА.

Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар		Олинган натижалар	
Муаммо	Талабалар сони	Баҳо	Талабалар сони
Сичқончадан фойдалана олмаслик	0	Аъло	1
Интерфейсга тушунмаслик	0	Яхши	1
Билимнинг етишмаслиги	2	Қониқарли	1
		Қониқарсиз	0

#### 1-ОЙ.

Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар		Олинган натижалар	
Муаммо	Талабалар сони	Баҳо	Талабалар сони
Сичқончадан фойдалана олмаслик	0	Аъло	2
Интерфейсга тушунмаслик	0	Яхши	1
Билимнинг етишмаслиги	1	Қониқарли	0
		Қониқарсиз	0

#### Яқуний натижа.

Ўйиндан фойдаланишдаги муаммолар		Олинган натижалар	
Муаммо	Талабалар	Баҳо	Талабалар

## ПЕДАГОГИКА

	СОНИ		СОНИ
Сичқончадан фойдалана олмаслик	0	Аъло	2
Интерфейсга тушунмаслик	0	Яхши	1
Билимнинг етишмаслиги	0	Қониқарли	0
		Қониқарсиз	0

Икки ой давомида олиб борилган машғулотлар натижасида талабалар ўрта таълимнинг “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” курси бўйича ўйинга қамраб олинган мавзулар бўйича 100% самарадорликка эришдилар. Ушбу ўйин ва тажриба натижалари ҳам туман халқ таълими бўлимига топширилди ҳамда туман миқёсида фойдаланиш учун оммалаштирилди.

Сўров ва тажрибалар натижасидан келиб чиққан муаммолар ва уларнинг ечимини топиш учун таклифлар.

Юқоридаги сўров ва тажрибалардан ташқари тумандаги мактаб ўқитувчиларининг билимлари ва мактабларнинг керакли воситалар билан таъминланганлик даражаси ҳам ўрганиб чиқилди. Натижада ўша даврда қуйидаги муаммолар аниқланди.

**Муаммо.** Аксарият талабаларга уруш, вахшийлик, вайронкорлик, фантастик мавзулардаги ўйинларнинг ёқиши ва мунтазам ана шундай ўйинларни ўйнашлари уларнинг эндигина шаклланаётган онгини заҳарлаш учун четдаги қора кучларга имконият яратиб беради. Уларни бундай ўйинларни ўйнашдан қайтариш учун тақиқлаш, ёт ғояга йўғрилган ўйинларнинг кириб келишига тўсқинлик қилиш орқали уриниш етарли даражада самара бермаслиги мумкин.

Ёт ғоя билан йўғрилмаган тақдирда ҳам аксарият ўйинлардаги сюжетларнинг реал ҳаётдагидан фарқ қилиши (масалан, жаҳон тарихи билан боғлиқ компьютер ўйинларининг кўп вариантлилиги). Бу ҳақда кўплаб компьютер ўйинлари муаллифи С.Мейер шундай дейди: «Биз яратаётган ўйинларнинг мақсади таълим бериш эканлигига ишончим комил эмас. Firaxisда яратилаётган ўйинлар, биринчи навбатда юқори сифатли кўнгилочар воситадир. Биз танлайдиган мавзуларда таълим элементлари учраса-да, кимгадир таълим

беришни мақсад қилиб қўймаганмиз»<sup>2</sup>. Бундай ўйинлар талабаларда хаёлпарастлик туйғуларини шакллантириши, уларда ёлғон билимларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

**Таклиф.** Албатта, интернет тармоғи ва ҳар хил хотира қурилмалари орқали муомалага киритилаётган ўйинларни бутунлай суриб чиқаришнинг имкони йўқ. Ҳамонки баъзи ёшларни компьютер ўйинларининг салбий таъсиридан қутқара олмас эканмиз, бу таъсирни енгишнинг йўли, бизнингча фақат битта: «Alien Shooter», «Plants Vs Zombies», «COD» «Эпоха империй», «Геттисберг!», «Красный барон», «Цивилизация», «Сегун: Тотальная война», «Противостояние», «Корсары», «Казачи», «Тихий охотник», «Помпеи» каби чет эл давлатлари фирмалари томонидан тақдим қилинаётган бефойда ўйинлар ўрнига улар билан рақобатбардош, шу билан бирга миллий руҳда яратилган, сценарийси айнан Ўзбекистон таълим тизимида талабаларни ўқитишда қўлланилаётган ўқув дастурлари ва ДТСга мос келадиган ўйинлар яратишдир. Чунки Президентимиз айтганларидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш энг тўғри йўлдир.<sup>3</sup>

**Муаммо.** Юқоридаги тажрибалар давомида баъзи талабаларда ўйиндан зерикаш ҳолати кузатилди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўйинларнинг интерфейси, эффектга бойлиги ва ранг-баранглиги жиҳатдан профессионал дастурчилар томонидан яратилган ўйинларга нисбатан анча қоқоқ эканлиги.

<sup>2</sup> Жумла И.М.Губкин номли Россия нефть ва газ давлат университети АБТ кафедраси доценти т.ф.н. В.Д.Сапуновнинг “Компьютерные деловые игры и дистанционное образование” номли мақоласидан олинди.

<sup>3</sup> ФарПИ профессор-ўқитувчилар ва талабалар илмий-амалий конференциясида эълон қилинган

Бундан ташқари, ўйинлар улар истаган типдаги ўйинлардан эмас.

**Таклиф.** Мунтазам равишда сўровлар ва кузатишлар олиб бориш ҳамда ўйинларни талабаларнинг қизиқишлари ва давлат таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда яратиш. Бу жараёни жамоавий тарзда бажариш (етақчи педагог, психолог, дизайнер ва дастурчи кабилар иштирокида).

**Муаммо.** Навбатдаги муаммо аввалги муаммонинг ечими сифатида берилган таклиф оқибати сифатида юзага келадиган иқтисодий муаммодир. Жамоавий яратиладиган юқори сифатли ўйинларнинг таннархи жуда қиммат бўлади (айниқса ишга четдан одам ёлланганда).

**Ечим.** Таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ташаббускор педагог кадрлар орасидан туман, вилоят ёки республика миқёсида шу соҳа билимдонларини қидириб топиш, улардан жамоа тузиш ва уларнинг меҳнатини маънавий-иқтисодий ва методик қўллаб-қувватлаш орқали ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш.

Ёки махсус давлат грантларини олиш орқали иқтисодий муаммони ҳал этиш мумкин.

### **Хулоса**

Ўтказилган сўров ва тажрибалар шуни кўрсатдики, компьютер ўйинлари ёрдамида ташкил этилган машғулотлар

ўқитишнинг бошқа етакчи усулларида қилинмагани ҳолда, ҳатто баъзи кўрсаткичлар бўйича нисбатан юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Масалан, 1-курс талабаларига кўпайтириш жадвалини “2x2” ўйини ёрдамида ўргатиш, 1-курсда ўқитиладиган информатика ва ахборот технологиялари фанини ўргатишда фан ўқитувчисига енгиллик яратади. Чунки 1-курсда информатика ва ахборот технологиялари дарсларида камида 3-4 та дарс талабаларда сичқонча, клавиатура ва умуман компьютер билан муомала қилиш борасида кўникмаларни шакллантириш билан ўтиб кетади. Буни юқорида берилган тажриба натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Унга кўра 1-кун 46% талаба сичқончадан фойдалана олмаган бўлса, 6-кунга келиб уларнинг ҳаммаси нафақат сичқонча, балки компьютер билан ишлаш кўникмасига эга бўлдилар. Бундан ташқари, тажриба бошида талабалар билими самарадорлиги 53% бўлган бўлса, синов охирида натижа 80% самарадорликни ташкил этди.

“Харита” ўйини билан ўтказилган тажрибалар ҳам шунга яқин кўрсаткичлар билан яқунланди. 2 ой давом этган синов бошида 2 нафар талаба билими етишмаслиги натижасида яхши ва қониқарли натижаларга эришган бўлса, якуний синовларда 2 та аъло ва битта яхши натижа кўрсатди. Бу эса 100% ли самарадорлик демакдир.

### **Адабиётлар:**

- 1..Махкамов А.А, Жуманазаров С.С., Машарипов М.П.. Таълим жараёнида педагогик дастурий воситалар / ЎУМ, Т., 2018
2. Зокиров С.И. ва б. 2x2. DGU05597 Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги расмий ахборотномаси. 2-том, 225-226-саҳифалар. –Т., 2018 .
3. С.И.Зокиров. Ўйин кўринишидаги электрон ўқув-қўлланмаларни яратиш технологияси ва дастурий воситалари / МД., Фарғона: 2013
- 4..Зокиров С.И. и др. Программа ЭВМ для обучения и оценки знаний по дисциплине «Экономическая география Узбекистана». 8-й класс. DGU06099 Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги расмий ахборотномаси. 3-том, 320-саҳифа, 2019 йил.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)

ПЕДАГОГ ВА ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

ФАКТОРЫ И МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ КАЧЕСТВ ПЕДАГОГОВ И  
СТУДЕНТОВ

FACTORS AND METHODS OF DEVELOPING THE CREATIVE QUALITIES OF  
TEACHERS AND STUDENTS

Каримова Мукаддас Отажоновна<sup>1</sup>, Арипов Зоиржон Тоиржонович<sup>2</sup>,  
Оламова Маъмура Умаровна<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Каримова Мукаддас Отажоновна

– Фарғона давлат университети, педагогика  
кафедраси доценти.

<sup>2</sup>Арипов Зоиржон Тоиржонович

– Фарғона давлат университети, ўқитувчи.

<sup>3</sup>Оламова Маъмура Умаровна

– Фарғона давлат университети, магистрант.

**Аннотация**

Мақолада креативлик тушунчасига оид педагог ва талаба ёшларнинг креативлик – янгилик яратиш, муаммоларни ечишга қаратилган ижодий қобилияти эканлиги, унинг мазмунида оригиналлик, амалийлик, ноодатийлик ва эркинлик ҳақида хорижлик олимлар фикрлари баён этилган.

**Аннотация**

В статье описаны мнения зарубежных учёных о креативности педагога и студента как понятия креативности – создание новизны, творческая способность в решении проблем, оригинальность в их содержания, практичность, необычность и свобода.

**Annotation**

The article describes the views of the foreign scientists on the creativeness of a teacher and student as the notions of the creativeness – creating the novelty, creative capability in problem solutions, uniqueness in their contents, practicality, extraordinariness and freedom.

**Таянч сўз ва иборалар:** креативлик, педагог ва талаба – ёшлар, креатив фикрлаш, стереотиплар, ижодкорлик, тасаввур.

**Ключевые слова и выражения:** креативность, педагог и студенческая молодежь, творческое мышление, стереотипы, творчество, воображение.

**Key words and expressions:** creativeness, pedagogy and student – youth, creative thinking, stereotypes, creativity, imagination.

Креатив фикрлаш – бу, инновацион (янги, новатор, [оригинал](#), ностандарт, ноодатий ва ҳоказо...) ва самарали (амалий, натижавий, тежамли, оптимал ва ҳоказо) ечимларни топиш, янги билимларни эгаллаш, тасаввурни таъсирчан ифодалашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида самарали иштирок этиш қобилияти.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида алоҳида айтиб ўтилган: “Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши

ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш”.

Креатив фикрлаш бизга муаммоларни ҳал қилишда ноодатий ечим топишга ёрдам беради. Бироқ биз уни танқидий фикрлаш билан адаштириб юбормаслигимиз, аксинча, бизга имконсиз муаммоларни ҳал қилишда бир-бирини тўлдириб турувчи ечимларни топишда ёрдам берадиган бағрикенгликдек қарашимиз керак.

Креативлик учун қуйидагилар муҳим ҳисобланади: педагогик масалаларнинг кўп хиллиги ва уларни ҳал этишнинг вариативлигини тушуниш, ўз маҳоратининг даражаси ва тавсифини ҳамда уни ривожлантириш мумкинлигини тушуниш, уни такомиллаштириш хоҳиши, янги ечимлар зарурлигини тушуниши ва унга психик

тайёргарлик ҳамда уни амалга оширишга ишонч.

Креативликни: ижодга интилиш, ҳаётга ижодий ёндашиш, ўзига доимий танқидий назар солиш ва таҳлил этиш, дейиш мумкин. Ҳозирги замон психология ва педагогика луғатларига асосланиб ўқитувчининг креативлиги деб, унинг фикрларидаги, сезгиларидаги, мулоқотдаги, алоҳида фаолият туридаги, ижодий ёндашиш, билиш даражаси, деб таърифлаш мумкин.

Ғилдиракнинг кашф этилишидан бошланган яратувчанлик намуналари бугун коинотда кезиб юрибди. Инновациялар кундалик турмушимизда қулайликлар яратади, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилади. Шу тарзда креативлик тараққиётнинг ажралмас бўлагига айланган. Барча соҳада ижодий фикрловчи мутахассисларга талаб катта. Дунёга машҳур дастурий маҳсулотлар, мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи компаниялар мутахассисларидан ҳар кун янги ғоя сўралади.

Меҳнат бозорида креатив фикрловчи мутахассисларга талаб ошиб бораётган экан, таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ноодатий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ривожлантириш долзарб вазифадир. Ҳалигача таълим тизимида кўплаб ёндашув ва методлар ижодий фикрлаш эмас, талқин ва таҳлилга, яъни берилган маълумотни тушуниб, тўғри етказишга, нари борса, бир неча [ахборотни умумийлаштириб](#), хулоса чиқара олишга йўналтирилган.

Хўш, таълим олувчиларни қандай қилиб креатив фикрлашга ўргатиш мумкин? Инновация яратиш учун тафаккурда қандай ўзгаришлар кечиши лозим? Тасаввур билимдан муҳим(ми?) Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш учун дастлаб бу тушунчанинг мазмунини билиш лозим. Креативлик инглизча “create”дан олинган бўлиб, яратиш маъносини билдиради. Креативлик деганда инсоннинг янгилик яратиш, муаммоларни ечишга қаратилган ижодий қобилияти тушунилади. Унинг мазмунида оригиналлик, амалийлик, ноодатийлик ва эркинлик ётади. Шунингдек, креатив фикрлаш муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш, бир нуқтага турли ёндашишни англатади.

Креативлик шахсни ривожлантирувчи категория сифатида инсон тафаккури, маънавиятининг ажралмас қисми ҳисобланади, у шахс эга бўлган билимларнинг кўпқиррали

эканлигида эмас, балки янги ғояларга интилиш, ўрнатилган стереотипларни ислоҳ қилиш ва ўзгартиришда, ҳаётий муаммоларни ечиш жараёнида қутилмаган ва ноодатий қарорлар чиқаришда намоён бўлади. Яъни, берилган билимларни такрорлаш орқали креативликка эришиб бўлмайди, ижодий фикрлаш жараёнида янги фикр, янги ғоянинг пайдо бўлиши асосий шартдир.

Масалан, инглиз тилида сўзларни ёдлаб, грамматика қоидаларини “сув қилиб ичиб юборган” бўлсангиз ҳам, иншо ёзолмасангиз, барчаси бекор. Шунинг учун креатив фикрлаш жараёнида тасаввур муҳим роль ўйнайди. Алберт Эйнштейн “Тасаввур билимдан муҳим” деганида айнан мана шу жиҳатни назарда тутган. Кўпинча ноодатий фикрлар, ечимлар қутилмаганда инсон ҳаёлига келади. Бунинг учун, аввало, фикрлаш [жараёнидаги бир хилликка](#), одатийликка барҳам берилиши лозим.

Инсон мияси ўз ишини “енгиллаштириш”, “қулайлаштириш” учун шаблон ва стереотиплардан фойдаланади. Стереотиплар шу пайтгача маълум бўлган ва умумқабул қилинган фикрлардир. Улар асосида фикрлаш бизга ҳеч қандай янги ғоя бермайди. Қолипларнинг юзага келишида жамиятда устувор бўлган ижтимоий фикр, медиамаҳсулотларда тақдим этилаётган шакл ва кўринишлар ҳам етакчи ўрин тутаяди. Инсон оммадан ажраб қолмаслик нуқтаи назаридан ҳамманинг фикрига қўшилади. Қолаверса, “оқим бўйлаб сузиш” мустақил фикрлашдан кўра осон туюлади. Стереотиплар орқали фикрлаганда муайян мавзу бўйича инсон онгига “сўров” берилганида одатий маълумот ва мулоҳазалар юзага келади. Креатив фикрловчи инсонлар одатий манзаралардан ўзгачароқ тасвирларни ҳам тасаввур қилиб, ҳеч ким илғамаган жиҳатларни пайқайди, янгилик ярата олади.

Энг ажабланарли жиҳати, таълим-тарбия жараёни ҳам болаларни бир хил фикрлашга ўргатиб қўяркан. Машҳур ихтирочи ва кашфиётчиларнинг айнан мактабдаги таълим жараёнидаги бир хилликка кўника олмагани, қолипларга сиғмаганини кўриш мумкин. Масалан, Алберт Эйнштейннинг мактабдан ҳайдалиши ёки Дмитрий Менделеевнинг кимё фанидан “уч” олгани бунга мисол бўлади [1.112].

Ижодкорликни юзага келтириш учун стереотипларнинг онг ости даражасида ижоддан чекловчи функция, шаблонлардаги тўсиқни англаш, қолиплардан воз кечиш зарур.



## ПЕДАГОГИКА

Томас Эдисон “Креативлик – ғайри ихтиёрий жараён”, дейди. Лекин ҳар куни кўплаб мутахассислар муаммоларга ноодатий ечим топишга зарурият сезади. Улар мана шу ғайриихтиёрий жараёни ихтиёрийлаштириши мумкинми? Табиатда янги фикрларни юзага келтирувчи “сеҳрли таёқча” йўқ, бироқ ҳар қандай мутахассиснинг креатив ўйлашига кўмаклашадиган кўплаб усуллар мавжуд. Бунинг учун ижодий фикрлашга вақт ажратиш, ижодий салоҳиятни англаш лозим [2,81].

Муаммоли масалага дуч келган пайтингизда ижодкорлик чегараларини белгиланг. Ўзингиздан “Энг оддий ечим нимада?”, деб сўранг. Кейин “муаммони ҳал қилишнинг ақлбовар қилмас варианты”ни тасаввур қилинг. Оддий ва ҳайратланарли ечим ўртасида сизга ижодий майдон пайдо бўлди. Энди янги ғоя мавҳум эмас, унинг чегаралари мавжуд. Бу, ижод жараёнидаги психологик босимни енгиллаштиради.

Эдвард де Боно таклиф этган “Олти рангли шляпа усули”да бирор мавзу танланади. Навбатма-навбат шапкалар кийилади: оқ – диққат билан, ҳеч қандай эмоциясиз барча фактлар текширилади; қора – камчиликлар аниқланади; сариқ – мавжуд ҳолат таҳлил этилади; яшил – яна янги бир неча ғоялар қўшилади; қизил – эмоционал муносабат билдирилади; кўк – иш хотималанади [3,72].

Масалан, таълим тизимида оид қонунчиликни такомиллаштириш мавзуси кўрилатган бўлса, мавжуд қонунчилик ўрганилади, камчилик ва бўшлиқлар аниқланади. Қонуний меъёрларнинг реал ҳолат билан мослиги ёки қарама-қаршилиги ўрганилади. Таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи таклифлар берилади, улар амалга ошса, қандай самара бериши изоҳланади.

Уолт Дисней кўнгилочар соҳада ўз саноатини яратган, анимацион мультфильмлари билан бутун дунёга танилган шахс. У дунёга машҳур персонажларини яратишда креативликнинг уч фазаси - хаёлпараст, реалист, танқидчи образидан фойдаланади. Яъни, хаёлпараст ролида ҳеч қандай чегарасиз хаёл суради, фантазия яратади.

Бу жараёнда у Бахнинг “Токката, fuga ре минор” мусиқасини эшитишини айтган. Хаёлида образлар яратилгандан кейин уни реаллик билан уйғунлаштиради. Персонаж қандай ҳаракатланади, қандай гапиради, – барчасини конструктор сифатида жонлантиради, реаллаштиради. Шундан кейин

хаёлпараст ва реалист ишини танқидчи кўриб чиқади. Танқидчи “фильтр” вазифасини бажаради. Уолт Диснейнинг ютуғи хаёлпараст, реалист, танқидчини битта шахсда жамлай олганидир. Оддий фикрловчиларда уларнинг биттаси устуворлик қилади [4,128].

Тасодифларга бефарқ бўлманг. Жуда кўплаб ихтиролар фавқулудда ва тасодифий ҳолатларда амалга оширилган. Яъни, тақдирнинг ўзи инсонга нозик ишоралар беради. Бу Исаак Ньютоннинг бошига тушган олма, антибиотикни кашф этган олим Александр Флемингнинг ювилмай қолиб, моғорлаган лаборатория идишлари кўринишида бўлиши мумкин.

Бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсаларни боғлаш. Мобил телефон ва компьютер имкониятларини бирлаштириш орқали планшет, юк машинасига антенна ўрнатилиб, кўчма станция, қайиққа осиб қўйилган мато туфайли елканли кемалар пайдо бўлган. Шотландиялик шифокор Ж.Данлопнинг ўғли тош йўлдан велосипедда юриб қийналар эди. Данлоп боғини шланг билан суғора туриб, унинг енгил пружинасимон сакрашига эътибор берди. Натижада биринчи бўлиб шинани кашф этди [2,57].

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ўқитувчининг креативлиги, бу, унинг қатъий, чегараланган ёки суст чегараланган шароитларда ҳар хил оригинал ғояларни излаб топиш лаёқатидир. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш қуйидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ креативлик таркибий компонентларини ажратиш имконини беради:

1. Интеллектуал (ақлий).
2. Ахлоқий (ўз-ўзини бошқариш).
3. Мотивацион (мақсадли).
4. Эмоционал (ҳис- ҳаяжонли).

Креатив лаёқат қуйидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган қисмлардан иборат бўлади:

1. Креатив мақсад.
2. Ижодий интилиш.
3. Креатив (установка) қуриш.
4. Креатив йўналиш.
5. Креатив ифодали акт.
6. Креатив ўз-ўзини бошқариш.
7. Креатив фаоллик.
8. Креатив интилишлар даражаси.

Ўқитувчининг креативлиги унинг ижодий фаолиятида пайдо бўлади ва ривожланади [4,128].

Креативлик ўқитувчининг ижодий фаолиятида ижодий интилиши, ижодий қобилияти, креатив мақсади, йўналиши ва ўзини бошқара олишида кўринади ва унинг

фаоллиги, ўзини-ўзи бошқара олиши билан етук ривожланаётган, ўсаётган шахсга айланаётганини билдиради.

Педагогнинг креатив компетентлиги унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У креатив фаолиятнинг дастлабки шarti ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив компетентлик негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креативлик билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг креатив компетентлиги анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуйидагиларда намоён бўлади:

- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;

- янги ғояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаниқликка тоқат қилиш [5,76].

Педагог креативлик компетентликка эга бўлиши учун касбий фаолиятида ўз эътиборини қуйидагиларга қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;

- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;

- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;

- ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш.

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгалиги билан боғлиқ.

Креативликни ривожлантириш таълим ва фаолият жараёнида зарур ҳисобланади. “Креативлик” концепцияси ва атамаси ХХ асрнинг охиридан бошлаб қўлланила бошланди. Хорижий олимлардан Л.Терсон, Ж.Гилфорд, Б.Гизелин, С.Медник, В.Смит, П.Торренс, К.Тейлор, Х.Трик, Д.Халперн ва бошқалар бу йўналишда тадқиқотлар олиб борганлар.

Сўнгги йилларда креативлик Л.Н.Алексеева, А.Н.Виноградов, И.Н.Семенов, Т.А.Ребекова, Н.В.Кипиани, В.Р.Пятрулис ва бошқалар томонидан фаол ўрганилмоқда [7,176].

Креативлик ва шахснинг ижодий етуқлик динамикасини индивидуал, гуруҳий ва жамоавий шаклда олиб борилган мониторинг тадқиқотлари ўрганилаётган шахснинг ижодий мойиллигини экспериментал равишда ташхислаш имконини берди.

Олдимизда турган долзарб вазифа – мустақил ҳаётий позиция, ижтимоий фаоллик, юксак ақлий ва маънавий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган педагог, талаба – ёшларга йўналтирилган таълим, яъни таълим-тарбия беришнинг амалий педагогик тизимини ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишни тақозо этади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон [Фармони](#).
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
3. Муслимов Н.А, Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. “Инновацион таълим технологиялари” – Т.: Сано стандарт, 2015.
4. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари . – Т., 2015.
5. Кузьмина Н.В. Основы акмеологии – М., 2007.
6. Каримова М. Ўқитувчи компетентлиги ва креативлигини такомиллаштиришнинг педагогик асослари. (Касб-хунар коллежлари мисолида). Монография. –Т.: Доно, 2020.
7. Роу А.Дж. Креативное мышление / Пер.с.англ. В.А.Островкого. – М.: НТ Пресс, 2007.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)



ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
ИМКОНИАТЛАРИНАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ  
САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВSCIENTIFIC-PEDAGOGICAL CAPABILITIES IN ORGANIZATION OF STUDENTS'  
INDEPENDENT WORKУмаров Санжарбек Сидиқович<sup>1</sup><sup>1</sup>Умаров Санжарбек Сидиқович*–Қўқон давлат педагогика институти, биология кафедраси ўқитувчиси.***Аннотация**

Мақолада олий таълим муассасалари талабаларида мустақил ишларни ташкил этишнинг ўзига хос педагогик хусусиятлари, имкониятлари, ўқитишнинг дидактик мақсад ва вазифалари асосида талабаларни мустақил ва ижодий ишларини ташкил этиш асосида мантиқан, таҳлилий фикрлаш ва ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш асосида ўқув билиш фаолиятини таркиб топтириш йўллари ёритилган. Инновацион ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг намунавий режаси келтирилган.

**Аннотация**

В статье рассматриваются специфические педагогические особенности и задачи организации самостоятельной работы студентов высших учебных заведений, способы организации самостоятельной и творческой работы студентов путем логического и аналитического мышления на основе обучения самоконтролю. Приведен образцовый план организации самостоятельной работы студентов на основе инновационного подхода.

**Annotation**

This article examines the specific pedagogical features and tasks of organizing students' independent work in higher educational institutions, ways of organizing students' independent and creative work on the basis of logical and analytical thinking based on self-control training. An exemplary plan for organizing students' independent work based on an innovative approach is presented.

**Таянч сўз ва иборалар:** мустақил ишлар мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари, касбий педагогик фаолият, ўқитувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, талабаларни ўқув билиш фаолияти.

**Ключевые слова и выражения:** содержание самостоятельной работы, форма обучения, методы, средства, профессионально-педагогическая деятельность, саморазвитие учителя как личности, учебно-познавательная деятельность студентов.

**Key words and expressions:** content of independent work, form of education, methods, means, professional and pedagogical activity, self-development of a teacher as a person, educational activity of students.

Жаҳоннинг тараққий этган давлатлари таълим тизими сиёсати узлуксиз таълим жараёнида ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш учун талабаларда билим олишга ва янгиликларни пухта ўзлаштиришга эҳтиёжни, асосий ўқув-илмий, миллий ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, мустақил ва ижодий фикрлаш жараёнлари сифат ва самарадорлигини ошириш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил

фикрлайдиган, қатъий ҳаётини нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш»га қаратилган вазифаларни амалга ошириш ёш кадрларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларини танқидий ва таҳлилий йўналишларга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш заруратини белгилайди. Мазкур зарурат юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим-тарбия жараёнларини ривожлантирувчи стратегияларни танлаш ҳамда ушбу жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи инновацион таълим технологияларни ишлаб чиқиш ва уларнинг таълим-тарбия жараёнига

самарали татбиқ этилиши долзарб аҳамият касб этади [1].

Олий таълим муассасаларида таълим жараёнининг самарали ташкил этилиши бевосита талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга, уларда ўз устида мустақил ишлаш ва ижодий фаолият юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарурий омиллардан саналади. Мазкур мустақил ишларнинг муайян даражада тизимли йўлга қўйилиши, шунингдек, педагоглар инновацион ёндашувлар асосида қуйидагича илмий педагогик вазифалар белгилаб олишлари мумкин:

- *Таниш бўлмаган ва осон англанадиган мавзуларни ўтишда саволларга оғзаки ва ёзма жавоб бериш, мавзу юзасидан луғат тузиш, ёзма ишлар мавзуну баён қилиш учун режа тузиш.*

- *Янги мавзуну мустақамлашга оид қўшимча материаллар билан танишишга оид талабанинг индивидуал иш режасини тузиб чиқиш.*

- *Назарий билимни амалиёт билан боғлаш ва амалда қўллаш малакасини мустақамлашга оид таҳлилий, таққословчи топшириқлар бериш;*

- *Ижодий тавсифдаги мустақил ишларни ташкил этиш;*

- *Кўрсатма ва дидактик тарқатмални материаллар асосидаги мустақил ишлар дарс самарадорлигини оширади.*

- *Биологик билимлар билан боғлиқ хатоларнинг олдини олиш ва тугатишга доир мустақил ишлар – ностандарт тестлар, таққословчи жадваллар асосида изоҳлашни ташкил этиш.*

Биологик таълим талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва улар ижодий қобилиятининг ривожланишига етарли даражада аҳамият бериш натижасида қуйидаги ижобий ҳолатлар юзага келиши мумкин:

- *биологик таълим талабаларни мустақил ишлари режали ташкил этилади, уларнинг иқтисодий фаолиятида аниқлик мавжуд бўлади;*

- *талабалар ҳар қандай мавзунинг ғоявий мазмунига жиддий аҳамият берадилар ва мавзу юзасидан мустақил хулоса бера олишга ўрганадилар, биологик таълимга доир қўшимча материаллардан*

*фойдаланган ҳолда ўз фикрини мустақил ва мантиқан тўғри баён эта оладилар.*

Талабалардан бу каби ижобий ўзгаришларнинг содир бўлиши, уларнинг мустақил ва ижодий ишлаш малакасини ҳосил этади.

Педагогик олий таълим муассасаларининг факультетлараро йўналишларида ёшлар физиологияси ва гигиенаси ўқув фани ўқитилиб, мазкур фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда таълим-тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий - гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакани таркиб топтириш имконини беради.

Ёш физиологияси ва гигиена фанининг вазифаси талабаларга таълим-тарбия жараёнида болалар ва ўсмирлар соғлиғини ҳимоя қилиш, лицей ва коллежлар шарт-шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юкламанинг организмга таъсирини ўрганишдан иборат.

Ёш физиологияси ва гигиена фани бўйича талабалар қуйидаги билимлар билан қуролланган бўлишлари зарур: организмнинг бир бутунлигини билиш; организм ва ташқи муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини билиш; организмнинг ўзига хос ёш хусусиятларини билиш; ёш физиологияси ва гигиена предмети, мақсади ва вазифаларини билиш; ёш физиологияси ва гигиена методларини билиш ва уларни қўллаш олиш; ёш физиологияси ва гигиена фанининг тармоқлари ва бошқа фанлар билан алоқаси характерини билиш назарда тутилади [2].

Юқоридаги фикрларга асосланиб, “Ёш физиологияси ва гигиенаси” ўқув фанининг ўқитилишида мустақил таълим мавзулари намуна сифатида қуйидагича ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

*Изоҳ:* фикримизча, мустақил таълим мавзулари талабаларнинг фан мазмуни асосида қўшимча маълумотлар билан мустақил танишишга, фанга оид материаллар устида ижодий изланишга, илмий фикрлашни бойитиш ва илмий дунёқарашни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўқув машғулотларда ўзлаштирган мавзулар мазмунини бевосита тўлдириши зарур.

Жадвал-1

**Инновацион ёндашув асосида талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг  
намунавий режаси**

№	Мустақил таълим мавзулари	Топшириқ турлари	Назорат усули
1	Давлатимизнинг ёш авлодни тарбиялаш ва соғлиқни ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган ишлари. Ирсият ва ирсий касалликлар ҳақида статистик маълумотлар	Маълумотлар юзасидан хулоса тайёрлаш	Савол - жавоб
2	Болаларда қадди-қоматнинг шаклланиши ва касалликлари олдини олиш чоралари билан танишиш	Хулоса тайёрлаш	Ностандарт тест
3	Невроз ва унинг юзага чиқиш сабаблари	Буклетлар ва изоҳлар тайёрлаш	Савол - жавоб
4	Кўриш ва эшитиш органларининг ёш хусусиятлари ва гигиенаси. Яқиндан кўришнинг олдини олиш	Хулоса тайёрлаш	Савол - жавоб
5	Жисмоний юкламанинг юрак-қон томир ва нафас тизими фаолиятига таъсирини ўрганиш	Хулоса тайёрлаш	Адаптив назорат усули
6	Мактаб ўқувчиси овқат рационини тузиш жадвалини шакллантириш юзасидан илмий маълумотлар тўплаш	Жадваллар тузиш ва изоҳли хулосалар тайёрлаш	Продуктив баҳолаш
7	Айирув органларининг гигиенаси, касалликлари ва олдини олишга оид маълумотлар билан танишиш	Жадваллар тузиш ва изоҳли хулосалар тайёрлаш	Ностандарт тест
8	Нафас тизимининг ёш хусусиятлари ва гигиенаси ҳақида билим бериш	Хулоса тайёрлаш	Продуктив баҳолаш
9	Ички секреция безларининг ёш хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумотлар тўплаш	Жадваллар тузиш ва изоҳли хулосалар тайёрлаш	Ностандарт тест
10	Юқумли касалликлар ва валеологияга оид қўшимча маълумотлар билан танишиб бориш	Хулоса тайёрлаш	Продуктив баҳолаш

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим бўлади [3]. Бунда, аввало, ҳар қандай мустақил иш талабаларнинг қўлидан келадиган ва уларнинг диққатини жалб эта оладиган ҳамда ўқув дастурига мос бўлиши керак. Ҳар бир мустақил ишнинг бажарилиши юзасидан ўқитувчи талабаларга аниқ кўрсатмалар бериши керак. Бунда янги материални ўзлаштираётганда талабалар олдин кўрган, эшитган, билиб олган нарсаларига таянишлари зарур бўлади. Ҳар қандай нарса илгари ўзлаштирилган эски нарсаларга асосланади, улар билан уйғунлашиб, кейинги таълим учун мустақам база яратади. Агар талабалар билимлар, ғоялар, тушунчаларни эгаллаб, янги ўзлаштирилган билимларда уларга асосланадиган бўлса, ҳар бир янги бўғиннинг онгли равишда билиб олинишига кенг йўл очилади. Бу эса таълимнинг мунтазамлиги ва изчиллиги таъсирининг ижобий натижасидир.

Таълимнинг амалий машқ қилиш методлари талабаларнинг индивидуал фаол ва мустақил ишлаш методидир. Таълимнинг мазкур методидан фойдаланилганда, қуйидаги шароитларга риоя этилади:

1. Мустақил иш топшириғи асосида аниқ билимлар, топшириқларни бажариш қоидалари, усулларининг бўлиши.

2. Талабаларнинг мустақил иш топшириқлар мақсади ва олинган малака ва кўникмаларни қаерда қўлланиши мумкинлигини билиб олишлари;

3. Мустақил иш топшириқни бажаришда йўл қўйилган хатоларнинг ўз вақтида олдини олиш.

4. Мустақил иш топшириқларни бажаришда шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши.

6. Мустақил иш топшириқларнинг мунтазам, онгли равишда тушуниб бажарилиши ва ҳоказо.

Ёшлар физиологияси ва гигиенаси ўқув фанидан лаборатория ва амалий ишлар

методи эса, юқорида таъкидланганидек, осонлаштиради, фанга оид умумий талабалар мустақиллигини ривожлантиради, хулосалар чиқаришга ўргатади. ўқув материални ўзлаштиришни

**Адабиётлар:**

1. [www.фастпад.ру](http://www.фастпад.ру)
- 2..Арипова С.Х. Ёш физиологияси ва гигиенаси. –Т.:Фан ва технологиялар. 2010. -Т. ИНВ- 28.073A75T98 У-7496
3. Исабаева М. Саломатлик иш дафтари. –Т., 2012.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)

## ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ СОҶАСИ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

## УПОРЯДОЧНИЕ ОТРАСЛЕВЫХ ТЕРМИНОВ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

## REGULATION OF THE TERMS OF TEXTILE AND LIGHT INDUSTRY

Аъзамов Сайфулбод Мухамаджонович<sup>1</sup><sup>1</sup>Аъзамов Сайфулбод Мухамаджонович

– НамМТИ, чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада стандарт тўқимачилик ва енгил саноат терминологиясини қайта кўриб чиқиш кераклиги тўғрисида фикр юритилган. Мақолада "термин" тушунчаси тизимлилик нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Тилшунослик ва техникани тавсифлаш ўртасидаги "номутаносиблик"ни бартараф этиш, тўқимачилик терминологиясини стандартлаштириш муаммоси юзасидан бир қанча тилшуносларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган.

**Аннотация**

В статье аргументируется необходимость пересмотра стандартных технологий текстильной и легкой промышленности. В статье рассматривается понятие «термин» со структурной точки зрения. Приведены взгляды и мнения ряда лингвистов по проблеме стандартизации текстильной терминологии, преодоления «несовместимости» лингвистики и описания технологий.

**Annotation**

In this article the need to revise standard textile and light industry terminology is being argued. The article discusses the concept of the "term" from a structural point of view. Examples are given of the views and opinions of a number of linguists on the problem of standardizing textile terminology, overcoming the "incompatibility" between linguistics and the description of technology.

**Таянч сўз ва иборалар:** тўқимачилик саноати, мунозарали терминлар, замонавий тўқимачилик терминлари, таркибий терминлар, аралаш терминлар, ипак, мато, сунъий тола, синтетик тола, соҳавий терминологик тизим, терминологик луғат, терминлаштириш.

**Ключевые слова и выражения:** текстильная промышленность, спорные термины, современные текстильные термины, структурные термины, смешанные термины, шелк, ткань, искусственная ткань, отраслевая терминологическая система, терминологический словарь, терминизация.

**Key words and expressions:** textile industry, controversial terms, modern textile terms, structural terms, mixed terms, silk, fabric, artificial fabric, synthetic fiber, sectorial terminological system, terminological dictionary, terminization.

Терминологияни стандартлаштириш бўйича ишлар замонавий инглиз тилининг сўзларнинг шаклланиш қонуниятларини чуқур ўрганмасдан, ўрганилаётган фан объектлари номланишидаги асосий тенденцияларни ва бу ёки бошқа турдаги концепцияларни ифодалаш учун терминологик моделларнинг энг катта рационаллигини аниқламасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Буларнинг барчаси ўзбек ва инглиз тилларининг тўқимачилик терминологиясига тааллуқли бўлади.

Тўқимачилик объектлари номларидаги камчиликларни биринчи бўлиб тўқимачилик мутахассислари (илмий ходимлар, ОЎЮ ўқитувчилари, муҳандислар) аниқладилар. Тўқимачилик соҳаси терминологиясини тартибга солиш масаласи 1948 йилда "Тўқимачилик саноати" журнали

саҳифаларида ёритилди. Университет профессори В. В. Линде ва техник ишчи И. В. Анисимов тўқимачилик терминологиясининг "мавжудларини қайта кўриб чиқиш ва янгисини ишлаб чиқиш" саволини кўтариб чиқишди.

Ўзларининг чиқишларида улар 1945 йилда илмий муҳандислик -техник жамияти (ИМТЖ) томонидан ишлаб чиқилган терминология ишлаб чиқарувчилар ва илмий ходимларнинг талабларига жавоб бермайди, терминни қайта ишлаш бир неча йилларга кечиктирилди ва шу билан бирга материал "эскиряпти", янги номланишлар пайдо бўлди. Шу билан бирга, профессор В.В.Линде машиналар, жараёнлар, касблар ва ҳоказолар номларидаги хорижий терминнинг кўп киритилишига қарши чиқади. Шундай қилиб, унинг фикрига кўра, масалан, стандарт томонидан қонунийлаштирилган

ШЕЛК-СЫРЕЦ термини узоқ вақт давомида тарқала олмаган ва у яна "кам маъноли ва кераксиз французча ГРЕЖА сўзи" алмаштирилди.

Муаллифлар ўрнатилган стандартлар терминологиясини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлайдилар, чунки уларнинг фикрига кўра, кўпгина "мунозарали", термин, юқорида келтирилган мисолда бўлгани каби, стандартлар билан қонунийлаштирилганлиги сабабли мавжуддир. Шуниси эътиборга лойиқки, иккала нашр ҳам мунозарали хусусиятга эга, яъни уларнинг муаллифлари тўқимачилар, ишчиларни долзарб муаммони муҳокама қилишга таклиф қилишади. Бироқ, бу мурожаатлар эшитилмади ва 60-йилларгача, тўқимачилик терминологияси на тўқимачилик мутахассислари, на тилшуносларнинг эътиборини жалб қилди.

Тўқимачилик терминологиясини тизимлаштириш муаммоси 1961 йилда Москвада бўлиб ўтган Тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмасида тузилиши ва дизайни жиҳатидан турли хил бўлган 30 мингдан ортиқ рус ва хорижий матоларнинг намуналари намойиш этилгандан сўнг яна пайдо бўлди. Айнан шу туфайли Ленинград савдо институти ўқитувчилари Л.М.Горелик ва В. И. Кокшинскаянинг "Замонавий тўқимачилик терминологияси тўғрисида" мақоласининг нашр этилишига сабаб бўлди. Унда муаллифлар "тўғри ишлаб чиқилган терминнинг йўқлиги нафақат савдо-сотиқ ва саноат соҳаларига мутахассислар тайёрлаш, ўқув – педагогик жараёни мураккаблаштиради, балки маҳсулотлар учун стандартларнинг равшанлигига салбий таъсир кўрсатиб, амалда кўпгина хато ва англашилмовчиликларни келтириб чиқаради".

Мақола ўша пайтда мавжуд бўлган ва янгидан яратилган матоларнинг номларига бағишланган. Муаллифларнинг фикрига кўшилмаслик мумкин эмас, яъни "янги матоларга шундай ном бериш керакки, бу номлар истеъмолчиларга уларнинг таркибий ва сифат жиҳатларини баҳолашга имкон бериш керак" ва муаллифлар "Черёмушка" ёки «Незабудка» каби номларни шунчаки берилган, деб таъкидлашади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу нашр яна бир бор долзарб муаммони муҳокама қилишни талаб қилади, чунки "Мунозара қилиш тартибида" деган сарлавҳаси бор эди, ammo бунга ягона жавоб сифатида Тошкент тўқимачилик институти доценти Н.Х.Уразовнинг 1964 йилда нашр этилган "Замонавий тўқимачилик терминологияси масаласига" номли мақоласи бўлди.

Ўқитувчи-материалшунос олим ушбу муаммонинг муҳимлигини таъкидлайди, ammo В.И.Кокшинская ва Л.М.Гореликлар "тўқимачилик терминологиясининг тор доирасини қамраб олган ва барча асосий соҳаларда (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бирламчи қайта ишлаш, тўқувчилик, трикотаж ишлаб чиқариш ва пардозлаш) каби соҳалардаги тўқимачилик терминологиясини тизимлаштириш тўғрисида ҳеч нарса дейишмаган". Мақола муаллифи матоларнинг стандарт термин-номланишларга турдош белгиларини (хом ашё, ишлаб чиқариш-технологик, таркибий) умумий хусусиятларни ҳамда ушбу матонинг ишлатилиш соҳаси (масалан, костюм мовути, пардабоп лён ва бошқалар)ни киритишни таклиф қилади.

Шу пайтдан бошлаб энгил саноатнинг тўқимачилик соҳаси терминологияларини таърифлаш ва тартибга солиш муаммоси кўплаб тилшуносларнинг эътиборини тортди: тўқимачилик терминологияси шаклланишининг алоҳида босқичлари ўрганиладиган нашрлар ва диссертациялар пайдо бўлди.

Шундай қилиб, унинг шаклланишининг бошланғич босқичи (хунармандчилик терминологиясининг шаклланиши, шу жумладан тўқимачилик, уни тавсифлаш ва луғатларда талқин қилиш муаммолари) О.Н. Трубачевнинг "Славян тилларидаги хунармандчилик терминологияси" (Этимология ва гуруҳларда қайта тиклаш тажрибаси) асарида акс этган. Шунингдек, Н.А. Порфиренконинг XVII асрдаги рус тилидаги лён тўқиш ишлаб чиқариш луғати. Россиянинг турли жуғрофий минтақалари лаҳжаларида, шу жумладан семантик, фонологик ва этимологик хусусиятлар нуқтаи назаридан ип-йигирув ва тўқувчилик луғатининг батафсил таҳлили, О. И. Блинованинг «Томск вилояти Вершина қишлоғи эскича яшаш шевасидаги ишлаб

## ПЕДАГОГИКА

чиқариш-овчилик луғати", Ю.П. Чумакованинг "Рязань вилояти Богословщина тумани шеваларидаги тўқимачилик луғати"; Л.М. Михайлованинг "Новгород шеваларида зиғирни қайта ишлаш, йигириш ва тўқиш бўйича луғат"; А.И. Криловнинг "Иваново шаҳридаги тўқимачилик фабрикаларида ип йигиришнинг терминологик луғати" ва бошқалар. тўқимачилик соҳаси маҳсулотли матоларининг номланишини шаклланиш усулларини таҳлил қилишга Г. А. Шаповалованинг "XVIII асрдаги иш юритиш ёзувларида рус хунармандчилигининг луғати (тикувчилик иши)" ва М. В. Тарасованинг "XIII-XX асрларда рус тилидаги матоларнинг Ғарбий Европа ва славян бўлмаган номланишлари" номзодлик диссертациялари бағишланган.

Муаллифлар манба материалларини танлашга турлича ёндашадилар: Г.А. Шаповалова ўз тадқиқотида фақат XVIII аср рус стандартлари билан қонунлаштирилган, фақат ҳужжатларда ишлатиладиган матолар номларини ўрганган, М.В. Тарасова матоларнинг термин- номларни жуда катта ҳажмли (ўрта асрлардан то ҳозирги кунгача) роман-герман тилларидан олинган лексик қатламни ўрганган.

Ушбу мақоланинг асосий хулосалари:

1) Тўқимачилик материаллари фанининг терминологик қуйи тизимидаги энг кўп миқдордаги ўзлаштирилган толалар ва матолар терминига тўғри келади.

2) Вақт ўтиши билан ўзлаштирилган сўзларнинг кўпи янги тилнинг грамматик ва лексик тизимида шунчалик мослашдики, улар маҳаллий тил эгалари томонидан ўзга тил сўзлари деб қабул қилинмайди.

Рус тилида тўқимачилик луғатини шакллантириш йўллари ва усуллари В.М.Петрунаининг бир неча ишларида комплекс ўрганиш объекти бўлган. У "Замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришининг рус луғати" номли диссертациясида Пенза тўқимачиларининг махсус тўқимачилик луғатига батафсил семантик ва сўз ясаш тавсифини беради, тўқимачилик маҳсулотларининг термин-номлари (толалар, хом ашё, матолар, тугалланмаган иккинчи даражали хом ашёлар, чиқиндилар ва бошқалар)ни тўқимачилик соҳасининг мовут ишлаб чиқаришнинг қуйи тизимида кўриб чиқади ва тизимлаштиради, чиқиндилар ва бошқалар.

Шунингдек, тўқимачилик касбларининг маҳсулотлари, предметлари, механизмларнинг ҳамда мовут ишлаб чиқаришнинг баъзи жараёнларининг бир сўзли термин – номларини, объектлар ва мато ишлаб чиқаришнинг, сўз ясаши (ҳосил бўлиши) таҳлилини олиб боради. В. М. Петрунина таъкидлайдики, у кўриб чиқаётган махсус тўқимачилик терминологиянинг лексик қатламида умумхалқ сўз ясаш усулларидан бошқача алоҳида бир ўзига хос усуллар кўринмайди. В.М.Петрунаининг сўзларига кўра, тўқимачиларнинг касбий тилларида ўзлаштирма ҳамда халқаро тиллар сўзларининг шаклланишига ва ишлатилишига катта эътибор берилади, "тўқимачилик терминологиясида ўзлаштирма сўзлар 80 фоизни ташкил этади" ва "бундай сўзларни рус эквиваленти билан алмаштириш" тўқимачилик ишчилари учун номақбулдир, чунки халқаро сўз луғати келажакдаги халқаро тилнинг шонаси".

Бизнинг фикримизча, Ю. М. Шурыгиннинг "Ишлаб чиқариш терминларини яратиш йўллари ва воситалари" номзодлик диссертацияси алоҳида қизиқиш уйғотади. Бунда у тўқимачилик ишлаб чиқариш терминлари материалларида терминлар ҳосил бўлишининг турли хил усулларини кўриб чиқади: от ва сифатларда суффиксал сўзларни қўшиш ва таркибий терминларни яратиш. Муаллиф "термин" тушунчасини тизимлилик нуқтаи назаридан кўриб чиқади. У тўқимачилик саноатидаги ишлаб чиқариш жараёнларига оид термин-номларининг сўз ясаши таҳлилини олиб боради ва берилган терминологик қатлам ичидаги тизимли муносабатларни белгилайди ("тушунчавий жиҳат тизимлилиги ва ифодавий жиҳат тизимлилиги").

Ю.М. Шурыгин, тўқимачилик терминологияси, "бошқа кўплаб техник терминологиялар каби, хунармандчиликнинг ишлаб чиқариш терминологияси асосида ривожланган", "терминнинг асосий етказиб берувчиси сифатида сўзларни шакллантириш ва таркибий терминни шакллантириш" деган хулосага келади.

Тадқиқотчи билан берилган лексик қатламнинг терминлари ҳосил бўлишининг энг самарали усули – бу, суффиксация, аммо шу билан бирга сўз ясовчи аффиксларнинг исталмаган кўпмаъноли

ходисаси бор, деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Бироқ, "аралаш термин яхши, чунки улар мураккаб тушунчаларнинг тўлиқлигини ифода эта олади", деган фикр шубҳаларни келтириб чиқармоқда ва муаллифнинг ўзи "терминлар тизимини куришда сиз улар билан овора бўлмаслигингиз керак, чунки улар нутқда кўполлик яратади".

Маълумки, термин қисқароқликка мойил бўлиши керак, айниқса ишлаб чиқариш жараёнларининг термин-номлари, хусусиятлари, миқдори ва, имкон даражасида предметлар.

Ю. М. Шуригин «фан ёки техниканинг мавжуд терминологик тизимларида маълум бир билим соҳасидаги мутахассислар билан алоқа қилишни чекловчи бир қатор камчиликлар мавжудлигини» тўлиқ тан олади. Шунинг учун турли хил терминологик тизимларни нормаллаштириш ва стандартлаштириш бўйича ишлар катта аҳамиятга эга. Бу иш терминологияси нормаллаштирилган билимлар соҳасидаги мутахассислар ва тилшуносларнинг яқин бирлигида амалга оширилиши керак.

Бизда мавжуд бўлган маълумотларга кўра, рус тили материали асосида тўқимачилик ишлаб чиқариш терминологияси О.А Николаеванинг номзодлик диссертациясида тўлиқ ўрганилган. Диссертация тўқимачилик материалшунослиги соҳасидаги рус терминологиясига бағишланган. О.А Николаева олдиндан СТТ (соҳавий терминологик тизим) тушунчасини киритади.

Тўқимачилик саноати бир қатор тармоқларга бўлинади, уларнинг номлари қайта ишланадиган хом ашё турлари бўйича шаклланади: пахта, жун, лён (зиғир), ипак, мато, сунъий ва синтетик толалар ва бошқалар. Тўқимачилик саноатида қуйидаги асосий ишлаб чиқариш турлари ажралиб туради: йигирув, ип-эшиш, тўқув, трикотаж, бўяш ва пардозлаш ва ҳ.к. Турли соҳалардаги термин тўқимачилик СТТ-нинг турли хил ТҚТ (терминологик қуйи тизимлари)га тегишли. Тўқимачилик материалшунослиги (ТМ) – бу, тўқимачилик материалларининг тузилиши ва хусусиятларини, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг ишлаш пайтида турли таъсирлар натижасида ўзгаришини,

шунингдек, материаллар сифатини ўрганадиган фан.

Қадимги даврлардаёқ тўқимачилик материалларининг алоҳида хусусиятларини аниқлашга қизиқиш пайдо бўлган. Уларнинг тузилиши ва хусусиятларини мунтазам равишда ўрганишга бўлган эҳтиёж ишлаб чиқаришларнинг ривожланиши билан кескин равишда юзага келди. XVII охири – XVIII бошларида бир қатор Европа мамлакатларида ҳар хил турдаги тўқимачилик материалларининг хусусиятлари кўрсаткичларига талаблар қўйилади. Ушбу даврда тўқимачилик материаллари тўғрисидаги фанга асос яратилди. Россияда XVIII - аср: лён ва каноптолани, парусина ва армия матоларини саралаш усуллари ва сифати ҳақида, ипларнинг қалинлиги, калаванинг эшилганлиги ва намлигини назорат қилиш тўғрисидаги қонунлари намуна бўлиб хизмат қилади.

XIX асрнинг биринчи ярмида баъзи Европа мамлакатларида тўқимачилик мутахассисларини тайёрлайдиган ўқув муассасалари пайдо бўлди, уларга ўқув курсларида тўқимачилик материалларининг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилган ва улар махсус мосламалар ёрдамида ип, толалар, матолар ва бошқаларни турли хил синовлардан ўтказиш бошланган. Россияда бундай ўрта таълим муассасалари сафига товаршунослар мутахассисларини тайёрлайдиган 1806 йилда Москвада очилган Тижорат фанлари амалий академиясини, олий муассасалар сафига эса 1828 йилда Санкт-Петербургда ташкил этилган Амалий технологик институтини киритиш мумкин. Умуман олганда, XX асрнинг иккинчи ярми тўқимачилик материалшунослигининг фан сифатида шаклланиши даври сифатида қайд этилди. Ушбу илмий фаннинг ривожланиши XX асрда Россиядан ташқари дунёнинг барча ривожланган давлатларида фаол ривожланди. Катта синов лабораторияларига бўлган олий ўқув юртларидан (МТИ, ИвТИ) ташқари бир қатор соҳавий лабораториялар саноат корхоналарининг ўзида пайдо бўлди, кейин илмий-тадқиқот институтлари ҳам, хусусан, Иваново Пахта саноати илмий-тадқиқот институти яратилди, улар нафақат мавжуд материаллар синовини ўтказдилар, балки



## ПЕДАГОГИКА

техникада, тиббиёт, кимё саноатида, кундалик турмушда фойдаланиш учун янги толалар, иплар, матоларни яратдилар. 90-йилларнинг охиридан бошлаб. Иваново сувсиз эритмалар кимёси институти (ИвСИКИ) толаларни, хусусан МОДИЛЕН (модификацияланган лён) ишлаб чиқариш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланган.

Ҳозирги вақтда тўқимачилик материалшунослиги турли илмий фанлар билан ўзига хослиги туфайли чамбарчас боғлиқ бўлган энг истиқболли фанлардан бири ҳисобланади. У полимерларнинг физикаси ва кимёсига асосланади, ваҳоланки барча тўқимачилик материаллари юқори молекуляр моддалардан иборат. Материалшуносликда математик статистика, синов натижаларини қайта ишлаш учун замонавий ҳисоблаш усуллари ва бошқалардан фойдаланилди. Материалшунослик тўқимачилик материалларини қайта ишлаш: йигириш, тўқув, трикотаж, механик ва кимёвий технологияларни ўрганадиган фанлар билан чамбарчас боғлиқ.

Ушбу фундаментал ва махсус тўқимачилик фанларининг ривожланишидаги ютуқлар материалшуносликни сезиларли даражада бойитади ва ушбу фаннинг узлуксиз ривожланиши учун шарт-шароит яратади, шунинг учун замонавий тўқимачилик материаллари фанининг терминологик қуйи тизими жуда катта, доимий ўсиб боради ва технология ва ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларини қамраб олади. Бироқ, тўқимачилик терминологиясида лингвистик ва техник тавсифлар ўртасидаги "номутаносиблик" муаммоси бугунги кунгача ҳал этилмаган.

Биринчидан, ТМ – терминологик тизим илмий ва техникавий тараққиётнинг ривожланиши билан доимий равишда тўлдирилиб, ўзгартирилмоқда. Янги ГОСТларни, материалшунослик соҳасида махсус амалий лойиҳаларни яратиш учун янги тушунчаларни терминлаштириш (терминологизация) эҳтиёжи мавжуд бўляпти.

Бундан ташқари, янги тузилган терминга қўйиладиган асосий талаблардан бири – бу, амалиётчиларни рационаллик нуқтаи назаридан, тилшуносларни эса тил нормаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қондиришдир.

Иккинчидан, тўқимачилик ва енгил саноат терминологиясининг луғати ҳали ҳам мавжуд эмас. Икки тилли луғатлар тўқимачилик СТТ(соҳавий терминологик тизим)нинг кўплиги тўғрисида гувоҳлик беради: масалан, инженер З. Э. Рабинович томонидан тузилган ва муҳандис К. К. Лупандин томонидан таҳрирланган инглизча-русча тўқимачилик луғатида 30 мингга яқин Ном бор. 1972 йилда Иваново Тўқимачилик Институтида "Инглизча-русча тўқимачилик луғати" ҳам нашр этилган. Бу луғат энди 135 минг терминдан иборат эди. Тўқимачилик терминининг терминологик луғатини яратишга уриниш Санкт-Петербург давлат технология ва дизайн университети ўқитувчиси А. В. Куличенко томонидан амалга оширилди. Унинг "Тўқимачилик ва тикувчилик материалшунослигининг қисқача терминологик луғати" сўзбошида айтилишича, 650 га яқин "толалар, иплар ва тўқимачилик матолари билан боғлиқ бўлган тўқимачилик ва кийим саноатида ишлатиладиган асосий термин ва тушунчалар" дан иборат.

О.А.Новикова ушбу луғатнинг барча ижобий фазилатлари билан бир қатор камчиликларни очиб беради. Луғат таркиби, унинг фикрича, сарлавҳада эълон қилинган материалларга мос келмайди, чунки лексик-семантик объектларни танлашнинг ягона принципи йўқ. Шундай қилиб, муаллиф материалшунослик термини таркибига номенларни (савдо маркаларининг номлари, масалан, ДИОЛЕН - Германияда ишлатиладиган полиэфир толасининг савдо номи, ТЕРГАЛЬ - Францияда ишлатиладиган полиэфир толасининг савдо номи ва бошқалар)ни чет тиллар луғатларида асослаш мумкин. Аммо терминологик луғатда эмас. Бунга яна материалшунослик билан боғлиқ бўлмаган кийим-кечак (СМОКИНГ, ТУНИКА, ПЫЛЬНИК ва бошқалар) ва пойабзал (ТУФЛИ ва бошқалар) ишлаб чиқаришнинг сўз номлари киради. Шунингдек, муаллиф тўқимачилик материаллари фанининг қуйи тизими билан билвосита кесишадиган турли хил терминологик тизимларнинг махсус луғатини ҳам ўз ичига олган (ГРЕНА - ипак қурти куя тухумлари; МЕРИНОС - бир хил юпка жунли қўй зотлари; САФАРИ - Африка ови; ва бошқалар).

Сўз талқинларининг тузилиши ва баъзи таърифларнинг таъбири ҳам

лексикографик Муаммоларни келтириб чиқаради, масалан: Сунъий толалар табиий полимерлардан тайёрланган; материаллар механик хусусиятларининг бир циклли тавсифлари. Ушбу камчиликлар, О.А. Новикованинг сўзларига кўра, материалшунослик кафедрасида махсус фанлар ўқитувчиси бўлган муаллиф тилшуносларга эмас, балки тўқимачилик мутахассисларига кўриб чиқиш учун мурожаат қилганлиги билан изоҳланиши мумкин. Албатта, таърифни шакллантириш ва тўқимачилик терминологик луғатини яратиш жараёнида мутахассислар билан бирга тилшунослар ҳам иштирок этишлари керак.

Тилшунослик ва техникани тавсифлаш ўртасидаги "номутаносиблик" ни бартараф этиш, тўқимачилик терминологиясини стандартлаштириш муаммоси тўқимачилик университетида мутахассислар тайёрлашга боғлиқлиги

билан долзарб. ИГТАнинг барча факультетлари, айниқса тикувчилик факультети (080401 "Товаршунослик ва товарларни экспертиза қилиш" мутахассисликлари талабалари, 080301 "Тижорат", 220501 "Сифат менежменти", 200503 "Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш", 150601 "Материалшунослик ва янги товарлар технологияси" талабалари, материалшуносликни ўрганишда дуч келишади. Лингвистик жиҳатдан асосланган техник терминологияси терминлари рус ва чет эллик талабалар ва аспирантлар томонидан талаб қилинади, хусусан НИУ (нутқнинг илмий услуби) машғулотларида. О.А. Новикова терминологияда тилшунослар томонидан ҳали ўрганилмаган бир ҳодисани – терминни шарҳлашда ҳисобга олиниши керак бўлган суффиксал паронимия кўринишини белгилади.

#### Адабиётлар:

1. Волкова И. Н. Стандартизация научно-технической терминологии. – М.: Изд-во «Просвещение», 1984.
  2. Вюстер Е. Введение в общую терминологию.– М.: Изд-во «Просвещение», 1989.
  3. Головин Б.Н. Типы терминосистем и основания их различения // Термин и слово: межвузовский сборник. Горький, 1981.
  4. Очилов Т.А. Тўқимачилик материалларини синаш. – ТОШКЕНТ-“ЎЗБЕКИСТОН”, 2004.
  5. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти -Т., 2003.
  6. Ҳасанбоева Г. Тўқимачилик дизайнини тарихи. -Т., 2006.
  7. Ҳамроева Ё. Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув изоҳли луғати. – Т.: Янги аср, 2007.
  8. Фуломов А. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977.
1. <http://lex.uz/docs/3578244>
  2. <http://www.etymonline.com/index>
  3. [electronizohlilug@at.uz](mailto:electronizohlilug@at.uz)

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)

**ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ ЁШДАГИ  
АҲОЛИНИНГ БИРЛАМЧИ НОГИРОНЛИГИ САБАБЛАРИ  
СТРУКТУРАСИ**

**СТРУКТУРА ПРИЧИН ПЕРВИЧНОЙ ИНВАЛИДНОСТИ  
ТРУДОСПОСОБНОГО НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**STRUCTURES OF CAUSES OF PRIMARY DISABILITY OF THE  
WORKING-AGE POPULATION IN FERGHANA REGION**

**Матхошимов Нодиржон Сойибжонович<sup>1</sup>, Исаков Эркин Зияевич**

**<sup>1</sup>Матхошимов Нодиржон Сойибжонович** – Тошкент тиббиёт академияси, таянч-докторант.

**<sup>2</sup>Исаков Эркин Зияевич** – Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, т.ф.д.

**Аннотация**

Мазкур мақолада меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини ногиронликка олиб келувчи сабабларнинг охириги ўн йилликдаги ўзгариш тенденцияси келтирилган. Унда ногиронликка сабаб бўлувчи касалликларнинг жойлашган ўрнига алоҳида аҳамият берилган.

**Аннотация**

В данной статье авторами проводится анализ структуры первичной инвалидности населения трудоспособного возраста в Ферганской области. Анализируется удельный вес первичной инвалидности населения по причинам, приводящим к инвалидности по классам болезней.

**Annotation**

In this article the authors analyzes the structure of primary disability of the working-age population in Fergana region. The share of primary disability of the population due to reasons leading to disability by classes of diseases is analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** ногиронлик, даража, улуш, касаллик синфлари, таҳлил, динамика, тенденция.

**Ключевые слова и выражения:** инвалидность, уровень, удельный вес, класс болезней, анализ, динамика, тенденция.

**Keys words and expressions:** disability, level, specific weight, class of diseases, analysis, dynamics, tendency.

**Актуальность.** Устойчивый рост благосостояния населения и экономического потенциала страны находится в прямой зависимости от уровня здоровья населения, которое определяется здоровьем каждого индивидуума. При этом существенное значение имеют показатели здоровья трудоспособного населения, поскольку именно оно в значительной степени обеспечивает здоровье будущего поколения.

В настоящий момент инвалидность среди трудоспособного населения – это одна из актуальнейших проблем общественного здравоохранения, непосредственно влияющая на социально-экономическое развитие страны [1,4,7,10,13].

Следовательно, снижению выхода на инвалидность трудоспособного возраста в регионе может способствовать реализация научно обоснованных подходов к изучению и выявлению устранимых причин первичного выхода на инвалидность, что, в свою очередь, может послужить основой при формировании целевых региональных программ с воздействием на наиболее важные факторы, определяющие уровень здоровья населения, в том числе от конкретных причин инвалидности [2,3,5,6,8,9,11,12].

Таким образом, инвалидность трудоспособного населения является актуальной проблемой не только для органов здравоохранения и социальной защиты, но и для исполнительных и

законодательных органов всех уровней иерархической вертикали управления государством.

**Цель исследования.** Изучение и анализ причины первичной инвалидности трудоспособного населения в Ферганской области.

**Результаты исследования.**

Изучена структура причин первичной инвалидности трудоспособного возраста в Ферганской области в динамике за 10 лет (2010 – 2019 гг.).

Анализ показал, что во все годы наблюдения 1-е ранговое место занимали инвалиды вследствие злокачественных новообразований, удельный вес которых колеблется в пределах 11,6-17,9%; в среднем равен 14,9% от общего числа. 2-е ранговое место занимают инвалиды вследствие болезни системы

кровообращения, их удельный вес колеблется в пределах 9,8-18,6%; в среднем удельный вес равен 14,8%. 3-е ранговое место занимают инвалиды вследствие психической болезни – 9,6-15,4%; в среднем их удельный вес составил 12,4%. Четвёртое ранговое место занимают инвалиды вследствие болезни нервной системы – 6,7-13,9%, в среднем – 8,7%. Далее на пятом месте по распространённости заболеваний следует отности инвалидов вследствие травмы – 6,2-9,1%, в среднем – 8,3%; инвалиды вследствие болезни органов пищеварения (5,4-8,4%); инвалиды вследствие болезни костно-мышечной системы (4,9-8,5%); с заболеванием болезни эндокринной системы (4,7-7,2%). Далее приходится на болезни глаз; 10-е врождённые аномалии, далее следует туберкулез (табл. 1).

Таблица 1

**Структура ВПИ в разрезе нозологических форм заболеваний, послуживших причиной выхода на инвалидность лиц трудоспособного возраста в Ферганской области в динамике за 10 лет (2010-2019 гг.) (в %)**

№	Классы болезней	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	В среднем за год	Ранг
		%	%	%	%	%	%	%	%	%	%	%	
1	Туберкулез	4,3	3,3	4,2	4,5	3,7	3,6	3,3	2,8	2,9	2,4	3,5	11
2	Злокачественные новообразования	11,6	14,2	16,3	15,4	17,9	16,2	16,9	13,1	12,7	12,4	14,9	1
3	Болезни эндокринной системы	5,7	5,5	5,0	5,2	4,9	4,7	5,9	5,5	5,8	7,2	5,5	8
4	Болезни крови	1,3	1,4	1,5	1,3	1,4	1,3	1,1	1,0	0,4	0,7	1,1	16
5	Психические болезни	9,6	12,0	10,0	11,7	12,4	12,0	13,6	15,4	14,3	13,4	12,4	3
6	Болезни нервной системы	7,8	9,5	8,8	8,0	6,7	7,0	11,1	12,0	13,9	9,7	8,7	4
7	Болезни глаз	4,9	5,6	5,6	5,3	5,4	4,0	4,0	4,5	4,4	4,4	4,8	9
8	Болезни уха	1	1,7	1,8	1,7	2,3	3,1	2,0	1,6	1,3	0,8	1,7	15
9	Болезни системы кровообращения	18,6	15,9	16,0	16,7	15,5	16,1	11,6	10,7	9,8	14,8	14,8	2
10	Болезни органов дыхания	2,7	1,4	1,8	1,2	1,6	1,7	2,1	2,6	3,4	4,2	2,3	13
11	Болезни органов пищеварения	5,7	6,4	5,3	6,4	3,9	7,5	6,6	7,9	7,9	7,9	6,6	6
12	Болезни мочеполовой системы	2,8	2,4	3,7	3,3	3,9	3,0	3,2	2,7	2,9	2,7	3,1	12
13	Болезни костно-мышечной системы	8,5	6,3	5,1	5,3	4,9	5,4	5,1	6,2	7,5	7,5	6,2	7
14	Травмы	9,1	8,2	8,7	8,4	7,9	8,8	8,3	8,1	6,6	6,2	8,3	5
15	Прочие болезни	6,4	6,2	6,2	5,6	7,6	5,6	5,2	5,9	6,2	5,7	6,1	14
	<b>Всего</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	

Today, the demand for liquid fertilizers is growing because they have a number of advantages over solid fertilizers. For example, they have good solubility in water and nitrate solutions, they have simple method of preparation, they require low capital and operating costs, they have no toxic waste, they are 2-3 times less labor-demanding in their loading, transportation and use in agriculture is easier, they can be evenly distributed in the soil and have a number of other advantages. One of the advantages of urea-ammonium nitrate (KAS) produced in our country is that it contains nitrate, ammonium and amide nitrogen. It is beneficial to all agricultural plants while giving effective results in basic nutrition and supplemental fertilization. KAS (contains 28-32% nitrogen) provides long-term nutrition of plants with nitrogen. Due to its lack of free nitrogen, it does not evaporate into the atmosphere when deposited in the soil, but the presence of the ammonium form requires wet soil compaction under high temperature conditions and in the absence of precipitation after application [4,5].

Urea-ammonium nitrate is a mixture of concentrated aqueous solutions, the mass fractions of which are 31-36 and 40-44%, respectively. The industry produces KAS or urea ammonia mixture (KAA) - in three forms of urea and ammonium nitrate: KAS-28, KAS-30 and KAS-32, in which the nitrogen content is 28%, 30% and 32%, respectively [6].

In order to fully meet the demand of the country for liquid mineral fertilizers, it is important to use industrial minerals, improve the quality of the production economy, create and implement world-class science and technology, best practices, innovative technologies.

Studies show that the use of fertilizers containing micronutrients (Mn, Zn, Fe, B, Cu, Co, etc.) improves the yield and quality of agricultural products. Lack of micronutrients disrupts the normal growth and metabolism of plants, reduces productivity and increases the susceptibility to various diseases. For example,

chlorosis, which occurs in plants, is caused by iron deficiency. The use of iron-containing micronutrients is important in the prevention and elimination of this disease. At the same time, the application of mineral fertilizers in combination with basic fertilizers increases the uptake of nitrogen by 5-9% and phosphorus by 4-5%, which increases the yield of cotton from 2.5 to 7.0 centner / hectare [7].

Given the above, we set the goal of synthesizing liquid nitrogen fertilizers containing iron. It is known from the literature that a number of derivatives of iron-containing ferrocene have been recognized as biologically active substances. Therefore, it is important to synthesize its water-soluble products, to study their positive effect on the growth and development of plants, disease control and productivity in combination with liquid nitrogen fertilizers.

Ferrocene is a metalloorganic compound with aromatic properties. A.N.Nesmeyanov, N.S.Kochetkova, E.G.Perevalova, V.A.Sergeev, V.D.Vilchevskaya, S.A.Shlyogil, L.Asatiani, E.A.Kolennikov, foreign scholars such as Y.M. Paushkin, R.B. Woodward conducted research on ferrocene and its derivatives. They synthesized aliphatic and aromatic derivatives of ferrocene.

In our country, chemists, inventors and rationalizers, doctors of chemistry, professors A.G. Makhsumov, I.R. Askarov and other scientists have obtained ferrocene and biologically active substances based on it. The biostimulants created by them are widely used in various fields of agriculture [8,9,10].

We managed to synthesize a biologically active substance based on m-ferrocenylbenzoic acid in the Scientific Laboratory of Commodity Chemistry established at Andijan State University.

### Experimental part


#### Reaction of m-ferrocenylbenzoic acid with monomethyl urea

Equipped with an agitator, a dropper funnel, and a thermometer, a 3-neck 500 ml volumetric flask was filled with 150 ml of water, 1.35 g of monomethyl urea with 100 g of ice cubes, and 11.5 ml of concentrated hydrochloric acid. The flask is stirred vigorously at -2 °C. A solution of 15 g of sodium nitrite in 40 ml of water was added dropwise through an infusion funnel for one hour. At the end of the

drip, 1 g of urea dissolved in 5 ml of water and 2 g of sodium acetate solution dissolved in 10 ml of water were added to the reaction mixture to decompose the excess HNO<sub>3</sub>. The ice bath was then replaced with a water bath. 0.75 g of m-ferrocenylbenzoic acid dissolved in 100 ml of diethyl ether was added to the reaction mixture. The drip funnel was replaced with a return cooler. The mixture is heated at 34-36 °C for 3.5 hours while stirring. At the end of the reaction, the mixture was taken to a separating funnel and the aqueous and etheric layers were separated. The aqueous layer was extracted 3 times with diethyl ether. The ethereal layers were added and washed 2 times with water. Ether layers were added and extracted several times with 2% sodium hydroxide solution. The

resulting aqueous extract was neutralized with a 5% hydrochloric acid solution.


The yield is 0.5 g (52% m-ferrocenylbenzoic acid) T.s = 153-154 oS  
The mixture formed as a result of reactions of m-ferrocenylbenzoic acid with monomethylolchemina was separated from each other by column chromatography. The yield of synthesized 1'-(3-carboxyphenyl)-1-N-methyloxperrocenylamide was 52%. When the substance was analyzed using IR spectroscopy, the absorption of light at 1102 cm<sup>-1</sup> indicated the presence of an exchanged cyclopentadienyl ring in the ferrocene residue. The absorption line at 1403 cm<sup>-1</sup> indicates the presence of deformable oscillating OH- groups, and at 3581 cm<sup>-1</sup> davalent oscillating -NH- groups. The reaction scheme is as follows:



### 1'-(3-carboxyphenyl)-1-N-methyloxperrocenylamide potassium synthesis

To carry out the synthesis, 365 mg (0.001 mol) of 1'-(3-carboxyphenyl)-1-N-methyloxperrocenylamide is obtained and dissolved in 20 ml of diethyl ether. The solution is poured into a separating funnel and a solution of 69 mg of K<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> in 10 ml of water is added to it. The aqueous layer is separated and the water evaporates. This resulted in the

formation of the potassium salt of 1-(3-carboxyphenyl)-1-N-methyloxperrocenylamide. 1'-(3-carboxyphenyl)-1-N-methyloxperrocenylamide was obtained by its action in an aqueous solution of K<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> to obtain its potassium salt. The reaction scheme is as follows:



The resulting salt was separated into a reddish powder. Product yield is 92%.

The synthesized biologically active compound together with urea-ammonium nitrate (KAS) produced in our country was

tested in laboratory and field practice for its effect on the growth and development and yield of wheat and cotton plants.

We applied the fertilizer as a stimulant in suspension form when feeding the leaves



during the cotton application. The results are presented in Table 1.

Table 1

**Influence of liquid nitrogen fertilizers containing ferrocene on cotton yield, (ts / ha).**

№	Experiment options	Processing time and standards		Cotton yield (ts / ha)	Additional to control	In addition to the standard
		During mating	At the beginning of the flowering period			
1	Control	Unprocessed		34,6	-	-4,4
2	KAS	1,2 l/300 L	1,0 l/300 L	39,0	4,4	-
3	Ferfenol	1,2 l/300 L	1,0 l/300 L	39,7	5,1	0,7
4	Ferben-Kaliy	1,2 l/300 L	1,0 l/300 L	40,8	6,2	1,8
5	Ferben-Natriy	1,2 l/300 L	1,0 l/300 L	40,3	5,7	1,3
6	SAKO (standard)	1,2 l/300 L	1,0 l/300 L	39,0	4,4	-

During the cotton operation, 34.6 c / h of cotton was harvested in the water-controlled control variant. During the mowing and flowering period of cotton, treated in the norms of 1.2 and 1.0 l / h, in variant (2) it was 39.0 c / h, which is 4.4 ts / ha higher than in the control. In the variant treated with Ferphenol (3) the yield was 39.7 c / h, which is 5.1 c / h higher than the control and 0.7 ts / ha higher than the standard. The highest yield was 40.8 c / h in the

Ferben-Kaliy (4) variant, which was 6.2 c / h higher than the control and 1.8 c / h higher than the standard. During the mating and flowering period of cotton in the variant treated in the norms of 1.2 and 1.0 l / h (5) was 40.3 c / h, which is 5.7 c / h higher than the control and 1.3 c / h higher than the standard. The standard was 39.0 c / h in variant (6) treated with SAKO, which was 4.4 c / h higher than the control.

**References:**

1. N.Kattayev., G.Ixtiyarova., M.Muhamediyev., X.Mirzahidov. Kimyoviy texnologiya. –T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2012. – B. 161- 192.
2. S.A. Azimboyev. Dehqonchilik, tuproqshunoslik va agrokimyo asoslari. –T.: Iqtisod-moliya nashriyoti, 2006. – B. 160-167
3. J. Sattorov, S.Sidiqov, S.Abdullayev, A.Ergashev, Z.Xaidmuhamedova, Ya. Kulmurodova, U. Qosimov, N.Akbarova. Agrokimyo. –T.: Cho‘lpon, 2011. – B. 64-158.
4. Бахтиёр Муҳаммадиев. Ширкат ва фермер хўжаликларида органик ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш. –T.: Янги аср авлоди, 2005. – B.15-16.
5. Тиллабеков Б.Х., Сиддиқова Д., Қодирхўжаева Ф.М., Каримов Ш., Фармонов С., Хаитбоев Х. Суспензия меъёрларини барг орқали қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири. // “Деҳқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришнинг манба ва сув тежовчи технологиялари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. Тошкент. ЎзПТИ, 2010 йил, 360 б.
6. Санақулов А. КАС ўғити азотининг пахта ҳосилига таъсири. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – 2012. - №10. 24 –Б.
7. X.Ch.Mirzakulov, I.T.Shamshidinov, Z.To‘rayev. Murakkab o‘g‘itlar ishlab chiqarish nazariyasi va texnologik hisoblari. –T.: Tafakkur bo‘stoni, 2013. – B. 186.
8. Аскарлов И.Р. Ферроцен и его производные. – Фергана.– 1999. – с. 104.
9. Хожиматов М.М. Ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари синтези ҳамда уларни синфлаш: Кимё фанлари бўйича PhD дисс.–Фарғона. 2018. -Б. 113.
10. Хожиматов М.М., Отахонов Қ.Қ., Аскарлов И.Р., Хожиматова Д.С. п-Ферроценилфенолнинг айрим ҳосилалари синтези ҳамда уларни ТИФ ТН бўйича синфлаш // Илмий хабарнома. Андижон. 2018. -№2. -Б. 28-31.

УДК: 93/99+(094.9)

НАРОДНЫЕ ВОЛНЕНИЯ В КИШЛАКАХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ  
(КОНЕЦ XIX ВЕКА)ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ХАЛҚ ҒАЛАЁНЛАРИ  
(XIX АСР ОХИРИ)NATIONAL UNREST IN THE KISHLAKS OF FERGANA VALLEY (LATE 19<sup>TH</sup> CENTURY)**Шарафиддинов Абдугафор****Шарафиддинов Абдугафор**– ФерГУ, доцент кафедры истории  
Узбекистана, кандидат исторических наук.**Аннотация**

Мақолада архив ҳужжатлари ва мавжуд адабиётлардаги маълумотлар асосида Россия империяси ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари ўрганилган. Муаллиф тадқиқ этилаётган даврда деҳқонларнинг аянчли аҳволи, уларнинг мустамлакачи ҳокимияти, маҳаллий феодалларга қарши норозилик ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини таҳлил қилади.

**Аннотация**

На основе архивных документов и литературы периода колониальной власти Российской империи, в статье исследуются народные волнения в кишлаках Ферганской долины. Автор анализирует тяжелое положение дехканства, его борьбу против колониального господства, местных феодалов, а также изучаются последствия народных волнений в рассматриваемый период.

**Annotation**

Based on archival documents and available literature from the colonial period of the Russian Empire, the article examines the national unrest in the villages of Fergana Valley. The author analyses the hard state of the dekhkans, their struggle against colonial domination and local feudals, as well as the consequences of the national unrest in the period concerned.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фарғона вилояти, уезд, ёлланма меҳнат, волость, губернатор, участка, элликбоши, ерсиз деҳқонлар, деҳқон, десятина, босқинчилар, бошпанасизлар, яланг оёқлар.

**Ключевые слова и выражения:** Ферганская область, уезд, наемный труд, волость, губернатор, участок, пятидесятник, безземельные дехкане, дехкане, десятина, разбойники, бездомные, босяки.

**Key words and expressions:** Fergana region, uyezd (district), hired labour, volost (rural district), governor, land plot, "ellikbashi", landless "dekhkans", "dekhkan" (peasant), dessyatina (measure of land), usurpers, homeless, barefooted.

В конце XIX – начале XX вв. в целях удовлетворения растущих потребностей метрополии в хлопке, колониальная власть превратила сельское хозяйство Ферганы в хлопковую монокультуру. Если из общей посевной площади, орошенных земель Ферганской области исключить Ошский уезд как не хлопковый, то окажется, что из 698460 десятин на долю хлопка приходилось 320730 десятин или 52,7% всей посевной площади (1.93).

Такое состояние земледелия не могло не привести к сокращению производства зерновых культур, в результате чего резко повысились цены на зерно (2.73). К тому же с развитием товарно-денежных отношений в Фергане происходит процесс обезземеливания дехканства. Местные помещики и баи владели сотнями и

тысячами десятин земли и распоряжались огромными водными ресурсами. Например, крупный бай из Андижанского уезда Миркомил Муминбаев владел почти 5 тысячью десятин лучших земель уезда, в то время как 9 тысяч дехканских хозяйств имели лишь 3072 десятины малопригодных земель (3:1). Происходившие социальные изменения, резко повлияли на экономическое и социальное положение трудового дехканства Ферганской долины. Дехканин страдал от безземелья и малоземелья, а также от отсутствия рабочего скота, орудий производства и семян. Был вынужден заниматься наемным трудом. Помимо долговой кабалы был и государственный поземельный налог. Колониальной администрацией были определены очень жесткие условия

налогообложения. Такое положение дехканских масс порождало в конце XIX века массовые антиколониальные выступления. В Ферганской области постоянно приветствовалось брожение идей газавата. Многие дела подобного характера раскрывались русской администрацией в зародыше и не получили дальнейшего развития, но временами происходили открытые вспышки народного недовольства. С ростом классовой дифференциации в деревне усиливается борьба трудового народа против эксплуататоров. Одним из самых распространенных видов этой борьбы в условиях колониальной политики царизма были коллективные прощения и жалобы на местных феодалов, царских чиновников, волостных управителей и старшин. Они являлись формой выражения протеста, недовольства и народа своим тяжелым положением. Так, в 1891 году на выборах Янгикурганской волости было массовое выступление против избираемого. Были избиты представители сельской власти, двое из них были убиты. По этому делу было возбуждено судебное следствие. 21 человек был осужден (4.1.).

Сельчане отказывались платить налоги, выступали против различных поборов и оказывали сопротивление властям. Например, в 1891 году жители кишлаков Самандаран, Курганчи, Кизилтепа Маргиланского уезда отказались платить подати, а в Кизилтепе убили налоговосборщика.

В июне 1892 года в Ферганской области вспыхнуло народное восстание, которое было направлено, главным образом, на волостных управителей – представителей колониальной администрации. Один из документов судебного отделения Ферганского областного правления гласит, что участникам народного движения предъявлены обвинения в попытке ограбления Асакинского волостного управления, в убийстве Алтынкульского волостного управителя Абдумумина Кары Овтобачаева и двух крупных землевладельцев Алтынкульской волости, а также младшего помощника начальника Андижанского уезда (5.166-167).

В 1893 году в своем отчетном докладе Ферганский областной прокурор сообщает военному губернатору, что в уездах Ферганской области было совершено

340 преступлений против местных властей. Выступления дехканских масс настолько перепугали местные власти, что военный губернатор Ферганы в своем циркулярном письме приказал организовать безотлагательную тайную полицию в уездах.

В январе 1893 года на выборах Кум-Курганского старшины в Кепинской волости Намаганского уезда дехкане не допустили избрания ненавистного для них лица на должность старшины. Тогда колониальная власть без выборов назначила старшину, угодного для себя (6.1).

3 февраля 1893 года заведующий Бачкирским участком Н.А.Бутен прибыл в кишлак Курганча для проведения выборов в Кипчакской волости Кокандского уезда. В день выборов на базаре собралась огромная толпа народа. Бутен, остановившись на почтовой станции, вызвал к себе пятидесятников. Возмущенная толпа дехкан ворвалась во двор почтовой станции и избивала пятидесятников, волостных управителей Асранкула и Хасанбая и многих других «почетных» людей. Главными руководителями этого выступления были Магомет Карим Кадикбаев, Артыкбай Исмоилов, Исмаил Сохиббаев, Ниязбек Артыкбаев, Кулибаев и другие. В результате выборы не состоялись, а на должность волостного управителя был назначен угодный властям человек.

В конце декабря 1893 г. появилось несколько вооруженных отрядов, которые действовали в кишлаках Кокандского уезда, наводили страх на богачей и местной власти. 11 декабря отрядом было совершено нападение на дом Бувайдинского волостного Хамракулбая, а также его родственников. По утверждению волостного, нападавшие были безземельными дехканами этой волости. Сам волостной спасся, а его племянник мулла Кулдаш был убит. Дома нескольких баев были разгромлены (7.28-30).

По приказу военного губернатора туда был направлен военный отряд во главе с капитаном Бряновым. Этот отряд не только подавлял повстанцев, но и истреблял ни в чем не виновных дехкан. Схватив руководителей повстанцев: Раимкула, Каримберди и Усторузмата, военный губернатор приказал их расстрелять.

Суд вынес суровый приговор арестованным за выступления. 2 человека

были отправлены на каторгу на 20 лет; 2 – на 15 лет; 2 – на 12 лет; 4 – на 6 месяцев. Всего было 10 человек (8.69-71).

В октябре 1895 года в Кенгол-Каранирской волости Андижанского уезда в 6 аулах, после проведения выборов пятидесятников начались очередные «беспорядки» (9.54).

В отчете Ферганский губернатор в декабре 1895 года приводил данные, которые свидетельствовали о росте дехканских выступлений. Так, например, в Фергане было зарегистрировано в 1883 году – 35 беспорядков, в 1890 г. – 84, в 1895 г. – 135.

В 1895 году Кокандский уездный начальник в донесении военному губернатору сообщал: «Ограбления и поджоги домов имущих людей со стороны «бездомных» с каждым годом растут, ограбление совершается также со стороны безземельных людей...» «... если не примем строжайших мер, - продолжал он, - против этих неприятных явлений, то наш авторитет перед туземцами может оказаться шатким» (10.231-232).

Уездный начальник Маргиланского уезда также отмечал выступления коренного населения, в результате которых было убито 4 сельских старшины, сожжено 7 домов имущих людей, совершено нападение на пятидесятников в Яккатутской, Кувинской, Язьяванской, Файзиабадской, Алты-Арыкской волостях (11.58-59).

В феврале 1896 года в селениях Кувинской волости группа «неблаговидных» людей по ночам сжигала и грабила дома богачей. В частности, дехкане разграбили имущество Уста Салимбая, Каримбая, Мирзахалик Дустматбая (12.24).

Народные выступления заставили военного губернатора Ферганы принять необходимые меры, чтобы следить за настроениями населения. Начальникам уездов он приказал вести строгий контроль и учет безземельных и обездолженных и в каждой первой половине месяца сообщать о них окружному прокурору.

Но принимаемые карательные меры не могли остановить все нарастающее недовольство дехкан, их выступления продолжались: в 1896 году в районе Алты-Арыка действовал отряд из 70 повстанцев. В 1897 году жители Варзака, Коражида, Янги-

Сая, Заркента Маргиланского уезда категорически отказались платить подати и денежные сборы; жители кишлаков Пандиган, Ултарма, Бачкир, Ок-ер Кокандского уезда отказались платить земельные налоги. В Риштанской волости в селе Катпут был убит представитель администрации Смирнов Н.Н. и вместе с ним старшина села Каримберди Акбаев (13.54-56).

Особенно большой размах волнения приобрели в кишлаках Наманганского уезда. Так, в октябре 1897 г. в Чусте во главе с Абдукаримом Зияевым дехкане подняли восстание. К этому восстанию присоединились жители соседних кишлаков. Повстанцы уговаривали местное население не платить налоги, разграбили имущество нескольких баев и передали его бедным. Таких отрядов в уездах действовало немало (14.51-53).

Все выступления дехкан заканчивались поражением. Причиной тому было то, что все они были разрозненными. В силу ограниченности политического кругозора дехкане не представляли ясной цели борьбы и наивно надеялись устранить несправедливость при существующем режиме.

В 1898 г. произошло крупное народное движение, известное под названием «Андижанское восстание». В восстании принимали участие люди разных национальностей, подчас противоположных социальных групп, каждая из которых в ходе борьбы преследовала свои классовые интересы. Но основная движущая сила восстания – сельская беднота – боролась против невыносимого колониального гнета царизма и эксплуатации местных феодалов.

Колониальная власть называла повстанцев разбойниками, босоногими, бездомными. На самом деле повстанцы были представителями трудового дехканства. Они в своей стихийной борьбе выражали настроения и интересы бедноты.

В заключение следует отметить, что все эти народные выступления были направлены, прежде всего, против колониального режима. Однако, неорганизованность, отсутствие четкого сознания не позволили движению дехкан стать мощной силой. Однако, несмотря на поражение, выступления дехканских масс

имели огромное значение для дальнейшего движения, и не только в Ферганской долине, развития национально-освободительного но и во всем Туркестане.

**Литература:**

1. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане в конце XIX – начале XX веков. –Т.: Фан, 1969.
2. Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковая торговля и промышленность в Туркестане. –М.: 1926.
3. НА Уз. Ф.1, оп. 11, д. 1232.
4. НА Уз. Ф.1, оп. 22, д.84.
5. НА Уз. Ф.19, оп. 1, д.3089.
6. НА Уз. Ф.19, оп. 1, д.3619.
7. НА Уз. Ф. 19, оп. 1, д. 3166
8. НА Уз. Ф. 23, оп. 1, д. 5
9. Касымбеков К.Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX – начале XX веков. –Т.: Фан, 1978.
10. НА Уз. Ф.1, оп. 7, д.1600.
11. НА Уз. Ф.1, оп. 7, д.1606.
12. ЦГВИА РФ, Ф. 400, оп. 1, д. 1795.
13. ЦГВИА РФ, Ф. 400, оп. 1, д. 2234.
14. Сальков В.П. Андижанское восстание 1898 г. – Казань, 1901.

*(Рецензент: Б.Усмонов – доктор исторических наук).*

УДК: 338.3(575.1)

## ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС МЕНТАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

## ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ МЕНТАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ

## THE DISTINCTIVE MENTAL FEATURES OF OUR ENTREPRENEURIAL CULTURE

Ғаниев Алишербек Баходиржон ўғли<sup>1</sup><sup>1</sup>Ғаниев Алишербек Баходиржон ўғли- Фарғона давлат университети ижтимоий иш  
ўналиши талабаси.**Аннотация**

Мақолада тадбиркорлик маданиятининг тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва такомиллашуви илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадбиркорлик маданиятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий асосларининг шаклланишида миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳамда умминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги, миллий меросимизнинг аҳамиятини ижтимоий-маданий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

**Аннотация**

В статье проанализировано понятие предпринимательской культуры, его содержание и сущность, формирование и совершенствование ее специфических черт с научно-теоретической точки зрения. При формировании социально-экономических, культурных и правовых основ предпринимательской культуры. Предпринята попытка проанализировать с социокультурной точки зрения значение наших национальных традиций, обычаев, а также взаимосвязь общечеловеческих ценностей, национального наследия.

**Annotation**

This article analyzes the concept of entrepreneurial culture, its content and essence, the formation and improvement of its specific features from a scientific and theoretical point of view. When forming the socio-economic, cultural and legal foundations of entrepreneurial culture, an attempt was made to analyze the significance of our national traditions and customs, as well as the relationship of universal values and national heritage from a socio-cultural point of view.

**Таянч сўз ва иборалар:** тадбиркорлик маданияти, аксиология, миллий қадриятлар, умминсоний қадриятлар, анъана, одатлар, мерос.

**Ключевые слова и выражения:** предпринимательская культура, аксиология, национальные ценности, общечеловеческие ценности, традиция, обычаи, наследие.

**Key words and expressions:** entrepreneurial culture, axiology, national values, universal values, tradition, habits, heritage.

Тадбиркор муайян жамоа, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат-фаолият юритганлиги туфайли муайян муҳитда қарор топган ижтимоий, иқтисодий ва психологик шарт-шароитга тааллуқлидир. Шунинг учун булар миллий анъана, урф-одат, ўзбек халқига хос бўлган хусусиятларга мансуб маросим, тадбиркорлик фаолияти мазмунига тегишли бўлади.

Миллий урф-одат – бу, кишилар онгига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари, кўникмасидир. Ушбу миллий хусусият ота-боболардан қолиб келаётган ва ҳозирги замон кишиларига сингиб кетган ёки янгидан шаклланиб бораётган удум, тартиб-қоидаларда ўз

ифодасини топмоқда. Бу жараён кўпроқ ижтимоий-психологик хусусиятга эга. Кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта тонгда кўчаларни супуриш, меҳмон келса, уларга-иззат эҳтиром кўрсатиш кабилар миллий урф-одатларнинг бевосита кўринишларидир.

Миллий анъана узоқ вақт давомида, тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий талаб ҳамда эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида кишилар онгига синган (умум ёки маълум тарихий гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуидир.

Миллий маросим инсон ҳаётидаги муҳим ижтимоий воқеаларни ўз ичига олиб, тадбиркор маданиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ушбу талабга мос бўлган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтказиладиган, умум қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилинадиган муайян тартибдан иборатдир. Хусусан, фарзанд туғилса, исм қўйиш, суннат тўйи, никоҳ тўйи ва ҳоказолар миллий маросимларимизда тадбиркорлар бевосита иштирок этадилар. Шунингдек, ҳозирги даврда тадбиркор шахслар томонидан янги корхона очиши, фаолият бошланиши ёки маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳам маросим сифатида тақдим этилмоқда.

Бугунги кунда “анъана”, “одат”, “маросим” атамалари, шунингдек “тадбиркор” атамалари бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлиб кетган. Анъаналарнинг таркибий қисми миллий одат, одатнинг таркибий қисми маросим ва тадбиркорлик тақомили сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг бир-биридан кетма-кет келиб мазмун-моҳият жиҳатдан тўлдириб, айни бир вақтда сабаб ва оқибат тарзида келишини кузатиш мумкин. Тадбиркорлик жараёнида уларнинг ҳар бирини муносиб ўрни мавжуд. Хусусан, анъана муайян шароитда илгари амал қилиб келган тадбиркорлик (касб-хунар) удумларини давом эттиришни тақозо қилса, ворисийлик уни такомиллаштиради. Ворисийлик: моддий, ижтимоий ва маданий тараққиёт жараёнида янгилик билан эскилик объектив боғланиш, зарурий алоқа воситаси сифатида юзага чиқади, яъни тадбиркорлик фаолияти ана шу миллий тарихимиздан мерос бўлиб ўтиб келаётган анъаналарни ворис сифатида қабул қилиб олади. Бундай уйғунлик туфайлигина тадбиркорликнинг ижобий томонларини тасаввур қилиш мумкин. Зеро, тадбиркор шахсининг ўзи ва фаолияти ижодкорлик, изланиш, янгилини билан ҳарактерли хусусиятга эгадир. Шунингдек, умминсоний қадриятларга содиқлик замонавий тадбиркор маънавий маданиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини

ривожлантириш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтириш орқали амалга оширилмоқда. Бу борадаги вазифа мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс-комил инсонни, бўлажак тадбиркорларни тарбиялашдан иборат.” [1, 5]

Тадбиркорлик маданиятини ошириш учун жамиятимиздаги трансформацион жараёнлари, бутун жаҳонда сингари, республикамиздаги содир бўлаётган барча соҳалардаги глобаллашув тобора чуқурлашиб бораётганлиги мазкур соҳани ҳам ривожланишига туртки бўлмоқда. Бундай шароитда, содир бўлаётган ижобий - сифат, туб ўзгаришлар тадбиркорларнинг ижтимоий-маданий ҳаётида, инновацион ва мавжуд муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигида, юқори самара беришига қаратилган фаолият олиб боришда, умминсоний, миллий тамойилларга асосланган яҳлит бир ижтимоий-маданий тизим анъаналари, қонуни-қоидаларида намоён бўлишида кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда, тадбиркорлар фаолиятида шахсий ташаббус, асосланган таваккалчиликни мавжуд шарт-шароитлар тақозо этади. Бу жараён Ўзбекистоннинг очиқ, демократик жамият қуришдаги олиб бораётган янги ўзгаришлар(ислохотлар), яқин келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун жиддий ҳаракат бошланганлиги, бизнес, хусусан тадбиркорлар маданиятининг муайян даражада инновацион характерга эга бўлаётганлиги, ўз анъаналарига эга бўлган алоҳида ижтимоий-маданий синф сифатида мустақамланиши, мамлакат иқтисодиётининг тобора дунё хамжамияти билан муносабатлари чуқурлашаётганлиги, кенгайиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожланишида, ўзига хос трансформацион жараёнлар содир бўлмоқда. Мазкур ижтимоий-маданий феномен, тадбиркорликнинг ҳамма бўғинларида, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятининг янги, инновацион хусусиятга эга бўлган шалларида ўз аксини топмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган янги даврга хос бўлган, инновацион муносабат(хатти-ҳаракат)ни

шакллантириш, унинг аҳамиятини янада оширади, чунки тадбиркорлик маданиятини ёшлар дунёқарашида шакллантириш, уларнинг фаолиятларида ўз мавқеларини юқори даражага олиб чиқишига хизмат қилади, мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва маданий вазиятни яхшилайти, жамиятда баъзан учрайдиган коррупция ҳолатларига барҳам берадиган омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришга янада эътибор бериб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.” [2.] Шу билан биргаликда, янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари, жумладан оилавий бизнес аъзолари, яъни субъектлари жамиятда мавжуд бўлган, бюрократик, сансоларлик ҳолатлари, административ тўсиқларга учраш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Ушбу ҳолатлардан батомом қутилиш, уларни бартараф этиш фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар демократик ислохотлар натижасида қўлга киритилган виждон ва эътиқод эркинлигини тўғри қабул қилиб, маърифатдан “...инсонийлик, меҳр-

оқибат, ҳалоллик, яхшилик, меҳр-шафқат...” сингари ҳалқимизга азал-азалдан мансуб бўлиб келаётган инсоний фазилатларни ўзида гавдалантиришга интилмоқдалар. Инсон учун ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тўғри йўлни танлаши, ўзи танлаган касб-ҳунарлар билан эркин шуғулланиши, ҳалол меҳнат қилишга интилишида аждодлар ўғитлари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. БМТ Ривожланиш дастурининг таърифига кўра, “Инсонни ривожлантириш - одамларни танлаш имкониятини кенгайтириш жараёни билан боғлиқдир. Бундай танловнинг чексиз бўлиши ва вақт ўтиши билан ўзгариб бориши муҳим аҳамиятга эгадир. Агар инсонда бундай танловга имконият бўлмаса, у бошқа имкониятлардан ҳам фойдалана олмаслиги мумкин.” [5.]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорнинг илмий дунёқараши, ижтимоий қизиқишлари асосида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, фаолиятда руҳий ва моддий омиллар уйғунлигига эришиш, уни ўз куч-қудратига ишонтириш, жамоада соғлом маънавий муҳит яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда эскича метод ва усуллар, воситалардан фойдаланиш қутилаётган самара бермаслиги аниқдир. Бу ўринда тадбиркор шахс ёрдамида кичик меҳнат жамоасида самарали тарбиявий фаолият олиб бориш лозим. Зеро, ҳар бир жамоада тадбиркорнинг маънавий маданияти, шахсий ахлоқ мезонлари, маърифатга муносабати, ижтимоий-маданий соҳа тамойилларига мос маънавий-маърифий муҳит шаклланишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаати. (<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>)
  3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Унинг ўзи: Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Том 9. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
  4. Туленов Ж., Туленова К. Қадриятлар фалсафаси. – Т., 1998.
  5. <http://www.undp.org> сайти маълумотларига асосан.
- Б.С.Фаниев Ўзбекистонда тадбиркорлик маданиятининг юксалтириш омиллари. – Т.: Наврўз, 2018.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори)



ШАРЛОТТА БРОНТЕ ИЖОДИДА РАМЗЛАР ТАСВИРИ

ИЗОБРАЖЕНИЕ СИМВОЛОВ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ШАРЛОТТЫ БРОНТЕ

DESCRIPTION OF SYMBOLS IN CHARLOTTE BRONTE'S NOVELS

Мухаммедова Хулкар Элибоевна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Мухаммедова Хулкар Элибоевна

– Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,  
фалсафа доктори PhD, доцент.

**Аннотация**

Мақолада XIX аср викториан даври инглиз адабиёти вакиласи бўлган Шарлотта Бронте ижоди таҳлилга тортилган. Шарлотта Бронте ижодидаги рамзлар тасвири унинг асарлари мисолида очиб беришга эътибор қаратилган.

**Аннотация**

В статье анализируется творчество Шарлотты Бронте, английской писательницы викторианской эпохи XIX века. Изображение символов в творчестве Шарлотты Бронте раскрыто на примере ее произведений.

**Annotation**

This article focuses on XIX century Victorian period English writer Charlotte Bronte's novels. The depiction of the symbols in the works of Charlotte Bronte was revealed on the examples of her works.

**Таянч сўз ва иборалар:** аёллар насри, биография, рамз, қуш, табиат, асар.

**Ключевые слова и выражения:** женская проза, биография, символ, птица, природа, произведение.

**Keywords and expressions:** women prose, biography, symbol, bird, nature, novel.

Жаҳон адабиётида баҳсталаб мавзулардан бўлган аёллар насри ҳақида бугунги кунгача талай тадқиқотлар олиб борилаётганлиги сир эмас. Мазкур тадқиқотларда долзарб мавзу сифатида қайд этилган аёллар насри аввало унинг тарихи, ривожланиш босқичларини туб илдизларигача очиб беришни тақозо этади. Мақоламизда мана шундай аёллар насри давомчиси бўлган Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвирини таҳлилга тортамыз.

XIX асрнинг ўрталарида адабиётга кириб келган Шарлотта Бронте давр тақозосига кўра Кюрер Бэлл псевдоними билан танилди. Бронте феномени бўйича олиб борилган тадқиқотлар жуда катта ҳажмни ташкил қилади. Уларнинг барчасида адиба ижоди биографик метод асосида таҳлил қилинган.

Инглиззабон адабиётшунослар томонидан ўрганилган опа-сингил Бронтелар ҳаёти ва ижоди катта ҳажмга эга тадқиқотларни ташкил этади. XIX аср тадқиқотлари асосан опа-сингил Бронтелар биографияси аспектида ўрганилди. Уларнинг биографияси, хусусан, Ш.Бронте ҳаётини ўрганишда Э.Гаскеллнинг 1857 йилда ёзган “The Life of Charlotte Bronte” асари, шубҳасиз,

катта аҳамият касб этади. Мазкур китоб ҳозирги кунгача опа-сингил Бронтелар ҳаётини ўрганишдаги илк фундаментал ва фактларга бой тадқиқот ҳисобланади. “The Life of Charlotte Bronte, Шарлотта Бронтенинг ҳаёти”, деб номланган асар адиба вафот этганидан сўнг унинг отаси Патрик Бронте илтимосига биноан Э.Гаскелл томонидан яратилади [2,318]. Э.Гаскелл Ш.Бронтенинг яқин дугоналаридан бўлиб, улар тез-тез хат ёзишиб туришган. Мана шу сабаб айнан Э.Гаскелл адибанинг ҳаётини том маънода чуқур очиб бера олган. Э.Гаскелл асарида шахсий хатлар, кундалик, Бронтелар оиласининг дўстлари хотиралари каби ҳақиқий ҳужжатлардан жуда унумли фойдалана олган. Бу, асарнинг илмий қийматини кўрсата оладиган далилдир.

Асарда Э.Гаскелл Бронтелар оиласи ҳақида бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилади. Оила тарихини ирландларга бориб тақалувчи катта боболаридан бошлайди. Э.Гаскелл Патрик Бронте фарзандларига табиат ато этган ноёб истеъдодни очиб беришга уринади. Муаллиф асосий эътиборни опа-сингил ва аканинг кўп вақтларини уйда ўтказганлигига қаратади. Э.Гаскелл опа-сингил Бронтелар истеъдоди айнан тақдир томонидан берилган ноёб

тухфа уларда жуда кучли ва ўзига хос равишда ривожланганлигини таъкидлайди.

Опа-сингил Бронтелар биографиясини ўрганган ва янги тадқиқотларга йўл очиб беришга хизмат қилувчи В.Райтнинг “The Brontes in Ireland: Or, Facts stranger than fiction – Бронтелар Ирландияда ёки фактлар, хайратли фантазия”

[5,148] номли монографиясидир. Ўз монографиясида муаллиф оила биографиясини Бронтелар оиласига алоқадор турли тарихий фактлар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилади.

XX-XXI асрларда бундай тадқиқотлар салмоғи янада ортди. Жумладан, К. Шортер, В. Вульф, Е. Бенсон, Т.Вайс, Р.Вилсон ва кўплаб тадқиқотчилар кабилар тадқиқот олиб бордилар[3].

Монографиялар билан бирга тадқиқотчилар изланишларини акс эттирган тўпламлар ҳам яратилади. Ношир Я.Грегор томонидан нашр этилган “A Collection of Critical Essays – Танқидий мақолалар тўплами”, Ж.Онейл ноширлигида “Critics on Charlotte and Emily Bronte – Шарлотта ва Эмили Бронте ҳақида танқид” тўпламлари бунга яққол мисол бўла олади [4,270]. Турли йилларда яратилган катта ҳажмдаги тадқиқотлар мана шу шаклда опа-сингил Бронтелар ижоди ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

XX-XXI аср инглиззабон тадқиқотчилари Бронтелар ижодини турли ёндашувлар асосида ўрганишга уринишди. XIX ва XX-XXI асрларда адабиётшунослар опа-сингил Бронтелар ижодини асосан биографик метод асосида таҳлилга тортишди.

Шарлотта Бронте ўз асарларида рамзлардан унумли фойдаланибгина қолмай, уларни қўллаб, маҳорат билан тасвирлай олган. “Жейн Эйр” асарида қушлар тасвиридан унумли тасвирлаш услуби Томас Бэвикнинг икки томли “Британия қушлари тарихи” асари билан узвий боғлиқдир. Адиба Британия қуш турларини ўзида мужассам этган юздан ортиқ орнитологияга оид адабиётдан фойдаланган. Ёзувчининг учта – “Жейн Эйр”, “Шаҳарча”, “Виллет” асарларида қуш рамзларини акс эттиради. Хусусан, “Жейн Эйр”да жаноб Рочестер “аслзода бургут” бўлса, Жейн “чумчуқ”қа қиёсланади, “Шаҳарча”, “Виллета” асарларида эса олтмиш бешта орнитологик аллюзия

учрайди. Дастлаб қушлар табиат тасвирларида намоён бўлса, қуш рамзлари эса асар таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади.

“Жейн Эйр” асарида қуш рамзи эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни ифода этади. Бундай хусусият адибанинг қолган икки асарида деярли учрамайди. Адабиётшунос Тиллотсон адибанинг асарларида рамзларни қисман таҳлил қилади, аммо у қуш рамзларини эътибордан четда қолдирган. Орнитологик аллюзиялар Ж.В.Штедманнинг “Ш.Бронте ва Бэвикнинг “Британия қушлари”” асаридан бошланади. Аҳамиятга молик тарафи шунда эдики, юқорида таъкидланган “Британия қушлари” асари ёзувчининг сеvimли китобларидан бўлган. Фикримизнинг исботи эса бу “Жейн Эйр” асарининг илк саҳифасида айнан мана шу асар тилга олинади. Жейн қушлар мотивини асарнинг илк саҳифасида уларни таништиришдан бошлайди: “– Бэвикдан чексиз миннатдорман, мен жуда бахтлиман, ўз ҳаётимдан мамнунман” деб ҳикоя қилади. Жейннинг болалагида хурсанд қилган икки нарсанинг бири – бу чинни тарелкага жаннат қушлари тасвирини чизиш бўлса, иккинчиси мана шу чиннига безак беришда орттирган тажрибаси эди. Мана шу икки нарса Гэйтсхедда ўказган болалигида рўй берган илк хурсандчилик онлари эди.

Шарлотта Бронте асарларида қуш рамзлари қуйидагича кўринишда ифода этилади:

1. Қушлар табиат тасвирларида намоён бўлиши;

2. Қуш рамзлари инсон характерини ифодаловчи восита сифатида;

3. Қушлар бахт, муҳаббат ва ишончни ифода этувчи восита сифатида акс этади.

Жейннинг жияни бўлган Жон унга ҳам руҳан, ҳам жисмонан азоб берарди. Асарда бу қуйидагича ифода этилади: “ - ҳеч ким тўхтата олмасди уни у кабутарнинг бўйнини қайирди ва унинг болаларни ҳам ўлдирди”. [1,15] Жон Жейнни ҳақорат қилар ва бунга унинг синглиси Жоржиана ҳам қўшиларди. Иккаласининг олдида у нимжон ва кичкина эди. У Ловуд қизлар мактабига йўл олар экан, ўзига назар ташлаб: “attraction in the spectacle of a hungry robin - спектаклда ўзига жалб қилувчи оч ва нимжон тоғчумчуғи” деб ўзини ҳис қилади [1,30]. Торнфилдга гувернантка сифатида ишга таклиф қилинган

Жейнга жаноб Рочестер “ a curious sort of bird - ғалати қуш тури” [1,133] деб баҳо беради. Торнфилдга келиб қасрни айланар экан, Жейн учинчи қаватда жойлашган ётоқхона деворига илинган расмни куйидагича: “ old English hangings crusted with thick work, portraying effigies of strange flowers and stranger birds - эски инглиз услубида ишланган усти юпқа расмда ғалати гуллар ва қушларнинг тасвири” [1,102] тасвирлайди.

Асарда жаноб Рочестер уюштирган зиёфатда ҳам қуш рамзлари Жейн томонидан кенг талқин этилади. Жейн зиёфатга ташриф буюрган хонимларни кузатар экан: “ fluttering and waving plumes seems flock of white plummy birds- ҳилпираб турган рўмол ва жиға таққан хонимлар оқ укпарли қушлар тўдасини эслатарди”[1,163]. Жейн учун улар эркаклар олдида кўзга ташланмайдиган ҳамроҳлар эди. Бу ҳатто Ловуд қизлар мактабидаги жаноб Броклхерст атрофидаги туяқуш укпар ва жиғаларини тақувчи хонимларида ҳам учрайди. Грек антологиясига кўра, туяқуш ер юзидаги энг

фаросатсиз жонзот сифатида ифода этилади.

Жаноб Рочестер таклифига кўра зиёфатга келган аёллар Жейн назарида бу хонимлар типично эгоист, кеккайган ва бўш тафаккур шахс типини намоён этади. Аёллар орасида Бланше Ингрэм хақиқий аристократ намунаси эди. Мафтункор Бланше чиройли сочлари ва кўриниши билан меҳмонлар орасидаги қора қузғунни эслатарди. Жейн айнан Бланшени “қора қузғун - raven-black” [1,151] деб атайди. Жаноб Рочестернинг қариндоши бўлган жаноб Мэйсонни эса кўриниши ва муомаласига қараб “кучли лочин – fierce falcon” [1,181] сифатида тасвирлайди.

Асарда қуш рамзлари адиба томонидан маҳорат билан тасвирланади. Ҳар бир деталь ёки қаҳрамон сифатига қараб уларни қуш рамзлари орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Бу эса адибанинг орнитологияга бўлган қизиқиши жуда кучли бўлганлигини исбот қилади. Шарлотта Бронтенинг ҳар бир қушни диққат-эътибор билан ўрганганлигини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

1. Bronte Ch. Jane Eyre. Boston: Houghton Mufflin Company, 1959.
2. Gaskell E. C. The Life of Charlotte Bronte. London, 1857.
3. Shorter C. The Brontes and their circle. London, 1917, Woolf V. Jane Eyre and Wuthering heights. The Common Reader. London, 1925. P.196 – 204, Benson E. F. Charlotte Bronte. New York, 1932, Wise T. J. and Symington J. A. The Brontes: their lives, friendship and correspondence. London, 1932, Wilson R. All Alone: The Life and Private History of Emily Jane Bronte. Kessinger Publishing, LLC, 2003.
4. The Brontes: A Collection of Critical Essays: Critics on Charlotte and Emily. ed. by I. Gregor. – New York, 1970.
5. Wright W. The Brontes in Ireland; or, Facts stranger than fiction. London, 1894.

(Тақризчи: А.Қасимов – филология фанлари доктори).

УДК: 8-1/-9+398.23

## ФОЛЧИ ЁКИ РОМЧИ – КУЛГИ АСАРЛАРДАГИ ҲАЖВИЙ ҚИЁФАЛАРДАН БИРИ

## THE FORTUNE TELLER IS ONE OF THE HUMOROUS CHARACTERS IN COMICS

ГАДАЛКА ИЛИ ВОРОЖЕЯ ОДНА ИЗ ПАРОДИЙНЫХ ПЕРСОНАЖЕЙ  
ЮМОРИСТИЧЕСКИХ ПОИЗВЕДЕНИЙҲайитов Ҳамза Аҳмадович<sup>1</sup><sup>1</sup>Ҳайитов Ҳамза Аҳмадович– БухДУ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси  
мустақил изланувчиси.**Аннотация**

Мақолада фолчи, ромчи образлари ҳажвий-юмористик руҳдаги асарларнинг анъанавий ҳажвий қиёфаларидан бири сифатида ўрганилган.

**Аннотация**

В статье исследуются образ гадалки, ВОРОЖЕИ как одного из традиционных пародийных образов произведений в юмористическом духе.

**Annotation**

The article examines the images of a fortune-teller, romchi as one of the traditional humorous images of works in a humorous spirit.

**Таянч сўз ва иборалар:** фол, ром, фолчи, шомон, ҳажвий характер, кулги, ҳажвий асар, юмор, латифа.

**Ключевые слова и выражения:** гадание, ворожба гадалка, шаман, комический персонаж, смех, юмористическое произведение, юмор, анекдот.

**Key words and expressions:** divination, fortune teller, shaman, comic character, laughter, comic work, humor, anecdote.

Ҳажвий-юмористик руҳдаги асарларда юзлаб, минглаб ҳажвий қиёфалар ёритилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу эса бадиий ижод аҳлининг беқиёс поэтик маҳорат қирраларидан бирини намоён этади. Жаҳон адабиётидан бошланган бундай эстетик тажриба ўзбек адиблари ижоди учун ҳам хос муҳим белгилардан биридир. Жумладан, кўча-қўйда томоша уюштириб пул топувчи, фолбинлик билан лақма одамларни чув туширувчи фолчилар, ромчилар образидан маҳорат билан фойдаланиб, ҳажвий характерлар яратган ижодкорлар номи ўзбек адабиётида ҳам бор. Анвар Обиджон ҳам шундай адиблардан биридир. У яратган ҳажвий қаҳрамонлар орасида Умар Ҳайёмнинг ҳурматини ниҳоятда жойига қўядиган пиёниста, “уч ярим йилдан бери сип-силлиқ тул” сифатида ўзини радиобозорга солаётган “хотингадо”, “баъзи балчиқмиялар” ва “калласини ажриқ босганлар” билан киборлар оиласида тарбияланган зиёлиларча муомалани жойига қўядиган ромчи, уч соатли тарихий картинада қудуқ ёнидаги ўлик ролини ўйнаб

қўйиб, мактабма-мактаб ижодий учрашув қилиб юрган артист, “танишларига қўнғироқ қилиб, биридан Маман банкирнинг ити Вильгельм нима еб ўлганини, иккинчисидан хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан бугунги қийматини, учинчисидан Пирхон терговчининг қайнанаси қайси жиннихонада ётганини эзмаларча суриштириб” кун ўтказадиган бекорчи... сингари Бердимат, Оймамат, Гудирмамат, Майнахон, Зилзилахон, Машмашахон, Суробхўжа, Патийдин, Мўмин Итоатович, Гўга Гадович, Белла Қорамуллаевна, Луғатхўжаев, Дазмолов, Дарраев, Шавлаев, Мамашоти, Парриқ минғи, Алирафиқ, Жаббор мелиса, Мирзақанд найнов, Нашватий, Мишмишали, Уруғали, Ёмғирали исмли юзлаб қаҳрамонлар учрайди. Фолчи ва ромчи образининг ҳам адиб асарларида алоҳида ўрни бор. Айрим асарларда бўлгани каби Анвар Обиджон ҳам далиига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, адибнинг “Дардингни стадионда айт” асарида фолчи образидан маҳорат билан фойдаланилган.

Фолчилик шомонизмнинг бир кўриниши бўлиб, унда фолчи ўзини гўё рухий олам вакиллари билан мулоқотга киришгандай тасаввур қилади ва бунга бошқаларни ҳам ишонтиришга уринади. Бунинг учун у атрофидаги одамлар тушунмайдиган тилда гапиришга чоғланади. Мана шу туфайли Анвар Обиджон эшагини йўқотган Қурванақулнинг умид билан Оймамат фолчи эшигига келиши тасвирида нега айнан фолчи нутқини “Вақ!!!Вақ!!!” деган лексик маънога эга бўлмаган тақлид сўзлар билан бошлагани аёнлашади.

Шомонлар, одатда, кўзга кўринмас олам вакиллари билан кўзни юмиб турган ҳолатда мулоқот қилиш мумкин, деб қарашган. Шунинг учун Анвар Обиджон ҳам фолчи образини яратар экан, бевосита унинг кўзини юмиб турган аснода ўтиришига эътиборни қаратади. “Фолчи” шу ҳолатда бир дам жимиб қолиб, кейин яна ўзича “Ғавва-ғавва, ғавва-ғавва. Ғир-р, ғир! Ана... ана... кўряпман. Кўзи гўлайиб турибди” дея гудрана кетади.

Фоллар, одатда, турли мақсадларга қаратилган бўлади. Улардан ғойиб бўлган, ўғирланган нарсани топиш, касалга шифо, бахту тахтдан сўраш учун фол очтириш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Фол очишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Агар юқоридаги каби фол “ғойиб нарса” учун очилса, аввал унинг шакли аниқлаб олинган. Бу ҳақда асарда ҳам ишора бор: “Шунда Оймамат аста кўзини очиб: “Мана, керакли хайвоннинг шаклини аниқладик”, деб виқор билан дўранглаганида, Қурванақул: “Шакли эшакми, ахир?” – дея тоқатсизланиб питирлади”.

Фолчи Оймамат ҳамда фол очтирувчи Қурванақул ўртасидаги суҳбат асосига қурилган парча асар сюжетининг энг кулгили ўринларидан бирини ташкил қилган. Айниқса, айёр ва муғомбир, кўзбўямачи ва очкўз фолчининг сўзлари, хатти-ҳаракатлари сатирик кулгига, содда, эътиқоди сушт Қурванақул фаолияти эса юмористик кулгига асослангани билан асарнинг ҳажвий моҳиятини кучайтира олган.

Фолчилар, одатда, нима ҳақда фол кўриш кераклигини фол очтирувчидан ўсмоқчилаш орқали билиб олган. Бу ҳолатга ишора қуйидаги парчада акс этган: “Қурванақул умидворланиб: “Ўша менинг эшагим бўлиши керак, ҳақиқатанам кўзи лўппайганроқ”, дея типирчилай бошлади.

Содда Қурванақулни илинтираётганига ишона бошлаган Оймамат кўзи юмуқ ҳолда яна “кўрагон”ликда давом этиб: “Бошида иккита кулоқ кўриняпти...Орқасида битта дум...Тагида тўртта оёқ турибди...”, – дейди. Қурванақул эса уни: “Тўппа-тўғри топдингиз! Кулоғи иккита бўлса, айнан менинг эшагим!Ўша бир думли эшак меники! Қойилман, ака! Худди менинг эшагимни гапиряпсиз! Оёғи чинданам тўртта, ўзим санаб кўрганман! Энди, қаердалигини айтсалар бас, Нигериядан бўлсаям ушлаб келаман!” деб сир бой бериб қўяди. Мана шундан сўнг фолчи фол очтирувчини тўлиқ забт этганига ишонч ҳосил қилгач, ўз фолчининг ҳақини сўрашга киришади. Одатда, фол ҳақини сўраш кичик нарсдан бошланади. Оймамат ҳам фолига бир қизғиш бузоқ (сигир ёки хўкиз эмас) тушганини айтади. Ҳатто уни аниқ белгилари билан айтиб, Қурванақулни янада “сеҳрлай бошлайди”. “Қаншарида юм-юмалоқ оқ қашқаси бор. Менимча, у эшагингни кўрган. Шу бузоқни яйловдан топиб, олдимга ҳайдаб келсанг, қаттиқ тергов қиламан. Эшагингни ростданам кўрган бўлса, қайси ёққа кетганини айтади. Айтмай кўрсин-чи!” дейди Оймамат. Шу ўринда фолчининг билиб-билмай ўзини моллар тилида гаплаша оладиган “молдай” киши қилиб кўрсатиши уни бутунлай фош этиб, устидан сатирик кулги уйғотади.

Қурванақул эса Оймаматга жавобан: “Қимирламай ўтириб туриг, бузоқни ғиззилатиб опкелиш биздан”, дея ўрнидан кўзғалаётганида, Оймамат: “Тўхта!” деб уни йўлдан қайиради ва қўшимча қилади: “Бузоқни пок ҳолатда сўроқ қилишим керак. Уни йўлдаги ариқда яхшилаб чўмилтир. Эринмасдан туёқлариниям ярқиратиб ювгин”. Унинг бу таклифига ҳам “Хўп бўлади!” деганча, кўксига қўл босиб чиқиб кетаётган Қурванақулга ўчоқ бошида ивирсиб турган фолчининг хотини ҳам кутилмаганда гапга суқилиб: “Думига ёпишган қўйтиконларниям тозалаб қўяқолинг, иним”, – дейди. Аёлининг бу гапидан Қурванақулнинг анграйиб, аланглаб қолганини сезган фолчи хотинига зимдан ўқрайиб қўйиб, беўхшов тиржайганча Қурванақулга: “Анқайма, Қурванақул. Фолчилик бу опангга биздан озгина юққан. Майли, думиниям тозалаб қўявур”, дея гапни тўғрилашга уринади. [2. 94-95].

Анвар Обиджон яратган ҳажвий характерлар қаторида Парриқ-минғи ромчи, Қурмон ромчиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Парриқ-минғи ромчи тилидан шундай дейилади: “Балки, минг йил олдин ёзилгандир, – нохуш ҳидни сезгандек бурнини жийирди ромчи. – Балки, унданам олдинроқдир. Бувомнинг бувоси ачангни ачасигаям шу китобдан таъбир айтган бўлса, ажабмас” [3. 150]. Ушбу парча воситасида фолбинларнинг турли китобларга таяниб, фол очиш ҳаракатига ишора бор.

Анвар Обиджоннинг ўз латифа ҳикояларида фолчи образидан фойдаланиши тасодиф эмас. Чунки халқ латифаларида ҳам фолчи образидан ҳамиша фойдаланиб келинган. Масалан, халқ орасидан ёзиб олинган замонавий бир латифада шифокор “янги ўзбек”ка касали оғирлигини, бир йилгина умри қолганини айтгач, у фолбинга кириб маслаҳат сўрабди. Фолбин унга шундай маслаҳаб берибди: “Сен “Мерседес”ингни сотгин-да, ўрнига

“Запорожец” сотиб ол. Хотининг билан ажрашиб, гадойми, пиёнистами, шунга ўхшаганига уйлан. Уйингни сотиб шаҳар четидан кичик бир уйча ол”. “Шундай қилсам, узоқроқ яшайманми?” – дебди бемор. “Йўқ, ўша қолган бир йил умринг юз йилга татийди” [4. 146], – дебди фолбин.

Бу латифада ҳар қанча пулига ишониб мағрурланмасин, дард олдида ўзини ожиз сезган инсоннинг фолбиндан нажот излаши, унга ишонч билан мурожаат қилиши, фолбин эса унинг соддалигидан кулиши ифода этилган.

Хулоса қилиб айтганда, фолчи, ромчи билан оддий инсонларнинг суҳбатига асосланган фол мотивидан ҳажвий-юмористик руҳдаги асарларда ўта соддалик ва гўлликка муғомбирлик, айёрлик, ёлғончилик, алдамчилик, фирибгарлик туйғуларини зидлантириш мақсадида фойдаланилгани кузатилади. Айниқса, “фол ҳақи” сўраш тасвири орқали очкўзлик, текинхўрлик иллатлари кескин фош этилади.

#### Адабиётлар:

1. Амонов У. Фитратнинг “Арслон” драмасида фол мотиви. – Бухоро мавжлари (адабий-бадий, ижтимоий-маърифий журнал). – Бухоро. – 2013. – № 3.
2. Обиджон Анвар. Дардингни стадионда айт (ҳажвиялар, ҳангомалар). – Т.: Зиё нашр, 2019.
3. Обиджон Анвар. Олтиариқ ҳангомалари. Ҳажвия ва ҳангомалар. – Т.: Маънавият, 1999.
4. Сиз ким бўласиз? Латифалар. Ҳангомалар. – Т.: Шарқ, 2008.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

**ТИЛЛАРДА СОМАТИК СЎЗЛАР ИШТИРОКИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

(Немис, ўзбек, рус тилларидаги "hand", "қўл", "рука" – сўзлари асосида)

**ФОРМИРОВАНИЕ В ЯЗЫКАХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ С СОМАТИЧЕСКИМИ СЛОВАМИ**

(На основе слов «hand», «қўл», «рука» в немецком, узбекском и русском языках)

**THE FORMATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH SOMATIC WORDS IN LANGUAGES**

(Based on the words "hand", "қўл", "рука" in German, Uzbek and Russian)

**Умаржонова Гўзал Мухторовна<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Умаржонова Гўзал Мухторовна**

– Фаргона давлат университети, гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада турли тиллардаги соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг қандай шаклланиши, олимларнинг турли тиллардаги соматизмларнинг таърифи, луғат бойлигининг кўпайишидаги ўзгаришлар, ҳозирги кунда ушбу масалалар долзарб бўлиб келаётганлиги ҳақида сўз юритилиб, фразеологизмларнинг таҳлили немис, ўзбек, рус тиллари орқали берилмоқда.

**Аннотация**

В статье рассматривается формирование фразеологизмов с участием соматических слов в разных языках, определение соматизмов в разных языках, изменения словарного запаса языка, которые в настоящее время обсуждаются в немецком, узбекском и русском языках.

**Annotation**

The article discusses the formation of phraseological units with the participation of somatic words in different languages, the definition of somatisms in different languages, changes in the vocabulary of the language, which are currently being discussed in German, Uzbek and Russian languages.

**Таянч сўз ва иборалар:** фразеологизм, соматизм, луғат бойлиги, метафора, метонимия, структура, стилистика, лексик тизим, маъно, кўчим, парспротата, идентификатор.

**Ключевые слова и выражения:** фразеологизм, соматизм, словарный запас, метафора, метонимия, структура, стилистика, лексическая система, значение, переносность, парспротата, идентификатор.

**Key words and expressions:** phraseologism, somatism, vocabulary, metaphor, metonymy, structure, stylistics, lexical system, meaning, shift, parsprotata, identifier.

Тилларнинг луғат бойлигини йилма-йил бетўхтов кўпайиб бориши жаҳон тилшуносларининг доимо диққат марказида бўлган. Бу борада турли тиллар натижалари асосида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозирги кунда эса бу масала ўта долзарб масалага айланди. Чунки, баъзи бир тараққий этган тиллар луғат фонди миллионлаб янги бирликлар билан бойитилмоқда. Фан ва техниканинг шиддатли ривожига ҳар дақиқада янги-янги кашфиётларни ижод қилмоқда. Албатт, ҳар қандай янгилик янги сўз ёки ибораларнинг "туғилиши"га олиб келади. Ушбу янги "туғилган" сўз, термин, атама ва иборалар ўз навбатида лингвистик таҳлил қилишни тақозо этади. Маълумки, тилнинг луғат бойлиги асосан икки йўналиш имконияти

натижасида бойиб боради. Биринчиси, албатт, тилнинг ўз ички имконияти орқали, яъни тилнинг структурал-семантик хусусиятлари асосида, иккинчиси эса тилдан ташқари, яъни, экстралингвистик жиҳатлар ёрдамида ўзга тиллар таъсирида ўзлаштириш орқали.

Биз ушбу мақоламизда тиллардаги сўз ва иборалар бойлигининг кўпайиши тилларнинг ички ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган фразеологизмлар шаклланиши тўғрисида фикр юритамиз. Сўз ясалишида ҳар бир тилнинг бир қатор ўз ички имконияти мавжуддир. Масалан, янги сўзларни суффикс ва аффикслар орқали кўшма сўзлар яшаш орқали ёки метафорик ёки метонимик кўчимлар орқали ҳамда шу каби бир қатор ўзга имкониятлари мавжуд.

Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш керакки, тил луғат бойлигининг кўпайишидаги ўзгаришлар асосан лексик бирликлар сатҳида олиб борилди. Бидамизки, тилнинг луғат бойлиги нафақат лексик бирликлардангина ташкил топган, балки ҳар қандай тилда минглаб турғун сўз бирикмалари мавжудки, улар ҳам луғат бойлигининг бир қисмини ташкил қилади. Улар, яъни, турғун сўз бирикмалар хусусида ўтган асрнинг иккинчи ярмида ҳамда сўнгги 20-30 йил мобайнида дунё тилшунослари томонидан бир қатор фундаментал ишлар олиб борилди. Тиллардаги фразеологик иборалар тавсифланди, бир қатор монографиялар ва диссертациялар ёзилди, бир, икки ва кўп тилли фразеологик луғатлар тузилди. Лекин, шу билан бирга фразеологик ибораларнинг шаклланиш жараёни, уларнинг тилдаги луғат бойлигини оширишдаги аҳамияти ҳали-ҳануз алоҳида тадқиқларга тортилмаган. Дарвоқе, тиллардаги фразеологик ибораларнинг қандай тарзда шаклланиши уларнинг луғат бойлигида тутган ўрни, уларнинг семантик-стилистик хусусиятлари атрофлича ўрганилмай келаётир. Бу борада қуйидаги саволларга ҳам тўлиқ жавоб олинган эмас:

- Фразеологик иборалар нима сабабли ёки қачон тилларда пайдо бўлган?

- Лексик бирликлар орқали ифода этилмайдиган қандай ҳолатлар иборалар орқали тўлдирилади?

- Фразеологик ибораларнинг шаклланишида иштирок этган сўзлар – компонентларнинг роли, вазифаси ва аҳамияти қандай даражада?

- Фразеологик бирликларнинг вужудга келишида қандай лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар мавжуд?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фразеологик иборалар тилда иккинчи бор шаклланаётган номинал бирликлардир. "[5.110-бет] Шу боисдан ҳам улар структураси ва семантикасида юз бераётган ўзига хослик алоҳида изланишни тақозо этади. Юқорида қўйилган саволлардан келиб чиққан ҳолда биз, ушбу мақоламизда тилларни соматизмлар ёрдамида қандай тарзда фразеологик ибораларнинг шаклланиши ҳақида фикр юритамиз.

Даставвал, икки оғиз "соматизм" атамаси ҳақида сўз юритсак. Маълумки, ушбу атама қадимги юнонча "σῶμα" (сома)

сўздан келиб чиққан бўлиб, у "тана" деган маънони англатади. Ҳозирги замон тилшунослигида мазкур атама турли тадқиқотлар томонидан гоҳо кенг, гоҳо тор маъноларда қўлланилиб келаётир. Бизнинг назаримизда немис тилшуноси С.Штаффелднинг соматизмга берган таърифи содда ва аниқ ифодаланган: "Somatismen (oder auch: somatische Phraseologismen) sind relativ feste polylexikalische sprachliche Einheiten mit mindestens einer Körperteilbezeichnung als einer ihrer Konstituenten"[1.456], яъни соматизмлар соматик фразеологизмларда турғун қўлланивчи тил бирлиги бўлиб, унинг таркибида тананинг камида бир қисмини ифодаловчи компонентлардан ташкил топган.

Дарвоқе, рус тили соматик фразеологизмлари ҳақида тадқиқотлар олиб борган олим Р.М.Вайнтраубнинг таъкидлашича, ҳар қандай тилнинг фразеологик таркибининг 30 фоизини соматик фразеологизмлар ташкил қилар экан[2.51-55]. Бизнингча, ушбу кўрсаткич соматик фразеологизмларни атрофлича, турли тиллар материаллари асосида таҳлил қилишни талаб этади. Бизнинг назаримизда, соматик фразеологизмларнинг юзага келиши, биринчидан, лексик тизимдаги семантик бўшлиқни тўлдириш бўлса, иккинчидан тана қисмларининг инсон ҳаёти, меҳнат фаолияти, турмуш тарзида ролининг аҳамиятлилигидир. Шу нуқтаи назардан, улар барча тиллар учун универсал ҳодиса сифатида эътироф этилади, гўё тилнинг пайдо бўлишидаги паралингвистик элементларнинг давомийлиги сақланиб қолгандай. Зеро, соматик фразеологизмлар кўпроқ инсон ҳис-туйғуларини, атроф-муҳитга бўлган муносабатини ифодалайди. Шу боисдан ҳам инсоннинг кундалик турмуш тарзида кўп қўлланиладиган тил бирликларидан биридир. Бунга сабаб, профессор Л.И.Ройзензоннинг фикрича, «соматизмлар ички шаклга эга, яъни, фразеологик маъно ва унинг компонентнинг ҳақиқий қиймати ўртасида боғлиқлик мавжуддир»[3.54-63]. Чунки, тана қисмлари ёрдамида қилинган ҳаракатлар, имо-ишоралар, мимика, ҳиссиётлар, кўриш, эшитиш, овқатланиш, инсон ташқи кўриниши ва шунга ўхшаш бир қатор бошқа ҳолатлар тасвири фразеологик маънонинг



шаклланишида асосий ролни касб этади. Мисол учун, немис тилида - "Hand", ўзбек тилида - "Қўл", рус тилида - "Рука" лексемалари иштирокидаги фразеологизмлар таҳлили профессор Л.И.Ройзензоннинг фикрини тасдиқлайди. Немис тилидаги:

- "jmdm. rechte Hand sein",
- фразеологизми ўзбек тилида:
- "бировнинг ўнг қўли бўлмоқ",
- рус тилидаги
- "быть правой рукой кого-л" [4.487]

каби айнан ўхшаш ибораси мавжуд.

Маъно ва шакл жиҳатдан бир хил бўлган ушбу фразеологизмларнинг шаклланишида албатта, инсон учун ўнг қўлнинг аҳамиятли бўлганлиги фразеологик ички боғлиқлиги ташкил қилади. Лекин бу образли кўчим, яъни, "қўл" – parsprototo – бутунликка айланмоқда – кимгадир қадрли, ишончли қурол, шахс сифатида.

Ушбу тушунча ўзининг лексик идентификаторидан, яъни, "ёрдамчи, ишончли" сўзларидан ўзининг маъно кенглиги қўшимча семаларга стилистик бўёқдорлиги билан фарқланади. Шу боисдан ҳам тилларнинг семантик "дунё"сидан ўз ўрнини эгаллаган.

Қуйидаги немис, ўзбек ва рус тилларидаги фразеологик иборалар юқорида таъкидлаган фикримизни тасдиқловчи асос бўлиши мумкин:

- *alle Hände voll zu tun haben* – жуда банд бўлмоқ – *быть занятым по горло*.

- *eine milde / offene Hand haben* – сахий, очикқўл бўлмоқ – *быть щедрым*.

- *aus erster Hand* – биринчи қўл – *из первых рук*.

Шундай фразеологик бирликлар борки, уларни оддий бир сўз билан тилларда ифодалашнинг имконияти йуқ. Масалан:

- *mit leere Händen gehen* – бўш қўл билан қайтмоқ – *уйти с пустыми руками*;

- *etw. leichter Hand machen* – бирор нарсани осонлик билан бажармоқ – *сделать что-л. с лёгкостью*;

- *aus freier Hand verkaufen* – эркин нархда сотмоқ – *продавать по свободной цене*;

- *unter der Hand kaufen* – яширин тарзда сотиб олмоқ – *купить из под полы(тайком)*;

- *eine Hand wäscht die andere* – сиздан угина, биздан бугина – *рука руку моет*.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, турли тиллардаги соматик фразеологизмлар тадқиқи назарий тилшуносликдаги кўплаб масалаларни ёритишда ўз аҳамиятига эга. Биринчидан, тиллардаги иккинчи номинациялар универсал хусусиятларини очади, иккинчидан, ҳар бир тилнинг ўзига хослигини аниқлашга хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Staffeld S., „Körper-Sprache: Zur Motiviertheit von Körperteilbezeichnungen in Phraseologismen“. In: Sprachwissenschaft, 33. 2008.
2. Вайнтрауб Р.М. О соматических фразеологизмах в русском языке / Р.М. Вайнтрауб // Лексические единицы русского языка и их изучение. – Ташкент, 1980. – С. 51–55.
3. Ройзензон Л.И., Абрамец И.В. Совмещенная омонимия в сфере фразеологии // Вопросы языкознания // 1969, №2.
4. Большой фразеологический словарь русского языка. Значение. Употребление. Культурологический комментарий / Под ред. В.Н.Телия. М.: АСТ-Пресс книга, 2006.
5. Умархаджаев М.И. Тил илми уммониға қўшилган томчи. Илмий мақолалар. -Т., 2013. // "Основы фразеологии", Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. –М., 1981.
6. „Deutsch-russisches Wörterbuch“. -М., 1971 / Под ред. А.А.Лепинг, Н.П.Страхова.
7. Duden „Redewendungen und Sprichwörter“, Redensarten: Wörterbuch.
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1978.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))

УДК: 42/48+572+81.373

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНТРОПОНИМЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

## COMPARATIVE ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH ANTHROPONYMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ С АНТРОПОНИМОМ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Галимуллина Луиза Талгатовна<sup>1</sup><sup>1</sup>Галимуллина Луиза Талгатовна

–Фарғона давлат университети, инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

В статье проведён анализ фразеологизмов английского и узбекского языков с антропонимом. В данную статью включены обороты и выражения английского языка с антропонимом библейского происхождения, а также фразеологические единицы, в которых имя собственное заимствовано из священных писаний Корана.

**Аннотация**

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларининг антропоним компонентли фразеологик бирликлари таҳлил қилинган. Ушбу мақола инглиз тилидаги келиб чиқиши Инжилдан бўлган антропоним компонентли иборалар билан бир қаторда таркибида Қуръон оятларидан олинган атоқли отлар мавжуд фразеологик бирликларни ўз ичига олади.

**Annotation**

Phraseological units of the English and Uzbek languages with an anthroponym component are analyzed in the article. Expressions of the English language with a component of an anthroponym of biblical origin, as well as phraseological units from the scriptures of the Koran proper names have been included in the article.

**Таянч сўз ва иборалар:** фразеологик бирликлар, антропоним, этноним, Инжил фразеологизмлар, дунё лисоний манзараси.

**Ключевые слова и выражения:** фразеологические единицы, антропоним, этноним, библейские фразеологизмы, языковая картина мира.

**Key words and expressions:** phraseological units, anthroponym, ethnonym, biblical phraseological units, linguistic world picture.

Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологиясини қиёсий ўрганиш бўйича қилинган ишларда кўпинча фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига асосий эътибор қаратилган. Ушбу мақолада фразеологизмларнинг тарихи ва манбаларини қиёсий ўрганиш хусусиятидан келиб чиқиб, антропонимлар, этнонимлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар энг муҳим омил сифатида таҳлилга тортилди. Мазкур фразеологизмлар гуруҳи дунёнинг лисоний манзараси ва тил соҳибларининг миллий характерини кенг очиб бера олиши, фразеологик бирликларнинг тарихи ва келиб чиқиш манбаларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Ўзбек халқи ислом динига эътиқод қилгани учун, асосан, Қуръони Карим персонажларидан ўзлаштирилган фразеологик бирликлар учрайди. Шу билан бирга инглизча-ўзбекча учта фразеологик параллеллар борлиги ҳам эътиборга олинди. Муқаддас Қуръони Каримдан ўзлаштирилган атоқли от компонентли фразеологик бирликлар куйидагиларни ташкил этди.

Қуръони Каримга мурожаат қилар эканмиз, энг биринчи ўринда атоқли отлар туркумига “Аллоҳ” номини қўямиз. Аллоҳ – Аллоҳнинг тўқсон тўққиз номининг энг буюги ва биринчиси бўлиб, Қуръон ва ҳадиси шарифларда, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти ҳақидаги эпизодларда кўп бор тилга олинади. Аллоҳ номи идентификатив

вазифани бажариб, ягона Яратганга ишора қилади. Араб тилидаги “Аллоҳ” номининг маъноси инглиз тилидаги “Худо” номидан чуқурроқ. Арабча “Аллоҳ”нинг ўзи Ягона Яратувчи, деб талқин қилинади.

Тўплаган маълумотларимиз асосида учта мутлақо Қуръондан олинган инглиз-ўзбек фразеологик параллель борлиги аниқланди. Инглиз тилида: “Glory to Allah” – Оллоҳга ҳамд-санолар бўлсин. If the mountain will not come to Mahomet (Muhammad), Mahomet (Muhammad) must go to the mountain – агар жуда узоқ кутган ишингиз амалга ошмаётган бўлса, кутиб турмасдан ўзингиз ташаббускор бўлинг ва ҳаракат қилинг. Listen for the wings of Azrael – (сўзма-сўз таржимаси: Азроил қанотларини эшитиш) ўлим яқинлашаётганини ҳис қилиш. Азраил (Израил) – диний эътиқодларига кўра, Азроил тўрт фариштаннинг бири бўлиб, унга одамларнинг жонини олиш топширилган.

Ўзбек тилида “Аллоҳ” номи билан боғлиқ фразеологик бирликлар энг катта миқдорни ташкил қилади. Масалан, Оллоҳнинг иродаси; билгувчи ёлғиз Оллоҳ; Оллоҳ баракасини берсин; Оллоҳнинг амри билан; Оллоҳнинг суйган бандаси. “Сабр таги Раҳмон, Шошган иши шайтон”. (Раҳмон – Оллоҳнинг исмларидан бири, шайтон – одамларни дин йўлидан оздирувчи, гуноҳ ишларга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ, иблис). “Сабр – Раҳмондан, Куфр – шайтондан”.

Азроилнинг бир турки бўрида – мазкур мақолда ваҳшийлик тимсоли бўлмиш бўри Азроилга ташбиҳ этилган ва бу, ҳаётда раҳм-шафқат деган нарсани билмайдиганларга нисбатан қўлланилади. “Мол молга етгунча, Азроил жонга етади” – мазкур мақол билан: “Молимга мол қўшиб кўпайтираман, бой бўламан, дегунингча Азроил жонингга етиб қолади, яъни умринг ҳам охир бўлиб, тугаб қолади. Бас, шундай экан, мол-дунё орттираман деб уриниб, жонингга жабр қилма, кишига саломатлик керак, кўп молпараст бўлма”, деган маънода насиҳат қилдилар [5,234]. “Азроилни кўргандай, ранги оқариб кетди” – бу ибора билан “жуда кўрқиб кетган” дейилмоқчи.

Қуръонда, бундан ташқари, “Одам алайҳиссалом”, “Исо алайҳиссалом” номлари ҳам келтирилган. Ўзбек тилида “Одам” номи билан боғлиқ фразеологик бирликлар: Одам Атонинг фарзандлари;

Одам билан одам тенгму, Арис билан Бодом тенгму? – (Арис – Чимкент шаҳри яқинидан ўтадиган кичик бир дарё – Сирдарёнинг ирмоғи, Бодом – Чимкент шаҳри ичидан ўтадиган анҳор). Вар.: “Одамийнинг насли бирдир, Бир-биридан фарқи бордир”. Бу мақол билан: “Ҳаётда дўсту биродар, умр йўлдоши танлайдиган, биров билан яқин муносабатда бўладиган бўлсанг, у одамнинг кимлигини, қандайлигини, яхши ё ёмонлигини обдан суриштир, бил, сина. Негаки, одамларнинг ҳаммаси ҳам бирдай бўлавермайди: бири яхши бўлса, бири ёмон бўлади”, деган маънода насиҳат қилиб, огоҳлантирадилар [5, 254]. “Отам ўғлиман дема, Одам ўғлиман де”. Қуръони Каримдан олинган яна бир исм: “Момо Ҳавонинг қизлари”. Ёки яна бир мисол, “Исоқаям ўз йўлида, Мусоқаям ўз йўлида”. Исо мусулмон, Мусо (Моисей) эса яҳудий пайғамбар. Улар тутган йўл ноёб, бир-биридан фарқ қилар эди ва иккаласи ҳам ўз йўллари муносиб, деб билдилар. Юқоридаги ибора билвосита маънода шундай фикрни ифодалайди: “бировнинг шахсий ҳиссиётига тегма ва “сеники нотўғри, меники тўғри”, деб баҳслашма, барибир фойдаси йўқ. Чунки ҳар кимнинг ўз тутган йўли, ҳаётга қарашлари ўзига тўғри бўлиб туюлади” дейилмоқчи.

Ўзбек тилида Қуръони Каримдан олинган яна бошқа номлар ҳам бор. Масалан, “Абу Жаҳл” – Муҳаммад алайҳиссаломнинг душмани. Масалан, тарвузнинг аччиқ, тахир нави “Абу Жаҳл”. Лут пайғамбар қавми; кўзлари Валфожир ўқийди; Исрофил сури – сигнал, тез ўзгаришлар ҳақидаги хабар; Нуҳ замонидан қолган; Биби Майрам; Иблис; Аюб пайғамбарнинг сабри; Юсуф пайғамбарнинг хусни ва бошқалар.

Инглиз тилида Инжил фразеологизмларнинг энг қадимий ва муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Л.Смит “Инглиз тили фразеологияси” номли асарида “юз йиллар давомида Инжил инглиз халқи томонидан кўп ўқиладиган китоб бўлиб қолмасдан, балки инглиз тили идиоматикасининг бойишига ҳисса қўшган ва алоҳида сўзлар, бутун идиоматик иборалар инглиз тилига кириб келган”, дея таъкидлайди [4,110].

а) инглиз тилида Одам исми билан боғлиқ фразеологик бирликлар: Adam’s apple – қалқонсимон без; Adam’s rib’s–Одам атонинг

қовурғаси, аёл кишига ишора; begin with Adam (with the creation) – энг бошидан бошлаб тушунтириш; the old Adam – қариган одам; the curse of Adam – яшаш учун пул топиш зарурияти; Adam's profession – қишлоқ хўжалигига оид барча ишлар; Adam's ale – (шот. Adam's wine) – ҳазил-мутойиба, сув; Adam's ale is the best brew – бир қултум тоза сув ҳар қандай доридан аъло; not to know a man (somebody) from Adam – кимнидир умуман танимаслик; as old as Adam ribs – жуда қари; one's outward Adam – ҳазил. Йўқликка равона бўлган тана; the faithful Adam – садоқатли, эски қул.

Инглиз тилида Исо Масиҳ номи билан боғлиқ фразеологик бирликлар: beg somebody for Christ (Jesus) sake – Исо Масиҳ номи билан ялиниш, сўраш; Christ be with you! Исо Масиҳ сенга ёр бўлсин, омад тилаш маъносига; Christ is my witness! – Исо гувоҳ, рост сўзлаётгани ҳақида қасам ичганда; For Christ's sake! – Исо ҳақиқига деб садақа сўраш. Бундан ташқари, Balaam's ass – Валаам эшаги, яъни жим турадиган, итоаткор, бирданига эътироз билдириб, қаршилиқ қиладиган, қайсарлик қиладиган, ўз фикрини айтадиган одам. The (brand) mark of Cain – жиноят изи, бармоқ излари; to raise Cain (ёки raise Hail Columbia ёки raise Ned, ёки амер. raise Jack) – Каинни хочламақ, яъни жанжал, шовқин кўтармоқ, сўкинмоқ; David and Jonathan – икки ажралмас, қалин дўст; the daughter of Eve (Eve's daughter) – Момо Ҳавонинг қизи, ушбу маънода: аёл киши, қиз бола. Gog and Magog – даҳшатга соладиган одам, 2) бири биридан бадтар; ўзбек тилида: Ажуж-Мажуж - (Қуръони

Каримнинг Каҳф сурасида келтирилган ҳикоя. Шайх Аловуддин Мансур таржимаси). Wandering Jew – бир умрлик жуҳуд; дарбардарлик билан кун кечирувчи, ҳеч қачон хотиржамлик топмайдиган одам. As patient as Job – Иов; жуда сабрли одам. Aron's rod – ажойиб бир ўзгариш; sham Abraham – ўзини касалга солиш; call in Beelzebub to cast out Satan – Вельзевулани (ёрдамга) шайтонни ҳайдаш учун чақирмоқ; Daniel come to judgement – адолатли, зукко ҳакам; Jacobs ladder – 1) о-з. катта нарвон; 2) Арқонли (денгизда) нарвон, вант-трап; 3) drive like Jehu – ҳазил гап, машинани жуда тез ҳайдамоқ; the daughter of Jezebel – 1) жиноятчи, юзсиз аёл; 2) уятсиз, ёки қўпол пардоз қилган аёл. Egyptian darkness – зулмат, жуда қоронғу; a good Samaritan – меҳрибон Самаритан. Ушбу иборанинг маъноси: яхши амалларни кутиш амримаҳол бўлган одамнинг раҳм-шафқатли бўлиши.

Инглиз ва ўзбек тиллари материалларини қиёсий таҳлил қилиш, инглиз тилида бадиий адабиёт қаҳрамонларининг номи ва уларнинг гаплари билан боғлиқ фразеологик бирликларнинг ўзбек тилига нисбатан кўпроқ учраши маълум бўлди. Ўзбек тилида ушбу гуруҳга мансуб ибораларнинг жуда кам учраши аниқланди. Шунинг учун бу соҳада тадқиқотларни давом эттиришга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга тадқиқотимиз ўзбек тилида антропонимлар билан боғлиқ фразеологизмларнинг тематик луғатини ишлаб чиқиш заруриятини ҳам кўрсатиб берди.

#### Адабиётлар:

1. Бирих А.К., Мокиенко В.М., Степанов Л.И. Русская фразеология: Историко-этимологический словарь. Изд. 2-е. Испр. и дополн. – М.: Издательство Астрел, 2006.
2. Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: дисс. канд. филолог. наук. – М., 2003.
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2019.
4. Смит Л.П. Фразеология английского языка / Перевод с англ. – М.: Учпедгиз, 1959.
5. Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2018.
6. Oxford Dictionary of Idioms Second edition / Siefring Judith. — New York: Oxford University Press Inc., 2004.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD)

МОРФЕМИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВАЗИФАСИГА КЎРА ТАСНИФЛАНИШИ

КЛАССИФИКАЦИЯ МОРФЕМНЫХ ЕДИНИЦ ПО ФУНКЦИЯМ

CLASSIFICATION OF MORPHEMIC UNITS ACCORDING TO FUNCTION

Аҳмаджонов Илҳомжон Тоҳиржон ўғли<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Аҳмаджонов Илҳомжон Тоҳиржон ўғли

–Фарғона давлат университети таянч докторанти.

**Аннотация**

Мақолада морфемик бирликларнинг вазифасига кўра турлари, қўшимчалар таснифидаги ўзгаришлар ёритилган. Сўз ясовчи, муносабат шакллари, луғавий шакл ясовчи морфемаларнинг номланишига изоҳлар берилган.

**Аннотация**

В статье описаны изменения в классификации типов, суффиксов по функциям морфемных единиц. Даны пояснения к наименованию словообразовательных, реляционных форм, лексико-образующих морфем.

**Annotation**

This article describes the changes in the classification of types, suffixes according to the function of morphemic units. Explanations of naming of word-forming, relational forms, lexeme forming morphemes are given.

**Таянч сўз ва иборалар:** морфема, аффикс, синтактик шакл ясовчи, муносабат шакллари, деривацион морфема.

**Ключевые слова и выражения:** морфема, аффикс, средство образования синтактической формы, формы отношения, деривационная морфема.

**Keywords and expressions:** morpheme, affix, syntactic forms forming means, forms of relations, derivational morpheme.

Морфемик бирликлар ўзбек тилида маъноси, вазифаси, шакл ва маъно муносабати, таркибига кўра турларга бўлинади. Морфем таҳлил олиб борилаётганда дастлаб унинг вазифаси эътиборга олинади. Лекин бу таснифланишда ўзак (етакчи морфема) ҳеч қайси таснифда ўрганилмайди. Чунки лексикология бўлимида бунга батафсил тўхталиб ўтилган. Шунинг учун етакчи морфема, яъни лексема алоҳида мустақил тил бирлиги ҳисобланади.

Морфемик бирликлар дейилганда, асосан, аффикслар эътиборга олинган, бироқ айрим лексик маъноси бўлмаган ёки гап ичида луғавий маъносини йўқотган бирликлар ҳам олимлар томонидан морфемик майдонга тортилган. Аммо морфемик бирликларнинг вазифасига кўра турлари таснифида мазкур бирликларга фикр билдирилмаган. “Табиатан систем-структур ҳодиса бўлган тил ва унинг морфем қурилиши тасвирида синтетик морфем воситалар қатори аналитик морфем воситалар, оралиқ, ёрдамчи воситалар ҳам ўз ўрнини ва изоҳини топиши керак” [1,14].

Биз ҳам ушбу мақолада фақат аффикс ҳолидаги морфемик бирликларга

эътибор қаратдик. Олимлар морфемаларни вазифасига кўра қуйидагича таснифлашган: 1. Сўз ясовчи қўшимча. 2. Шакл ясовчи қўшимча. 3. Сўз ўзгартувчи қўшимча.

Ўзак ёки негизга қўшилиб, унинг маъноси билан боғлиқ бўлган, янги лексик маъноли сўз ҳосил қилишда иштирок этадиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимча дейилади: боғбон, боғдорчилик, мардона, тузла.

Сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмай, унга қўшимча маъно қўшадиган ёки унинг грамматик хусусиятини ўзгартирадиган қўшимчалар шакл ясовчи қўшимчалар дейилади: қизча, Салимахон, каттароқ, ўнта, айтилган, ёпилмаган каби.

Сўзнинг бошқа сўзларга муносабатини, алоқасини кўрсатадиган, унинг гапда маълум гап бўлаги вазифасини бажаришини таъминлайдиган қўшимчалар сўз ўзгартувчи қўшимчалар дейилади: совғам, совғанг, совғаси; боғда, боғни, боғдан; олганман, олгансан каби” [2,58].

“Шакл ясовчи аффиксларга феълнинг равишдош, сифатдош, отлардаги кўплик, тартиб сон шакли, феъл нисбатлари шакли, сўзларни кичрайтириш ва эркалаш

маъносини ифодаловчи аффикслар ва бошқалар киради”[3,45].

“Сўз ўзгартувчи аффиксларга эгалик, келишик ва тусловчилар (феъллардаги шахс-сон аффикси) киради”[4,46].

“Шакл ясовчи аффикслар янги сўз ҳосил қилмайди, маъносини кескин равишда бошқа қилиб юбормайди, балки ҳар хил оттенкалар орттиради, модификация қилади. Ясовчилар лексик маъно билан боғланса, булар грамматик маънога эга бўлади”[4,83]. Шунинг учун сўз ясовчи қўшимчаларни грамматик қўшимча деб бўлмайди. Улар лексик маъно билан боғланади. “Шакл ясовчилар кичрайтириш, эркалаш, чегаралаш, камлик, ошириш, кучайтириш, гумон, тахмин, эмоционаллик кабиларни билдириш – асосий маънога шуларни қўшиш билан характерланади”[5,83]. Шакл ясовчи аффикслар сўзнинг лексик маъносига эмас, грамматик маъносига таъсир қилади. Янги луғавий бирликнинг пайдо бўлиши юзага келмайди. Сўзга грамматик шакл сифатида қўшилади ва грамматик маъно ифодалашга хизмат қилади.

Олимлар томонидан аффиксларни таснифлаш турлича ҳолатни юзага келтирган. Айнан бир қўшимчанинг икки хил номланиши ёки икки хил вазифада келиши унга, яъни аффиксларга қайси тамойил асосида ёндашганлиги билан изоҳланади. Юқорида баён этилган шакл ясовчилар, сўз ўзгартувчилар кейинги давр тилшунослигида бошқа атама билан номлана бошланди. Олимлар дастлаб аффиксларни маъно ва вазифасига кўра учга бўлишган бўлса, ҳозирги таълим жараёнида иккига бўлиб ўрганилмоқда. “Қўшимчалар вазифасига кўра икки турли бўлади: а) сўз ясовчи қўшимчалар; б) шакл ясовчи қўшимчалар” [6,24]. Шакл ясовчи қўшимчалар ўз ичида яна иккига бўлинган: а) луғавий шакл ясовчи; б) синтактик шакл ясовчи. Луғавий шакл ясовчи атамаси шакл ясовчи термини билан алмашган бўлса, сўз ўзгартувчи термини синтактик шакл ясовчи атамаси билан алмашди. Синтактик шакл ясовчи атамаси ўрнида муносабат шакллари термини ҳам қўлланади.

Мактаб дарслигида луғавий шакл ясовчи қўшимчалар сирасига “отлардаги кўплик, эркалаш, кичрайтириш, ўрин ва пайтга хосликни ифодаловчи, қарашлилиқ, сифат ва равиш даражалари, соннинг

маъновий гуруҳларини ҳосил қилувчи шакллар, феълнинг вазифа шакллари, нисбат, бўлишсизлик кабилар киритилган” [6,26].

Муносабат шакллари сифатида эгалик, келишик, шахс-сон, замон, майл, боғлама кўрсатилади.

Академик лицей ўқувчилари учун чиқарилган дарслиқда шакл ясовчи қўшимчалар “синтактик муносабат ифодалаш ёки ифодаласлигига кўра икки гуруҳга бўлинган” [7,115].

Мазкур дарслиқда муносабат шакллари деб эгалик, келишик, шахс-сон киритилган, холос. Замон, майл, исмларни кесимга хословчи шакллар четда қолган. Бу аффикслар ҳам сўзларни боғлашга хизмат қилади. Алоқага киритиш даражаси келишик, эгалик сингари фаол бўлмаса-да, сўзларни кесим сифатида шакллантириши бор нарса. Сўз кесим сифатида шаклландан кейин, албатта, эга билан алоқага киришади. Боғлама, майл, замон шаклларида бундай ҳолат кузатилади. Масалан:

*Навоийнинг зурриёдими,*

*Хоразмий авлодими,*

*Юртга тикиб ҳаётими,*

*Асрагаймиз биз*

*ватанни.*

(А.Собиров)

Ушбу парчада зурриёд, авлод сўзлари боғлама қўшимчаси билан шаклландан. Биринчи шахс кўпликдаги эгани ўзига тобелантириш лаёқатига эга бўлди. Тўғри, мазкур парчада эга ифодаланмаган бўлса ҳам, боғлама қўшимчасига қараб бунинглаш мумкин. Бундай ҳолат шахс-сон қўшимчасида ҳам юз беради, яъни эга ифодаланмаслиги мумкин, бироқ ўрни сезилиб туради.

Шавкат Раҳматуллаев морфемаларни вазифасига кўра қуйидагича таснифлайди: “Морфемалар бажарадиган вазифасига кўра дастлаб лексема ясовчи ва шакл ҳосил қилувчилар деган икки гуруҳга бўлинади”[8,117]. Ҳозирги мактаб дарслигида ҳам шундай тасниф мавжуд. Фақат атамаларда ўзгачалиқ мавжуд. Лексема ясовчи атамаси ўрнида сўз ясовчи термини ишлатилади. Кўпроқ амалий тилшуносликда лексема ясовчи атамасига қараганда сўз ясовчи терминидан фойдаланилади.

“Шакл ҳосил қилувчи морфемаларнинг вазифаси – мавжуд

лексемага қўшилиб, унинг турли грамматик шакллари ҳосил қилиш. Шакл ҳосил қилувчи морфемалар ўз навбатида икки хил: шакл ясовчилар ва шакл ўзгартирувчилар”[8,118]. Шакл ясовчи тушунчаси ўрта таълим муассасаларида, яъни тилнинг амалий ўрганилиши жараёнида кенгроқ маъно касб этади. Мазкур атама ўрнида луғавий шакл ясовчи термини юритилади. Шакл ясовчи сўз ясовчига зид тарзда қўйилади. Сўз ясамаган ҳар қандай қўшимча шакл ясовчи ҳисобланади. Олимнинг шакл ҳосил қилувчи қўшимчаларни иккита гуруҳга ажратиши тўғри. Бироқ шакл ясовчининг ичида яна шакл ясовчи атамасини қўллаш бироз ғализликни, атамалардаги шаклдошликни юзага келтирган. Шакл ўзгартирувчи термини ўрнида ҳозирги кунда синтактик шакл ясовчи кенгроқ қўлланилади.

“Шакл ясовчилар лексемага бошқа бир лексема билан синтактик боғланиш туфайли эмас, балки объектив воқеликка кўра маълум грамматик маънони ифодалаш талаби билан қўйилади. Шакл ўзгартирувчи морфема лексемага бошқа бир лексема билан боғланиш туфайли бирикади ва ўша лексеманинг табиатига кўра танлаб қўйилади. Шакл ўзгартирувчи морфема синтактик вазифа бажаради, дейиш қисмангина тўғри. Масалан, келишик морфемаси синтактик вазифа туфайли қўйилади, синтактик вазифа кўрсаткичи ҳисобланади. Нисбатловчи (эгаллик қўшимчаси) ҳам шакл ўзгартирувчи, лекин синтактик вазифа кўрсаткичи эмас” [8,118]. Олимнинг мазкур фикрлари қўшимчаларни олган сўзларнинг синтактик вазифаси жиҳатидан олиб қаралган. Синтаксис фақат гап бўлақларининг текшириш объекти эмас. Унда сўз бирикмаси, гап ҳам ўрганилади. Бунда эгаллик қўшимчаси ўз вазифасига эга. Сўзларни тобе ҳокимлик муносабатида эгаллик шакли фаол иштирок этади. Эгаллик аффиксининг гапда синтактик вазифа ифодаласлиги қўшимчаларнинг қўшилиш ўрнига ҳам боғлиқ. Эгаллик қўшимчаси муносабат шакллари ичидаги асосга энг биринчи бирикувчи бирлик. Бу ҳолатда синтактик муносабатни, албатта, эгаллик юзага келтирмайди. Агар эгаллик қўшимчасидан сўнг бошқа ҳеч қандай келишик шакллари келмаса, бу аффикс ҳам синтактик вазифани бажариши мумкин.

Олимларнинг сўз ясовчидан бошқа қўшимчалар ҳақидаги фикрлари бир-биридан фарқланишни юзага келтирмоқда. “Шакл ясовчи қўшимчалар ўз хусусиятига қараб икки турга бўлинади: 1) категориал шакл ясовчилар; 2) нокатегориал шакл ясовчилар.

Категориал шакл ясовчи қўшимчалар сўзларнинг ўзгариши билан боғлиқ бир бутун системани ташкил қилган грамматик шакллари ҳосил қилади ва улар маълум грамматик категорияларга, парадигмаларга бирлашади. Жумладан, от ва отлашган сўзларга хос грамматик сон, эгаллик ва келишик шаклини ясовчи қўшимчалар; феълларга хос шахс-сон шакллари, замон шакллари ва улар билан боғлиқ майл шакллари ясовчи қўшимчалар категориал шакл ясовчи қўшимчаларга киради” [9,155]. Аффиксларни уларнинг бажарадиган вазифасига қараб таснифлашда уларнинг категория ташкил қилиш ёки қилмаслиги аҳамиятга эга эмас. Чунки грамматик категория сифатида сон шакли, феъллардаги нисбат шакллари, бўлишли-бўлишсизлик кабилар ҳам ўрганилади, лекин уларнинг вазифаси сўзларни боғлаш эмас. “Муайян маъно умумийлиги остида бирлашган ва ўзаро бу маънонинг парчаланиши, хусусийлашуви асосида зидланадиган шакллар системаси грамматик категория ҳисобланади” [9,144]. Демак, қўшимчаларни грамматик категория томонидан унинг бажарадиган вазифасига қараб ажратиш тўғри бўлмайди. Грамматик категория бошқа тушунчани билдиради, синтактик шакл ясовчи бошқа тушунчани ифодалайди.

“Морфемалар функционал-семантик хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- 1) деривацион морфема;
- 2) грамматик морфема.”

Деривацион морфема сўзга қўшилиб, янги сўз ҳосил қилади. Янги сўз янги луғавий ва грамматик маънога эга бўлади”[9,122].

Деривацион морфемани содда қилиб айтсак, сўз ясовчи. Бу ерда атама ўзгарган, холос, қоида ва мисоллар бир хил.

“Грамматик морфема асосий хусусиятига кўра учга ажратилади:

- 1) луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема;
- 2) синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема;

3) луғавий-синтактик шакл ясовчи морфема.

Луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема лексема луғавий маъносини нутққа мослаштириш вазифасини бажаради. Масалан, китоб лексемасининг семемасида бирлик ва кўплик маъноси номаълум. Сон луғавий шакл ясовчиси бўлган –лар уни кўплик томон мойиллаштиради. Бу морфеманинг ўзига хос тури луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема бўлиб, луғавий маънони муайянлаштириш, нутққа хослаш билан бирга (келган), (ўқиғач), сўзни синтактик алоқага киритади: ўқиғач бола, ўқиғач гапирмоқ” [9,122]. Мисолларда келтирилган –ган ва –гач аффикслари ҳам синтактик муносабатни, ҳам сўзга грамматик маъно бериш вазифасини бир пайтда бажармоқда, деган хулосани келтириб чиқаради. Агар мазкур фикрларни инобатга оладиган бўлсак, бундай ҳолатларни сўз ясовчи қўшимчаларда ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, куз лексемаси кийим лексемаси билан ҳеч қандай воситаларсиз боғлана олмайди. Куз лексемасига –ги сўз ясовчи қўшимча қўшилгандан сўнг улар ўзаро боғлана олади. *Кузги кийим*. Ёки

*мақтан бола* бирикуви на мазмунан на грамматик томондан боғланди. *Мақтанчоқ бола* бирикувида мазмунан боғланиш мавжуд. Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда яна бир янги терминни тилшуносликка олиб кириш мумкин. Бироқ бу, ўлчамнинг, қўшимчаларнинг энг характерли таснифига мос келмайди. Қўшимчаларнинг вазифасига кўра таснифлашда асосий мезон сифатида белгиланган меъёрлар хиралашиб қолади. Бир пайтнинг ўзида битта морфема, яъни қўшимча турли хил вазифаларни бажариши мумкин, лекин бу ҳолат ҳамма тил бирликларида кузатилади. Мана шундай ҳолатларни аралаштириб юбориш натижасида тилда турли хил мунозарали, баҳсталаб фикрлар юзага келмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг тилни соф ҳолда тушунишларига бироз салбий таъсир қилмоқда.

Демак, морфемаларни вазифасига кўра ўзига хос хусусиятларини алоҳида-алоҳида ёритиш, уларни бирлаштирувчи ва фарқли ҳолатларини изоҳлаш орқали чалкаштирмаслик, аниқ хулосага келиш мумкинлигини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

1. Мирзақулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
2. Асқарова М, Қосимова К., Жамолова Ҳ. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи. 1976 .
3. Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. -Т.: Ўқитувчи, 1972.
4. Ўзбек тили грамматикаси. II том. - Т.: Фан,1975.
5. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д. Тасвир. 6-синф.. – Т.,2017.
6. Ҳозирги ўзбек адабий тили. А.Нурмонов ва бошқалар. Ўқитувчи. – Т., 2015.
7. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет, 2006.
8. Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили (морфемика, сўз ясаши, морфология). – Т., 2009.
9. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан, 2006.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)



МАНГУЛИККА ДАХЛДОР СЎЗ

СЛОВО О ВЕЧНОСТИ

A WORD ABOUT ETERNITY

Саидакбарова Муқаддас Муҳаммадраҳимовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Саидакбарова Муқаддас Муҳаммадраҳимона – ҚДПИ, ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада ўзбек мумтоз шеърятининг атоқли намояндalarидан бири Увайсий ижодига ижтимоий воқеликнинг лирик ифодаси, анъана ва ўзига хослик, бадиий маҳорат масалалари хусусида сўз боради.

**Аннотация**

Статья посвящена лирическому выражению социальной реальности, традиции и самобытности, художественному мастерству в творчестве Увайси – одной из самых известных представителей узбекской классической поэзии.

**Annotation**

The article deals with the issues of lyrical expression of social reality, tradition and originality, artistic mastery in the works of Uvaysi, one of the famous representatives of Uzbek classical poetry.

**Таянч сўз ва иборалар:** ижтимоий ҳаёт, лирик кечинма, анъана, ўзига хослик, бадиий маҳорат, ижодкор муносабати.

**Ключевые слова и выражения:** общественная жизнь, лирическое переживание, традиция, своеобразие, художественное мастерство, отношение автора.

**Key words and expressions:** social life, lyrical experience, tradition, originality, artistic skill, author's attitude.

Жамият тараққиётида ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоддан маълум томонлари билан озми-кўпми фарқ қилади. Лекин инсоният учун энг муқаддас бўлган ватан, ҳақиқат, эзгулик, адолат, гўзаллик туйғуси ҳамиша табаррук анъана сифатида авлоддан-авлодга кўчаверади. Қудратли ва сеҳрли сўз санъати бугунги кунларимизга, дамларимизга, давримизга мангулик ато этади. Келажак авлодлар поэтик сўзнинг қудрати натижасида ҳар бир даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеликдан, халқ ҳаёти ва тақдирдан, кишилиқ дард-ташвиши ва ўй-фикрлари, севинчларидан воқиф топади.

Қўқон адабий муҳитининг ёрқин намояндalarидан бири бўлган Жаҳонотин Увайсий ана шу шарафли, аммо масъулиятли миссияни удалай олган сўз санъаткоридир.

Шоиранинг Қўқон адабий муҳити таъсирида ёзилган шеърларида мавзулар кўламида бойиш, хулосаларни етарли ва пухта бадиий умумлаштириш, ҳаётни кенгроқ камраб олиш ва теранроқ акс эттириш, ташқи ва миллий адабий анъаналардан ижодий фойдаланиш, шакл ва мазмун соҳасида бойиб бориш ва жанр жиҳатидан ўсиш кузатилади [1,301].

Бу даражага эришиш, албатта, осон бўлмаган. Аммо мушкулот ва муаммолар Увайсийнинг иродасини бука олмаган. Шунинг учун ҳам шоира бир шеърда “йиқилган курашга тўймас” деган халқ иборасидан келиб чиқиб, муҳаббатга ташналиқ унинг кўйида йиқилганларни ҳамиша оёққа турғазаверади, мазмунидаги лирик лавҳани жонлантиради:

**Келди муҳаббатинг кўйи, туштим юзим тубан –**

**Ҳар ким йиқилса, тўймади ҳаргиз курошқа** [4,158].

Бу мисралар муҳаббат мавзусида бўлса-да, инсонни курашишга, матонатга ундовчи лирик чорлов ҳамдир.

Дунё ўткинчидир, ҳар бир жон тириклик айвонида бир лаҳзалиқ меҳмондир.

**Увайсий эътиқод оламга қўймоқлик хатоедур –**

**Келибсан ушбу дунё ичра, билсанг, мисли меҳмони** [4,171].

Жаҳонда эзгу номгина боқий қолиши мумкин. Шундай экан, ғурур ва ҳавойилиқ нимага керак? Мумтоз адабиётимиз тарихида ана шу фалсафий муаммо қайта-қайта қаламга олинган, бадиий-фалсафий талқин этилган. Бинобарин, мумтоз

адабиётимизнинг ўлмас сиймоларидан бири бўлган Увайсий ҳам бу борада ўз ҳукмини айта олган сўз санъаткоридир. Аввало, маънавий етукликнинг биринчи белгиси бўлмиш хокисорлик ва камтарлик ўзбек адабиётида Аҳмад Яссавий томонидан тараннум этилган.

**Аҳли аёл, қариндош,  
Ҳеч кимса бўлмас йўлдош.  
Мардона бўл, ғариб бош,  
Умринг елдек ўтаро.**

Увайсий ҳам пири комил Аҳмад Яссавий анъаналарини ривожлантиради, дунёвий, илоҳий мазмунни кучайтиради, янги босқичга кўтаради:

**Вайсий жаҳондин ўтти, муродиға  
етмади,  
Тўймоққа расм йўқдур қорин суйган ошқа** [4,158].

Дунё ўткинчилиги, умр бебақолиги, на мол-дунё, на мансаб ва амал абадий эмаслигини уқтириш орқали шоира кишиларни фурсатдан унумли фойдаланишга, эзгу амаллар билан яшашга даъват этади. Лирик кечинмалар билан бирга ижтимоий масалаларни ҳам ғазал таркибига сингдиради:

**Харидор ўлдум ул “Наҳну  
қасамно!”да сенга, дилбар,  
Замон аҳлини ҳам деб, солма кўп  
ҳуснингни бозора.**

Айрим тушкун кайфиятдаги лирик асарлар ёзган бўлса-да, шоира позициясини таркидунёчиликдан фарқлаш лозим. У ҳамиша халқ орасида бўлди. Оддий одамлар кўнглидаги гапни айтди. Золимлар билан келиша олмади. Жабрдийдаларнинг ёнини олди, натижада ўзи ҳам турли тоифадаги жоҳилларнинг нафрат ва исканжасига, жабр ва хўрликларига дучор бўлди. Ориф инсон, комил зот сифатида дунёга келишдан мақсад нима эканлигини тушунишга уринди, англаганларини шеърларига сингдирди:

**Шукр айла, Увайсий, бу жаҳон шоду  
ғамиға,  
Пешонаға не келгуси – тақдири  
қаламдин** [4,121].

Шу каби оташин мисралар орқали шоир улуғ аждодларимиз, хусусан, Алишер Навоий анъаналарини муваффақиятли давом эттиради, шу билан бирга ана шу анъаналарини ўз замонаси руҳига

яқинлаштириб, янги-янги образли ўхшатишлар билан бойитади:

**Увайсий бошини халқ айлаған кимдурки,  
хор этма,  
Чу помол айламакда ваҳм қил  
Парвардигорингдин.**

Байт муаллифи бу ерда лирик қаҳрамонни илоҳийлаштириб, уни Оллоҳ яратганига ишора қилар экан, инсонни оёқости қилиш яратгучига қарши бориш билан баробардир, деган хулосани олға сурмоқда.

Юқоридаги фаслларда ҳам таъкидлаганимиздек, Увайсий лирикасида дунёвий муаммолар илоҳий масалалар билан уйғунлашиб кетади. Биз унинг асарларини ўқир эканмиз, шоиранинг лирик қаҳрамони реал воқелик ҳодисаларини қаламга ола туриб, бизни руҳий-фалсафий уфқлар сари етаклаб кетади. Баъзи ўринларда лирик қаҳрамон ёрни шоҳга ўхшатиб, бечоралар ҳолидан бефарқ қолмасликка даъват этади. Маълумки, тасаввуфий истилоҳларга кўра, фанолик – йўқликка юз тутиш демакдир. Фано бўлмоқ учун эса нафсни ўлдирмоқ керак. Ўзликни англашнинг биринчи шартларидан бири ҳам шу. Қолаверса, биз дунёга назар солмоқ билан унинг бандига айланамиз. Бинобарин, дунё молига кўз солмоқлик, унга меҳр қўйиш бизни фақру фано неъматларидан айиради.

Кўринадики, Увайсий тараннум этаётган ғоявий-фалсафий хусусиятларнинг калитини топмоқ учун тасаввуф тарихидан, унинг етакчи ғояларидан ҳам хабардор бўлиш зарур.

Увайсий ижодида дилозор бўлмаслик, инсон кўнглини ноҳақ ранжитмаслик ҳақидаги ўғитлар ҳам кўплаб учрайди. Зеро, умумшарқ адабиётида кўнгил дахлсизлиги, унинг Оллоҳ мулки эканлиги ҳақидаги қарашлар жуда қадимга бориб тақалади. “Май ич, масжидни буз, аммо инсон кўнглига озор берма!” сингари даъватлар, “дилозордан худо безор” қабилдаги мақоллар замирида ҳам ана шу ғоя ётади. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий буни қуйидагича лирик ифодалаган эди:

**Кимки бир кўнгли бузуғнинг  
хотирин шод айлағай,  
Онча борким Каъба вайрон бўлса  
обод айлағай!**

Шоира Увайсий ҳам Навоий анъаналари изидан бориб, ана шу ахлоқий ўғитни ғазалларидан бирида санъаткорона баён этади:

**Ғариб кўнглуми билгунгдурурки –  
Байтуллоҳ,  
Бу сўз била ани икром айла, айланайин**  
[4,125].

Шунинг учун ҳам бу ҳаётий масалани бирор қалам соҳиби – сўз устаси четлаб ўтмаган, десак муболаға бўлмайди.

Тил ва дил бирлигидан имон юзага келади. Тил бошқа-ю, дил бошқа бўлса риё ва мунофиқлик майдонга чиқади. Ҳатто энг муқаддас машғулот, ибодатга ҳам риё аралашса, инсон ташқи кўринишдан тақводор кўриниб, маънавий олами таназзулга учраса, мол-дунё дардида атрофдагиларни алдаса – бу, Увайсий лирик қаҳрамони учун чидаб бўлмас ҳолдир. **Намозинг фосид эрмиш, зоҳидо, дўзахни ваҳмидин,  
Қариби ломакондур, ул муҳаббат бирла мамнунман.**

Юқоридаги намунада биз сўз юритаётган риёкорлик ва мунофиқлик хусусида сўз бормоқда. Имон – тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашдир. Увайсий лирик қаҳрамони талқинига кўра эса, зоҳиднинг ташқи хатти-ҳаракати ва ўзига зеб бериши орқали унинг тубан маънавий олами очиб берилмоқда. Чунки у Ҳақ васли йўлида эмас, дўзахга тушиш ваҳмидан саждага бош қўймоқда. Увайсий лирик қаҳрамони эса масжид деворига сажда қилишдан кўра Ёр

қоши меҳробидан ўлгунча бош олмасликни афзал кўради:

**Эл сажда қилур масжид девориға ҳар дам,  
Ўлгунча бош олмон, қоши меҳробинга қулман** [4,115].

Шунга ўхшаш маънавий-маърифий ғоялар, ахлоқий қарашлар шунчаки панд-насихат тарзида эмас, чуқур лиризм, юксак бадий бўёқларда берилиши шоира ижодининг қимматини янада юксалтиради. Аммо Ҳақ гапни айтиш ҳам осон эмас. Ҳар кимса ўзи тутган йўлни тўғри деб ҳисоблайди. Дунёи фонийни нақд, охиратни насия деб қаровчи гумроҳлар эса ҳар бир даврда, ҳар қандай замонда ҳам тўлиб-тошиб ётади.

Увайсийнинг лирик қаҳрамонини эса Ҳақ йўлдан қайтариб бўлмайди. У ҳамиша ўз эътиқоди ва маслаги йўлида собитдир:

**Маъшук аҳлидин васл рамзини сўрсам ўлдирур, сўрмасам ўлам,  
Дардни аҳлиға ишқ дўконини қурсам ўлдирур, қурмасам ўлам** [4,102].

Шоира ўз ижодида Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги ўзигача бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирди, ривожлантирди, янги босқичга кўтарди. Шунинг учун ҳам Увайсий нафақат тасаввуф таълимотининг нақшбандия тариқатига мансуб йирик сиймо, балки ҳаётни севишга, умрни мазмунли ўтказишга, эзгулик учун курашишга даъват этувчи ажойиб асарлар яратган адабиётимизнинг ёрқин намояндаларидан бири бўлиб қолди.

#### Адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: 1980.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1993
3. Комилов Н. Тасаввуф. (1-китоб). –Т.: 1996.
4. Увайсий. Мазмун маъдани. –Т.: 2010.
5. Қайюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. –Т., 2011

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)

УДК: 821.0: 398

**КАРЛ РАЙХЛ – ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ ТАРЖИМОНИ ВА ТАДҚИҚОТЧИСИ****КАРЛ РАЙХЛ – ПЕРЕВОДЧИК И ИССЛЕДОВАТЕЛЬ УЗБЕКСКОГО ФОЛЬКЛОРА****KARL REICHL – TRANSLATOR AND RESEARCHER OF UZBEK FOLKLORE****Қаландарова Дилафрўз Абдужамиловна<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Қаландарова Дилафрўз Абдужамиловна** –*Низомий номидаги ТДПУ, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.*

**Аннотация**

Мақолада Карл Райхл ўзбек фольклоршуносларининг илмий ишларидан кенг фойдаланган ва ўз тадқиқотларида уларга инглиз ва немис тилларида кенг муносабат билдирган таниқли туркшунослардан бири эканлиги, унинг ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси сифатида фаолияти, немис ва инглиз тилларида амалга оширган таржималари, яратган илмий тадқиқотларининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, тузилиши ҳақида фикр юритилган. Жаҳон фольклоршунослигида ўзбек фольклорига қиёсий ёндашув асослари ҳамда усуллари Карл Райхлнинг инглиз тилидаги таржима ва тадқиқотлари мисолида аниқланган.

**Аннотация**

*В статье приведены сведения о Карле Райхле как об из известном тюркологе, использовавшем труды узбекских фольклористов на английском и немецком языках. Также даётся информация о его деятельности переводчика и исследователя узбекского фольклора, его переводах на немецкий и английский языки, сути и содержания исследований и их структуре. На примере английского перевода и исследования Карла Райхла выявлены основы и методы сравнительного подхода к узбекскому фольклору в мировом фольклоре.*

**Annotation**

The article informs about Karl Reichl as one of the well-known Turkologists who used the works of Uzbek folklorists in English and German languages. His work as a translator and researcher of Uzbek folklore, his translations into German and English, the content of his research and its structure are described. The foundations and methods of a comparative approach to Uzbek folklore in the world folklore are identified in the example of Karl Reichl's English translation and research.

**Таянч сўз ва иборалар:** фольклор, ўзбек фольклори, Карл Райхл, таржимон, таржима, тадқиқотчи, эпос, турк эпоси, достон, бахши.

**Ключевые слова и выражения:** фольклор, узбекский фольклор, Карл Райхл, переводчик, перевод, исследователь, эпос, тюркский эпос, дастан, сказитель.

**Key words and expressions:** folklore, Uzbek folklore, Karl Reichl, translator, translation, researcher, epos, Turkic oral epic, dastan, bakhshi.

